

80/84
Ф62

ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИ

(Методист олима Туйғун Ниязметованинг 70 йиллигига
бағишланган илмий мақолалар тўплами)




FF0000006470

ТОШКЕНТ - 2007

101
Ф 62

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ
МАСАЛАЛАРИ



011339 / 29

ТДПУ

Мазкур илмий мақолалар тўплами Тошкент Давлат педагогика университети “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси методист олимаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, педагогика фанлари номзоди, доцент Туйғун Расуловна Ниязметованинг 70 йиллигига бағишланган. Тўпламга кирган мақолаларда, асосан, таълим босқичларида ўзбек тил ва адабиёт ўқитишнинг долзарб масалалари кенг ўрин олган. Шунингдек, ўзбек тили, ўзбек адабиётининг айрим назарий муаммоларига ҳам эътибор қаратилган.

Мақолаларнинг илмий савияси учун муаллифнинг ўзи масъул.

Тахрир хайъати:

- Бегимқулов У.** – Униерситет ректори, бош мухаррир
Хайдаров М. – илмий ишлар бўйича проректор
Тўхлиев Б. – “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор, масъул мухаррир
Ниязметова Р. – “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди
Жумашов Д. – “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси
Досанов К. – “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси аспиранти

Такризчилар:

- Матчонов С.** - педагогика фанлари доктори, профессор.
Юсупова Т. - ЎзДЖТУ доценти, педагогика фанлари номзоди

Техник мухаррир - Жайнақова Л.

Тўплам Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг
2007 йил 31 майдаги 10-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Ардоқли методист олима ҳақида сўз

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонида Дилоромдаги сабот ва матонатни, олижаноблик ва садоқатни алоҳида таъкидлайди. Айни шу хислатларни улуғовчи мисраларни битади. Буларнинг ёнида у эзгу мақсад йўлидаги сабот ва чидам билан қилинган узлуксиз меҳнатни ҳам алоҳида таъкидлаб кўрсатади:

Деди: «Хар ким бир ишини варзиш этар,
Иш камолини кўр, не ерга этар!»

Дарҳақиқат, кимки бир ишнинг бошини қаттиқ тутадиган бўлса, шу ишда унинг камолотга етмоғи ҳам аниқдир. Буни қўлаб яхши инсонлар, мўътабар касб эгалари мисолида такрор ва такрор тасдиқлаш мумкин. Шулардан бири Туйғуной опа Ниязметовадир.

Опа меҳнат фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган эди. Шу касб уни эл-юртга танитди, унга катта обрў келтирди, қўлаб шогирдларининг юрагидан жой олишига сабаб бўлди.

Опа кечаги кундек эсида сақлаб турибди: Ўрта Осие Давлат университетини эндигина битирган эди. Бу воқеа 1959 йилда бўлган. У ўз иш фаолиятини Тошкент шаҳридаги Панфилов номидаги тажриба-синов мактаб интернатида бошлади. Шу даргоҳда салкам ўн йил ишлади. Ўқитувчи ва мураббий сифатида ўқувчиларнинг ҳам, касбдошларининг ҳам ҳурматини қозонди. Янгиликка ўчлик, ташаббускорлик, илгор педагогик тажрибаларни оммалаштиришдаги ўзига хослик бошқаларнинг, яхши мутахассисларнинг эътиборидан четда қолмади. Уни Абдулла Авлоний (олдинги К.Д.Ушинский) номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтига ишга таклиф қилишди. У ўттиз йилдан ортиқроқ (1965-1997 йиллар) муддатда шу даргоҳда фаолият кўрсатди. Республикадаги тил ва адабиёт ўқитувчиларининг малакаларини оширишига, уларнинг ўз касбларининг нозик сирларини пухта ва чуқурроқ эгаллашларига муносиб ҳисса қўшди. Бу ерда у ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири сифатида жуда катта илмий-методик ҳамда таъкилий ишларнинг амалга оширилишига бевосита ҳисса қўшди. Опанинг

ўзи ҳар доим «янгиликка ўчлик – муваффақиятнинг бош гаровидир», дейди.

Туйғуной опани Республикамиздаги тил ва адабиёт фанларининг ўқитувчилари йирик методист олима сифатида яхши билишади. Опанинг кўплаб илмий мақолалари, методик тавсиялари бугун уларнинг доимий маслаҳатчиси сифатида ардоқлидир.

Туйғуной она адабиёт фанини ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда методик муаммолари устида мунтазам тадқиқот олиб бормоқдалар.

1979-йили У Республикамиздаги йирик методист олим, педагогика фанлари доктори, профессор Асқар Зуннунов раҳбарлигида “Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, бу иш ўз вақтида жуда катта ижобий баҳо олган эди. Методика соҳасидаги хизматларининг қонуний эътирофи сифатида онага Республика Олий Аттестацияси томонидан доцент илмий унвони берилган (1989-йил).

Туйғуной она ташкилотчи олима сифатида аввал Абдулла Авлоний (олдинги К.Д.Ушинский) номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтида «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасини (1980-1997), кейинроқ (1997-2002-йилларда) Республика Таълим Марказида “Умумий ўрта таълим” бўлимини бошқарган. Худди шу даврларда у ўзбек тили ва адабиётига оид бўлган кўплаб янги дастур ва дарсликларнинг яратилишига, таълим мазмунининг янгиланишига муносиб ҳисса қўшган эди.

Олима ҳозир (2002 йилдан бери) Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

У бўлажак тил ва адабиёт фанлари ўқитувчиларига - бакалавр ва магистр йўналишидаги талабаларга адабиёт ўқитиш методикаси, адабиёт ўқитишнинг замонавий технологиялари, адабий ўлкашунослик, мустақил ишларни ташкил этиш, матн устида ишлаш методикаси каби фанлардан пухта билим бериб келмоқда. Бу фанлар бўйича яратилган намунавий ҳамда ишчи дастурлар, ўқув

қўлланмаларининг яратилиши бевосита ошанинг номи билан боғлиқ. У қўлаб Малакавий битирув ишлари ва магистрлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилади. Бугун ошанинг шоғирларини Республикамизнинг истаган вилоят ва туманларидан топиш мумкин.

Унинг ўзи эса докторлик диссертациясини яқунлаш арафасида турибди.

Дарвоқе, ошима республикамиздаги юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. У 1996-1999 йиллар ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида, 2003-2005 йиллар Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиши бўйича ихтисослаштирилган кенгашларнинг аъзоси сифатида фаолият кўрсатган.

Ошанинг оппонентлигида ўндан ортиқ ёш методист олимлар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган.

1980-1995-йилларда Республика таълим маркази қошидаги “Адабиёт”, 1995 йилдан ҳозиргача “Педагогика” фани бўйича илмий-методик кенгаш аъзосидир.

Т. Ниязметова узоқ йиллардан буён “Йил ўқитувчиси” танловларининг республика босқичида, “Ўзбек тили ва адабиёти” бўйича республика фан олимпиадаларида ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида ҳам меҳнат қилиб келмоқда.

Доцент Т.Ниязметова методика соҳасига катта улуш қўшиб келаётган ошимадир. Ошанининг шу кунга қадар умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун “Ватан адабиёти” дарслиги (1991), 11-синф учун “XX аср ўзбек адабиёти” мажмуаси (1993), 3 та методик қўлланма, 11 та методик тавсия, 3 та рисола, 7 та дастурлари таълим самарадорлигини оширишга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг 100 га яқин илмий-методик мақолалари республикамизнинг нуфузли журналларида, халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуман тўпламларида чоп этилган.

Таълим босқичларинг турли ихтисосликлари бўйича яратилган 50 га яқин дарслик, ўқув-методик қўлланмаларга, 20 га яқин докторлик ва номзодлик диссертацияларига тақризчи бўлган. 30 дан ортиқ илмий ва ўқув-методик адабиётларга муҳаррирлик қилган.

Т.Ниязметова самарали хизматлари учун 1994 йил ҳукуматимиз томонидан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими” унвонига сазовор бўлган, бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланган.

Буюк рус ёзувчиси И.Тургенев аёлларга таъриф берар экан: “Аёл фидойилик нималигини тушунибгина қолмай, ўзи ҳам фидойилик намунасини кўрсатишга қодир бўлган зот”, - деб баҳо берган эди. Бу фикр Туйғуной она мисолидаги аёллар шайнига берилган муносиб баҳоқдир.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Оқила, гўзал аёллар ўзларининг замхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар”.

Аллоҳ бу аёлга шундай чиройли кўриниш берган, шу чиройга муносиб гўзал фазилатлару, муносиб оила берган.

Туйғуной она жамиятга етук кадрларни етказиш билан бирга турмуш ўртоқлари Обиджон ака билан бир-биридан яхши, ҳавас қилса арзийдиган фарзандларни ҳам тарбиялаб келишмоқда. Фарзандлар ота-она изидан бориб, илмни ўзларининг саодат йўллари деб танлашган. Катта қизлари Гулнора - иқтисод фанлари номзоди, доцент, кичик қизлари Наргиза тиббиёт фанлари номзодидир. Ўғиллари Алишер-хуқуқшунос, Улузбек-инженер-технолог, Шухрат эса шарқшуносқдир.

Дарвоқе оила «олтин тўй»ни ҳам айни шу кунларда нишонламоқда Туйғуной она ва Обиджон акаларнинг турмуш қуришганига бу йил роса 50 йил тўлди.

Туйғуной она Ниёзметова сингари меҳнатсевар, зукко, оқила онахонларимиз фақат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогик Университетининг эмас, балки бутун Республикамиздаги илм-фан, хусусан, адабиёт ўқитиш методикаси фаннинг равнақи йўлида ёшларимизга ўрнак ва намуна бўлаверади.

Улар ҳар доим соғ-саломат бўлишсин!

Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети ректори
Узоқбой Бегимқулов

Таълим жараёнларида қўлланадиган таҳлил турлари ниҳоятда ранг-барангдир. «У бадий матнни ўқиш жараёнида ўқитувчининг изоҳи шаклида ҳам, асарни деталлаштириб кўздан кечириш шаклида ҳам, қаҳрамонларни тавсифлаш ёки тасвирий ифода воситаларини аниқлаш шаклида ҳам бўлиши мумкин... чуқур маънодорлик адабий таҳлилнинг энг биринчи ва асосий шартидир. Таҳлилнинг ҳамиша маълум мақсадга қаратилиши унинг шакли ва мазмунини белгилайди»¹. Таҳлил асарни қисмларга ажратиш ҳамда бу қисмларни яна янгидан яхлит ҳолда идрок этишни ҳам англатади. Таҳлил жалб этилган асарнинг жанри, мавзуси ва ҳатто ҳажмига ҳам боғлиқ бўлади. Нисбатан йирик эпик асарлар таҳлил қилинганида уларнинг дастлабки «қисмларга ажралиши» назарда тутилиши керак. Ҳар бир асарни таҳлил қилишда ажратилган соат ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда унинг тахминий режалаштирилиши амалга оширилади.

Таҳлилнинг бош мақсади асарда акс этган бадий олам моҳиятини англаш, унинг асл мазмунини тўғри ва тўла идрок этишдан иборат. Ўқувчилар асарда акс этган воқеа ва қаҳрамонлар муаллифнинг нуқтаи назари билан алоқадорлигини, шунга қарамай асардаги бадий олам билан ҳақиқий ҳаёт орасига тенглик аломати қўйиб бўлмаслигини англай бошлайдилар.

Таҳлил жараёнида ўқувчилар ёзувчи томонидан танлаб олинган ҳаётий материалларнинг муайян мақсад ва вазибаларга бўйсунган ҳолда муайян изчилликда келишини ҳам билиб олишади. Бу изчилликни танлаш ва таъминлаш ҳам ёзувчининг бадий-эстетик ниётларига алоқадорлигини кузатишади, бунга ишонч ҳосил қилишади. Асардаги мавжуд сюжет ва композициянинг ўз-ўзидан юзага келмаслигини онгли равишда тасаввур эта бошлашади. Танланган ҳар бир шакл, жанр, услубнинг асл моҳияти ёркинлашади.

Таҳлил бирданига яхлит тарзда амалга ошмас экан, демак, муайян мавзу ёки йўналишларнинг танлаб олиниши табиийдир. Шунга қўра, асарнинг сюжети ва композицияси, унинг образлар тизими, мавзу ва ғоялар қамрови, поэтикасига хос бўлган хусусиятлар алоҳида-алоҳида таҳлил этилиши мумкин. Кичикроқ ҳажмли асарларда эса буларнинг барчаси бирданига ҳам майдонга чиқа олади.

¹ Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар, 21-бет.

Катта ҳажмли асарларнинг айрим қисмларигина танлаб олиниши ҳам таълим-тарбия жараёнида тез-тез учраб туради. Бадий асарнинг таҳлили одатда уч қисмни ўз ичига олади. Булар: асар билан танишишнинг дастлабки босқичида унинг яхлитлигини идрок этиш, унинг алоҳида элементлари бўйича жиддий таҳлил қилиш, ниҳоят бу қисмларни яхлит ҳолатда бирлаштириш. Адабиётшуносликдаги бу тамойил мактаб таҳлили учун тўла татбиқ этилиши жозибали. Шунга қарамай мактаб таҳлилида булардан ҳар бирининг қатъий танлаш, сайлаш асосида олиб борилиши ҳам талаб этилади. Албатта, бунинг бир қатор сабаблари бор. Биринчидан, таълимнинг муайян босқичида, яъни умумий ўрта таълим, академик лицей ва касбхона таълими босқичида бадий асарнинг барча қисмлари эмас, балки мазкур босқич учун энг муҳим деб ҳисобланган томонларигина таҳлилга тортилади. Иккинчидан, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва дунёқараши, умумий адабий тайёргарлиги назарда тутилади. Учинчидан эса, вақт имкониятларининг қатъий чегараси ҳам шуни таъқозо этади.

Адабий таълимда айрим асарлар матнини қисқартириб, айрим мумтоз асарларимизнинг насрий баёнларидан фойдаланиш тажрибалари бор. Бу адаптация ҳодисаси билан алоқадор.

Айрим ҳолларда адабий адаптация меъёрларининг бузилиши ҳам кўзга ташланади. Шундай ҳодисаларнинг иккитасига йирик адабиётшунос А.Абдуғафуров эътиборни тортган эди. Улардан бири собиқ совет давридаги 4-синфлар учун яратилган «Ватан адабиёти» дарслигида Навоийга нисбат берилган бир парча билан, бошқа бири эса Навоий мактубларининг талқини билан алоқадор. Дарсликдаги парча қуйидагича:

«Бор эмиш аввал замонда бир киши,

Доимо ёлғончилик қилган иши.

Бир куни уйини ўт олган эмиш,

«Кутқаринг» деб дод-вой солган эмиш.

Сўзига ишонмабди ҳеч бир одам,

Уйи кул бўлиб ёниб кетди шу дам.

Унга айтмиш бир киши – ақли расо,

«Кимки ёлғон сўзласа, алдар эса,

Ҳар нечукким рост турур онинг сўзи,

Эл аро ёлғон эрур онинг сўзи.

Гарчи ёрдам бермади ҳеч сенга эл,

Бошқадан эмас, ўзингдан ўпка қил»¹.

Олим бу тизмаларни «бадийят ва жозибадан батамом бебахра, ҳатто оддий вазн ва қофия талабларига ҳам изчил риоя қилинмаган бу ниҳоятда жўн ва мажруҳ мисралар» деб тўғри баҳолайди.

Аслида бу Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидаги куйидаги матннинг адаптацияси бўлиши лозим эди:

Бор эрмиш бурун чоғда козибваше,
Уйига тушуб шулаъи саркаше,
Фигонлар чекар эрмиш истаб мадад,
Эшитганга бўлмаи сўзи мўътамад.
Чу куймиш уйи юмуб - очкунча кўз,
Демиш анга сохибдиле бўйла сўз.
Ки: «Ёлғон ангаким форовон дурур,
Чини ҳам эл олинда ёлғон дурур.
Агар эл қилмади ҳимоят санга,

Ўзунгдин

керакдур шикоят санга!»².

Матн устида ишлашнинг таркибий қисмларидан бири асар луғати билан алоқадор. Айниқса, мумтоз адабий асарларнинг матни устида ишлаш унинг луғавий таркибини алоҳида ўрганишни тақозо этади. Аммо бу фикр замонавий асарлар устида ишлаганда луғат устида ишлашнинг зарурати бўлмайти, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Айниқса, тарихий мавзулардаги бадий асарларда муайян тушунча ва ҳодисларнинг номлари, айрим атамалар шундай изоҳларни шарт қилиб кўяди.

Шунга қарамай, луғат устидаги ишнинг мумтоз адабий асарларни ўрганишдаги устивор йўналиш эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Эндиликда ўқитувчиларнинг қўлларида бир қатор луғатлар мавжуд. Булар орасида К.Қосимова³, Ж.Лапасов⁴, В.Раҳмоновлар⁵ луғатини, мумтоз адабиётимиз, хусусан, Алишер Навоий⁶ ва Бобур асарлари учун тузилган луғат ва қўлланмаларни эслатишимиз мумкин.

¹ Қаранг: А.Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. Мақолалар. -Тошкент, Г.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 58-59-бетлар.

² Ўша китоб, 60-бет.

³ Қосимова К. 5-синфда луғат устида ишлаш. - Т.: Ўқитувчи, 1971.

⁴ Лапасов Ж. Ўзбек классик адабиётини асарлари учун луғат

⁵ Раҳмонов В. Ўзбек классик адабиётини асарлари учун қисқача луғат. - Т.: Ўқитувчи, 1983

⁶ Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. Т.: Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. I. - Т.: Фан 1983. II т. - 1983. III т. - 1984; IV т. - 1985.

Адабий асарларни таҳлил қилишда уларнинг тур ва жанр хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга. Асарнинг тур ва жанри уни таҳлил қилишга оид метод ва усулларнинг белгиланишига асос бўлади. Таниқли методист М.А.Рыбникова: «Методик усулларни асар табиати тақозо қилади... Балладани режа асосида таҳлил қилиш мумкин, Бироқ лирик шеърни режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Кичкина ҳикоя тўлиқ ҳажмда ўқилади ва таҳлил қилинади. Романдан алоҳида, етакчи бобларни ажратиб оламиз, улардан бирини синфда, бошқасини уйда, учинчисини синчиклаб таҳлил қиламиз ва матнга яқин ҳолда қайта ҳикоялаймиз, тўртинчи, бешинчи, олтинчиларини тезроқ тарзда таҳлил қилиб қисқача қайта ҳикоя қиламиз, еттинчи ва саккизинчи бобларнинг парчалари алоҳида ўқувчиларнинг бадиий ўқишлари шаклида бериледи, эпилогни синфга ўқитувчининг ўзи айтиб беради. Топишмоқларнинг жавоби топилади ва ёд олинади, мақоллар изоҳланади ҳамда ҳаётий мисоллар билан далилланади, масал эса унда кўзда тутилган хулоса назарда тутилган ҳолда таҳлил қилинади»¹.

Буларнинг барчаси адабий асар таҳлилида унинг тур ва жанр хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этишини кўрсатиб туради. Профессор Қ. Йўлдошевнинг ёзишича, «турли адабий асарлар билан иш юритилганда таҳлил усуллари мутлақо ўзгариб кетмайди, лекин ўқувчининг асарга ёндашиши, муносабат тарзи ўзгаради»². Бунинг жуда катта назарий ва амалий аҳамияти бор. Зеро, «асарларни тур ва жанр хусусиятларига кўра ўрганиш санъатдан лаззатланиш, асарни унинг бадиий бутунлиги ҳамда такрорланмас моҳиятини ҳис этиш қобилиятни ривожлантиришни назарда тутади»³.

Адабий асарнинг бадиий эстетик моҳияти унинг композициясини, яъни ундаги турли-туман қаҳрамонлар, бир-бирига ўхшамайдиган сахналар, алоҳида жой, манзара, вазият тасвирлари, монолог, диалоглар, ўй, ҳаёл, туш ва бошқа турли компонентларнинг мураккаб тартибини ўрганиш, шарҳлаш орқали ўзлаштирилади. Таҳлил жараёнида ўқитишнинг хилма-хил усулларидан фойдаланилади. Буларнинг орасида адабий ўқиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки адабий ўқишда матннинг асл моҳияти дастлабки тарзда тасаввур этилади. Унинг ўзак муаммолари ўқувчининг кўз

¹ Рыбникова М. А. Очерки по методике литературного чтения. – М., 1985. – С. 58

² Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996, 118-бет.

³ Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О.Ю. Богдановой. Учебник для студентов пед. вузов. М.: Издательский центр «Академия», 2-е издание, стереотипное, 2002, - с.136.

олдида осонроқ гавдаланади. Адабий ўқишда дастлабки урғу тушиши лозим бўлган ўринлар ажратилади, улар ўқувчиларнинг онгига ҳам, туйғуларига ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Гап эпик асарлар устида борар экан, уларда «ҳар қандай ҳиссиёт воқеалар қаърига беркитилган» бўлишига эътибор бериш зарурати бўлади, Чунки «қаҳрамонларни ҳаётий воқеалар оғушида кўрсатиш хусусияти эпик асарларда инсоний кечинмаларни тасвирлар жараёнига жойлаш имконини беради ва ўқувчидан бу сезимларни илғаб олиш талаб қилинади. Адабиёт ўқитувчиси ўз ўқувчиларида айти шу малакани – эпик асар замиридаги бадий маънони илғай олиш ва мантиқий ҳулосага кела билишни шакллантириши муҳим вазифа ҳисобланади»¹.

Адабий ўқиш ўқитувчининг иш фаолиятидаги асосий методик восита бўла олади. Адабий ўқиш воситасида алоҳида олинган қаҳрамоннинг, ёки бир неча қаҳрамонларнинг савияси, уларнинг асарда тутган мавқеи, асар мавзуси, ёзувчи кўзда тутган бадий-эстетик ниятнинг ифода тарзига эътибор тортилиши мумкин. Масалан, академик лицейларнинг I босқичида Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» дostonи ёки Рабғузийнинг «Қиссайи Рабғузий» асарини ўқиш жараёнида ҳар икки адиб танлаган жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари тушунтирилмаса, ўқувчилар мазкур асарларнинг асл моҳиятини, уларда кўзда тутилган бадий-эстетик моҳият маъзини чақ олмайдилар. Натижада улардаги ҳақиқий бадий тароват йўққа чикади, улар ўқувчилар онгига етиб бормади, уларнинг қалбларида тегишли ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлишига ёрдам беролмайди.

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб хунар коллежларининг адабий дастурларида халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва замонавий адабиёт, шунингдек, жаҳон адабиётига мансуб бўлган хилма-хил жанрлардаги эпик асарларни ўрганиш кўзда тутилади. Жумладан, 5-синфда «Уч оға – ини ботирлар», «Сусамбил» халқ эртаклари, Ҳ.Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», Ҳанс Христиан Андерсеннинг «Булбул», Жанни Родарининг «Хуришни эплолмаган кучукча», Анвар Обиджоннинг «Одил Бургутшоҳ ва «Замбуруғ» лақабли жосус ҳақида эртақ» адабий эртаклари, Алишер Навоийнинг «Шер билан Дурроҷ», Саъдийнинг кичик ҳикоялари, Абдулла Қодирийнинг «Улоқда», Ғафур Ғулумнинг «Менинг ўғригина

¹ Ҳудоев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1996, 127-бет.

болам», Ойбекнинг «Фонарчи ота», Н.Норқобиловнинг «Оқбўйин», Нодар Думбадзенинг «Хелладос» ҳикоялари, Ўткир Хошимовнинг «Дунёнинг ишлари», Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», қиссалари берилган. Кўриниб турибдики, фақат 5-синфнинг ўзидаёқ эпик турга мансуб бўлган хилма-хил жанрлардаги асарлар тақдим этилган. Айни пайтда бошқа синфларда оғзаки ижоднинг дoston, ёзма адабиётнинг роман жанрларидан намуналарни ўрганиш ҳам кўзда тутилади. Худди шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бирига ўзлари мансуб бўлган жанрлар нуктаи назаридан ёндашилиши зарур бўлади, акс ҳолда ўқувчиларда нотўғри таассурот юзага келиши, кўзда тутилган бадий-эстетик самара олинмаслиги мумкин.

Адабий асарнинг, жумладан эпик турга мансуб бўлган асарларнинг матни устидаги иш адабий таълимнинг ўзак масалаларидан биридир. У «ўқувчиларни бадий адабиёт оламига олиб кириш, тасвирланаётган воқеаларга нисбатан муаллифнинг муносабати ва ниятларини пайқаб олишга имконият»¹ яратади. Бадий матн устида ишлаш жараёнида ўқувчилар асарнинг поэтик моҳиятини англаб етади, унинг мазмунини таҳлил қилади, мавзунинг талқинларига эътибор қаратади, тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар ва умуман, асардаги воқеалар ривожига муаллиф муносабатини аниқлашга ҳаракат қилишади.

Ҳатто айни бир хил жанрлардаги эпик асарлар таҳлилида ҳам ўзига хос ёндашувлар талаб этилади. Алишер Навоийнинг «Хамса»си таркибида бешта дoston бор. Уларнинг барчаси бир хил жанрларда ёзилган. Шунга қарамай, уларнинг ҳар бири ўз олдига мутлақо бошқа-бошқа бадий-эстетик мақсадларни қўйган. Демак, уларни таҳлил қилишда ҳам шу андозадан келиб чиқиш зарур бўлади. «Ҳайрат ул-аброр» фалсафий-дидактик дoston. Унда адибнинг олам ва одамга қаршидаги ўзига хосликлар фалсафий-ахлоқий руҳдаги ҳикоя, қисса ва мулоҳазалар орқали ифодаланади.

«Фарҳод ва Ширин»да қаҳрамонлик йўналиши устивор. У ишқий-романтикага тўйинтирилган қаҳрамонлик дostonидир. «Лайли ва Мажнун» эса адабиётимиз тарихидаги «энг фожиавий ишқ қиссаси» сифатида машҳурдир.

«Сабъайи сайёр» - ишқий-саргузашт йўналишида бўлса, «Садди Искандарий» қаҳрамонлик дostonидир. Уларда инсониятнинг ўзига хос руҳий олами, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий қарашлари, ўша даврлардаги ижтимоий-фалсафий ҳаёт манзаралари

¹ Зуннунов А., Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 16–бет.

акс этган. Уларда воқеалар қамрови ниҳоятда кенг, иштирок этувчи қаҳрамон ва персонажларнинг сони ҳам кўп, уларнинг ҳар бирига боғлиқ равишда эса муаллиф кўзда тутган бадиий ният ҳам ранг-барангдир. Таҳлил жараёнида мана шу ранг-баранглик ҳам доимий эътиборда туриши керак бўлади.

Уларнинг қай бирини таҳлил қилаётганда қандай усул ва йўллардан фойдаланиш керак, деган саволга бир хилдаги жавоб бериш мумкин эмас. Бу вазифани алоҳида олинган шароит, синфнинг ўзига хослиги, ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги, қолаверса, ўқитувчининг ўз билим ва тажрибасидан келиб чиқиб ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эпик асарларни таҳлил қилишда ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг адабий тайёргарлиги асосий ўринда туради. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-6-синфларида асосан эпоснинг кичик жанрлари: эртак, ҳикоя, қиссалар, айрим дostonлар ўрганилади. Йирик эпик асарларни ўрганиш эса юқори синфларда, шунингдек, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўрганилиши режалаштирилган. Уларнинг ҳар бирини ўрганишда ўзига хос усул ва шакллардан фойдаланишга тўғри келади.

Масалан, академик лицейларнинг 2-босқичида Навоийнинг эпик асарлари, жумладан, «Хамса» дostonларини ўрганиш белгиланган. Дастлаб, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилар экан, унда адибнинг адабий мероси, бу мероснинг фақат ўзбек адабиёти ривожига эмас, балки умумтуркий адабиёт тарихида ҳам, жаҳон адабиёти тарихида ҳам ниҳоятда улкан воқеа бўлганлиги қайд этилади. Сўнг адибнинг асар устидаги жиддий меҳнатини кўрсатиб берувчи эпизодларга эътибор тортилади. Бундай ўринлар бешала дostonда ҳам истаганча топилади.

Ўқитувчи ўзи учун қулай бўлган вариантдан фойдаланиши мумкин. Буларнинг натижасида ўқувчиларда Алишер Навоий даҳосини таъминлаган ижодий ривожланиш босқичлари ҳақидаги асосли ва реал тасаввурлар ҳосил бўлади. Улар адиб ижодининг илмий-маърифий ҳамда бадиий-эстетик аҳамиятни теранроқ илғайдилар. Бунга эришиш эса осонликча кечмайди. Бу натижа турли-туман метод ва усуллар қўлланишини тақозо этади. Булар орасидан биз ўқитувчининг кириш сўзи, яқунловчи маърузаси, ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Уларда асарлардаги асосий ғоявий-бадиий мағиз, алоҳида олинган эпизодларнинг асарнинг яхлит сюжети ва композицияси билан

болам», Ойбекнинг «Фонарчи ота», Н.Норқобиловнинг «Оқбўйин», Нодар Думбадзенинг «Хелладос» ҳикоялари, Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», киссалари берилган. Кўриниб турибдики, фақат 5-синфнинг ўзидаёқ эпик турга мансуб бўлган хилма-хил жанрлардаги асарлар тақдим этилган. Айни пайтда бошқа синфларда оғзаки ижоднинг дoston, ёзма адабиётнинг роман жанрларидан намуналарни ўрганиш ҳам кўзда тутилади. Худди шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бирига ўзлари мансуб бўлган жанрлар нуқтаи назаридан ёндашилиши зарур бўлади, аке ҳолда ўқувчиларда нотўғри таассурот юзага келиши, кўзда тутилган бадиий-эстетик самара олинмаслиги мумкин.

Адабий асарнинг, жумладан эпик турга мансуб бўлган асарларнинг матни устидаги иш адабий таълимнинг ўзак масалаларидан биридир. У «ўқувчиларни бадиий адабиёт оламига олиб кириш, тасвирланаётган воқеаларга нисбатан муаллифнинг муносабати ва ниятларини пайқаб олишга имконият»¹ яратади. Бадиий матн устида ишлаш жараёнида ўқувчилар асарнинг поэтик моҳиятини англаб етади, унинг мазмунини таҳлил қилади, мавзунинг талқинларига эътибор қаратади, тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар ва умуман, асардаги воқеалар ривожига муаллиф муносабатини аниқлашга ҳаракат қилишади.

Ҳатто айни бир хил жанрлардаги эпик асарлар таҳлилида ҳам ўзига хос ёндашувлар талаб этилади. Алишер Навоийнинг «Хамса»си таркибида бешта дoston бор. Уларнинг барчаси бир хил жанрларда ёзилган. Шунга қарамай, уларнинг ҳар бири ўз олдига мутлақо бошқа-бошқа бадиий-эстетик мақсадларни қўйган. Демак, уларни таҳлил қилишда ҳам шу андозадан келиб чиқиш зарур бўлади. «Ҳайрат ул-аброр» фалсафий-дидактик дoston. Унда адибнинг олам ва одамга қарашидаги ўзига хосликлар фалсафий-ахлоқий руҳдаги ҳикоя, қисса ва мулоҳазалар орқали ифодаланади.

«Фарҳод ва Ширин»да қаҳрамонлик йўналиши устивор. У ишқий-романтикага тўйинтирилган қаҳрамонлик дostonидир. «Лайли ва Мажнун» эса адабиётимиз тарихидаги «энг фожиавий ишқ киссаси» сифатида машҳурдир.

«Сабъайи сайёр» - ишқий-саргузашт йўналишида бўлса, «Садди Искандарий» қаҳрамонлик дostonидир. Уларда инсониятнинг ўзига хос руҳий олами, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий қарашлари, ўша даврлардаги ижтимоий-фалсафий ҳаёт манзаралари

¹ Зуннунов А., Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 16—бет.

акс этган. Уларда воқеалар қамрови ниҳоятда кенг, иштирок этувчи қаҳрамон ва персонажларнинг сони ҳам кўп, уларнинг ҳар бирига боғлиқ равишда эса муаллиф кўзда тутган бадиий ният ҳам ранг-барангдир. Таҳлил жараёнида мана шу ранг-баранглик ҳам доимий эътиборда туриши керак бўлади.

Уларнинг қай бирини таҳлил қилаётганда қандай усул ва йўллардан фойдаланиш керак, деган саволга бир хилдаги жавоб бериш мумкин эмас. Бу вазифани алоҳида олинган шароит, синфнинг ўзига хослиги, ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги, қолаверса, ўқитувчининг ўз билим ва тажрибасидан келиб чиқиб ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эпик асарларни таҳлил қилишда ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг адабий тайёргарлиги асосий ўринда туради. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-6-синфларида асосан эпоснинг кичик жанрлари: эртак, ҳикоя, қиссалар, айрим дostonлар ўрганилади. Йирик эпик асарларни ўрганиш эса юқори синфларда, шунингдек, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўрганилиши режалаштирилган. Уларнинг ҳар бирини ўрганишда ўзига хос усул ва шакллардан фойдаланишга тўғри келади.

Масалан, академик лицейларнинг 2-босқичида Навоийнинг эпик асарлари, жумладан, «Хамса» дostonларини ўрганиш белгиланган. Дастлаб, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилар экан, унда адибнинг адабий мероси, бу мероснинг фақат ўзбек адабиёти ривожига эмас, балки умумтуркий адабиёт тарихида ҳам, жаҳон адабиёти тарихида ҳам ниҳоятда улкан воқеа бўлганлиги қайд этилади. Сўнг адибнинг асар устидаги жиддий меҳнатини кўрсатиб берувчи эпизодларга эътибор тортилади. Бундай ўринлар бешала дostonда ҳам истаганча топилади.

Ўқитувчи ўзи учун қулай бўлган вариантдан фойдаланиши мумкин. Буларнинг натижасида ўқувчиларда Алишер Навоий даҳосини таъминлаган ижодий ривожланиш босқичлари ҳақидаги асосли ва реал тасаввурлар ҳосил бўлади. Улар адиб ижодининг илмий-маърифий ҳамда бадиий-эстетик аҳамиятни теранроқ илғайдилар. Бунга эришиш эса осонликча кечмайди. Бу натижа турлитуман метод ва усуллар қўлланишини тақозо этади. Булар орасидан биз ўқитувчининг кириш сўзи, яқунловчи маърузаси, ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Уларда асарлардаги асосий ғоявий-бадиий мағиз, алоҳида олинган эпизодларнинг асарнинг яхлит сюжети ва композицияси билан

алоқадорлиги, олдинги синфларда Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ҳолда ўрганилган материалларни эслаш ва такрорлаш назарда тутилса мақсадга мувофиқ бўлади. Яна бир нарсани эслатиш ҳам ўринли бўладики, ҳажмига кўра йирик бўлишига қарамай, замонавий романларни таҳлил қилиш ҳам осон бўлмасда, Навоий асарларини, умуман, мумтоз эпик асарларни таҳлил қилишнинг кўшимча қийинчиликлари оз эмас. Айниқса, улардаги эскирган сўзларнинг кўплиги, ўша давр бадиий талаблари, шунингдек, бевосита адиб услуби билан боғлиқ ҳолатлар шулар жумласидандир. Бунинг устига йирик эпик асарларни ўрганиш учун талаб этиладиган вақт ҳам ниҳоятда чегаралаган. Қисқа бир вақт ичида ниҳоятда катта вазифаларни ҳал қилиш зарурияти ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун кўшимча имкониятларни қидиришни тақозо этади.

Методист олим Сафо Матжоннинг гувоҳлик беришича, «Айрим ўқитувчилар эпик асарлар таҳлилинини жўнлаштириб, ёзувчини ўқувчи билан ёнма-ён қўйиб қўядилар. Ҳолбуки ўқувчиларни ёзувчининг бадиий-ижодий оламига бошлаш зарур. Бунинг учун асар таҳлиliga оид мустақил ишларни ўтказишда ўқувчилар олдига «Қаҳрамоннинг бу иши тўғрими?», «Унинг ўрнида бўлганда нима қилар эдинг?» каби ижодий фикрлашга қаратилмаган саволлар ўрнига: «Шу вазиятда қаҳрамон ўзини бошқача тутиши мумкинмиди?», «Ёзувчи уни нима учун айнан шу ҳолатда тасвирлайди?» сингари саволлар қўйилса, ёзувчининг ижодий лабораторияси билан чуқурроқ танишишга имкон туғилади»¹³.

Рус методистларининг гувоҳлик беришича, «Белкин қиссалари» ва «Дама қарга»ни ўқиган ўқувчилар Пушкин прозасини унинг бор бойлиги бўйича тасаввур қила олишмайди. Асосан қиссаларнинг сюжети тушинилади, бу ҳам унинг қисқалиги учун жуда чуқур ўзлаштирилмайди. Ўзинчи синф ўқувчилари мустақил ўқишдан кейин муаллиф нуқтайи назарини ҳам, Пушкин прозасининг бадиий фазилятларини ҳам англаб етишмайди»¹⁴.

Биз бу фикрни Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа намояндалари ижодига нисбатан ҳам татбиқ қилишимиз мумкин. Аслида Алишер Навоий ижодининг, айниқса, «Хамса»

¹³ Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар., 22-23-бетлар.

¹⁴ Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О.Ю. Богдановой. Учебник для студентов пед. вузов. М.: Издательский центр «Академия», 2-е издание, стереотипное, 2002, - с.138.

достонларининг поэтик ўзига хосликларини пухта ўзлаштириш, кейинги даврлардаги мумтоз адабиётимиз вакиллари яратган асарлар моҳиятини осон ва қулай ўзлаштиришнинг пухта асоси бўлиши керак.

Алишер Навоий ўзбек адабиёти тарихидаги такрорланмас сиймодир. Унинг «Хамса» асари эса адиб ижодининг гултожи ҳисобланади. «Хамса» достонлари адибнинг дунёни бадиий идрок этишидаги ўзига хос кашфиётидир. У фақат ўзбек эмас, балки бутун туркий халқлар адабиёти, Шарқ адабиёти, ҳатто жаҳон адабиёти тарихида бадиий-эстетик тафаккур тараққиётини янги босқичга олиб чиққанлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Машғулотларнинг дастлабки босқичида ўқитувчи Алишер Навоийнинг мухташам «Хамса»сининг яратилиш тарихи ҳақида қисқача маълумот берилиши мумкин. Бу маълумотлар ўқитувчининг маърузаси тарикасида ҳам, аудиториянинг тайёргарлигига қараб суҳбат асосида ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, «Хамса» 1483-1485 йиллар орасида – икки йилда ёзилган. Шунга қармай, унинг таркибидаги ҳар бир достон мазмун моҳиятига кўра ҳам, тузилиши ва таркибига кўра ҳам бир-бирига ўхшамайди. Ўқитувчи маърузаси давомида ҳар бир достонга хос бўлган хусусиятларни муайянлаштириш учун орада ўқувчиларни суҳбатга чорлаши, савол-жавоблардан фойдаланиши мумкин.

Бу ўринда «Хамса»нинг яратилишига оид табиий-маънавий заруриятлар ҳақида тўхтаб ўтиш керак бўлади. Зера, мана шу зарурият – эҳтиёжлар моҳиятини тўла англамасдан туриб «Хамса»нинг маърифий-эстетик аҳамиятини тугал тасаввур этиш мумкин бўлмайди.

«Ҳайрат ул-аброр»ни ўрганишда асардаги фалсафий ҳамда ахлоқий-маърифий муаммолар талқинига асосий урғу берилса, «Сабъайи сайёр»ни таҳлил қилишда унинг композициясига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. «Ҳикоя ичида ҳикоя» кабилидаги бу асарда мавзу қамровининг кенглиги, талқинларнинг турфалиги, инсоний характерларнинг катта миқдори ва тасвир имкониятларининг кенг ҳажми ўқувчилар онгига етказилиши ўринли бўлади.

Навоий асарни мақолотларга бўлади. Бу сунъий ва тасодифий характерда бўлмасдан, муаллифнинг аниқ ғоявий-бадиий мақсадлари билан алоқадордир. Ундаги ҳар бир мақолот учун танланган мулоҳазалар, келтирилган далиллар, қўлланган мақол ва

ҳикоялар муайян бадиий мақсадларни кўзда тутлади. Энг муҳими, улар бадииятнинг олий намуналари сифатида намоён бўлади. Асардаги бирорта образнинг тасодифийлиги ёки воқеалар мантиғига «сиғмай қолиши» ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Улардаги ҳар бир қаҳрамон, ҳар бир персонаж, уларнинг хатти-ҳаракатлари тўлиқ асосланган, бу асосларнинг ўзагини ҳаётий мантиқ ва бадиий ҳақиқатлар ташкил этади.

Достон композициясидаги барча унсурлар жуда катта маъновий ҳамда эмоционал «юк» кўтариб туради. Достон матнининг ўқилиши таҳлили жараёнида муаллифнинг шахсий нуқтаи назари, унинг инсон шахси билан алоқадор бўлган бош концепциясига урғу бериш ўринли бўлади.

«Хамса» туркум достонларини ўрганишда Навоийнинг адиб сифатидаги, шу асарнинг муаллифи сифатидаги муносабатлари айрича аҳамият касб этади. Достонларнинг барчасида инсон ва унинг ҳаётдаги ўрни, шу ўринга унинг масъулияти алоҳида эътибор билан чизилади. Мана шу нуқтаи назарга муаллиф – Алишер Навоий турлича нуқтаи назарларни кўрсатади.

«Хамса» достонларининг сюжет қурилишида, композициясида ҳам бу масалалар тегишли инъикосини топган. Жумладан, улардаги алоҳида олинган бир қатор образлар борки, адиб ўзи замондош бўлган давр воқеалари ёки тарихий ўтмиш мисолида инсоний характерларнинг такрорланмас қиёфаларини кўрсатиб беради. Баъзан уларни воқеаларнинг табиий ривож ичида тасвирлаб берса, баъзан уларга ўзининг конкрет муносабатини жуда очик равишда ифодалайди. Ҳар қандай ҳолатда муаллифнинг шу қаҳрамонларга бўлган муносабати унинг китобхонларга ҳам айтадиган гапи борлигининг далолати бўла олади. Ўзи тасвирлаётган воқеа ёки характерлар силсиласи воситасида у китобхонни ҳам тегишли манзилларга йўллаб тургандай бўлади.

Навоий асарларида ижтимоий ҳаётга оид барча қатламларнинг вакиллари кузатиш мумкин. Улар орасида шоҳлар, вазирлар, савдогарлар, деҳқонлар, кемачилар, косиблар, олимлар, шоирлар ва бошқалар мавжуд. Буларнинг барчаси тилга олинади экан, уларнинг орасидаги ўзаро муносабатлар ҳам, бу муносабатларнинг намоён бўлиш шакллари ҳам бир-бир қаламга олинади. Яхлит ҳолда эса биз ўша даврдаги жамият учун муҳим бўлган асосий қонуниятлар билан ҳам танишиб борамиз.

Хоразмшоҳлар малик уш-шуароси

Ҳ.Хомидий, фил. фан. док., проф. ТДПУ

Рашидиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Абулжалил (Рашидиддин Ватвот) 1087 йили Балхда зиёли оиласида дунёга келади. Дастлаб хусусий муаллимларда таҳсил кўрган Рашидиддин кейин шаҳардаги Низомия мадрасасида ўқийди. Имом Абусаид Хиравий йигитнинг тарбияси билан жиддий шуғулланади. У ўқиш жараёнида калом, сарфу нахв, фалсафа, адабиёт назарияси, аруз илми, иншо ва баён илмларини пухта эгаллайди. Рашидиддин тахминан 1115-1120 йиллар орасида Хоразмга келади ва мушоира-ю баҳсу мунозараларда ўз илмини намойиш этиб, шоҳ назарига тушади. Нагижада хоразмшоҳлар даргоҳида турли вазифаларда ишлайди ва маликуш-шуаро даражасига етади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират-уш-шуаро»си (XVI аср)даги маълумотларга қараганда Рашидиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ наздида жуда баланд мартабага эга бўлган ва унинг урушу зафарларида, базму сафарларида ҳамроҳ бўлган. Салжукийларнинг Ҳазораспга хужуми давридаги жанг пайтида Рашидиддин кўрсатган оқилона жасорат бу фикрни тасдиқлайди. Машхур олим Забехулло Сафо ўзининг «Эрон адабиёти тарихи» китобида Рашидиддиннинг Хоразмдан ташқаридаги обрўси ва шуҳрати ҳақида қизиқарли далиллар келтирган. Давлатшоҳ шоир тўқсон етти йил умр кўриб, 1187 йил вафот этган ва унинг қabri Урганчда, деб ёзиб қолдирган. Олим ўз тазкирасида Ватвотнинг маҳорати-ю жасорати ҳақида қизиқарли ривоятлар келтирган. Рашидиддин Ватвот аруз назарияси, тилшунослик, тасаввуф, тарих ва бошқа соҳаларга доир кўплаб рисоалар ёзган. Классик шеърятнинг барча жанрларида мумтоз асарлар яратган. Айрим манбалар, комус ва рисоаларда шоир девони етти-саккиз минг байтдан иборат, деб қайд қилинган. Аммо Давлатшоҳ «Рашидиддиннинг девони 15 минг байтга яқиндир» деб қайд қилинган¹. Шоир девонида ғазал, қасида, рубоий, таркиббанд, таржеъбанд, маснавий сингари жанрлардаги асарлар жамланган. Ватвот араб ва форсий тилларда баро-бар бокира шеърлар битган зуллисонан санъаткордир. Рашидиддин Ватвот форсий тилдаги адабиётда энг кўп ва хўб қасида ёзган шоирлардан ҳисобланади. Девонидаги 223 қасидаларнинг кўпчилиги ижтимоий-

¹ Давлатшоҳ Самарқандий, «Тазкират уш-шуаро», Д.: Адиб, 1999, 45-бет.



фалсафий, сиёсий масалаларга бағишланган. Жумла-дан, 153 та қасидада замонасидаги давлатни бошқариш, адолатпар-варлик, жанг ўрнига сулҳ, ҳукмронларга насиҳат каби масалалар ўз ифодасини топган; уларда шоҳларни адолатпеша, халқпарвар, илму маданиятга пушту паноҳ бўлишга даъват етакчи ғоявий мотивлар ҳисобланади.

Ба адл аст ҳар салтанатро суббот,
Ба илм аст ҳар мамлакатро мадор.
Сазад мулк андар канори касе,
Ки бошад таҳи аз ҳаромаш канор.
Ту ислоҳи гети аз он қасс мачжўй,
Ки бар нафси худ нест аш иқтидор.

(Ҳар бир салтанатнинг ривожи адлдандир, ҳар мамлакатнинг кудрати илмдандир. Мулк ўзини ҳаромдан тия олган одамгагина муносибдир, Сен дунё ислоҳини ўз нафсига куллардан кутма).

Шоир қасидалари кўп жиҳатлари билан анъанавий қасиданависликдан жиддий фарқ қилади. Зероки, ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий фикрлар бетақрор бадиийликда – тарсеъ, тазод, тажнис, зулқофиятайн, зубахрайн, муламма, мурасса сингари шеърӣ ва лафзӣ санъатлардан изчил фойдаланиш орқали юксак бадиийликда ифодаланган; баъзи қасидаларнинг матлаидан мақтаигача тажнис мусажжа усули ҳукмрон. Асарларнинг бу хусусиятидан фахрланган шоир «Мендан олдин ҳеч ким бу усулда шунча шеър ижод қилган эмас» (Давлатшоҳ) деган экан. Бундан ташқари шоир асарлари орасида адиб Собир Термизий, Замахшарӣ, Каттон Марвазий, Ҳоқонӣ, Анварӣларга бағишланган қитъа ва қасидалар ҳам борким, бу унинг замонасидаги забардаст санъаткорлар билан яқиндан самимий ижодий ҳамкорликда бўлганлигини кўрсатади. Рашидиддин Ватвот ғазаллари асосан мажозӣ ишқ тасвирига бағишланган; рубоӣларида эса кўпроқ адолатпешаликни ахлоқий-таълимий, маърифӣй ғояларни тарғиб этган.

Аксарият ғазалларда шоир лирик қаҳрамоннинг руҳӣ кечинмаларини жўшқин тарзда бошқа шоирларда кам учрайдиган сўз ва иборалар орқали тасвирлаб маъшуқа сиймосини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиришга муваффақ бўлади.

Зихи фуруҳтани рӯи ту дар жаҳон оташ,
Зада ғами ту маро дар миёни жон оташ.

Агар барорам аз андӯх ишқи ту нафаси,

Бигирад аз нафаси ман ҳама жаҳон оташ.

(Юзинг нуридан жаҳонга оташ туши, сенинг ғаминг мени оташ кучоғига отди. Агар ишқинг қайғусидан нафас чиқарсам, менинг нафасимдан дунёни оташ тутади).

Хоразмшоҳ Отсиз вафотидан сўнг, Эл Арслондан кейин Хоразм тахтини Султон Аловуддин Такаш эгаллайди. У Рашидиддин Ватвотни кўрмоқчи бўлади. Қартайиб қолган шоирни Султон хузурига келтирадилар. У шоҳга қараб куйидаги рубойни бадихатан ўқийди:

Жаддат варақи замона аз зулм бишуст,
Адли падарат шикастаҳо кард дуруст.
Эй ба ту қабои салтанат омада чувт,
Хон то чик уни навбат давлати туст?

(Бобонг замона варақидан зулмни ювди, отанг адолати барча синикларни бут этди. Эй салтанат либоси теккан йигит, нима қилсанг қил, навбат сенинг давлатингдир). Такашга бу рубой кўп маъқул тушибди ва шоирни олдинги вазифасига тайинлабди. Демак, Ватвот рубойлари ҳам ғоявий-тематик жиҳатдан ранг-баранг ва ҳозиржавоблик билан яратилган асарлар экан.

Юқорида таъкидланганидек, Рашидиддин Ватвот ўзидан кейин араб ва форс тилларида кўплаб рисоалар қолдирган. «Ҳадоийқ ус-сеҳр фи дақойик уш-шеър», «Ақсом ул-буҳур», «Рисолаи арўз», «Абкор ул-афкор фил-расоил вал-ашъор», «Ароис ул-хавотир ва нафоис ун-наводир» асарлари шулар жумласидандир. «Абкор ул-афкор фил-расоил вал-ашъор» 9 та араб тилидаги, 9 та форс тилидаги рисоалардан, 18 та араб ва форс тилларидаги қасидалардан иборат; «Ароис ул-хавотир ва нафоис ун-наводир» эса 25 та арабий ва 25 та форсий рисоалардан ташкил топган. Мазкур рисоалар, муншаотдаги номалари давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти, адибнинг фалсафий-ижтимоий қарашлари, адабий жараёни, таржимаи ҳолининг кўп қирраларини ўрганиб, билиб олишда ноёб манбалар ҳисобланади. Масалан, Ватвот аруз назариясининг кўп жиҳатларини теран ёритган, 29 баҳрнинг мукамал таснифини берган.

Ўтмиш тазкиранавислари, олиму фузалолари Рашидиддин Ватвотнинг фавқулодда иқтидори, араб ва форсий тилдаги шеърларининг балоғатига юксак баҳо беришган. Жумладан, Ёкут Ҳамавий «Мўъжам ул-удабо» китобида «Рашид даврон нодири ва замон ажойибидир», унинг асарида араб адиблари орасида назм ва насрда у билан рақобат қиладиган ижодкор топилмасди, деган. Афсуски хоразмшоҳлар давлатининг зийнати, Замахшарийнинг яқин дўсти Рашидиддин Ватвотнинг ижоди тарих фанлари доктори У.Уватовнинг «Рашидиддин Ватвот Хоразмда» мақоласини ҳисобга олмаганда ҳали етарли тадқиқ этилмаган, шеърлари ўзбек тилига таржима қилинмаган.

Мукаммал ўқув режалари-таълим самарадорлиги гарови

К. Йўлдошев, пед. фан. док., проф. ЎЗМУ

Ўзбекистон таълим тизими туб ислохотлар даврини бошдан кечирмоқда. Шундай шароитда таълим мазмунини асос эътибори билан янгилаш зарурияти туғилади. Негаки, таълим тизимидаги ўзгариш, биринчи навбатда, унинг мазмунини қамраб олгагина самара беради. Таълим мазмунини белгиловчи ҳужжатлар орасида ўқув режаси алоҳида ўрин тутаети.

Умумтаълим мактабларининг ўқув режалари маъмурий ман-фаатларнинг маҳсули эмас, балки жиддий илмий тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ ўқувчи шахсини шакллантиришга қаратилган фаолият самарадорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-дидактик асоси бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар таъёрлаш" Миллий дастури қабул қилиниб қўлланила бошлаганидан буён ўтган ўн йил ўқув режаларини тайёрлашга янгича тамойиллар асосида ёндашиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўқувчиларда эзгу шахслик сифатларини шакллантириш, улар маънавиятида ижобий фазилатларни қарор топтириш учун ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини ошириш ва унинг рухий муҳитини яхшилашдан ташқари, умумтаълим тизимини такомиллаштириш ҳам лозим. Бунда ўқувчиларда умумий ўрта таълим муассасасида ўқиш жараёнида шакллантириладиган билим, кўникма ва малакаларни илмий асосда танлаш ҳамда мақсадга энг мувофиқ тарзда жойлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим тизимини ислох қилишнинг самарали йўли ўқув режаси яратиш механизмининг янгилаш ва бу жараённинг ҳар бир босқичида таълим вазифаларини тўғри белгилаб олишдан иборатдир. Бизнинг назаримизда, бу жараёни тўрт даражада ташкил этиш мақсадга мувофиқ: 1) умумдавлат миқёсида; 2) вилоят миқёсида; 3) туман миқёсида; 4) мактаб миқёсида.

Ўқув режасини тайёрлашнинг биринчи-умумдавлат даражасида халқ таълими вазирлиги ўқув режасининг асосини ташкил этувчи таълим йўналишлари ҳамда ўқув предметларининг мажбурий номенклатурасини белгилаб беради; иккинчи даражада вилоят халқ таълими бўлимлари ўқув режасини ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўлдиради. Ўқув режасининг

ушбу қисми умумий ўқув соатининг ярмини эгаллаши мумкин. Қолган ярмини, яъни учинчи ва тўртинчи даражаларни туман халқ таълими бўлимлари ва ҳар бир конкрет мактаб миқёсида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳол таълимнинг демократлашувини таъминлаш билан биргаликда, ички имкониятлар максимал даражада ҳисобга олинганлиги сабабли, унинг самарадорлиги ошувига ҳам асос бўлади.

Кейинги икки босқичга доир масалаларни ҳал қилишга отаналар, жамоатчилик вакиллари ва ўқувчилар ҳам жалб қилиниши керак.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқув режаси, бир томондан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш" Миллий дастури, умумий ўрта таълим концепцияси, умумий ўрта таълим мактаби таркибига оид бошқа асосий расмий ҳужжатларда акс эттирилган барча муҳим талабларни ҳисобга оладиган, иккинчи томондан, уларни амалга ошириш учун зарур шароитларни яратадиган меъёрий ҳужжат бўлиши лозим.

Расмий педагогик ҳужжат сифатида ўқув режаси мактаб таълим-тарбиясининг бош мақсадидан келиб чиқиб, таълим босқичларининг вазифаларини ҳам ўзида акс эттиради. У таълим йўналиши, босқичлари ва ўқув йили давомийлигини белгилайди, мактабда ўқитиладиган ўқув фанлари таркиби, уларнинг ўқув йилига тақсимланиши, ўқувчилар учун мажбурийлик даражаси, уларнинг кун тартибидаги ўрни, ҳар бир фанга ажратилган ҳафталик ва йиллик соатлар ҳажми, ҳамда ҳар бир алоҳида предмет бўйича ўқувчилар шуғулланиши лозим бўлган вақт миқдорини аниқ кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида рўй берган туб ўзгаришлар, ўрта таълим олиш муддатининг олдингидан икки йилга қисқарганлиги, шунингдек, ўрта махсус таълимнинг мажбурий характер касб этиши миллий имконият ва маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳамда ўқувчиларимизнинг ўзига хос интеллектуал-руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари тайёрлашнинг бир қатор назарий ва амалий жиҳатларига эътибор қаратишни тақозо этади.

Ўқув предметларининг ўзаро нисбатини белгилаш

Ўқув режасини ишлаб чиқишда табиий-математик, ижтимоий-гуманитар ва эстетик йўналишдаги предметлар ўртасидаги нисбатни тўғри белгилаш ҳолати муҳимдир. Таълим тўлиғича инсонийлашадиган, асосий эътибор ўқувчиларда муайян миқдордаги билим-

ларни эмас, балки, аввало, уларни баркамол шахс сифатида шакл-лантиришга қаратилиши лозимлиги давлат томонидан белгиланган бир шароитда табиий-математик йўналишдаги предметларга кўпроқ соат ажратилиши зарурми ёхуд эстетик-гуманитар йўналишдаги ўқув предметларига устувор мавқе бериш фойдалими деган принципал саволга илмий жиҳатдан асосли жавоб бериш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ривожланган мамлакатлар умумтаълим мактаблари ўқув режалари таҳлили шуни кўрсатадики, ўрта мактабларда табиий-математик ва ижтимоий-эстетик фанларни ўқитишга ажратилган соатлар бутун ўқув вақтининг 30-40 %ини ташкил этади. Жумладан, ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ, Япония, Франция, ГФР мактаб ўқув режаларида физика ва математикани ўқитишга эътибор кучайиб, ушбу фанлар ўрганишга ажратилган вақт кўпайди. 70-йилларда бу фанларга ажратилган вақт камайтирилиб, 80-йилларда яна ошди. Бу ҳолга саноат, ҳарбий доиралар томонидан мактаб битирувчиларининг табиий-математик тайёргарлигига қўйилаётган талабларнинг кучайиши натижасида юз берганлигини "Саноатчилар иттифоқи" (Германия ва Австрияда), "Миллат хавф остида" (АҚШ) сингари фалсафий-педагогик ҳужжатлар англатиб туради.

Ўзбек мактабларида физика, химия, биология, математика каби предметларни ўқитишнинг аҳволи талаб даражасида эмаслиги ва бу соҳада кескин ўзгаришлар қилиш кераклиги маълум. Айни вақтда, мамлакат тараққиёти тақдирини маънавияти юксак шахслар ҳал этиши энг юксак даражаларда ҳам таъкидланмоқда. Бинобарин, табиий-математик ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги ўқув фанларининг ўзаро нисбатларини илмий асосланган ҳолда ақлга мувофиқ тарзда белгилаш айрича аҳамият касб этади.

Ўрта мактабда табиий-илмий фанлар ўргатилишини сезиларли даражада яхшилаш уларни ўргатишга ажратилган соатлар миқдорини кўпайтириш ҳисобига эмас, балки ўқитиш усулини такомиллаштириш ҳисобига амалга оширилиши керак.

Ўқув материалларини ўқув йилларига тўғри тақсимлаш ҳам режа тузишда катта аҳамиятга эга. Жумладан, болаларда ўқишга қизиқиш уйғотиш, муайян қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар белгилаш ва ўқувчилар қизиқишларини қаноатлантириш каби бир қатор тарбиявий-психологик вазифаларни бажариш учун айни ёшдаги болалар эътиборини жалб этадиган ўқув материалларини ўша вақтда ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, мактабда физикани ўқитишда, ушбу фан мантиғидан эмас, таълим-тарбия мантиғидан келиб чиққан ҳолда олдин ўқувчилар учун осон ва қизиқarli бўлган электромагнит ҳодисаларини, кейинроқ механик жараёнларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Эҳтимол, мактаб ўқув фанларини нокерак концентр такрорларсиз босқичма-босқич чизикли жойлаштириш тўғри бўлар.

Очиқ айтиш керакки, мактабларда ижтимоий ва эстетик йўналишдаги предметларни ўқитиш ҳам қониқarli йўлга қўйилмаган. Сунъийлик, ортиқча социологизм, таълимнинг ҳиссиётдан маҳрумлиги, яъни бу предметларни ўқитишнинг асосини ташкил этувчи инсонийликнинг камлиги ижтимоий ва эстетик йўналишдаги фанларни ўзлаштиришдаги қолоқликка сабаб бўлмоқда. Ўзини англаётган миллатнинг келажаги бўлмиш ёшлар учун биринчи даражали аҳамиятга молик бўлган тарих ва адабиёт сингари ўқув предметларига муносабатларда аввалги тамойиллар таянилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Умумий ўрта таълим тизимида ижтимоий ва эстетик йўналишдаги предметларга эътиборни кучайтириш фақат мазкур ўқув фанларига ажратилган соатларни кўпайтириш йўли билан эмас, балки ўқитиш сифатини ошириш, таълимнинг бошқа йўналишлари мазмунига ҳам инсонпарварлаштиришни сингдириш, ўқувчиларда ҳиссийлик, нафосат каби сифатларни кучайтириш, оқибат натижада, ўрганилаётган билимларни инсоннинг ўзи, унинг маънавияти билан (инсон ва табиат, инсон ва жамият, инсон ва техника, инсон ва инсон) боғлаш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Таълимнинг тарбиявий хусусиятини ҳисобга олиш. Умумий ўрта таълимнинг тарбияловчилик моҳиятини кучайтириш ўқув режасидаги табиий-илмий фанларни асоссиз қисқартириш, унга маънавиятни шакллантиришга доир янги предметлар киритиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Ўқувчиларнинг маънавий тарбиясидаги нуқсонлар учун на илм-фан, на табиий ўқув фанлари жавобгардирлар. Ушбу вазиятнинг келиб чиқишига жамият ҳаётидаги салбий ҳодисалар, ҳамда мактабда моҳиятга эмас, шаклбозликка эътиборнинг кучайиши ва тарбияда автори-таризмнинг авж олиши сабабдир.

Жамиятимиз ҳаётининг демократизациялаштирилиши, эркинлик ва ижтимоий адолатнинг ўрнатилиши ёшларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айни шу демократик тамойилларнинг мактаб ҳаётида жорий қилиниши ўқувчиларнинг ўз-ўзига, ўз ақл-идрокига ишонч ҳосил қилиш, уларнинг мустақил фикрлашига

имконият яратиш, ўқув жараёнидаги ва ўқишдан ташқари фаолиятидаги ижодкорлигини рағбатлантиришдир. Педагогикада ўқувчиларни фаоллаштириш йўллари ҳақида расмий материаллар етарли, илмий маълумотлар ҳам кам эмас, фақатгина, ўқитувчи улардан буйруқ берилгани учун эмас, балки ўз ташаббуси билан, ички педагогик эҳтиёж туфайли фойдаланишни ўрганиши керак.

Адабиётнинг ўқитилишидаги асосий камчилик соатларнинг миқдорида эмас, балки ушбу предметга бўлган нотўғри ёндашувдир. Ҳозирги кунда адабиёт тарих, ҳуқуқ, жамиятшунослик каби ижтимоий фанлар қаторига нотўғри қўшиб қўйилган ва уни ўқитишдан мақсад сифатида адабиёт ҳақида билимлар тўплашгина белгиланган. Дастур тузаётган адабиётшунослар қайси даврдаги қандай асарларни қанча соатда ўргатиш кераклиги ҳақида ўйлаяптилар. Методистлар эса бадиий асарлардан ахлоқ борасидаги мавзуларда мулоҳазалар юритиш учун фойдаланиш йўллари излаш билан андармондирлар, ўқитувчилар эса ўқувчиларни дарсликлардаги тайёр мулоҳазаларни ўзлаштиришга мажбур қилиш билан оворадирлар. Ўқувчиларнинг шахсий қарашлари бўлиши мумкинлиги ва исталган бадиий асар ҳақида ҳар бир ўқувчининг ўз мустақил фикри бўлишини таъминлашга йўл қўйилмай келинапти. Аслида, мактаб адабиёти-бадиий-эстетик циклга мансуб бўлиб, унинг мақсади, биринчи навбатда, шахсни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, ўқувчида ҳаётнинг ва санъатнинг гўзаллигига ўз ҳиссий муносабатини билдира олиш малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Мактабларда адабиёт ўқитиш усулини ўзгартириш, соғломлаштириш ва уни эскича ёндашувлар зугумидан кутқариш лозим.

Тажрибалар кўпчилик мактабларда чет тилларни ўқитиш самарадорлиги ниҳоятда паст эканлигини кўрсатапти. Бунинг асосий сабаблари тилни ўрганишга ажратилган соатларнинг камлигидан ҳам кўра, вақтдан фойдаланишнинг нотўғрилигидадир. Тажрибасинов ишлари шуни кўрсатадики, умумтаълим мактабларда чет тилини ўрганишни, болалар ўз она тилида ўқиш ва ёзишни билиб олгандан сўнг бошлаш керак. Бизда эса, ҳамон қайсидир боғчада чет тили ўргатилиши ютуқ ҳисобланиб келинмоқда. Чет тилини ўқитиш самарадорлигини ошириш учун 5-7-синфларда 4-5 соатдан, 8-9-синфларда эса 3-4 соатдан вақт ажратиш, ўрта мактабнинг кейинги икки синфида ўқитувчи топиш имконияти мавжудлигига қараб, айрим фанларни чет тилида ўқитиш лозим.

Бадий маданият шакллантиришга даъват қилинган предметлар мактаб таълимида салмоқ жихатидан жуда кам ўрин эгаллайди. Ҳолбуки, адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат сингари предметларсиз баркамол шахслар маънавиятини шакллантириш асло мумкин эмас. Чунки эзгу ҳиссиёт, ахлоқ ҳамда қарашларга эга бўлмаган одам тафаккури нечоғлик ривожланган бўлмасин, комил шахс бўла олмайди. Афсуски, бадий илмларни ўзлаштиришга умумтаълим мактаблари вақт бюджетининг бор-йўғи 5 фоизинигина ажратиш тажрибаси ҳамон давом этиб келмоқда. Бу туркумдаги фанлардан фақат адабиётгина 1-синфдан 9-синфгача турли кўринишларда ўргатилади, бадий туркумдаги мусиқа ва тасвирий санъат сингари предметларнинг ўқитилиши эса, кеч бошланиб, жуда эрта тугалланади.

Бадий таълим ва эстетик тарбия дидактик жихатдан бири-бирини тўлдирувчи ва бойитувчи категориялардир. Санъат билан шуғулланиш ўқувчиларни санъатшуносликка тайёрлаш ёки уларда бадий ўқиш, расм солиш, хор бўлиб ёки якка ашула айтиш кўникмаларини шакллантиришга эмас, балки ўқувчи шахсини гўзаллик қонунларига биноан фаолият кўрсата оладиган қилиб тарбиялашни назарда тутмоғи зарур. Яъни адабиётни яхши ўқитишдан мақсад шоир ва ёзувчилар тайёрлаш, расмни ўргатишдан муддао рассомлар етиштириш, мусикани тузукроқ ўргатишдан кўзда тутилган нарса усиз ҳам урчиб ётган кўшиқчиларни кўпайтириш эмас, балки миллатнинг эстетик савиясини юксалтириб, унинг маънавий оламини имкон қадар нозик инсоний туйғуларни илғай оладиган даражага келтиришдан иборат бўлиши керак. Санъатга доир ўқув фанлари ўзбек ўқувчиларини юксак санъат асарларини тушуна оладиган, унинг сирларини билишга интиладиган қилиб тарбиялашга хизмат қилдирилиши зарур.

Ўқув режасидаги табиий-илмий каби эстетик бўлмаган ўқув фанларини "бадийлаштириш ёки эстетизациялаш" таълимни инсонпарварлаштиришнинг муҳим йўли, ўқувчи шахсида эзгу маънавий сифатларни шакллантиришнинг воситаси бўлиши мумкин. Албатта, бунда эстетик туркумдаги предметларга ажратилган соатларни кўпайтиришдан ташқари, бошқа предметларни ўқитишда ҳам бадий талқин, эстетик ёндашув устувор бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар саломатлиги ва ўқув режа. Медицина ходимлари дунё бўйича ҳам ўқувчилар саломат-лигининг жиддий равишда

ёмонлашиб бораётганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар беради. Бу нарса халқ таълими муассасаларидан мак-таб иш режимини ўзгартиришни талаб қилади. Аввало, ўқувчилар билан мунтазам тарзда жисмоний-соғломлаштириш ишлари олиб бориш учун шароит яратиш лозим бўлади. Бундай шароитни яратишга қаратилган асосий тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: беш кунлик ўқув ҳафтасига ўтиш, жисмоний тарбия ва спорт бўйича дарсдан ташқари ишларни кучайтириш, ўқувчиларни тиббий назорат қилишни йўлга қўйиш, болаларнинг шахсий ва дидактик гигиенага риоя қилишига эришиш ва бошқалар. Буларнинг барчаси таянч ўқув режаси ишлаб чиқиш жараёнида эътиборга олинishi керак. Бу борадаги дастлабки ижобий ишлар давлат миқёсида амалга оширила бошланди. Кейинги йиллар ичида республикамиздаги жуда кўпчилик мактаблар ва аҳоли яшайдиган жойларга спорт заллари, соғломлаштириш базалари, спорт комплекслари қурилмоқда. Энди булардан фойдаланишни таълимий асосда ташкил этиш ва бунинг ўқув режасида акс этишини таъминлаш зарур бўлиб турибди.

Ўқув режаларига қўйиладиган дидактик талаблар. Ўқув режасида умумий ўрта таълимнинг мажбурий икки босқичи назарда тутилиши лозим: Биринчи босқич - бошланғич таълим (6-7 ёшдан 10-11 ёшгача). Бу босқичда шахсни шакллантиришнинг негизи яратилади. Бу ёшдаги болалар ривожланиши жуда шиддат билан бориши кўзда тутилиши зарур. Иккинчи босқич ўрта таълим (10-11 ёшдан 15-16 ёшгача). Бу босқичда ўсмирларда келажакда касб-хунар коллежлари ёки академик лицейларда таълим олишни давом эттириш учун зарурий билим, кўникма ва малакалар мажмуини шакллантириш кўзда тутилади. Ўқув режаларни тайёрлашда бу ёшдаги болаларга хос рухий ва жисмоний хусусиятларнинг ғоят беқарорлиги ҳисобга олинishi шарт. Шунингдек, ўқув режаларини ишлаб чиқишда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган предметларга қўйиладиган таълим давлат стандартлари кўрсаткичларига таяниш зарур.

Бунда қуйидаги талаблар ҳисобга олинishi мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўқув ҳафтаси беш кундан иборат. Шанба саломатлик куни бўлиб, мактаб шароити ва имкониятларига қараб, спорт машғулотлари, табиат қўйнига юришлар, сайр, экскурсиялар, шунингдек, бошқа соғломлаштириш тадбирларига бағишланади. Иш куни 1-3-

синфларда ҳар бири 30-40 минутли 3-4 дарсдан, 4-5-синфларда 4-5 дарсдан, 6-9-синфларда 5-6 дарсдан иборат бўлади.

2. Мактабда ўқув йилининг давомийлигини икки даврга бўлиш лозим: 30-34 ҳафтадан иборат **ўқув даври** (кишда, кузда, кўкламда таътил) ва 4-6 ҳафтадан иборат **меҳнат даври** (кўклам, ёз, ва кузда). Меҳнат даври ҳам худди ўқув даври сингари баҳоланиши кўзда тутилиши жоиз. Кичик мактаб ёшидаги болалар учун таътиллarning миқдори 18 ҳафта, катта мактаб ёшидагилар учун 11 ҳафтадан иборат бўлади. Меҳнат даврининг бош мақсади ўқувчиларда илк меҳнат кўникмаларини шакллантириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга ўргатишдир.

3. Биринчи босқич мактабдаги таълимда ўқув вақтининг 10 % игача бўлган қисми, вилоят ёки тумanning хусусиятлари билан боғлиқ ареал материалларни ўргатишга ажратилиши зарур.

4. Биринчи босқичдаёқ мактабнинг ўқув режасида ўқувчиларнинг хоҳишига қараб факультатив машғулотларни ташкил этиш учун ҳафтада 3 соатгача бўлган вақтни кўзда тутиш зарур. Бундай машғулотларни белгилаш ўқувчиларнинг мажбурий машғулотлар мобайнида ҳисобга олинishi мумкин бўлмаган қизиқишларини ҳисобга олиш ва болалардаги истеъдод нишонларини ривожлантириш учун кўшимча ҳаракат қилишга қаратилади.

5. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш дифференциаллашган, яъни йўналишли бўлиши кўзда тутилиши зарур. Умумий ўрта таълим мактаблари фаолияти ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб табақалаштирилиши ва ихтисослаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

6. Умумий ўрта таълим мактаби баркамол шахсни шакллантиришни бош мақсад сифатида белгилагани учун ҳам ўқувчиларда меҳнатсеварликни тарбиялаш ва уларда энг кўп тарқалган асбоблар ҳамда машиналар билан ишлашнинг илк кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилмоғи даркор. Умумий ўрта таълимнинг иккинчи босқичида ўқувчиларда келажақда танланадиган касбга тайёрланиш кўзда тутилиши лозим.

7. Замонавий ишлаб чиқариш эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олган ҳолда табиий ва аниқ ўқув фанларини ўзлаштиришнинг амалий политехник йўналишини кучайтириш кўзда тутилиши зарур. Шу мақсадда, бу фанларга амалий қисм сифатида электротехника, электроника, автоматика элементларини киритиш зарурлиги эътиборга олинishi керак.

8. Умумий ўрта таълим мактабларининг барча синфларида бадий туркумдаги ҳамма фанлар мажбурий бўлиши керак. Ўқувчиларга санъатнинг алоҳида, шу жумладан, маҳаллий кадриятларни ифода этувчи турлари бўйича факультатив машғулотларни танлаш имконияти берилиши лозим. Санъатнинг алоҳида турлари бўйича курслар билан бир қаторда эстетикадан умумлаштирувчи курс ҳам киритиш зарур.

9. Ўқув фанларининг кўпчилиги ўқувчиларда олам ҳақидаги яхлит тасаввур ҳосил қилишга имкон бермайди ва юкни оғирлаштиради. Шу боис таянч ўқув режасига турли янги ўқув фанларини киритишдан воз кечиш ва тегишли материалларни таянч ўқув фанлари мазмунига сингдириб юбориш мақсадга мувофиқдир.

10. Умумий ўрта таълимнинг биринчи босқичида ўқув материални фанларга бўлаклардан, комплекс ҳолда таълим соҳалари бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Муайян назарий асосга эга мужассамлашган (интегрatív) фанлар яратиш лозим.

Таълим тизими фаолиятдан кузатилган пировард мақсад ўқувчиларни маънавий баркамол, мустақил фикрлашга қобил шахслар сифатида шакллантиришдан иборат бўлганлиги учун ҳам ўқув режаларини тузишда илмда нечта фан бўлса, мактабда ҳам шунча ўқув предмети ўқитилиши лозим деган янглиш ақидага таянилмаслиги керак. Аксинча, ўқувчиларни ҳам жисман, ҳам ақлан ва ҳам руҳан етук қилиб тарбиялашга имкон берадиган соҳаларни белгилаб олиш ва уларни ўргатишга конкрет бир ўқувчининг комил шахс бўлиб шаклланиши ҳамда ҳаётга тайёр бўлиши учун кифоя қиладиган миқдорда вақт ажратилишини таъминлаш зарур.

Дунёнинг бир қатор илғор таълим тизимига эга бўлган давлатлари тажрибасини ўрганиш, миллий педагогикамизнинг узоқ йиллик анъаналарини таҳлилдан ўтказиб, умумлаштириш натижа-сида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган предмет соҳаларини қуйидаги тарзда белгилаш мақсадга мувофиқ деб топилди: 1. Тиллар ва адабиётлар (она тили ва адабиёти, чет тиллари ва адабиёти). 2. Санъат (тасвирий санъат, мусиқа, санъат тарихи). 3. Ижтимоиёт (тарих, инсон ва жамият, ҳуқуқ асослари). 4. Табиёт (география, биология, химия, физика, астрономия). 5. Математика (математика, информатика). 6. Жисмоний тарбия. 7. Меҳнат таълими. Мазкур соҳалар инсон камолотини таъминлаш учун биринчи даражали аҳамиятга эгадирлар.

Ўзбек шеърятининг бармоқ вазида ёзилган дурдоналаридан бири Чўлпоннинг «Гўзал» шеъри саналади. Бу ҳақда жуда кўп муаллифлар хайрат ва ҳаяжон билан ёзганлар¹. Уларнинг Чўлпон мисралари қатига сингиган поэтик рамз нимадан иборат эканлиги ҳақидаги фикрлари яқдил. Аммо доц. Н.Йўлдошевнинг бир мақоласида мазкур шеърнинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган талқинига дуч келамиз². Унда ёзилишича: «...Шоир назм бобида... маъшуқа гўзаллигини таъриф этади. ...Ошиқ изтироб саҳросида тентирайди, айрилиқ ёшлари тўлган кўзларини ойга тикиб, ёрини сўроқлайди. Бу ўринда ақлга сиғса-да, лекин идрок қилиб бўлмайдиган (игрок санъати) оининг қизил яноққа айтиши (инток), тўртинчи мисрадаги оққа сўзининг кейинги мисра бошида келиши (тасбиҳ), маъшуқанинг ойдан-да, кундан-да гўзаллиги (муболаға) ни кўрамиз.

Ошиқ айрилиқ водийсида танҳо қолиб сочларини фариштадек ёйиб ўтаётган тонг шамолдан маъшуқасини сўрайди. ...Узун тунларни тонгга улаб, бедор ўтказган ошиқ бутун оламга заррин нурларини сочиб чиқаётган куёшдан сўроқлайди. ...Ҳижрон водийсини кезиб чиққан ошиқ хайратда. У хайратнинг кўзлари билан ўз-ўзини сўроққа тутди. ...Ошиқ ёр васлига муяссар бўлмаса-да, унинг хаёли ила яшайди»³.

Шеърини VII синф ўқувчиларига шу тарика тушунтириш тўғри бўлармикан? Юқоридаги талқинга кўра мазкур шеър мавзу ва композицион жиҳатидан анъанавий ишқий ғазаллардан фарқ қилмайди. Ҳолбуки, VII синф учун «Ёзувчи» нашриёти томонидан 2003 йилда қайта нашр этилган адабиётдан дарслик-мажмуада Чўлпоннинг «Гўзал» шеъри юзасидан берилган савол-лардан бири қуйидагича:

«Шеърдаги Гўзал образини ким деб ўйлайсиз? Одам тимсолими, озодлик рамзими, бахтми ёки тақдир ифодасими?»⁴.

¹ Бу ҳақда қараг: Шарафиддинов О. Кўнгилда қолғуси унинг бир изи. – «Шарқ юлдузи», 1990. №3, 198-бет. Яна ўша. Чўлпон. Тошкент 1991. Яна ўша. Чўлпонни англаш. Тошкент, 1994. Қаримов Н. Чўлпон. Тошкент, 1991. Дўстқороев Б. Бир мунозара тарихидан. – «Шарқ юлдузи», 1989, №6. Рўзимухаммад Б. Чўлпон – тонг юлдузи демак. Тошкент, 1997. Содик С. Сўз санъати жозибаси. Тошкент, 1996 ва бошқалар.

² Йўлдошев Н. Чўлпон шеърятда бадиий санъатлар. – «Тил ва адабиёт таълими», 2002, №5, 46-49-бетлар.

³ Йўлдошев Н. Кўрсатилган мақола, 47-бет.

⁴ Йўлдошев К., Косимов Б. Адабиёт. VII синф учун дарслик-мажмуа. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 2003, 198-бет.

Дарҳақиқат, шеърдаги сиймо Н.Йўлдошев талқинидаги маъшуқаи ёки дарслик-мажмуа тузувчилари назарда тутаётган озодлик рамзи, бахт ёки тақдирнинг яширинган тажассумими?

Бу саволларга жавоб топмоқ учун синалган усул асар ёзилган давр руҳига мурожаат қилишдир. Зотан, ҳозирги замон адабиётшунослигининг маҳсулдор текширув методига айланган герменевтикаматн талқини ҳақидаги таълимот талаблари ҳам шуни тақозо этади. Шеърининг матнига ўтган асрнинг 20-йилларида Туркистонда рўй берган сиёсий бухронлар руҳидан келиб чиқиб ёндашсак, Чўлпоннинг “ошиқ изтироб саҳросида тентира”шини ёки маъшуқа гўзаллигининг мадҳи билан чекланмаганлигини, бу тасвир ёнғоқнинг пўсти каби эканлиги, шеърхон учун керакли мағиз эса бутунлай ўзга мазмун ва бадий ғоя билан суғорилганлиги аён бўлади. Фикримизни худди ўша Нормат Йўлдошевнинг ўзга бир мақоласидаги нуқтаи назари билан асосламоқчимиз: “Ҳар қандай жамиятнинг нигоҳида санъаткорнинг кузатиш предмети Ҳақиқатга қаратилади. Шу нуқтаи назардан Чўлпон шеърлятидаги рамзий либосларга ўралган образларда муҳр-ланган ҳодиса - Ҳақиқат. ...Шоирлар ҳамма замонларда озодликнинг мангу куйчиларидир. Чўлпон ижодидан “қизил ип” бўлиб ўтадиган бу мотивларни ғурури топталган миллат исёни сифатида қабул қилиш керак”¹. Маълум бўляптики, VII синф ўқувчисига Чўлпоннинг «Гўзал» шеърини тушунтиришда бадийга фаҳми кам чекистларни чалғитиш учун ўйланган жозибатор қобик ҳақида эмас, шоир поэтик тафаккурининг тенги йўқ намуналаридан бўлган яширин фикр – тимсоллар ҳақида мулоҳаза юритиш тўғри бўлади.

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрамен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадур: «Мен уни тушда кўрамен».
Тушумда кўрамен, шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!²

Герменевтика қоидаларига амал қилган ҳолда мисралардаги сўзлар талқинига эътиборни қаратадиган бўлсак, «кеча» сўзи қоронғуликни англатади. Қолаверса, «кўк» сўзи «осмон»га кундузги ёруғлик шароитидагина маъно жиҳатидан уядош бўла олади. Аммо Чўлпон «кеча»нинг олдидан атайлаб қоронғу изоҳловчисини келтиради,

¹ Йўлдошев Н. Чўлпоннинг рамзий лирикасига доир чизгилар. -Ўзбек тили ва адабиёти, 1994, 1-2 қўшма сони, 46-47-бетлардан.

² Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент, 1994. 381-бет.

қоронғу осмонни ўрнига эса «кўк»ни қўллайди. Шейр «Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб» дея бошланади. Агар биричи мисра «Кечаси осмонга кўз тикиб» дея бошланганида, номинатив маъно сақланиб семантик коннотацияга асосланган рамз юзага келмаган бўлур эди. Агар мабодо мен «ёруғ кундуз» деган янги бирикмани ишлатсам услубий хато деб ҳисоблашингиз мумкин. Бироқ Чўлпон «қоронғу кеча» дейди ва бу бирикма чуқур символик қувватга эга бўлади. Мазкур ифоданинг ўқувчига берадиган поэтик тасаввур кўлами жуда кенг бўлганлиги боисдан Чўлпон унинг машхур романининг сарлавҳасига ҳам чиқарди. Айрим китобхонлар роман сарлавҳасидаги «кеча» ни ўтган замон (феодализм), «кундуз» ни эса бугун (социализм) деб тушунишди. Чўлпон «Кундуз»ни халқимизнинг темурийлар, шайбонийлар ва уч хонлик давридаги миллий мустақиллигининг симболи, «Кеча» ни эса большевиклар бошлаган кўпоровчилик, зўравонлик ва қирғиндан иборат қоронғу йўлсизликнинг рамзи сифатида қўллаган бўлса-чи?

Шундай қилиб, лирик қахрамон талотумлар замони— «Қоронғу кеча»да умид ва нажот кўзини Кўкка тикади ва ўзи истаб, тополмаётган аъмолни биринчи галда юлдуздан, оддий юлдуздан эмас, энг ёруғ юлдуздан сўрайди. Нормат Йўлдошев тўғри таъкидлаганидек, «Чўлпон рамзий образларни, асосан, табиатдан танлайди. Бу бежиз эмас. Тирикликнинг ибтидосини табиатда кўрган шоир инсонни унга қарши қўймайди, балки инсоний ҳис, туйғуларни табиат воқеаларига боғлаб қиёслайди. Мисол учун, Куз, Баҳор, Қиш, Юлдуз, Қуёш ва Ой, Тун ва Кун, Булут, Барг каби рамзий образларнинг поэтик дунёси ниҳоятда кенг»¹. Эътибор беринг, лирик қахрамон қоронғу кечада кўзини кўкка тикади-ю, аммо излаётган аъмолини Кўкнинг ўзидан эмас, Юлдуздан, юлдузларнинг энг ёруғидан сўрайди. Кейинги бандларда эса Ойдан, Шамолдан ва Қуёшдан сўроклайди. Нега шундай?

1922 йил Самарқандда «Ўзбек ёш шоирлари» деган шейрий тўплам босилиб чиқади. Унга Чўлпоннинг ўн тўртта шейри киритилган бўлиб, шулардан бештасида лирик қахрамон «энг ёруғ» ёки «гўзал юлдуз»га мурожаат қилади. Қизиғи шундаки, ушбу тўпламдан ўрин олган Фитрат шейрларида ҳам «гўзал юлдуз»га мурожаат ҳолати такрор-такрор кўринади. Натижада 20-йиллар шейриятида лирик қахрамоннинг юлдузга мурожаати анъанавий мотивга айланиб, Элбек, Боту, А.Алавий ва бошқа шоирлар ижодида ҳам

¹ Йўлдошев Н. Чўлпон рамзий лирикасига доир чизгилар, 46-бет.

намоён бўлди. Таниқли мунаққид И.Ғафуров бир мақоласида бу ҳолатга алоҳида эътиборини қаратади:

«Чўлпон... Фитрат каби юлдузга «гўзал юлдуз», деб мурожаат этади, «сўйла, юлдуз» деб Фитратнинг даъватини такрорлайди. Фитрат сингари юлдузга кетма-кет шиддатли саволлар ташлайди. Ёруғ юлдуздан мадад ўтинади. Бизнингча, бу юлдуз-аъмол ва саодат рамзи миллатнинг жуда олис ва жуда юксакда порлаган келажак саодати.

Фитрат ва Чўлпон фақат юлдузларнигина эмас, ўз ижодларида денгизлар, шамоллар, баҳорлар ва хаёлларга ҳам дам-бадам мурожаат қиладилар. Буларнинг бари улар онгли тарзда шу усулни танлаганликларини, асарлари билан бир-бирларига мададкор бўлганликларини, сафдошлик туйғусини яратганликларини кўрсатади»¹.

Шеър мисраларига қайтайлик. Лирик қаҳрамон аъмолини ис-таб мурожаат қилган юлдуз нега уялади, нега бошини букади? Юлдузнинг сўроққа тутувчи олдидаги бу ҳолати замирида қандай рамз яширин? Кун ҳам Гўзал ҳақидаги сўроққа дуч келганида нима учун «ўз ўтидан бекиниб», қочади? Бизнингча, бу саволларга жавобни матннинг ўзидан, айниқса қуйидаги сифатловчи-сифатланмишлар сир тутиб келаётган тагдор символлар мазмунидан топиш мумкин: «Қоронғу кеча», «Кўк», «Энг ёруғ юлдуз», «Гўзал», «Қизил яноқ», «Оққа кўмилган», «Йўқсил», «Зўр иш». Шеър рамзлар тизимидан ташкил топганлиги учун савол кетидан савол туғилаверади: Рамзий Гўзални нима учун Юлдуз, Ой ва Шамол тушларида кўришади-ю, биргина Кун: «бир кўрдим, тушдамас, ўнгда», дея унинг тенгсиз таърифини бошлайди. Демак, кечаси кезувчи Юлдуз, Ой ва Шамол Гўзални тушда кўришади, биргина Кун ўнгида дуч келади. Шоир нима демоқчи? Шу жойда рамзлар тизимининг ечимига дуч келишимиз мумкин бўлади. «Кун» (ёки «Кундуз») Чўлпон талқинида юкорида фараз қилганимиздек, халқимизнинг Русия истибдодига қадар бўлган миллий мустақил турмушини англатгудек бўлса, у «Гўзал»ни ўша пайтда «бир кўрдим» дейишга ҳақли бўлиб чиқади, «Кеча» вакиллари бўлган Юлдуз, Шамол ва Ой эса уни энди фақат тушларида кўрадилар. Поэтик мантиқ ипининг уланишини қаранг! У энди бизга «Гўзал» ниманинг рамзи эканлигини аён қила бошлайди. Бунинг учун VII синф дарслик-мажмуасидаги саволни такрор бериб кўрамиз ва матндаги рамзлар марказида «Гўзал» либосини кийган миллий озодлик турганлигини англаймиз.

¹ Ғафуров И. Ижтимоий онг ва Фитрат. – Жамият ва бошқарув, 1997, №1, 21-бет.

Касб-хунар коллежлари адабий таълимида қаҳрамон образини ўрганиш

М.Мирқосимова, пед. фан.док. ТДПУ

Академик лицей ва касб хунар коллежлари адабий таълимида эрик асарларни ўрганишнинг умумтаълим мактаблари таълимидан мақсад ва вазифаларига кўра фарқли жиҳатлари мавжуд. Агар умумтаълим мактаблари ўқув дастурига назар ташласак, бадиий жиҳатдан сара асарларни ўқиб ўрганиш, қатор назарий билимларни ўзлаштириш, асарлардан ёд олиш, мустақил ўқиб ўрганиш асосида ижодий ёзма ишларни бажариш каби қатор талаб ва вазифалар белгиланганлигини кўрамиз. Таълимнинг қуйи босқичларида ўзлаштирилган назарий билимларни чуқурлаштириш, таркиб топтирилган амалий кўникма ва малакаларга таяниб бадиий асарларни ўқиб ўрганиш; жанр ва услуб хусусиятларини адабий таҳлилга боғлаб аниқлаш; эстетик тамойилларга таяниб бадиий асарларни таҳлил қилиш; асарнинг сюжети ва композицияси ҳақида тушунча ҳосил қилиш; эпизодлар, ўзига хос тасвирлар ва қаҳрамонлар образи устида ишлаш, асар бадииятини муаллиф нуқтаи назарини мушоҳада қилиш орқали тушуниш, асарнинг бадиий хусусиятларига баҳо бериш орқали ижодкор маҳорати ҳақида ҳулоса чиқаришга эришиш - узлуксиз таълимнинг мазкур бўғинида амалга оширилади.

Демак, академик лицейлар ва касб – хунар коллежлари адабий таълимида бадиий асарларнинг ўзига хос сюжети ва композициясини, тасвир усулини, асар қаҳрамонлари кифолатини ўрганиш орқали муаллиф нуқтаи назарини мушоҳада қилишга йўллаш; эпик асарнинг бадиий тафаккур тарзини таҳлил қилиш ва асарга эстетик баҳо бериш меъёрларини ўқувчиларнинг ўзлаштириб олишларига эришиш – асосий таълимий мақсадни ташкил этади. Хилма-хил услубдаги ёзувчиларнинг турли жанрларда яратилган эпик асарларини ўқиб ўрганиш жараёнида ўқувчилар адабий асарлар муайян жанрда, шу жанр талаби доирасида яратилишини; адабий жанр бадиий асарларнинг ўзига хос композицион қурилишига, бадиий тасвир усулига, баён тарзига, ҳаётий ҳодисаларни қамраб олиш хусусиятига кўра туркумланишини тушуниб оладилар. Муайян бир жанрда ижод қилган ёзувчиларнинг асарлари ўзига хос услуби, тафаккур тарзи, мавзуси, ҳаётий материали, муаммолари, сюжети, қаҳрамонлари, бадиий тили каби қатор унсурларга кўра фарқ

килинишини англаб етадилар. Айни пайтда, ҳар қандай бадиий асар марказида инсон образи туришини, насрий асарларни ўрганишда уларга ҳам бошқа адабий турга мансуб асарлар каби бадиият талаблари асосида ёндошиш лозимлигини тушуниб оладилар. Ҳаётий ҳодисалар ва образларнинг таъсирчанлиги, ижодкорнинг бадиий бўёқлардан фойдаланишдаги санъаткорлиги бадиий асарга эстетик баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Эпик асарларни ўқиб ўрганиш ва таҳлил қилиш воситасида ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқлари такомиллашиб боради, улар асардан бадиий завқ олишга, ҳайратланишга ўрганадилар. Энг муҳими, ўқувчининг эстетик диди шаклланиб боради: гўзаллик ё дағаллик, нозиклик ё қўполлик тушунчаларига, турфа ҳолатларга, ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ўқувчи муносабати таркиб топтиради. Зеро, ҳар қандай таълим-тарбия ёшларни ҳаётга, одамларга, эл-юртга, эзгу-мақсад ва тилакларга соғлом муносабатини таркиб топтиришга йўналтирилсагина самарали яқунланади.

Умумтаълим тизимида бўлгани каби касб-хунар коллежлари адабий таълимида ҳам ўқувчиларни китоб мутолаасига қизиқтириш, фикрлаш қобилиятини ўстириш, китоб билан ишлаш усулларини шакллантиришда тизимли ёндошув талаб қилинади. Айни мавзуга дахлдор методик адабиётларда ана шу жиҳатлар эътиборга олинмаган ёки ўқувчиларни мустақил ўқилган асарлар воситасида адабий таҳлилга ўргатиш, мустақил фикрлаш салоҳиятини ўстириш масаласи қўйилмаган. Ўқувчи ўзи ўқиган асар юзасидан фикр юрита олмас экан, ундан нафосатга йўғрилган маънони ҳам ўқиб ололмайди, адабий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ва курашлари мисолида эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий зиддиятнинг бадиий ифодасини идрок қилолмайди, ўқиганлари юзасидан тегишли хулоса чиқара олмайди.

Зеро, ҳар қандай адабий асар таҳлили ундаги қаҳрамонлар тимсолини ўрганиш орқали амалга оширилади. Эпик адабий турга мансуб ҳикоя, қисса, роман, эпопея сингари жанрларда яратилган асарларнинг сюжет, композиция унсурлари марказий қаҳрамонлар образини ёритишга йўналтирилган ҳолда шаклан яҳлит ва узвий бирликни ташкил этган бўлади. Бош қаҳрамонлар тимсоллари орқали китобхон ёзувчининг ҳаётий муаммоларга, инсон шахсига, зиддиятли ҳодисаларга муносабатини англаб боради. Асарнинг барча шаклий унсурлари билан унинг мазмунини ёритишга хизмат қилувчи воситалар эпик тафаккур микёсини юзага келтиради. Воқеадан воқеага қадар ҳилма ҳил инсоний кечинмалар, руҳий ҳолатлар, характерлар кўз ўнгимизда

Уч нуқтага назарини, имон-этикоди ва маслагини намён этади. Улардан ҳар бири ўзига хос қиёфаси, ҳис-туйғулари, фикрлари, ўй-ҳаёллари билан фарқ қилади. Бир иккинчисига ўхшамайдиган мураккаб инсон оламининг ҳали англамаган жиҳатларига диққатимизни тортади. Адабий таълим жараёнида, ҳусусан, эпик асарларни ўрганишда ҳам ўқувчи эътибори яна инсон муаммосига қаратилади. Инсон ва уни қуршаб турган оламдаги чигал муносабатлар, ҳаётий зиддиятларни ўқувчи кузатиб, бу ҳодисаларнинг жонли гувоҳига айланади, ҳар бир масалага ўз муносабатини билдириш имконига эга бўлади. Бошқа адабий тур ва жанрларда яратилган асарлардан фарқли эпик адабий тур жанрларида яратилган асарлар қаҳрамон образи устида амалий иш олиб бориш учун ўқувчига қатта имконият беради. Айниқса, қатта микёсдаги эпик асарларни таҳлил қилиш, ундаги қаҳрамонлар тимсолини ўрганиш масаласини оз фурсатда ҳал этиб бўлмайди.

Эпик асардаги қаҳрамон образи устида иш олиб борилганда ўқитувчи қуйидаги жиҳатларга эътибор бериши зарур:

1. Асардаги қаҳрамонлар образи устида ишлаш.

2. Асар қаҳрамонини асар сюжет ва композицион воситалари, асардаги бошқа персонажлар билан узвийликда ўрганиш ва таҳлил қилиш.

3. Танланган эпизод ўқувчига қандай таъсир кўрсатганини аниқлаш: Ушбу эпизод ўқувчи-китобхонни асар воқеалари, қаҳрамонлари оламига яқинлаштиришга хизмат қилдими? Эпизод тасвири қандай кечинма ё фикрларни ўйғотди?

4. Асарнинг сюжети ва композициясида танланган эпизод қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш, бу эпизод қаҳрамон характери ёритишга хизмат қилдими? Асар воқеалари ривожига танланган эпизоднинг таъсирини ўқувчилар сеза олдиларми? каби саволлар ечимини топиш.

5. Эпизодларни ўқувчиларга ифодали ўқитиш ва асар матнига боғлаб таҳлилга йўллаш.

6. Эпизодлар устида ишлаш босқичлари ўқувчиларнинг ёши, адабий тайёргарлик даражаси, китобхонлик савиясига мослаб ташкил этилишини ўқитувчи ёдда сақлаши лозим. Шундагина эпик асарлар устидаги таҳлил дарслари самарали яқунланади.

Терминологияда дублетлик ва уни бартараф этиш И.Йўлдошев, фил. фан. доктори. ТДПУ

Ўзбек терминологиясидаги энг асосий нуқсонлардан бири термин-синонимлар ёки дублетликнинг мавжудлигидир. Гарчи бундай ҳолат вақтинчалик бўлиб, терминларни тартибга солиш жараёнида аста-секин бартараф этиб борилса-да, аммо маълум давр мобайнида у терминлардан фойдаланишда турли қийинчилик ва чалкашликларни юзага келтириши мумкин. Илмий соҳада ҳар бир терминнинг аниқ ва ягона маънони ифодалаш лозимлиги тўғрисидаги «темир қонун» туфайли терминлар дублетлигидан имкон даражасида қочиш учун ҳаракат қилинади, уни бартараф этиш йўллари қидирилади. Шу боис, терминологик тадқиқотларда дублетлик илмий-техникавий терминологиянинг жиддий нуқсони деб кўрсатилади.

Фан-техника янгиликларининг ҳаётга кириб келиши ҳамда бошқа тиллардан термин ўзлаштиришнинг давом этиши каби ҳолатлар натижасида ҳам терминологияда талайгина дублет терминлар пайдо бўлган. Масалан, «*босма асарни яратган ёки яратишда иштирок этган шахс, шунингдек, ўз номидан материалларни чоп эттирган ташиқлот ёки муассаса*» маъносини ифодалашда қўлланувчи *муаллиф* // *автор* дублетлигидир. Ҳар икки термин ҳам ўзбек тили учун ўзлашма ҳисобланади: *автор* термини латин тилидан *{au(c)tor}*, *муаллиф* термини эса араб тилидан ўзлашган. Бу ҳар икки термин ҳам узоқ йиллар давомида параллел тарзда қўлланиб келинди. Муайян даврлар бўлдики, улардан бири фаоллашса, иккинчиси балластга ўтди. Айниқса, ўтган асрнинг охирига келиб, ўзбек китобатчилиқ терминологиясида *муаллиф* терминига нисбатан *автор* термини ҳар жиҳатдан фаол истеъмолда бўлди. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *муаллиф* сўзига нисбатан *автор* сўзига кенгроқ изоҳ берилган: «*автор – адабий ёки бошқа хил бадий асар, илмий иш, проект, иштиро ва ш.к. яратган киши*»¹; «*муаллиф – бирор асарни ёзган киши*»². Ушбу изоҳдан кўринадики, *муаллиф* сўзининг тушунча доираси *автор* терминига нисбатан маълум даражада чегараланган бўлиб, фақат «*бирор асарни яратган киши*»гагина нисбатан қўлланган, холос. Асосий маъно англатиш масъулияти *автор* зиммасида бўлган. Ҳаттоки, мазкур луғатда *муаллиф* сўзи қаршисига унинг китоб тили ёки ёзма нутққа оидлиги

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 25-бет.

² Кўрсатилган асар, 474-бет.

хамда оддий сўзлашувда қўлланмаслиги таъкидланган. Демак, бу даврларда *муаллиф* муайян жиҳатдан архаик терминга айланиш даражасига келиб қолган эди. Шу ўринда савол туғилади: Нега ўтмишда фаол бўлиб келган *муаллиф* сўзи бундай аҳволга тушиб қолди? Маълумки, «Шўролар даврида муайян терминларнинг маъносини тўла ифодалай оладиган, четдан кирган терминларнинг маъносини тўла очиб бера оладиган ўз сўз ва терминларимиз бўлгани ҳолда ҳам улар ўрнида русча ёки европача сўзлар ишлатилди. Ўзбекча сўзлар эскирган, диний сўзлар деб четга суриб қўйилган ҳоллар кўп бўлди. Мустақиллик даври терминологиясининг бу долзарб муаммога теран, одилона қараши туфайли жуда кўплаб ўзбекча сўз ва терминларимиз ўз ўрнида тикланди, улар ҳозир тилимизда фаол қўлланмоқда»¹. *Муаллиф* термини кейинги йилларда асосий илмий терминлар сафидан жой олди, унинг синоними бўлган *автор* эса, бирмунча истеъмолдан чиқиб қолди. Буни сўнгги йилларда чоп этилган луғатлар ҳам кўрсатмоқда. Хусусан, 2003 йилда чоп этилган «Луғат-маълумотнома: Журналистика, Реклама, Паблик Рилейшнз» номли луғатга *муаллиф* термини киритилган ва унга «*журналистик, бадиий, илмий, техник асарни яратган шахс*» тарзида изоҳ берилган². Лекин *автор* термини бу луғатдан жой олмаган.

Худди шунингдек, *муҳаррир // редактор, матн // текст, жилд // том, тақриз // рецензия* каби дублет терминларда ҳам юқоридагига ўхшаш вазиятни кузатиш мумкин. Мазкур дублетликдаги терминларнинг араб тилидан ўзлашган шакллари узоқ даврлар мобайнида ўзбек тилида фаол қўлланилиб келинди. Лекин, *муаллиф* термини сингари, улар ҳам XX асрнинг охирларида истеъмолдан чиқиш ҳолатига келиб қолган эди. Фақат сўнгги йиллардаги мустақиллик натижасида содир бўлган кескин ўзгаришлар бу терминларни яна ҳаётга қайтарди ва улар бугунги ўзбек китобатчилик терминологиясида асосий илмий термин сифатида фаол қўлланмоқда. Албатта, муқобил сифатида қайтадан муомалага кирган бу терминлар маълум вақт оралиғида ёнма-ён равишда ишлатилиб келинади. Ўзбек китобатчилик терминологиясида яқин давр ичида пайдо бўлган дублет терминлар ҳам мавжуд. Улар сирасига *корректор // мусахҳиҳ* дублетини киритишимиз мумкин. Маълумки, XXI аср

¹ Бектемиров Х., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. – Т.: Фан, 2002. – Б. 11-12.

² Нестеренко Ф.П. ва бошқ. Луғат-маълумотнома: Журналистика, Реклама ва Паблик Рилейшнз. – Т.: Зар калам, 2003. – Б. 139.

бошларига қадар «*босма нашрни тайёрлашдаги ҳарф териш жараёнида йўл қўйилган хатоликларни тузатувчи нашриёт, таҳририят ва босмаҳона ходими*» маъносини англатишда, асосан, *корректор* термини қўлланиб келинди. *Корректор* термини аслида лотинча сўз бўлиб, *corrector* – «*тузатувчи, тўғриловчи*» маъноларини ифодалайди. Бу сўз ўзбек тилига рус тили орқали кириб келди ва у ўзбек китобатчилиқ терминологиясига жуда сингиб кетди. Лекин кейинги йилларда чиқаётган адабиётларда *корректор* термини ўрнида *мусахҳиҳ* термини қўллана бошланди. Қизиғи шундаки, *мусахҳиҳ* терминининг изоҳи ўзбек тилидаги мавжуд луғатларда берилмаган. Демак, бу сўз сўнгги йиллардаги ўзбек тили лексикасида мавжуд бўлмаган. Ҳеч қандай мажбурийлик ёки тазйиқсиз бу сўз ўзбек тили лексикасида яна пайдо бўлди. *Мусахҳиҳ* терминининг *корректор* ўрнида қўлланиши тўғрими? Бу саволга жавоб бериш учун *мусахҳиҳ* терминининг маъно англатиш кўламига назар ташлаб кўрайлик. Юқорида айтганимиздек, *мусахҳиҳ* сўзи ўзбек тилидаги Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун тузилган талай луғатларда ёки ўзбек классик адабиёти асарларига оид луғатларда ҳам деярли учрамайди. Шунингдек, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ёки 2001 йилда чоп этилган «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати»дан¹ ҳам бу сўз ўрин олмаган. Шу ўринда *мусахҳиҳ* сўзининг маъноси хусусида тўхталиб ўтайлик. Бу сўз асли арабча бўлиб, унинг араб тилидаги феъл шакли *саҳҳа* (صح)дир. Араб тилида *саҳҳа* феъли кўп маъноли ҳисобланади: I бобда *саҳҳатун*: (صحلة) 1) *соғ-саломат бўлмоқ; соғаймоқ; (яра) битмоқ;* 2) *муваффақиятли яқунламоқ;* 3) *вафодор бўлмоқ;* 4) *руҳсат бермоқ.* II бобда *саҳҳаҳа* (صحح): 1) *тўғриламоқ, тузатиш киритмоқ;* 2) *соғаймоқ; касални тузатмоқ;* 3) *тасдиқламоқ; имзоламоқ;* V бобда *тасаҳҳаҳ* (تصحح): *тўғриламоқ.* Демак, *мусахҳиҳ* билан боғлиқлик V бобда ҳамда II бобдаги биринчи маънолари билан уйғунлашади. Шунингдек, араб тилида *саҳҳа* феъл шаклидан «*тўғрилаш*» маъносидаги *тасҳиҳ* (تصحیح), «*соғлом; тўғри, хатосиз, дуруст*» маъноларини ифодаловчи *саҳиҳ* (صحیح) сўзлари ҳам ясалган². Маълум бўладики, *мусахҳиҳ* «*тузатувчи, тўғриловчи; корректор*» маъноларини англатади ва унинг *корректор* ўрнида қўлланиши маъқул кўринади.

¹ Hojiyev A. va boshq. Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lugati. – T.: Sharq, 2001. – 336 b.

² Баранов Х.К. Кўрсатилган асар, 540-бет; Kerimli Teymur. Gorunmayan Fuzuli. – Baki, 2003. – S. 7.

Мамлакатимизда таълим тизимида олиб бориладиган ислохотлар ўқув жараёнига нисбатан ўзгача мазмун, ўзгача талаб, ўзгача педагогик муносабатларни тақлиф этмоқда.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш “Давлат умумтаълим дастури” доирасида таълим соҳасида самарали ислохотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кундаги энг асосий вазифаларимиз:

- мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, мактабларни замон талабига мос ўқув моддий базасини яратиш, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув – услубий материаллар билан таъминлаш, (хатто кишлоқларда нураб қолган мактабларни қайта қуриш);

-ўқув дастурларини янада такомиллаштириш;

-ўқитувчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, уларни рағбатлантириш (яъни энг яхши ишлайдиган ўқитувчилар маошига кўшимча кўшиш) каби ишлар назарда тутилган.

Ушбу ишларнинг барчаси юртбошимиз таъкидлаганидек, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий бурчимиздир.

Бундай ишларни амалга оширишда ислохотлар туфайли эришилган энг илғор усуллардан замондавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланишимизни тақозо этади.

Биз, ўқитувчилар олдида турган энг долзарб масалалардан бири ҳам ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишдан иборат. Педагогик технология таърифига эътибор беринг:

Технология – юнонча *techné* – «logos» - яъни «санъат, маҳорат». Технология бола шахсига таъсир кўрсатиш санъати. Демак, педагогик технология – таълим беришдаги маҳорат ёки педагогик санъат.

Педагогик технология атамаси инглизча «an education technology» номли сўз бирикмасининг мазмунига мувофиқ бўлиб, таълим технологияси деган маънони билдиради. Бу ибора Америкалик олим В.Шиннер томонидан 50-йилларда биринчи марта «Ўқитиш технологияси» деб қўлланган.

Бизда 90 йиллар бошида бу атама қўллана бошлади. Ҳар ҳолда бу атама ўқитиш санъати, дейилиши тўғри, чунки санъат– инсоннинг руҳиятининг ички ҳолати. Ҳар бир инсонда фанни эгаллашда хунар эгаллашда ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Педагогик технология бу таълим тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий услубий асосланган энг фаол восита, усуллар мажмуини тушунамиз, шунингдек, педагогик фаолият натижаларининг яхлитлиги назарда тутилади.

Ушбу технология, аввало, таълим муассасаларида бола манфаати устиворлигини таъминлаш учун хизмат қилади ва қуйидаги тамойилларга асосланади.

1. Таълим-тарбия жараёнининг индивидуаллаштириш, яъни ҳар бир ўқувчининг имкониятига қараб билим бериш (бу дегани, унинг имконияти, қобилият, иқтидор, қизиқиш ва хоҳишга мувофиқлаштириш). Бу масала ўқитувчининг маҳорати билан боғлиқ.

Буюк бобокалонимиз Ал-Фаробий таъбири билан айтганда, темирчи пўлатни, дурадгор ёғочни ўз санъати учун керагича билиши зарур бўлганидек, ўқитувчи ҳам ўқувчиларини шунчалик билмоғи керак.

2. Таълим-тарбия жараёнини табақалаштириш, болаларнинг ўзига ҳослигини ҳисобга олиш, яъни ақлий имконияти қобилияти иқтидори ва бошқалар асосида гуруҳлаштириб таълим-тарбия беришдир.

Табақалаштириб ўқитишда таълим олувчининг имкониятлари, интеллектуал ривожланиши даражаси ҳисобга олинган.

Ушбу ўқитиш усули айрим мамалакатларда аниқ мақсад сари йўналтирилган ва турли гуруҳ ўқувчиларининг ички имкониятларидан келиб чиқиб ташкил этилган. Умумий дастур талаблари барча ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

3. Ўқувчи таълимнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўла олади.

Бунда асосий вазифа, масъулият ўзига тушади. У мустақил равишда билим олишга интилади, ўқитувчи йўлга солади, ёрдамлашади, назорат қилади.

4. Таълим тизимидаги ислохотларни амалга оширишда янги педагогик технологиянинг йўналиши замон талабидир. Янги замонавий педагогик технологияни амалга оширишда иновация тушунчаси кенг қўллана бошлади. Бу тушунча янгилик, яъни таълим тизимидаги ўзгаришлардир.

Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташҳис қилиш, натижалаш, тузатиш, киритиш имконлари мавжуд. Бунда таълимдан кутилган натижага эришилади, вақт тежалди. Педагогик технологиянинг тасдиқловчанлиги ишланган модел бошқа педагоглар қўллаганда ҳам худди ўшандай самара бериши кераклигини билдиради.

Шуни ҳам айтиш керакки, педагогик технология аслида инсонларни тарбиялаш воситаси сифатида азалдан қўлланиб келинмоқда.

Демак, педагогик технология ўқитувчи томонидан бошқариладиган таълим-тарбия жараёни экан. Унинг қандай самара бериши ўқитувчининг маҳорати, санъатига боғлиқ. Бизда янги педагогик технологияни қўллаш 1977 йилдан амалиётга жорий қилина бошлади. Янги педагогик технологиянинг мақсади ўқувчиларга самарали билим бериш, уларни Ватанимизга муносиб, баркамол шахс қилиб тарбиялашдан иборат.

Бугунги кундаги замонавий дарс бериш методларидан асосийси интерактив методдир. Ушбу “Интерактив” дарс методини “Интерфаол” деб чала таржимаси хато эканлиги, интерактив атамаси инглизча “interaktive” сўздан олинган бўлиб, “ўзаро таъсирланиш” деган маънони билдиради, яъни интерактив метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозара, фикрлашиш асносида, ҳамжихат-лик билан ҳал этиш деганидир.

Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият ўқувчини мустақил фикрлашга, ўз фикрини айтишга йўналтирилади.

Шунингдек, ЯПТ асосида ўқитишнинг илғор усулларидан яна бири инновациялар (янгиликлар киритиш)дир.

Давр ўтиши билан янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Шулардан бири инклюзив таълим бўлиб, имконияти чекланган болаларни соғлом болалар билан биргаликда ўқитиб таълим тарбия беришни такомиллаштиришдир.

Янги педагогик технологиялар ўқувчилар фаоллигини оширишда муҳим омил бўлиб келмоқда. Уларни назарий томондан пухта эгаллаш, амалиётда тўғри қўллай олиш таълим самарадорлигининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Она тилидан махсус фанларни ўқитишда мавзулараро алоқадорликни таъминлаш

Р.Иноғомова, пед. фан. номз., доц. ТДШУ

Тил материалларини ўзлаштиришда она тили методикасининг энг муҳим талабларидан бири тил сатҳларининг алоҳида-алоҳида эмас, балки ўзаро уйғунликда, яхлитликда ўрганилишидир. Бунинг учун лексикология (сўзшунослик) ҳар бир тил сатҳининг таркибий қисмига айланиши, яъни фонетика, морфология, сўз таркиби ҳатто синтаксисни ўрганишда ҳам сўз бойлигини оширувчи ўқув-топшириқлардан фойдаланишнинг аҳамияти ДТС талабларида қайд этилган коммуникатив саводхонликнинг, нутқий салоҳиятнинг шаклланишига олиб келиши, замонавий тил ўқитиш методикасида тан олинган интерфаол методлардан кам эмаслиги ҳаммамизга маълум.

Шу билан бирга талаба луғатининг она тили орқали бойиб боришида яна буюк хазина—узлуксиз таълим муассасаларида ўрганиладиган бошқа ўқув фанларининг ҳам улкан ҳиссаси борки, буни баъзан олий тоифали, илғор она тили ўқитувчилари ҳам тўлиқ англаб етишлари мумкин. Чунки улар дастур ва дарслик талабини бажариш, назорат ва ташкилий ишлар билан ниҳоятда банд бўлиб, бошқа фанлар билан қизиқишга вақт топа олмаслиги ҳаммага маълум. Ваҳоланки, луғат захирасини бойитиш, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш, услубий равоён, мантикий мукамал матнлар яратишда фанлараро алоқадорликни йўлга қўйиш—улкан муваффақиятлар хазинасига, битмас-туганмас терминологик манбаларга эгалик қилиш демак.

Она тили материалларини ўзаро боғлаб ўрганиш, йириклаштириш, тил ходисаларини кузатиш, таққослаш, гуруҳларга ажратиш, умумлаштириш имконини беради. Тил ходисалари моҳиятини чуқурроқ ўрганишга, нутқда сўзни меъёрида ва ўрнида ишлатиш кўникмаларини мустаҳкамлашга ижобий таъсир этади.

Она тили ўқитишда олдинги ўрганилганларга таяниб, янги тушунчаларни кузатиш, гуруҳларга ажратиш, қиёслаш, умумлаштириш орқали ўзи мустақил қоида, таъриф чиқаришга ўрганган ўқувчи бир-бирига ўхшаш ва фарқли ходисалар устида ишлайди, ўқитувчи ёрдамида хулоса ва ҳукм чиқаради.

Она тилининг изчил курсида фонетика, лексикология, морфология ўзаро боғлиқ ҳолда бир яхлитликни ташкил қилади. Ўрта умумтаълим мактабларида ўрганилганларга суянган ҳолда академик лицейда сўзнинг умумий тахлилини ўтказиш, ўқувчини сўз устида

ишлаш бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакалири даражасини аниқлашга, мустикал, ижодий фикрлашга, ихчам, лўнда ва аниқ хулоса чиқаришга, ҳар бир товуш ва сўздан унумли фойдаланишга ўргатилади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларида эркин, жадал фикрлашни ўрганишда сўз қолиплари устида ишлашнинг имкониятлари ҳам бениҳоя кенг.

Академик лицейда ўқувчи тафаккурини, ёзма ва оғзаки нутқини ўстиришда турғун иборалар маъносини, сўзларнинг этимологиясини билиш ўта қизиқарли жараёндр. Ўзбек тили тарихи, унинг тил бойлиги, унда рўй бераётган ўзгаришлар, луғат таркибида янги сўзларнинг пайдо бўлиши ва маъно нозикликларини ҳосил қилиш, грамматик қурилишнинг такомиллашиб бориши каби ҳодисаларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш яхши самара беради.

«Қилдан қийиқ ахтармоқ»-ёмон ният билан айби йўқ инсон фаолиятидан айб топмоқ; маънодоши: «тирноқ орасидан кир изламоқ».

«Бағри тош» - бемехр, илтифотсиз; маънодоши; «тош юрак», «кўнгли қаттик».

«Баҳри – дили очилди» - кайфияти яхшиланди; маънодоши: «димоғи чоғ бўлди», «кўнгли ёзилди».

Фанлараро алоқа (боғланиш) турли таълим босқичларидаги она тили дарсликларида (ўқув топшириқларини тизимида) кўпроқ ўз ечимини топиши керак.

Она тили дарсларини мумтоз адабиёт фанларини алоқадорликда ўтилади. Мумтоз адабиёт фанидан кўпгина ғазал, рубоий ва туюқлар мазмунини чуқур эгаллашда синтактик таҳлил ёрдам беради. Масалан, Навоийнинг илк ғазалларидан бири шундай маснавий билан бошланади:

Оразин ёпқоч, кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо булур юлдуз, ниҳон бўлғоч куёш.

Бу мураккаб кўшма гап инверсия ҳодисасига учраган; гап бўлақларининг ўрнигина ўзгариб қолмай, ҳатто эргаш гап бош гапдан кейин қўлланган. Бундай вақтда содда гаплар орасидаги мантикий боғланишни очишда тиниш белгилари муҳим роль ўйнайди, лекин ана шу тиниш белгиларини қўллашнинг ўзи ҳам мазкур кўшма гапдаги содда гапларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиқади. Шунинг учун баъзан ўқувчиларнинг тушунишини енгиллатиш мақсадида ана шундай гаплар устида синтактик таҳлил ўтказиш, содда

гапларни белгилаш учун ўқувчиларга эга ва кесимларни аниқлашни ўргатиш лозим.

Айрим синтактик ходисалар кўпроқ бадий асарларда қўлланиб, бирор услуб ёки ифода эҳтиёжини қондиради. Ажратилган бўлақлар, санаш оҳанги билан боғланган уюшиқ бўлақлари, бир неча эргаш гапли қўшма гаплар ана шулар жумласига киради. Х.Х.Ниёзий, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом каби адибларнинг дастурга кирган асарларини ўргана бориб, улардан олинган матнларни ифодали ўқиш, бунда оҳангга эътибор бериш, тиниш белгиларига оид айрим қоидаларни йўл-йўлакай эслаб кетиш жудам ўринлидир.

Она тили дарслари учун барча нутқ жанрларидан мисол олинади, лекин адабиёт мажмуасидан олинган парчалар ўқувчиларга таниш бўлганлиги учун, уларни тушуниш ёки таҳлил қилиш ҳам осон бўлади. Бу вақтни ҳам тежайди. Энг муҳими ана шундай мантлар эстетик маҳияти билан ҳам ажралиб туради.

Аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлардан матнлар танлаш, бошқа ўқув фанларига оид атамалардан фойдаланиб, кичик мантлар яратиш, берилган матндан тилга оид атамалар, ўз ва кўчма маъноли сўз, сўз бирикмаси, ибора ва тасвирий ифода кабиларни ажратиш, улар иштирокида гап ва мантлар тузиш, сўз маъноларини контекст ичида фарқлаш кўникмаларини сингдириш—талабанинг фикр доирасини кенгайтиради, саводхонлигини оширади.

Дарсликларда замон талаби

Т.Р.Ниязметова, пед. фан. номзоди., доц. ТДШУ

Дарҳақиқат, дарсликларни тубдан ислоҳ қилиш, уларга миллий ғоя, миллий мафкура тушунчаларини сингдириш, замон талаби билан ўта долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бугунги кунда дарсликлар қай даражада? Бунга биз бешинчи синф «Адабиёт» дарслиги мисолида жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Дарслик олти бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда «Адабиёт нима?» деган мавзу савол тариқасида ифодаланиб ўқувчиларни «Адабиёт» фанидан ўзлари қизиққан саволларга жавоб топишга ёрдам беради. Бу эса ўқувчини дарслик бошидаёқ «Адабиёт» фанининг моҳиятига тушиниб етишда катта аҳамиятга эгадир. Бу саҳифада ажойиб ҳикоялар орқали эндигина бошланғич синфни тугатган ёш бола онгига тезроқ таъсир қилиш мумкин. Бунга мисол қилиб Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг бир шеърий

асарининг ҳикоя тарзида ёзилганини келтириш мумкин. Мавзу орқали ўқувчи «наср», «шеърят», «драматургия» каби янги тушунчалар ҳақида содда тилда маълумотга эга бўлади.

Шоир Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» шеърдан парча келтириб табиатнинг бундай мўъжизакор манзараси ўқувчи кўз ўнгида бирдан гавдаланади. Бу эса илк дарсдан бола қалбига адабиётга қизиқиш уйғотиши табиий.

Дарсликда эслаш учун «Топшириқ ва саволлар», «Фикрларни таҳлил қилинг», Ким тўғри ва тез бажаради?» деган фикрларнинг ёнига қўл ҳаракати орқали ўқувчи эътиборини тортадиган шакллар ифодаланган.

«Хикмат дурдоналари» рукни остида берилган мақоллар, ибратли ҳикояларда миллийлик бор. Шу билан бирга қизиқарли ва тарбиявий аҳамияти катта. Мақолларда Ватанга муҳаббат, дўстлик, меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилган. Мақол ва ибратли ҳикоятларда ўзбек халқининг қисқача тарихи, маданияти, қизиқишларини чиройли ифодалаб янги маълумотлар берилади.

Ушбу бўлимда буюк аллома Имом Ал - Бухорий ҳақида берилган маълумот болага мураккабдек, қийиндек туюлади. Лекин мавзу содда, бола тилида ёритилиб берилган. Ҳадислардан намуналар келтирилиб ўқувчи тафаккурига мос, тушунарли қилиб мавзу танланган.

Иккинчи бўлим «Эртақларнинг сеҳрли олами» деб номланади. Бўлим номидан келиб чиқиб эртақлар ҳақида сўз кетади. Бешинчи синфда болалар ҳали эртақлар оламини тарқ этмаган, ёшлик, беғуборлик ҳисси улардан йироқлашиб улгурмаган бўлади. Бу бўлимдаги мавзуларни ноанъанавий усулда ўтиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади. Келтирилган эртақлар қизиқарли сюжет силсиласига эгадир. Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги оғзаки адабий ёдғорликлари орасида қаҳрамонлик дostonлари ҳам бўлган. Улар замирида ўз ботирликлари билан шуҳрат қозонган тарихий шахслар ҳақидаги афсоналар ётади.

«Афсоналар садоси» бўлимида қаҳрамонлик эпосларида ўз юртининг мустақиллиги йўлида босқинчиларга қарши мардларча курашган кишилар тасвир этилади. Уларнинг эл-юрт олдидаги жасорати улуғланади. Бу афсона-ю дostonлар бугунги авлод учун ҳам қадрлидир. Афсоналар сюжети ихчам бўлади, уларда бадиий тасвир эмас, воқеа, ходиса ҳақида хабар бериш устунлик қилади.

Кейинги бўлим «Мумтоз адабиётга саёҳат» деб номланади. Ўз-ўзидан маълумки, бу бўлимда ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ва унинг «Маҳбуб ул - қулуб» асари ҳақида назарий маълумот берилади. Алишер Навоий кейинги синф дарсликларида ҳам мукаммал ўрганилади. Лекин бешинчи синф учун ўзига ҳос тарзда содда, ихчам қилиб материал киритилиши дарсликнинг ютуғидир.

«Болаликнинг безубор олами» деган бўлимда хикоя жанри ҳақида маълумот берилиб, шоирларнинг шеърларидан парчалар келтирилган. Масалан, Миртемирнинг қишлоқ манзараси тасвирланган «Балиқ ови» шеъри таҳлил қилинар экан, шеър парчасида қишлоқ манзараси ўқувчи кўз олдида рассом тасвирлаган суръатдагидек намоён бўлади. Гўзал қишлоқ, тоғ этагида – боғлар бағрида жойлашган. Пастидан сой ўтади. Унинг суви тиник, юзида қуёш нури жилваланади. Кўкдамда сой суви лойқаланади. Унинг қирғоғида ялпизлар ўсади. Буларнинг барчаси болаларда табиатга нисбатан завқ уйғотади. Ўзи яшаб турган қишлоғи, унинг табиатига яна бир марта меҳр товланади.

«Ватанни севмоқ иймондандир» деган бўлим ўқувчилар дунё қарашини кенгайтиришга, адабиётимизнинг у билан алоқада эканини англаб олишларига, уларни халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Ўқитувчи дарс ўтиш жараёнида ўз билим тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бутунлай ўзгача, ҳатто ноанъанавий йўللардан боришга тўла ҳақли.

Қайси усул-йўлдан боришдан катъий назар, адабиёт дарсликларигаги мавзуларни ўтиш ўқитувчидан илмий тайёргарликни адабиёт, адабиётшунослик ва методика оид материалларни билиши зарур.

Асар таҳлили жараёнида ўқитувчи ақл ўргатувчи, билим берувчи воиз эмас, балки уларни билим олишга ундовчи, бутун синфни ҳаракатга келтирувчи, болаларни мустақил ишлашга, фикрлашга, баҳс мунозарага бошловчи, ҳар бир ўқувчи дарс жараёнининг иштирокчисига айлантирувчи билимдон, моҳир, ташкилотчи бўлмоғи даркор.

Асарни ўқиш, таҳлил қилиш тўғрисида гап кетганда, назаримизда бажариладиган иш турларини қуйидаги босқичларга монанд ажратиш мақбул саналади:

- 1) асарни ўқишдан олдин бажариладиган иш турлари;
- 2) асар устида ишлаш жараёни билан боғлиқ ишлар;
- 3) асар ўқиб бўлингандан кейин бажариладиган иш турлари.

Асарни ўқишдан олдин бажариладиган иш турлари сирасига луғат иши, грамматик материалларни ўрганиш, ўқитувчининг кириш сўзи киради. Ўзбек тили дарсларида бевосита матн устидаги ишлар ўқишдан бошланади. Табиийки, бадиий асарни ўқишни ўқитувчининг ўзи ёки тилни амалий биладиган, яхши ўзлаштирадиган, ифодали ўқиш қўлидан келадиган ўқувчилардан бири бошлаб беради. Умуман, русийзабон болаларни ўқишга ўргатиш масалалари методик адабиётларда қисман бўлса-да, ёритилган. Шунга кўра, биз ўзбек тили дарсларида ўқишга ўргатиш масалаларини четлаган ҳолда бевосита адабий материални ўқиш муаммоларига тўхталамиз.

Асар устида ишлаш жараёни билан боғлиқ ишлар матнни ўқишдан бошланади. Бадиий асар ёки ундан олинган парча ўқилади. Бунда ўқувчи (талаба)ларнинг талаффузига, ўқиш тезлигига алоҳида эътибор берилади. Р.Йўлдошевнинг таъкидлашича, "...ифодали ўқиш чоғида суръат ўртача (нормал) ўқиш тезлигининг учдан бирига қисқаради. Синф ўқувчиларининг ўртача ўқиш тезлиги бир дақиқада 90-120 сўз бўлса, ифодали ўқиш суръати бир дақиқада 60-80 сўз атрофида бўлади"¹. Бизнингча, бу фикр тўғри. Сўзларни, сўз бирикмаларини алоҳида ифода, оҳанг билан ўқиш (талаффуз қилиш) суръатининг пасайи-шига сабаб бўлади. Лекин кўрсатилган миқдордан ҳам секинроқ ўқиш матндаги лексик ва грамматик материалларнинг яхши ўзлаштирилма-ганлигидан, айрим гаплар мазмуни тушунилмаганлигидан далолат беради.

Матнларда маъносини изоҳсиз англаш қийин бўлган лингвистик ва экстралингвистик жиҳатлар учраб туради. Чунончи:

1. Тарихий шахслар, касб-хунарлар, лавозимларни билдирувчи сўзлар кўпроқ тарихий асарларда учрайди. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг

¹ Йўлдошев Р.А. "Ўзбек тили" давлат таълим стандартини амалиётга жорий этиш юзасидан методик тавсиялар. – Тошкент: РТМ, 2002. – 13- бет.

“Ўғри” ҳикоясида эллиқбоши, пристав ва бошқалар. Бундай асарларди куйидаги каби гаплар учрайди: *Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб.*

2. Ўтмиш буюм ва турар-жойлари билан боғлиқ сўзлар, су² бирикмалари: *човгун, томма-том ўтиб* каби.

3. Ғайриоддий сўз ишлатишлар: *патнис тузаш, омонатга ўхшамоқ, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолмоқ. Бир оғиздан, гул-гул яшнамоқ, ишдан бошимиз чиқмайди.*

4. Ўзбек ва рус тилларида фарқли сўз ишлатишлар: *омонатга ўхшамоқ, бир бало бўлиб қолмоқ* каби.

5. Ўзбек халқига хос миллий удумлар: *Энгагини ким боғлайди? Таомилда қанча бўлса, шунча тўланг. ...келину куёвларини ўртага қўйиб. Марҳумга фотиҳа ўқиди. Беш кунлигим борми, йўқми? Тасаддуқ қилмоқ.*

6. Ўзбек тилига хос ундалмалар: *чирогим, тайлогим, бўтам, ўргилай.*

7. Ўзбекона тасвирий ифодалар: *юзи нақш олмадек, хурилиқо қизлар* каби.

Юқоридаги лингвистик ва экстралингвистик омиллар адабий матн мазмунини тушунишда катта қийинчиликлар туғдиради. Бу каби қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари айрим методик адабиётларда² атрофлича ёритилган.

Асар ўқиб бўлинганидан кейин бажариладиган иш турларига суҳбат (саволларга жавоб), матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш, таҳлил қилиш, парчага доир режа тузиш, образларга қиёсий тавсиф бериш, асарнинг тили устида олиб бориладиган ишлар, парча устидаги ишлар якунида ўқитувчининг сўзи киради.

Баъзан ўқувчиларга асарни уйда ўқиб келиш топширилади. Лекин дарсда уни ўқиш ишлари қайта бошдан ташкил этилади. Бу нарса болаларни ажаблантириши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи қайта ўқиш жараёнида асар мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиш имконияти борлигига болаларни ишонтириши, қизиқтириши керак бўлади.

Агар ўқувчилар асарни уйда ўқиб келган бўлишса, уни яна нима учун қайтадан ўқиш ва таҳлил қилиш кераклигига ажабланишлари мумкин. «Бу ўринда ўқитувчи ўқувчиларга асар ўзида жуда ҳам кўп сир-синаотлар ва жумбоқларни яшириб ётишини кўрсата билиши керакки, улар ўқилганлар ҳақида ўйлай бошлагандагина маълум бўлар экан, деган тушунча ҳосил қилишлари лозим. Фақат қайта ўқигандагина (Белинский уни “чинаккам завқ олиш” деб атаган) асар ўзининг

² Кулибина Н.В. Методика лингвострановедческой работы над худ. текстом. – Москва: Русский язык, 1987. – 142 с.

бойликларини шундай мукофотга лойиқ китобхонга бус-бутун, тўлиқ-лигича очиб беради»³.

«Ифодали сўзлаш ва ўқиш малакаси бошланғич таълим мобайнида шаклланади. Бундай сўзлаш ва ўқишга ўрганиш учун жонли сўзлашув нутқи асос қилиб олинади. Маълумки, нутқда сўзловчининг ўйлаб қўйган фикри акс этади ва ўз фикрлари шакллантирилади, ўқишда эса муаллиф (ёзувчи, шоир) томонидан тузилган “бегона” матн етказилади, бинобарин, асарни ифодали ўқишдан аввал уни олдиндан ўрганиб чиқиш, мазмунини (ёзувчининг ғояси ва ўйлаб қўйганини) тушуниш, фақат шундан кейингина уни тингловчига тақдим этиш, бунда матнни шундай талаффуз қилиш керакки, у тингловчига етиб борсин ва унга эстетик таъсир кўрсатсин»⁴.

Маълумки, киши бошқалар билан маълум мақсадда сўзлашади, ўз фикрини баён этади. «Ифодали ўқишда ҳам маълум мақсад бўлади»⁵. «Ифодали ўқишда асарда тасвирланган шарт-шароитга, образларнинг руҳий ҳолатига ҳам эътибор берилади»⁶. «Асарни ифодали ўқиган ўқитувчи ва ўқувчи асар билан тингловчи ўртасида воситачи, бадий текстни талқин қилувчи ҳисобланади, ўзининг жарангдор товуши билан бадий асарнинг ғоясини ва эмоционаллигини ёритади»⁷.

Ифодали ўқиш билан махсус шуғулланган мутахассислар унинг эстетик таъсир кўзгаш⁸, тасвирланаётган образдаги руҳий ҳолатни кўрсата олиш имкони⁹ каби жиҳатларига ҳам эътибор беришган.

Насрий асарда ифодалилик овоз даражаси ва турига ҳам боғлиқ. Овозни салгина (тасвир талабига мослаб) ўзгартириб ўқиш ҳам таъсирчанликнинг қўшимча воситаси сифатида намоён бўлади. Бу матндаги тағзаминнинг англанишига асос яратади. Асарни турли оҳангда ўқишга уни ролларга бўлиб ўқишни ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Эпик, драматик асарларни ролларга бўлиб ўқишнинг моҳияти шунда яққол кўринади. Пьесани овоз чиқариб ўқиш драматик характерлар ва драматик ҳаракатнинг мураккаблиги, ҳаётий ҳаққонийлигини

³ Глинтершик Р.В. Ученик и учитель на уроке литературы (К проблеме психологического обоснования методики преподавания литературы) // Восприятие учащимися литературного произведения и методика школьного анализа: Пособие для учителей. Под ред. Проф. А.М.Докусова. - Москва: Просвещение, 1974. - С. 68.

⁴ Горбушина Л.А. Обучение выразительному чтению младших школьников: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 3 с.

⁵ Зуннунов А. Бадий асар тақлиди методикаси: Адабиёт ўқитувчилари учун ёлланма. - Тошкент, Ўқитувчи, 1989. - 10 б.

⁶ Ўша асар. 12-бет.

⁷ Ўша асар. 8-бет.

⁸ Горбушина Л.А. Обучение выразительному чтению младших школьников: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 3 с.

⁹ Зуннунов А. Бадий асар тақлиди методикаси: Адабиёт ўқитувчилари учун ёлланма. - Тошкент, Ўқитувчи, 1989. - 12 б.

кўрсатмали тарзда намойиш этувчи таҳлилнинг биринчи ва зарур босқичи саналадики, бусиз ўқувчиларни муаллифнинг асосий ғоясини тушуниш, зиддиятни англашга, махсус китобхонлик малакаларини эгаллашга олиб келиши мумкин эмас.

Р.Р.Майман Г.С.Запалованинг драматик асарни ўқишга доир фикрларига суянган ҳолда шуни уқтирадики, "...бундай асарни овоз чиқариб ўқиш унинг бадиий шаклини ўзлаштиришдан ташқари, воқеанинг ривожини, кульминациясини ва асосий конфликтнинг ечимини кузатиш; драма қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари ва қарама-қаршиликларига руҳий ҳолат ва мотивларни аниқлаш, драматик ҳаракат ривожига қараб маълум позицияни эгаллаш, шунга монанд ўз ролини уқиб олиш натижасидан иборат"¹⁰. "Драматик асарни роллар бўйича ўқиш матн мазмунига, тағзаминга чуқур кириб боришни тақозо этади. Масаланинг бу жиҳати таъминланмас экан, кутилган таассуротни уйғотиш мумкин бўлмайди. Ўқувчиларнинг саҳна асарига бўлган муносабати синтезлаш жараёнида юқори даражага кўтарилади"¹¹.

Дастлабки ўқишдан кейиноқ ўқувчиларнинг парча мазмунини тушунган-тушунмаганлиги сезилади. Бунга аниқ жавоб олиш учун уларга матн мазмунини сўзлатиш, қисқача рус тилида ифодалатиш каби ишлар бажарилади, болалардан қайси сўзлар, сўз бирикмалари нотаниш эканлиги сўралади. Матн мазмунини тушунишда, тағзаминини англашда қийинчилик сезилса, у ҳолда изоҳли (шарҳлаб) ўқиш усули қўлланади.

Методик адабиётларда таъкидланишича "асарни дастлабки ўқиш жараёнида лексик шарҳлар ниҳоятда қисқа бўлиши керак"¹². Талабалар бадиий нутқ оқимидан нотаниш сўзнинг изоҳини бадиий идрокка зиён етказмасдан илғаб олишлари лозим. Китобда коннотатив изоҳ ҳам тилга олинади. Бундай изоҳ сўзнинг қўшимча бадиий маъносини очишдан иборат бўлади. Ўқитувчи айрим сўзларни матнни ифодали ўқиш жараёнида алоҳида урғу билан ажратади. Агар дарсликда берилган луғатдаги таржима сўзнинг қўшимча маъносини тушуниш учун етарли бўлса, катта бўлмаган тўхтам талабаларнинг ушбу сўзни луғатдан кўриб олиши учун кифоя қилади. Бундан ҳам секинлашиш қизиқишнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Аслида яхши асар қизиқишни барқарор ушлаб туради. "Яхши асар" тушунчаси эса ҳаммада бир хил эмас. Бу ўқувчиларнинг умумий адабий

¹⁰ Майман Р.Р. Практикум по методике преподавания литературы. Москва: Просвещение, 1985. – 82 с.

¹¹ Ўша асар. 111-бет.

¹² Практикум по методике преподавания русской литературы в национальной школе. Под ред. З.С.Смелковой. Изд. 2-е, исправл. и доп. – Л.: Просвещение. Ленинградскре отделение, 1987. – 46 с.

тайёргарлиги, синф анъанаси, алоҳида олинган ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, ўқитувчи маҳорати каби омиллар билан уйғун ҳолда баҳоланадиган ҳодисадир. Мазмуни, бадийлиги ёққан шартдан парча ўқилгач, уни охиригача ўқиб чиқиш истаги пайдо бўлади. Ана шу истак китобхонга куч бағишлайди.

Русийзабон ўқувчи (талаба)ларнинг ўзбекча нутки яхши ривожланмаган ёки умуман шаклланмаган, ўзбек тили бўйича олган билим, ҳосил қилган кўникма ва малакалари матнни бадий идрок этиш учун етарли бўлмаган гуруҳларда асосий эътиборни матннинг ғоявий-бадий мазмунига қаратиш, ғояси ва бадий жиҳатларини тадқиқ этиш билан боғлиқ жиддий ва асосли ишлар олиб бориш зарурияти мавжуд.

Л.А.Шейманнинг тавсия этган ўқиш турларидан бири (чуқурлаштирилган-тафсиллаштирилган, ўрганувчи, аналитик ўқиш) ўқувчиларни айти шу соҳадаги изланишларга даъват қилади¹³. Асар мазмунига, ғоясига, бадий жиҳатларига чуқурроқ кириб бориш, майда-чуйда, лекин тағмаънони англашга ёрдам берувчи тафсиллар атрофида мушоҳада юритиш ана шундай изланишларга туртки беради. Бунда “Менинг олтин қишлоғим” мисрасида “олтин” сўзи нима учун ишлатилган?”, “Одамлари ширин тил” деганда нимани тушунасиз?” каби ўйлашга ундовчи саволлар ҳам бериб борилади. Баъзан қайта ўқиш орқали дастлабки таассуротларни тўлдириш мумкин.

А.А.Абдуллина изловчи тажриба-синов асосида аниқлашчи, “...кичик ёшдаги ўқувчиларда қайта яратувчи тасаввурнинг ривожланишига қуйидагилар орқали эришилади:

- хиссий таянч сифатида турли хил кўрсатмали тасаввурларни жалб этиш (болаларда қайта яратувчи тасаввурни ривожлантириш учун шароит яратиб берадиган қулай ва рационал дидактик воситалардан бири ўқувчининг матнни ўқиш асосида расм чизиши саналади);

- кичик ёшдаги ўқувчиларнинг кузатишларини фаоллаштириш, тасаввурларини тизимга солиш;

- сўзларнинг эмоционал-образли маъносига қаратиладиган диққатни тарбиялаш¹⁴.

Эстетик туйғуларни рағбатлантириш ва ҳар бир ўқувчи хаёлида ёзувчи томонидан яратилган образга мос тасаввур ва хулосаларнинг вужудга келишига кўмаклашиш – ўқитувчининг энг муҳим вазифаси. Методика ўқитувчига ўқувчиларнинг китобхонлик идрокини жиддий

¹³ Шейман Л.А. Стимулирование самостоятельного чтения школьников. – Фрунзе: Мектеп, 1987. – 8 с.

¹⁴ Абдуллина А.А. Формирование умения воссоздавать художественные образы в процессе чтения литературных произведений (1-3 классы): Автореф. канд. дисс... пед. наук. – Москва, 1977. – 7-8 с.

Ўрганишни тавсия этади; унда китобхон ўзини муаллиф мақомида кўриши учун ёрдам берадиган усуллар ҳам тавсифланади. Булар қаторида ҳар хил иллюстрациялар тузиш, оғзаки тасвир, ҳажман ихчамроқ бўлган матн (асар)ларни қайта ҳикоялаш, ижодий ҳикоя қилиш; асар матни бўйича саволлар тузиш ва шу саволларга жавоб бериш; матнда тасвирланаётган аниқ бир шахс, предмет ёки ҳодисага нисбатан шахсий муносабатини билдириш ва бошқалар шу сирага киради¹⁵.

Китобхоннинг “ижоди” ёзувчи яратган образни, унинг ҳис-туйғуларини, ўй-фикрларини қайта ифодалашдагина намоён бўлмай, балки ижодий эртақ тўқишларида, кичик-кичик ҳикоялар ёзишларида, тасвирлар битишларида, берилган асар асосида оғзаки расм чизишларида, сахна кўринишларини тайёрлаш ва уларнинг ижро этишларида, бадиий ўқишларида, ўқилган асар ҳақида танқидий фикрлар билдиришларида ҳам кўринади.

Табииyki, асарни биринчи марта ўқиганда туғилган китобхонлик образи асарни қайта-қайта ўқиш пайтида, уни таҳлил қилиш жараёнида ўзгариб, чуқурлашиб боради, ўқувчилар ана шу жараёнда ўз китобхонлик камолотларини англаб борадилар. Шу жиҳатдан қараганда методистлар томонидан тавсия қилинадиган қуйидаги усул самаралидир: “...асарни ёки ёзувчининг ижодини яхлит ўрганиш пировардида ўзларининг дастлабки тақризларини таҳрир қилиб беришлари ёки янги-сини ёзишлари учун (ёзсинлар деб) ўқувчиларга уларнинг асар, айрим парча, дарсада махсус таҳлил қилинмаган шеър ҳақида ёзган дастлабки фикрлари қайтариб берилади. Бу усул ўзи бераётган билимларнинг самарадорлигини баҳолашда ўқитувчи учун ҳам қизиқарлидир”¹⁶.

Рағбатлантирувчи саволлар бериш, муҳокама вақтида янги ахборот билан таништириш; жавобга, баҳога, умумлаштиришга ундаш; ўқув фанига бўлган жонли қизиқиш сақлаб турилади, юқори фаолликка эришилади. Албатта, келгусида кабинетда видеотека бўлади деб умид қилиш мумкин, ўқитувчи истаган вақтда кассетани олиб керакли сахнани намо-йиш қилиш имкониятига эга бўлади. Замонавий аудио ва видео техника воситаларидан фойдаланиш ҳам бу жараёнлардаги самарадорликка ижобий таъсир кўрсатади. Аммо гап улардан ўринли ва унумли фойда-ланишда қолган, холос.

¹⁵ Қаранг: Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 52 с.

¹⁶ Кудряшов Н.И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы: Пособие для учителя. - Москва: Просвещение, 1981. - 53 с.

Ўқувчилар нутқида учрайдиган сўзлашув нутқи ва шевага хос нуқсонлар

Ф.ф.н.доц. Турсунпўлатов М., Файзуллаев Б.ЖДШИ.

Нутқ маданияти тушунчаси тилининг луғавий, грамматик, фонетик, имловий, пунктуацион нормаларга тўғри амал қилиш билан характерланади. Лекин ҳозирги кунда барча кишилар нутқида бўлганидек, ўқувчилар нутқида ҳам бу нормаларни бузиш ҳоллари, айниқса, морфологик нормаларининг бузилиши учрайди. Бу ҳолни оғзаки ва ёзма нутқида сўз туркумлари ва ярим турловчи қўшимчаларнинг нотўғри қўлланишида кузатиш мумкин.

Масалан: Жиззах шаҳар мактаб ўқувчилари нутқида қаратқич келишигининг қўшимчаси –нинг билан тушум келишигининг қўшимчаси –ни фарқланмайди. Масалан: Мен Каримни китобини олдим (Жонли нутқда). Ушбу ҳолат аксарият ҳолатларда ёзма нутқда ҳам учрайди.

Кўплик аффикиси-лар Жиззах тумани мактаб ўқувчилари нутқида –ла тарзида қўлланилади: 1. Ўқитувчиларимиз *келдила*. 2. Отам синф мажлисига *бордила*. 3. Опам сизга салом *айтила*.

Кўплик қўшимчасини қўллашда ҳам чалкашликлар мажуд. Жиззах шаҳар ва туман мактаб ўқувчилари айрим чалкашликларга йўл кўядилар: –*дадамлар келдилар*. Дадам келдилар. *Дадамлар айтдилар* каби.

Ўқувчилар –ларни фақат кўплик формада қўлланилади, деб биладилар. Ваҳолангки, –лар кўплик формасининг нутқий оҳангига кўра пичинг, кесатиш, киноя, менсимаслик, эркалаш, ҳурмат маъноларида ҳам қўлланишига кам эътибор берадилар. Чунки кўплик формаси –лар алоҳида олинган ҳолда аниқ маъно ифодаламайди, у сўзлага қўшилиб, турли шароитда (бунда интонация асосий вазифаларни бажаради) турлича маънони ифодалайди.

Аксарият ўқувчилар нутқида морфолгик нормаларнинг бузилиши кўмакчи ва юкламаларни қўллашда ҳам кўзга ташланади. билан ва учун кўмакчилари ўрнида –*минан, -чун, -га* формаларини ишлатадилар. Масалан: 1. Бу китобни укамчун олдим (жонли нутқда). 2. Отамга олгандим. 3. Маллимчун атаб шу атқриткани олгандим. 4. Шаҳарга укамман бордим. 5. Болалар минан тоққа чиқдим.

Ўқувчилар нуткида олмошларни қўллашда ҳам айрим шена усуллари кўзга ташланади. Ана у ерда, бу ерда олмошлари ўрнида “хайли”, “хана” шакллари ишлатилади. Масалан: 1. Китобларим кани, Яйра? – *Хайла*, бурчайда (ўқувчилар нуткидан).

Маълумки, қачон? сўроқ олмошига –лар аффикси қўшилиб келганда анча аввал содир бўлган воқеликни ифодалайди ва мачнони кучайтириш, бўрттириш учун хазмат қилади... Лекин ўқувчилар нуткида –лар, -ла тарзида қўлланиб нутқий одобга таъсир кўрсатади. Масалан: 1. Сенга айтганим қачонла эди. 2. Келганим қачонла эди. 2. Қачонла тайёрлаб қўйганман (ўқувчилар нуткидан).

Бунча олмоши “мунча” тарикасида қўлланилади. Масалан: 1. Мунча шошасан, борамизда ўша уйга. 2. Мунча этана бўласан ўшанга (ўқувчилар нуткидан).

Адабий тилмиздаги *мен, сен* кишилик олмошлари “ман”, “сан” тарзида қўлланилади. Масалан: 1. Ман санга химия бераман, сан санга физика берасан (ўқувчилар нуткидан). 2. Сани аканг ўнинчи синфда ўқийдими? (ўқувчилар нуткидан).

Белгининг ортиқлигини кўрсатувчи жуда, ғоятда, ниҳоятда сўзлари ўрнида “*жаа*”, “*бежа*” формаси кўп ишлатилади. Масалан: 1. Жаа зўр нарса эканми? 2. Жаа ўйнаб қўйдингда, Нази!

Нарсанинг озайтирма даража белгисини кўрсатиш учун қуйидаги сўзлар қўлланилади: *сал-пал (сал), бир нави, яхиш. Бугун бир нави, ўзгарибсан.*

-дан аффикси ўрнида ўқувчилар нуткида “ча” формалари қўлланилади. 1. Манча бўлганингда тушуниб оласан (ўқувчилар нуткидан).

Туманлар ўқувчилар нуткида ўзбек адабий тилида ҳозирги замон давом феълининг ясовчи *ётир* аффикси ўқувчилар нуткида “*жатир*”, “*ётир*”, “*ёпти*” тарзида қўлланади. Масалан: 1. Ана энам келажатир. 2. Толиббой машинага минажатир. 3. Ана акам келаяпти (ўқувчилар нуткидан). Бу каби ҳолатни Ғаллаорол, Бахмал, Зомин, Жиззах туман ва бошқа шева вакиллари нуткида тез-тез учратамиз.

Хуллас, адабий тил таъсири кучли бўлишига қарамасдан нутқи ва шеваларга хос тил унсурлари анчагина учрайди. Уларнинг сабабларини аниқлаш, тузатиш йўлларини ишлаб чиқиш тилшунослигимизнинг вазифаларидан биридир.

Бадий адабиётда ҳаёт ва мамот тасвири Хуршида Хамрақулова докторант, ТДПУ

Бадий адабиёт ҳаёт, муҳаббат, ўлим каби абадий мавзуларга тез-тез мурожаат қилади. Зеро, инсон моҳияти ҳам шу уч мавзуда жам бўлган. Кўпинча инсоннинг орзулари ҳақида ўйлаймиз-у, бунга барҳам берувчи ўлим ҳақида гапиришга юрагимиз дов бермайди. Ўлим инсон умрини чегараловчи нуқтадир. Аммо Шарқ фалсафаси бу чегаралов—зоҳирий кўриниш эканлиги, аслида чегара чизиги бўлган ўлим инсоннинг абадий ҳаёти учун восита эканлигини тушунтиради. Шу жиҳати билан ғарбона қарашлардан фарқ қилади. Ўзаро фарқланиш Ғарб ва Шарқнинг бадий-адабий асарларида ҳам кўзга ташланади.

Ўлим мавзуси ҳақидаги ўй ва мушоҳадалар ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитхонага йўл” ҳикояси ҳақида фикр юритишга ундади. Ҳикоя 2001 йил итальян ёзувчиси Дино Буццатининг “Етти қават” ҳикоясига назира сифатида ёзилган. Х.Дўстмуҳаммад назира-ҳикояда итальян Дино Кортега қиёсан Зоҳид Яқин образини танлайди. Шу тариқа ёзувчи қаҳрамонлар қисматини касалхонанинг етти қаватига жо бўлган рамзлар воситасида таҳлил қилади, контраст усулидан унумли фойдаланган ҳолда, ўқувчини мушоҳадага ундовчи манзаралар яратади.

“Етти қават” ҳикояси қаҳрамони Жузеппе Корте (у “Жимжитхонага йўл”да Дино Корте номи билан аталади)нинг клиникада қаватма-қават жойлашуви, ҳар бир қаватнинг ўзига хос хусусияти “Жимжитхонага йўл”да сақланиб қолади. Дино Буццати Жузеппе Кортенинг еттинчи қаватдан биринчи қаватгача бўлган сафарини босқичма-босқич таҳлил қилади.

Корте ёндош бемордан қаватлар ҳақида маълумот олгач биринчи қаватда кимлар ётишини сўрайди: “— Воҳ — биринчида буткул ўлаётганлар. У ерда дўхтирларга иш қолмаган. У ёғи фақат руҳонийларнинг ташвиши. Яна гўрков-пўрков дегандай...”

— Аммо биринчи қаватда касаллар жуда оз-ку, — Корте гапни бўлди, гўё у ўзини хотиржам қиладиган бу фикрини тезроқ тасдиқлаиб олмоқчидай эди, — деярли ҳамма хоналар беркитилган.

— Ҳозир, ростдан ҳам, озчилик, аммо эрталаб етарли эди, — нотаниш киши зўрға сезиладиган кулгу билан жавоб берди, — дераза қопқалари туширилган хоналарда кимдир яқиндагина ўлган, бошқа қаватларда ҳамма қопқалар кўтарилганини кўриб турган бўлсангиз

керак?”. Шундан сўнг Жузеппеда ўлим ҳақидаги сирли тасаввурлар уйғонади, дардчил бир қизикувчанлик билан биринчи қаватни кузатади, ундан узоқлигидан хотиржам бўлади.

Ҳикояда инсон табиатининг қизиқ бир жиҳатига эътибор берилади: инсон бир умр ўлимни кутади, лекин айтилган дама йўлиқилишини хоҳламайди. Ниҳоят, Жузеппе кутгани, бироқ хоҳламагани биринчи қаватга етиб боради. Дераза қопқаларининг тушиши ўлим онлари етиб келганлигини англатиши билан ҳикоя тугалланади. Ёзувчи қаҳрамонни қаватлар орасида саросар кездирар экан, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатни акс эттиришга ҳаракат қилади. Персонаж ўлимнинг сабабини ҳам мазкур муносабатдан излайди.

Дино Буццатининг яна бир ҳикояси “Ўликлар нега тирилмайди”да ҳам ўлим, руҳ ва унга жамиятнинг муносабати ёзувчи нигоҳи орқали акс этади. Ёзувчи марҳум скрипкачи Аппашерни бир кечалик тириклик оламига қайтариш билан инсоний муносабатларнинг тубанлашиб борганлигини аччиқ кулгу орқали очиб ташлайди. Кечагина дўстининг дийдорини яна бир бор кўриш учун ҳар қандай қурбонга тайёр дўстлар уни эшигидан кувиб соладилар. Адиб марҳум қаҳрамонни жамиятнинг турли тоифасидаги одамлари – яқин биродари Торти, консерватория директори Тамбурлани, фоҳиша Жанна, руҳоний Раймондога йўлиқтиради. Қарангки, уларнинг ҳар бири марҳумга бир хил муносабатда бўлади. Ёзувчи “Ўликлар нега тирилмаслигини энди билгандирсиз?” – деб ҳикояни тугатар экан, инсониятнинг заиф жиҳатига, одамзод ҳеч қачон ўлим отлик манзилга тайёр бўла олмаслиги, ўлим ва унга боғлиқ ҳодисалар тасаввурдан четда эканлиги, бир сўз билан айтганда, ўлимни даҳшат каби қабул қилишларига ишора қилади. Шунинг учун ҳам адиб “Етти қават” ҳикояси қаҳрамони Кортенинг ўлимга нисбатан исён кўтаришига йўл қўйиб беради. Дино Буццати учун ўлимнинг нима эканлиги эмас, қаҳрамоннинг ўлимга қандай муносабатда бўлганлиги муҳим. Бу эса Ғарбдаги тасаввурнинг бадиий асардаги инъикосидир. Инсон ва унинг ўлимга муносабати масаласи “Жимжитхонага йўл” ҳикоясида ўзгача сайқал топади. Ҳикояда ўлимнинг Дино Кортен билан боғлиқ исёнкорона, Зоҳид Яқин билан боғлиқ исломий руҳий талқини кузатилади. Назира ҳикояни англаш учун ёзувчи қўллаган рамзларни билиш зарурдир. Етти қаватдан иборат касалхона қаҳрамондан ҳам кўра ўқувчини ўзига тортади. Етти рақами нимани англатади? Манбаларга эътибор

бсрилса, етти рақамига қадимдан рамз сифатида қараган. Масалан, етти сайёра, дунёнинг етти мўъжизаси, модданинг етти кўриниши, музиканинг етти пардаси, ҳафтанинг етти куни, инсоннинг етти авлоди, етти иқлим, етти хазина, суфийликнинг етти босқичи, етти қават осмон, етти қават ер, дўзахнинг етти дарвозаси, етти рақами билан боғлиқ маросимлар, етти рақамига оид сирриётлар.... Ниҳоят, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жимжитхонага йўл” ҳикоясидаги етти рақамида ҳам рамз яширинган.

Ёзувчи Дино Кортенинг еттинчи қаватдан биринчига, Зоҳид Яқинни биринчи қаватдан еттинчи қаватгача ораликда ҳаракатлантирар экан, бу жараён ўқувчида инсон умри давомида қилган амалларнинг ажрини олгандек тасаввур қолдиради.

Дино КORTE ҳар сафар ўрнини алмаштирар экан, ён-атрофдагилардан нафратини яширмайди:

“ – Нима?! Пичоқ суякка қадалди! Етар! – чинқириб юборди КORTE жаноблари. – Кўч-кўч ҳикилдоғимга келди!

У шундай деб худди биров бугаётгандек “ҳарс-ҳарс” нафас ола бошлади. Шифокор уни тинчлантиришга уринди. Тушунтириши кор қилмади.

– Ўлсам, шу ерда ўлиб кўя қолай! Ўлайми? Шу ерда ўлақолсам, қутиласизларми?! Шу керакми, сизларга?! Илло тўртинчи қаватга тушадиган аҳмоқ йўк!”.

“Етти қават” ҳикоясида ҳам шундай лавҳа бор:

“– Э-э, бўлди, бас, етар энди! – Жузеппе КORTE ғазабланиб бақира бошлади. – Бу кўча-кўчлар ҳикилдоғимга келди! – Майли, мен яхшиси шу ерда ўламан, бироқ тўртинчи қаватга тушмайман!”.

Мазкур парчалар ёзувчининг мақсадидан келиб чиқиб, икки хил хулосага олиб келади. Хуршид Дўстмуҳаммад Дино Кортенинг ўлимдан кўрқиши руҳиятига салбий таъсир қилгани туфайли ундан қочаётган одам қиёфасини акс эттирса, Дино Буццати ҳикоясида атрофдагиларнинг лоқайд муносабати қаҳрамонни ғазаб отига миндиради. Бироқ инсон кўникишга маҳкум. Шунинг учун Жузеппе ҳам, Дино КORTE ҳам касалхона талабларига бўйсунушга мажбур. Бу образларга қарши ўлароқ Зоҳид Яқинда қаршилиқ учрамайди. Аксинча, у тақдирдан рози, қисматининг якунига ҳам тайёр ҳатто Худодан ўзига сабр, тоқат-қаноат сўрайди. Сўрагани сайин вужудига куч-қувват қуйилаётгандек ўзини тетик ҳис қилади. Ёзувчи Зоҳид Яқиннинг юқори қаватларга бирма-бир чиқишига Буццати каби атрофлича тўхталмайди. Қаҳрамонининг бирданига

тўртинчи қаватдан олтинчи қаватга кўтарилишини изоҳлаб ўтирмайди. Аслида Зоҳид Яқиннинг умри олтинчи қаватда ниҳон топади. Еттинчи қаватда руҳоний манзара акс этади. Зоҳид Яқинга бириктирилган ҳамшираларнинг исми ҳам рамзий маъно касб этади.

Мужоҳида-арабча “ҳаракат қилмоқ”, “бор кучини ишга солимоқ”, Мушоҳида – арабча “Бир нарсага гувоҳ бўлмоқ”, “бир нарсага қарамоқ” маъноларини англатади. Мужоҳидлик, мушоҳидлик, шавққа тўлиш жон-руҳ билан боғлиқ ҳодиса. Ёзувчи инсон руҳияти тасвирини олди масала қилиб қўйганлиги учун ҳам рамзларга ишора қилади. Зиналарнинг ҳар бир пиллапоясида Зоҳид Яқин ҳаёти сарҳисоб бўлади. Бутун кучини ишга солиб юқорига кўтарилаётган паллада Мужоҳиданинг учраши қаҳрамоннинг ўзини мужоҳидга айлантиради.

Мушоҳидага йўлиққач, Мужоҳидага ҳожат қолмади, шу боис Мужоҳида қавати – бешинчига эмас, Мушоҳида ишлаётган олтинчи қаватга кўтарилди. Шу ондан бошлаб у ҳамма нарсани мушоҳада қила бошлади. Ҳатто умрининг сўнгги дақиқалари, у билан боғлиқ манзараларга гувоҳ бўлди. Зеро, бемор ётган палатани ҳам бежиз мушоҳада палатаси дейилмайди. Ёзувчи Зоҳид Яқин тасвирида ҳар бир хонада мавжуд бўлган радиога эътиборни қаратади. Бу детал қаҳрамонга куйи қаватларда тез-тез керак бўлгани эслатиб ўтилади. Аммо у олтинчи қаватда қаҳрамонга ортиқ зарур бўлмайди. Чунки, “қулоғига жуда сокин ва жозибадор мусиқа садоси қуйила бошлади”. Зоҳид Яқиннинг ҳолати Ҳазрат Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги қуйидаги мисраларига ҳамоҳангдир:

Ҳеч қойсида ўзин билмас яқин,
Ҳайрат ойлар они хориж борчадин.
Фоний эрканнию боқийлигин ҳам,
Маст эрканнию соқийлигин ҳам...
Бокса ҳарён ҳайратин афзун топар,
Ўзни ҳайрат ичра дигаргун топар.

Ниҳоят, ёзувчи талқинидаги еттинчи қават касалхона билан боғлиқ эмас эди. Бу персонаж тилидан айтилган, фаришталаргагина насиб этадиган қават эди. Адиб Зоҳид Яқиннинг руҳлар оламидаги оний лаҳзалари тасвирида муайян даражада илмий ҳақиқатга асосланади.

Айтиш мумкинки, Зоҳид яқинининг ўлимдан кейинги ҳолати ёзувчи томонидан ўйлаб топилган эмас, балки айниятнинг бадииятда акс этишидир.

Хуршид Дўстмухаммаднинг қаҳрамони Дино Корте жимжитликда даҳшатни кўрса, Зоҳид Яқин жимжитликдан жозиба топа олади. Жимжитлик нафақат қаҳрамонлар учун, ўқувчи учун ҳам ўзини тафтиш қилиш имкониятини беради. Зотан, “Ҳар бир жон ўлим (шарбати)ни тотиб кўргувчидир” (Анкабут сураси, 57-оят), “Айтинг: “Сизлар қочаётган бу ўлим, албатта сизларга йўлиққувчидир. Сўнгра сизлар ғайбу шаҳодатни билувчи Зотга қайтарилурсизлар. Бас, У Зот сизларга қилиб ўтган амалларингиз хабарини берур!” (“Жумъа” сураси, 8-оят).

МЯБТ-4 универсал модули асосида матн яратиш

Т. Зиёдова, пед. фан. ном., доц. Гул.ДУ

Онгли вербал-когнитив таълим тизимининг салмоқли ютуқларидан бири ҳисобланган «МЯБТ- 4» -матн яратишнинг универсал модули ўқувчини ижодий изланиш, нутқий кашфиёт қилиш, фавқулодда матн яратиш кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда ўқувчи онгида ижобий ўқув мотивларини ҳосил қилишга: ўзида мавжуд бўлган сўзлар захирасини бойитиш, сўз бирикмалари ҳосил қилиш, бадиий бўёқдор гаплар тузиш, шеърый машқлар билан шуғулланиш, ўз нутқида ибора, мақол, матал, ҳикматли сўзларни ишлатишни ўрганиш, ўз нутқий қобилятини ўзгаларга намойиш қилиш истаги, иштиёқининг ўсиб боришига сабаб бўлади, матн яратиш юзасидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиб бориши, нутқий маҳоратга айланишига хизмат қилади.

МЯБТ-4 матн яратиш модули билан ишлаш ўқувчида ўзига бўлган ишончнинг ортиб бориши, ўқув қийинчиликлари олдида эсанкирамаслик, аниқ йўлланма асосида мақсадга интилиш (модул тизими), ижодий изланиш, илмий мушоҳада (анализ ва синтез) юритиш, тил ҳодисаларини гуруҳлаш ва танлаш, аниқ, ихчам, равон фикр ифодалаш, ўқувчиларда матн яратиш кўникмаларининг а в т о м а т л а ш у в и - малакага айланишига олиб келади.

МЯБТ-4 модулининг муайян тартиб ва йўналишда (4 босқичли тизимда) бўлиши, унинг турфа имкониятлари ўқитувчининг модул босқичларидан бирини, ўзи ўргатаётган мавзуга мосини танлаши ва шу босқич топшириқларидан фойдаланиши), ўқувчи нутқий фаолияти ва матн яратиш кўникмаларининг муайян тартиб ва изчилликда тил сатҳларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш методикаси асосида

ривожланиши (уядошлик ҳодисаси) матн яратиш кўникмасининг доимий равишда такомиллашиб боришини таъминлайди, ўқувчи шахси, ундаги нутқий маҳорат, матн яратиш кўникмаларининг ДТС талаблари асосида шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қиладди. Қуйида МЯБТ-4 модули асосида матн яратиш учун мўлжалланган мустақил ишлардан намуналар келтирилди:

Мустақил иш. МЯБТ-2, 3. Берилган атамалар иштирокида аввал сўз бирикмалари, сўнгра гаплар ҳосил қилинг.

Йўлак, ванна, ошхона, паркет, тўсин, шифер, боғ, хиёбон, гулзор.

2-босқич. СБлар ҳосил қилиш: Тоза ва салқин йўлак, сув тўлдирилган ванна, паркет полли янги ошхона, катта миллий боғ, йўғон, бақувват тўсинлар, ошхона шифери, эски, арчазор хиёбон, атиргуллар ҳонишига махлиё капалаклар, баҳор ташрифидан яйраган гулзор..в.х.

3-босқич. Гаплар тузиш:

1. Тошкентдаги *катта миллий боққа* олиб борадиган *салқин йўлак* бугун одамлар билан гавжум..

2. Боғнинг кираверишига қурилган *паркет полли янги ошхона* дам олувчилар хизматига шай ...

4- босқич. Тузилган гаплардан фойдаланиб, матн яратинг:

Миллий боғ

Тошкентдаги *катта миллий боққа* олиб борадиган *салқин йўлак* бугун одамлар билан гавжум.. Боғнинг кираверишига қурилган *янги ошхона* дам олувчилар хизматига шай. *Йўғон, бақувват тўсинларга ўрнатилган ошхона томи* эртақлардаги баҳайбат кўзиқоринга ўхшайди. Орқа тарафдаги *эски, арчазор хиёбонда* оқ, қизил сарик *атиргуллар* барқ уриб очилган. *Баҳор ташрифидан* яшнаган *гулзор*, хазрати инсон мурувватига тасаннолар айтаётгандек, ёқимли ҳидлар таратиб аста тебранади..

1-топширик. Берилган сўз ёрдамида «от + от» ва «сифат+от», СБ қолиплари асосида сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

1.1. «От + от» сўз бирикмаси ДС+и бўйича ҳосил қилинган сўз бирикмаларидан намуналар:

Орзулар шўҳомчиси (шайдоchi; бешиги;макони;қасри; чамани)

2. «сифат + от» СБ қолипи асосида ҳосил қилинган сўз бирикмаларидан намуналар: *Янги (нафис, гард юкмаган) орзулар*

2-топширик. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари иштирокида гаплар, шеърқаторлар ҳосил қилинг.

2.1-иш. Гап тузиш машқлари;

-Қизгина масъум ёшликнинг қанотли орзуларига махлиё, ширин ҳаёллар оғушида ўтирарди.

-**Болаликнинг нурафшон орзулари** ҳамон кўнгил эшигини тақиллатади, ўз саволларига жавоб истайди...

3-топширик. Ўзингиз тузган гап ва шеърқаторлардан фойдаланиб, кичик бадиий матн яратинг. Хоҳловчилар ўз фикрини шеър билан ҳам ифода қилиши мумкин. Қўлида ўқувчилар томонидан яратилган насрий ва назмий матнлардан намуналар келтирамиз:

Қанотли орзулар

Эндигина академик лицейни тугатиб, ўқишга кириш учун тайёргарлик кўраётган кўшни қиз Зулҳумор **орзулар гирдобига** ғарқ бўлган, кўлидаги китобга термулиб ўтирарди.

Қизгинанинг кўзи китоб саҳифаларида бўлса-да, хаёли узоқларда, беғубор, **масъум ёшликнинг, қанотли орзуларига** махлиё, рўпарасида турган кадрдон дугонаси Гулчехрани ҳам пайқамас, кўрмас эди.

Ҳорманг, дугонажон, ширин орзулар денгизига ғарқ бўли-и-б ўтирибсизми?-тегишиди Гулчехра...в.ҳ.

3.1.-топширик. Матнни давом эттиринг. Матн сўнгида ҳукм ва хулоса беринг. Яратган матнингизга сарлавҳа танланг. Ундаги гаплар, сўз бирикмаларини ажратиб, сананг. «Орзулар» сўзига маънодош ва уядошлар топинг;

4-топширик. Шеърқаторлар тузиш машқлари: Юқорида ҳосил қилинган СБлар иштирокида шеърқаторлар тузинг.

1. **Орзулар туғёни** бегона эмас, саҳрода сарғайган саксовулга ҳам,

2. **Пинҳоний орзулар** жилоси, сеҳри ўткинчи булутни бағрига чорлар

4.1-иш. Шеърқатордаги ажратилган сўзларни қофиядошлар, ўхшаш ва муқобиллари билан алмаштиринг, сўз бирикмаларининг ўзини ва ўрнини гапда сўз тартибига риоя қилган ўзгартиринг, янги шеърқаторлар ҳосил қилишга уриниб кўринг.

Орзулар туғёни бегона эмас **саҳрода сарғайган** саксовулга ҳам

1. «Сув париси» дея дайди булутни ёнига чорлаган ёлғиз саксовул...
2. Сахрода сарғайган саксовулга ҳам орзулар туғёни бегона эмас
3. Бегона эмасдир армонлар хатто, *сахрода мунгайган* саксовулга ҳам
4. Орзу уммонлари тебратар, ҳайхот, сахрода қакқайган саксовулни ҳам...

5. Орзулар ўтинчи йиғлатар ахён, сахролар султони саксовулни ҳам....

6. Сахро суворийси саксовулни ҳам забт этар орзулар уммони беҳос...

7. Сахро кўксидаги орзулар акси- қадим саксовуллар сўзлайди унсиз...

7.1. Ушалмас орзулар машаққатидан, толикқан «навкарлар» қуролсиз, тилсиз....

7.2. Сахро кўксидаги қадим орзулар, мозийлар садосин бағрига туккан - қария саксовул ингранар, ёвуз барханларнинг шум ниятидан топгандек хабар, сесканар..., қаттикроқ тирмашар она замингав.х.

Энди ўқувчини, ижод ва бадиятнинг сеҳрли оламига кириб қолиб, унинг тар меваларидан тотишини орзу қилаётган шогирдни, яна ўша ижодий тафаккурни уйғотувчи, уни шеър ёзиш машаққатидан, инсон хоҳишига бўйсунмайдиган тартиб-у қоидаларидан бохабар бўлишни талаб қиладиган, услубий топшириқлар оламига етаклаймиз :

4.2. *Тузган шеърқаторларингиздаги сўзларнинг ўрнини ва ўзини алмаштириб кўринг, янги шеърқаторлар ҳосил қилинг:*

7. Сахро кўксидаги орзулар акси - қадим саксовуллар тебранар унсиз...

Кўҳна тарихлардан сўзламоқчи-ю, афеус, ҳақ яратган тилсимни тилсиз...

Саксовул воқифдир тарих ҳукмидан, у сахро сирларин жонли гувоҳи.

4.3. *Яратилган шеърқатордаги сўзларни, жойлашиш тартибини ўзгартириб кўринг, мазмунга зидланиш маъносини қиритинг:*

7.2. Хабар топган каби бўрон қаҳридан, чайир саксовуллар қисирлар, ихрар ва яна кўтарар мағрур қаддини, жангга ҳозирланган ёш суворийдек талпинар олдинга...гўё, яна минг йил кўримоқчидай, ўзи томир отган она заминни....

4.4. Юқорида ҳосил қилинган шеърқаторлардан фойдаланиб, 7.1 шеърқатордаги ажратилган сўзлар ўрнига зид маъноли сўзлар киритинг:

7.3. Сахро кўксидаги ёниқ орзулар, келажак қайғусин бағрига туккан ёшгина саксовул тебранар масрур, ёвуз бўронларнинг дағдағасидан эгилар, букилар аммо синмас у, қисмати курашдан иборат мангу...

Ўқувчининг сўз бойлигини оширмай, нутқий маҳоратини шакллантирмай, тил бирликлари ва имкониятларидан эркин фойдаланиш, сўз бирикмаси, гап ва матнларни фарқлаш, уларни кўйлаб ҳосил қилиш усулларига ўргатмай туриб, ундан ижодий матн яратишни талаб қилиш – кўзлари боғлиқ болани тор кўприкдан ўтишга ундаш, чорлаш билан баробардир...

5-топшириқ “ОТ + ОТ” сўз қолипи билан ҳосил қилинган сўз бирикма лари, ўзингиз тузган мустақил маъноли шеърқаторлардан фойдаланиб, шеърый тўртликлар яратинг. Унга сарлавҳа танланг.

5.1. Шеърни ифодали ўқиб беринг. Унинг мазмунини шарҳланг, матндаги қофиядош сўзларни ажратиб, гуруҳланг. *бахридан ўтиб, умидвор бўлиб, музликлар ҳаққи, қумликлар ҳаққи, муҳаббат бахти, ҳарсиллаб ётган, қаҳридан қотган, бағрига чорлар, биллурдек порлар...*

5.2. «Сифат+феъл» қолипли сўз бирикмасидаги сифатларни бошқа уядошлари билан алмаштириб кўринг; биллурдек порлар-зумраддек порлар, юлдуздек порлар, ёқутдек порлар, олмосдек порлар, гавҳардек порлар, олтиндек порлар. в.ҳ.

5.3. «Орзулар тугёни» сўз бирикмасини бошқа уядош сўз бирикмасига алмаштиринг: Орзулар тугёни-орзулар исёни, тухфаси

5.4. «Орзу» сўзи билан ишлатиладиган бошқа сўз туркумлари ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг, уларни кенгайтиринг: *Чўлпон юлдузидек мусаффо, шаффоф, орзулар гирдобин тилсиз асири, орзулар сароби домига тортар, орзулар нидоси, садоси: орзулар ёшликнинг мангу садоси ...в.ҳ.*

5.4. Сўз бирикмаларидан янги шеърқаторлар ҳосил қилинг.

5.5. Шеърқаторлардан фойдаланиб, шеъррий тўртликлар ҳосил қилинг.

Субҳидам сеҳридан кўз очган шаффоф,

Шудринг томчисида милтирар орзу,

Зухро юлдузила йўл очган сайёҳ,

Кўзига нур бўлиб йилтирар орзу..

Юқорида бирин - кетин берилаётган ижодий

топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчининг қуйидаги билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш мумкин бўлади:

- Сўз бойлиги даражаси;
- Сўз бирикмаларини ҳосил қила олиш даражаси;
- «Сўз қолиплари» ёрдамида бирикмалар яшаш маҳорати;
- Тўғри ва ўринли жумла қуриш;
- Ўз нутқида тасвирий ифода ва ибораларни қўллаш олиш;
- Сўзларни кўчма маънода ишлата билиш;
- Ижодий матн яратиш;
- Ўз фикрини шеър билан ифодалай олиш;
- Шеърдаги қофиядош сўз ва сўз бирикмаларини ўрнини ва ўзини алмаштира олиш;
- Қофиядош сўзларга маънодош уядош ва зид маъноли сўзлар танлай олиш;
- Шаклдош сўзларга маънодошлар танлаш;
- Матннинг бадиий таҳлили в. х.

Дарс машғулоти ана шундай босқичли кетма-кетлик, узлуксизлик принципларига асосланиб ташкил қилинса, ўқувчи хусусийдан умумийга (МЯБТ-4 модули асосида матн яратиш), умумийдан хусусийга (матн устида ишлаш, матнни таҳлил қилиш) қараб бориш, мустақил, ижодий мушоҳада юритишнинг энг самарали усул ва воситалари билан бевосита таништирилиб борилса, боланинг нутқий фаолияти шаклланади, ёзма фикр ифодалаш маҳорати ривожланади ва тараккий этади.

Ахмет Байтұрсынов – Адебиеттанушы ғалым

Е. Абдувалитов, п.э.к. доц ТМПУ

Цивилизация тарихында «Ренесанс» деген тусінік бар. Негізінен французша бұл сөзді орыс тілінде «Возрождение» деп атайды. Ал қазақ тілінде «Ояну» деп келеді.

Ренессанс–Возреждение–Ояну–Батыста адамзат тарихының классикалық доуірі есептелетін ежелгі юнон, рим, медениетіне қатысты болып, бікіл бір дҰуірді қамтыған. Оны! ауқымы Шығыстан Батысқа қарай озенні! суындай ағып жатты. Оны! басты ерекшелігі–ғалымдарды! пікірінше, қала медениетіні! оркендеп осуі, мҰдениет пен ғылымны!, Ұлеуметтік–рухани тұрмысты! барлық тармақтарына енуінде. 1789 жылғы ды Француз кйіреуі Европада ұлт тісінігіне тірткі болды. Соны! нҰтижесінде Европа халықтары Отан оркендеуіні! басты факторы оздігін тану екенін тісінді.

Осы ірдісті! Тіркiстанға жетіп келуі ішін жiз жылдан астам уақыт откені тарихтан аян.

лы Демокрит бұдан 1500 жыл бұрын «Ұрбір мемлекетті! жалғыз иесі – «natsio» (ұлт) екенін айтқан. ¼азақ Ұдебиетінде «ұлт» тісінігін ұлтжанды қайраткер - қаламғарлерді! шығармаларынан білеміз.

XX ғасыр басы - қазақ халқы ішін жер бетінен жойылу мен тарихы аренасында қалу дегендей алмағайып халді алға тартқан күрделі тарихи кезе!. Бұл кезе!ге орысты! отарлау саясаты шеннен асқан қысым болып жетті. Жа!а дҰуір есігін откен ел ретінде емес, озгелердей оскен ел райында ашайық деген ін, асқақ рух ке! даланы кернеді. Халықты ояту, ажарлап айту, тҰсілдеп айту дегендей қазақ ақындары ой айтуды! сан-алуан тҰсіліне, халықты оятуды! сан-алуан амалына барды. Осыны! натижесінде ақын-жазушылар «кітаби», «ағартушы», «сыншыл ағартушы», «ұлтшыл», «демократ» дегендей тірлі атауға ие болады. Сондай-ақ, XX ғасыр басындағы қазақ Ұдебиеті тірлі ағым, Ұдіс, мектептер омірге осылай келді.

XX ғасырды! басында қазақ даласындағы ілеуметтік – саяси жағдай к рделене т сті. Бір жағынан патшалы Ресейді! орташылдық саясаты к шейсе, екінші жағынан, жергілікті ұлықтарды! озбырлығы да отқа май қия т скендей болды. Осы кезде азаттықты, іділдікті асаған бір топ қазақ оқығандары шықты. А. Байтұрсынов ғ. Бокейхан, М. Дулатов, М. Жұмабаев та осы ұлт-азаттық

қозғалысты! кош басылары болып, халқын бақытты өмірге жеткізу шін к рес жолына бастады.

Осы ркедей топты! ішіне Ахмет Байтұрсыновты! азаттық жолындағы к ресте атқарған қызметі айрықша. Оны! б кіл саналы ғұмыры туған халқыны! бақытты болашағы шін қызмет етуге арналған. Жастайынан іділетсіздік көп көріп өскен Ахметті! ой-санасы ерте оянады. Ол көрген өмірді! ауыртпалықтары, патша өкіметіні! отаршалдық қысымы жас жігітті! бойындағы халықтық қасиеттерді қалыптастырады. Патша ұлықтарына қарсы шыққаны шін ікесі мен ағасыны! сотталып кетуі, кейіннен зорлық-зомбылықты басынан көп өткеруі оны азаттық жолындағы к реске т сіреді. Бұл туралы ол бір өлеінде «өк тиіп, он шімде ой т сіріп, бітпеген ж регімде бар бір жарам» (А. Байтұрсынов. Шығармалары. А., 1989, 30-бет) – деп, он ш жасынан бастап осы жолға т скенін айтады.

А. Байтұрсынов азаттық ойларын халқына жеткізу шін «¼азақ» газетін шығарды. Осы газетті! бетінде қазақ халқыны! мү-мүқтажы, арман-тілегі жайлы көптеген мақалалары жарық көрді. «¼азақ» газеті халқымызды! саяси оянуында тарихи рөл атқарды.

А. Байтұрсынов, Ғ. Бокейханов, М. Дулатовтармен бірге қазақ халқын түелсіздік жолындағы саяси к реске бастаған Алашорда қозғалысын ұйымдастырады. Совет өкіметі орнаған со! халық ағарту саласында ебек етті. ¼азақ тіліні! тұғыш алфавитін жасады; ана тілінен оқулықтар жазды, сойтіп ұлттық тіл біліміні! негізін қалады.

Ахметті! жазушылық қызметі мысал жазудан басталды. Оны! И. А. Крыловтан аударған мысалдар 1909 жылы «¼ырық мысал» деген атпен басылып шықты. Ақын мысал тілімен патша ұлықтарыны! отаршыр-қанаушылық саясатын, ел ішіндегі жағымсыз қылықтарды, іділетсіздіктерді аяусыз сынады.

Ақынны! өз өледері кірген «Маса» кітабы 1911 жылы жарық көрді. Ахмет өз ойларын «¼ырық мысалда» тиспалдап жеткізсе, «Масада» ашық айтады. ¼азақ халқыны! қоғамдық дамуда артта қалғандығын көріп қынжылады. Ел ішінде орын алған келеісіз жағдайда сол к йінде суреттейді. Халқыны! ұйықтап жатқан қалпын көріп, оятуға тырысады. Бейғам жатқан елін маса болып, шағып оятқысы келеді. Кітапты! «Маса» аталуы да сондықтан.

«¼аз едік қатар ұшып қақылдаған,
Сахара көлге қонып салқындаған.

Бір ортке қаудан шыққан душар болып,
Не қалды т̄німізде шарпылмаған» (сонда, 24-бет) –
деп басталатын «¼азақ салты» оле̄інде бас котерер алаш
азаматтарыны| б̄ірі қамалып жатса да («Кім қалды таразыға
тартылмаған») іркімні| оз бас қамын қуып, санасыздықтан халқыны|
ійқыда қалып отырғанына («Б̄ірінен тыныш ійықтап жатқандар
коп») налиды.

«Алалық алты бақан дерт» ме|деген халықты| басынан
«Жарқырап жақсылықты| та|ы атпай тұр,
Т̄ нерген тобемізден б̄лт арымлай» (сонда, 25-бет)-
деп, к̄ йінеді. Осындай к̄ йге жеткізген ел ішіндегі келе|сіз
қибылыстарды Абай сияқты Аха| да аяусыз сынайды. Алауыздық
тамыр жайып, бірлігі кеткен елде:

« ійқышыл жұртты,
Т̄ ксиген мұртты
Обыр обып, сорып тұр.
Т̄ н етіп к̄ нін,
Корсетпей мінін,
Оятқызбай қорып тұр,
Обыр болса, қамқоры|.
¼айнағаны сол соры|!»-
деп қойінеді.

«қазағым, елім
қайқайып белі|,
Сынуға тұр таянып,
Талауда малы|,
қамауда жаны|,
Аш козі|ді оянып,
қанған жоқ па ілі ійқы|,
ійықтайтын бар не сиқы|?!»-

деп жырлайды ақын. Халқыны| аянышты халі ақын ж̄ регін
сыздатады. Осыларға к̄ йіне отырып, ел-жұртын ійқыдан оятуға
тырысады. Бұл оле̄ні| сыртқы формасы коп ойлап, «Калы| елім,
қазағым, қайран жұртым» деп, жырлап откен ілы Абайды| ақындық
жолын Ахмет жалғастырып тұрғандай. Ахмет те Абайша толғарып,
Абайша жырлайды.

¼азақ даласыны! леуметтік жай-к̄йі «¼азақ салты», «¼азақ қалпы», «Жиған-терген» сияқты оле!дерінде шынайы суреттелген. Ал бесік жыры лгісімен жазылған «Жұбату» оле!і:

«¼айран еркін

Замандары!!

Тарлыққа жоқ

Амалдары!!

Еркін дала,

Еркі! қайда?

Еркі!дегі

жақы! қайда?» (сонда, 37-бет)- деген жолдармен басталған. Алты ауыз алауыздықты! салдарынан өзге елге бодан болған елін:

«Малы! алдау,

Талдауда тыр.

Жаны! арбау,

¼амауда тыр.

Аяғы!ды тисау

¼ысты.

Жақтары!ды

¼ырсау Кысты»-

к̄йінде корінеді. лықтарды! «біз тырғанда қам жеме, ұйықтай бер» деп, «рлдилейді», ондай «рлдиге» сеніп қалма деп, халқын қырағылыққа т̄гіттейді.

Тоқсан ауыз сөзді! тобықтай т̄йінін М. ўезовті! мына бір сөздерімен т̄йіндейміз: «Аха! ашқан қазақ мектебі, Аха! т̄рлеген ана тілі, Аха! салған Ўдебиеттегі елшілік мраны – «¼ырық мысал», «Маса», «¼азақ», газетіні! 1916 жылдағы қан жылаған қазақ баласына істеген е!бегі, онер-білім, саяхат жолындағы қажымаған қайраты, біз ұмытпасақ та, тарих ұмытпайтын істер.

Маҳорат мактаби

Ш. Исаева. фил. фан. ном. ТДПУ

Ҳаёт магнит- ўзига тортади, ёзувчи шу магнитни ўзига юқтира олсагина, китобхонни ўзига торта олади. Яхши ёза олмаганлигини кечирши мумкин, лекин яхши ёзини истамаганини кечирши мумкин эмас.

Абдулла Қаҳҳор.

Биз борлиқни тоза ҳаво ва сувсиз тасаввур қила олмаганимиз ка- би, ёзувчи маҳорати ҳам бадий ижод учун шу қадар муҳимдир.

Абдулла Қаҳҳор мана шундай фазилатли, жонкуяр адиб сифатида адабиётимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган истеъдод соҳиби ҳисобланади. У ўзи яшаган даврда «... адабий муҳитнинг зийрак кўриқчиси» (М.Қўшжонов) Сифатида ҳам эътироф этилишига сабаб, ҳар бир ижодкорнинг, айниқса, энди катта ижод йўлига қадам босаётган ёшларнинг асарларига ўз эътиборини аямаган.

Машаққатли меҳнат маҳсули бўлмиш асарларга у шунчаки баҳо бермаган, балки: «Санъат асари чакмоқ, мушак, камалак сингари лаҳзани обод қиладиган умри қисқа, мағзи пуч гўзаллик эмас, балки, адабиётни безайдиган умрибоқий ва мағрур, тўқ гўзаллик»¹ деб тушунади. Зеро, умрбоқий асар яратиш осон иш эмас, бунда ёзувчи учун маҳорат- бош мезон бўлиб хизмат қилади.

Шунга амал қилинмаса, ижодкор маълум ғоя асосида тўплаган ҳаёт материаллини ўзи гувоҳ бўлган ёки бошидан ўтказган воқеалар билан бойитиб, қалб призмасидан ўтказиб, китобхонлар диққатига ҳавола этади. Бунда китобхон асар воқеасининг тугунига, ечимига, воқеалар ривожига, ҳар бир деталига ишонмоғи тасаввурида жонлантирмоғи лозим.

Ишонтириш санъати эса ҳар бир ижодкорга насиб этавермайди. Маҳоратнинг моҳияти ҳам асосан ана шундадир. А.Қаҳҳор қаламига мансуб «Ёшлар билан суҳбат» ёш ижодкорга асосан худди мана шу маҳорат масалалари бўйича ноёб йўриқномадир.

Ёзувчи фикрича, «Адабиёт кўнгил иши, илҳом самараси. Туйғусиз, илҳомсиз ёзилган асар чангланмаган гулга ўхшайди- мева тугмайди кўнгил рози бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига йўл топади, китобхоннинг кўнглида мева тугади».

Маҳоратнинг туташ томири ёзувчи илҳомига боғлиқ. Лекин илҳомсиз, дардсиз ёзилиб, чанг босиб ётган китоблар камми?... Ижодкор (ёшдан, мавқеидан, эгаллаган курсисидан қатъий назар) халқ ичида бўлса, унинг ҳаёт тарзига синчков назар солса, оғрик нуқталарига эътибор берсагина халқ дилидаги дардларни ёрита олади.

«Илҳомсиз ёзилган асарларни» деб таъкидлайди Абдулла Қаҳҳор, «ҳеч қанақа юксак ғоя, ҳеч қандай муҳим тема, техника, малака тирилтира олмайди».

А. Қаҳҳор адабиётшунослиқда ишлатилмаган бир иборани кашф қилди—бу «жон ва жасад» иборасидир. Адиб бир қатор ёш ижод-

¹ I. А. Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. -Т.: Ёш гвардия. 1968. (117-бет)

корларнинг асарларини таҳлил қилиб шундай фикр билдирадиган баъзан ёшларимиз бадий асарнинг майдонга келишида авторнинг ниятигина, унинг нима демоқчи эканлигини ҳал қилувчи роль ўйнайди деб ўйласа керак. Тўғри, адабий асарнинг жони-унинг мазмуни лекин, бу жоннинг жон бўлиши учун жасад бўлиши керак. Жонни жасадсиз тасаввур қилиш мумкин эмас»

Дарҳақиқат, шакл ва мазмун уйғунлиги ҳар қандай асарнинг ҳаётийлигини таъминловчи омилдир: бадий сўз-адабиётнинг биринчи унсури экан, ёш ижодкорлар бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратмоғи талаб этилади. Шунинг назарда тутган адиб ёзди: «Китобхонга бир фикрни англатиш ёки бир нарсани тасаввур қилдириш учун кишининг бошини қотирмай-диган, очик, раво ва содда тил керак». Ёзувчининг ўзи шу талабга қатъий амал қилиши хусусида профессор О. Шарофиддинов шундай дейди: «А. Қаҳҳорнинг тили ўзи бир катта олам. бир марта бу оламга кирган одам ундаги мислсиз гўзалликнинг асири бўлиб қолади, у олам туфайли ўзбек тили деб аталмиш она тилимизнинг нафислигига, аниқлигига, рангдорлигига, маънодорлигига, ҳар қандай чуқур фикрни, ҳар қандай нозик туйғуни, ҳар қандай мураккаб кечинмани ифодалай оладиган ибратиға қойил қолади. Худди жавоҳир куёш шуъласидан кўзни қамаштириб жилолангандек, А. Қаҳҳор ишлатган сўзлар, яратган жумлалар тилимизнинг бойлигини акс эттириб камалак нурлари билан товланади. Ёзувчи бунга ҳам тинимсиз меҳнат билан эришган».²

Шунинг дадил айтиш мумкинки, адибнинг устодлик нигоҳи тушган кўпгина ёш ижодкорлар эндиликда ё йирик олим, ё номи кетган адиб бўлиб етишадилар». Дарҳақиқат, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пирим-кул Қодиров, М. Қўшжонов, О. Шарофиддинов, Умарали Норматов ҳамда Ўлмас Умарбеков, Зркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров каби ижодкорларимизнинг фаолияти юқоридаги фикр мулоҳазанинг исботидир.

Абдулла Қаҳҳор назаримда нафақат, айнан устодлик назари тушган ижодкорларга, балки сўз санъати билан шуғулланаётган барча ёшларга ўзининг ўлмас асарлари, образли фикрлари билан барчага тафаккур тарзи салмоқдор ибрат кўрсатган адибдир.

8-синф она тили дарсларида синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни такрорлаш ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни мустақил равишда тиклаб бориш, ўз устида ишлаш одатини ҳосил қилишга ёрдам беради. “Она тили” дарслигида синтаксисга доир маълумотларни баён этишда морфолгик тушунчалар тилга олинган дарслар қатори уларга мурожаат этилмаган ёки жуда оз (1-2 атама) қаралган дарслар бор. Баъзан бир эмас, бир неча дарсда морфологик тушунчалар синтаксис мавзусини тушунтиришга кўмакка чақирилмайди. Бундай пайтларда дарсликда бўлмаса ҳам, морфологияни синтаксис мавзулари билан бевосита ёки бавосита боғланмаса ҳам, маълум вақт ажратиб алоҳида босқич сифатида такрорлаш онларини уюштиришга тўғри келади.

Бўлим бўйича ўтилганларни мустаҳкамлаш, назорат ишлари дарсларини мустасно этганда, қуйидаги мавзулар юзасидан берилган маълумот ва машқ турларида морфологик тушунчаларни ифодаловчи атамалар кўзга ташланмайди:

1-дарс. Кириш суҳбати. **8-дарс.** Маълумотнома матни ва ижодий тавсифий матн. 9-дарс. Иншо – ижодий меҳнатнинг олий кўриниши. Иншо – ижодий меҳнат. 10-дарс. Иншо турлари. 11-дарс. Адабий ва адабий-ижодий мавзулардаги иншолар. 12-дарс. Эркин мавзудаги иншолар 13-дарс. Иншога эпитаф таълаш. 29-дарс. Сўз бирикмалари занжири. 30-дарс. Матндаги асосий фикр. 31-дарс. Сўз бирикмаси ва гап. 35-дарс. Гапнинг ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра турлари. 36-дарс. Гапнинг тузилишига кўра турлари. 39-дарс. Содда гап ҳақида умумий маълумот. 41-дарс. Кесим ва унинг ифодаланиши. 52-дарс. Эгали ва эгасиз гаплар. 57-дарс. Ёйиқ атов ва сўз-гаплар. 59-дарс. Содда ёйиқ ва содда йиғиқ гаплар. 71-дарс. Аниқловчи ҳақида умумий маълумот. 75-дарс. Гап бўлаклари тартиби. 83-дарс. Уюшиқ кесим. Гап жуфтлиги, уюшиқ бўлакли содда гап, қўшма гап, атов бирликлар. 86-дарс. Уюшиқ тўлдирувчи. Уюшиқ аниқловчи. 91-дарс. Ажратилган бўлакли гаплар, уларда оҳанг ва тиниш белгилари. 92-дарс. Ажратилган ҳол, ажратилган тўлдирувчи ва ажратилган аниқловчи. 94-дарс. Киритма гаплар. 96-дарс. Ундалмаларда тиниш белгиларининг қўлланиши.

“Она тили” дарслиги асосида синтаксисга доир мавзулар юзасидан маълумот беришда ёки бирор машқ турини бажаришда

морфологик тушунчалардан фойдаланилмаганда морфологиядан ўтилганларни такрорлаш ишида жиддий узилишлар рўй беради.

Дарс мавзуси билан боғланмайдиган ҳолатларда морфологияни такрорлаш режали ташкил этилгани маъқул. Режалиликка қуйидаги йўллар билан эришиш мумкин:

1. Кетма-кетлилик принципига амал қилган ҳолда такрорлаш.

2. Умумийдан хусусийга қараб бориш ва яна умумийга қайтиш.

Кетма-кетлилик принципining қулай томони шундаки, морфологиядан ўтилганлар бир чизиқда (сўз туркумлари, от, сифат, сон, олмош ва шу кабилар) алоҳида-алоҳида дарсларда такрорланади. Ҳар бир қисм, масалан, от туркуми юзасидан ўтилганлар бир йўла тўлик, агар эсга олинadиган маълумотлар (тушунчалар) кўп бўлса, икки-уч соатга бўлиб қайтарилadi. Ўқитувчи синтактик мавзулар орасидан морфологик тушунчаларга мурожаат этилмаган ёки етарли мурожаат этилмаганларини ажратиб чиқади. Улар неча ўқув соатини ташкил этишига қараб, жами такрорлаш дақиқаларини ушбу ўқув соатларидан бирмунча камроқ этиб белгилайди ва морфологиядан мавзуларни тақсимлаб олади. Бундай такрорлашда “Кластер” ўйини кўпроқ мос келади. Ушбу ўйин бир сўз туркуми доирасида унинг ички бўлиниши эсга олинади.

Морфологиядан ўтилганларни ўқувчилар хотирасида сўз туркумлари бўйича тиклашнинг қулай томони бир чизиқлилиги бўлса, ноқулай томони мавзулар такрорлаб борилишига қараб олдингилари аста-секин унутила боради. Бунинг устига ўқитувчилар хусусийлар асосида болаларни умумийга, таснифларга кўп вақт олиб чиқмайдилар.

Морфологияни такрорлашнинг умумийдан хусусийга бориш ва яна умумийга қайтиш йўли самаралироқ саналади. Бунда қуйидаги изчилликка амал қилинади:

1) сўзларнинг туркумларга бўлиниши, сўз туркумлари;

2) сўз туркумларини бир-биридан фарқлаш;

3) мустикал сўз туркумларининг маъновий гуруҳлари;

4) сўз туркумларининг грамматик белгилари;

5) сўз туркумларининг ясалиши;

6) сўз ўзгартирувчи қўшимчалар;

7) шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар;

8) феълнинг замон шакллари;

9) бўлишли ва бўлишсиз, ўтимли ва ўтимсиз феъл; феъл майллари; феъл нисбатлари ва бошқалар.

Такрорлашда жадваллардан, турли хилдаги кўрсатмалиликдан фойдаланиш яхши самаралар беради. Бунда ҳар гал таснифлар асосида умумийдан хусусийга қараб борилади. Натижада ўқувчиларнинг билимлари кенгайиш ва чуқурлашиш асосида пухта тикланади.

Одатда, ўқитувчилар она тили дарсларида синтаксис мавзуси билан боғламаган ҳолда морфологиядан ўтилганларни такрорлаш ишида турли ўйинлардан фойдаланадилар. Турли беллашувлар, саёхатлар ташкил этилади. Лекин бундай тадбирларда ўқувчилар олинган билимларни фаоллаштириш билан шуғулланадилар. Билим, кўникма ва малака хотирага тушмас экан, ўйинларда қатнашиш қийин бўлади. Шунинг учун ўтилганлар аввал такрорлаш йўли билан тиклангани, кейин фаоллаштирилгани маъқул. Бундай қилинмас экан, ўқувчиларнинг кўз олдида жадваллар туриши керак.

Хуллас, синтаксисга доир қайси мавзу юзасидан дарсликда берилган маълумотда ва машқларда морфологик тушунчалар тилга олинмаган бўлса, шу дарс мавзуси билан боғланмаган ҳолда такрорлаш дақиқалари ажратилгани маъқул.

Она тили дарсларида мустақил ишларнинг ўрни

Д.Жумашов, катта ўқит. ТДПУ

Мактабда фан асосларини эгаллаш кўп жиҳатдан, она тили таълимининг қўйилишига боғлиқ. Ўқувчилар тилга оид билимларни, асосан, дарс жараёнида ўрганадилар. Уларга тилдан бериладиган билимларни мустақил ишларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Дидактикада мустақил ишлар муаммоси жуда узоқ тарихга эга. Ўқувчиларда мустақилликни шакллантириш К.Д.Ушинский педагогик тизимнинг асосий муаммоларидан бири деган эди. У тарбиячи ўз шогирдларининг мустақил ишлашига кўпроқ имконият яратиб бермоғи, ўқувчини тайёр хулосалар билан қуроллантиришга кўра, унинг ўзига хулосалар излашни ўргатмоғи керак, - деб таъкидлаган эди. Грамматик қонун-қоидани ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчининг ўзи кузатиши ва хулосалашини истардик, ўқувчининг умумий тараққиётида грамматиканинг асосий аҳамияти ана шундан иборат.

Таълимда фаоллик ва мустақиллик муаммоси бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро узвий боғланган педагогик категориялар ҳисобланади. Ҳар қандай фаолият асосида мустақил ақлий фаолият

ётади. Мустақил ишларсиз ҳеч қандай фаолият бўлмайди. Аммо бу фаоллик ва мустақиллик бир хил тушунча экан, деган фикрга олиб келмаслиги керак. Фаоллик мустақиллик тушунчасига нисбатан гапирганда, ўқитувчи тушунтириши маърузани диққат билан тинглаш, турли хил воситалар: кўргазма қурол, мустақил иш ёрдамида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, ижтимоий ва маънавий ҳаётда фаоллик билан иштирок этиш, моддий неъматларни ишлаб чиқаришда ижодкорлик, ташаббускорлик кўрсатиш кабилар тушунилади. Демак, фаоллик тушунчаси хоҳ ўқув-тарбия, хоҳ ижтимоий ва маънавий ҳаёт соҳасида бўлмасин, кишининг онгли, ақлий фаолиятини ифодалаш учун ишлатилади. Дарсларда ўтказиладиган мустақил ишлар ўқувчиларнинг фаоллигини оширишининг асосий воситаларидан бири саналади.

Китоб устида мустақил ишлай олиш малакалари, даставвал, бошланғич синфларда ҳосил қилинади, бу малакалар юқори синфларда янада такомил-лаштирилади. Дарсларда ташкил этиладиган мустақил ишлар ўқувчиларда китоб устида ишлаш малакасини шакллантиришнинг етакчи омилidir.

Дидактика ва хусусий методикага оид адабиётларда мустақил ишлар муаммоси уч томондан талқин қилинади. Фан асосларини эгаллашдаги мустақиллик—дедуктив принцип мустақил ишлаш—ўқитиш методи мустақил ишлар—дарсда ташкил этиладиган топшириқ—ўқувчи шахсини шакллантириш воситаси ҳисобланади.

Умумий таълим предметларидан бири саналган она тили ўқувчиларда мустақилликни тараққий эттириш учун жуда бой имкониятларга эга. Она тили материаллари устида ташкил қилинадиган топшириқлар ўқувчиларни тил ҳодисаларини кузатиш, таҳлил ва қайта кўшиш, индуктив ва дедуктив ҳулосалар чиқариш каби малакаларни ўстиради.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари она тили дарсларининг барча босқичларида ўтказиладиган, ўқитувчининг бевосита иштирокисиз, аммо унинг кўрсатмалари ва раҳбарлигида бажариладиган, ўқувчиларнинг онгли равишда фаолият кўрсатишини таъминлайдиган грамматик вазифалардир.

Илғор ўқитувчилар дарсларни ижодий уюштиришда ўқувчиларнинг мустақил ишларига таянадилар. Кузатишлар шуни тасдиқлайдики, аксарият ўқитувчилар мустақил ишларнинг ўзига хос хусусиятларига етарли аҳамият бермай, уни нафасни ростлаб олиш учунгина ўтказадилар.

Баъзи мактабларда она тилидан ўтказиладиган мустақил ишлар ўқувчиларнинг билими, ҳаётий тажрибаси, индивидуал хусусиятларга тўғри келмайди..

Дарсларда ўтказиладиган мустақил ишлар дарс типига дарс жараёнининг турли босқичларига ўқув материалининг мазмунига боғлиқ бўлади. Она тилидан ўрганиладиган ҳар бир мавзу, ҳар бир орфограмма характериға мувофиқ мустақил ишлар уюштирилади. Она тили дарсларида ўтказиладиган мустақил ишларға қуйидаги талаблар қўйилади: а) мустақил ишлар педагогик ва психологик томондан асосланган, ўқувчиларнинг ёш ва хусусий хусусиятларига, билимиға мос бўлиши ўқувчиларға тилни ўзлаштиришға кизиштириши лозим; б) ўқитувчи томондан берилган топширик болаларнинг ўқув материални фаол идрок этишини таъминлаши зарур; д) мустақил иш ҳаётий бўлиши, ўрганилган назарий билимларни амалий татбиқ этишнинг воситаси бўлмоғи керак.

Таълим илгарилаб кетгани сари мустақил ишларнинг ҳажми, мураккаблиги ошира борилади. Ўқувчиларнинг иш тезлиги, мустақиллик даражаси ўсади. Масалан, 5-9-синфларда «сўз таркиби» мавзуси ўтилади. Ўқувчилар 5-синфда ўзак, ўзакдош сўз, сўз ясовчи қўшимчалар, сўз ўзгартирувчи қўшимчалар тўғрисида дастлабки маълумотни оладилар. Бу синфда ўзак, ўзакдош сўз, қўшимча, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимча, турловчи қўшимча, негиз каби терминлар воситасида болаларнинг сўз таркиби ҳақидаги билимлар янада бойитилади.

Она тилидан ташкил қилинадиган мустақил ишлар ҳажми ва мураккаблиги жиҳатидан уч гуруҳға бўлинади: тайёрловчи, ярим мустақил ёки оралик, натижаси матнга тенг мустақил ишлар.


1. Тайёрловчи мустақил ишлар. Педагогик-психологиядан маълумки, дастлаб ўқувчилар вазифаларни мустақил бажаришға анча қийналадилар. Улар берилган топшириқларни тақлид қилиш йўли билангина бажара олади. Илғор ўқитувчилар дастлабки мустақил ишларни қуйидагича ташкил этишади; аввало ўқитувчи ўқув қуролларига муомала қилиш, ўқув қуролларидан фойдаланиш, ўқиш ва ёзиш пайтида партада ўтириш қоидаларини амалий равишда кўрсатиб беради. Ўқувчилар ўқитувчиға эргшиб, унинг қилган ҳаракатларини такрорлайди. Бу ишлар мураккаблаштириб борилади. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида товушни бўғинға, бўғинни сўзға бирлаштирадилар. Гапни сўзға, сўзни бўғинға, бўғинни товушларға ажратадилар. Ўқувчиларға таҳлил қилишни



ўргатиш мақсадида уларнинг диққати аниқ нарсаларга тортилади. Ўқувчи расмни оса туриб, «расмда узум, анор, шафтоли, лимон, ўрик каби мевалар ифодаланган» ўқувчиларга бундай иш беради: расмни яхшилаб кузатинг. Унда нималар тасвирланган? Уларнинг номини эсланг. Ширин нордон меваларнинг номини билдирадиган сўзларни гуруҳларга ажратинг. Ўйланг, яна қайси мевалар ширин ва нордон бўлади. Бундай топшириқларни бажаришда ўқувчилар чоғиштириш усулидан фойдаланадилар. Топшириқ бажарилгач, таҳлил учун «олма» сўзи ажратилади. Шу сўз бўғинларга ажратилади. «Олма сўзининг иккинчи бўғинидаги «м», «а» товушларининг артикуляциясини кузатиш топширилди (ўқувчилар бу товушларни айта туриб, партадош ўртоғининг оғзига қарайди)». Сухбат пайтида ўқувчилар «м» товушини талаффуз қилганда лабларнинг юмилиши, «а» товушини айтганда оғизнинг очилишини ўрганиб оладилар. Шунга ўхшаш ишларни бажариш натижасида ўқувчилар тил далилларини кузатиш, жамоада ишлаш олиш малакаларини эгаллайди. Бу ишлар ўқувчиларни бундан кейинги янада мураккаброқ вазифаларни бажаришга тайёрлайди.

Тайёрловчи мустақил ишлар юқори синфларда ўқувчиларнинг янги ўқув материални онгли ўзлаштиришга тайёрлаш мақсадида ўтказилади. Масалан, 5-синфда сифат ҳақида маълумот бериш кўзда тутилган. Болалар ўқитувчи топшириғига кўра, от билан боғланиб келган сифатларни (тип-тиник, муаттар, серҳосил, кўм-кўк), уларнинг сўроқларини аниқлайдилар, сифатларни ўзлари боғланган отлар билан кўчириб ёзадилар (тип-тиник жилға, муаттар хид, серҳосил жийда, кўм-кўк дарахт). Бу иш ўқувчиларни сифат мавзусини онгли ўзлаштиришга тайёрлайди. Мустақил ишларга тайёрлашнинг бу каби усулларини ҳар бир мавзу ва бўлимнинг мураккаблигидан келиб чиқиб топшириқ бериш мумкин.

2. Ярим мустақил ёки оралиқ мустақил ишлар. Мустақил ишларнинг бу тури етакловчи саволлар, дарслик, босма асосли тарқатма материаллар, кўргазма материаллардан фойдаланиш асосида бажарилади. Мисоллар: ўқитувчи доскага «пахта» сўзини ёзиб, ўзакдош сўзларни ёзиб, ўзакдош сўзларни топишни буюради. Ўқувчилар «пахта», «пахтазор», «пахтачилик», «пахтагул», «пахтали» каби сўзларни луғатдан топиб ёзади. Бу ишда етакловчилик вазифасини пахта сўзи ўйнайди.

3. Натижаси матнга тенг мустақил ишлар. Таълим илгариланган сари ўқувчилар янада мураккаброқ вазифаларни бажара







оладилар. Шунини ҳисобга олиб, грамматикадан ўрганиладиган билимларга боғланган ҳолда ижодий диктант, иш қоғозлари, баён, иншо ва бошқа иш турларидан мустақил иш сифатида фойдаланиш мумкин. Бу ишлар ҳажмининг катталиги, бажариш учун кўп вақтни талаб қилиши билан мустақил ишнинг олдинги турларидан фарқ қилади. Бундай мустақил ишларнинг олдинги турларидан фарқлаш учун “натижаси матнга тенг мустақил ишлар” терминини ишлатдик. Шундай қилиб, она тили дарсларида ўтказиладиган мустақил ишлар тизимини, синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражаси, мустақил ишни бажариш учун кетадиган вақтга кўра аниқланади.

4. Дарслик материаллари устида мустақил ишларни тайин этиш йўллари. Мактаб дарсликларининг олдига қатъий илмий – изчиллик, миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби қатор вазифалар қўйилган.

“Она тили” дарсликлари материаллари ўзида грамматик категорияларни, сўз яшаш шакллари ва усуллари, сўз ўзгартириш ва гап тузиш йўллари, орфоэпик ва орфографик ҳамда пунктуацион қоидаларни мужассамлантирган. Дарсликдаги қонун – қоидалар ўзининг абстрактлиги, умумийлиги билан характерланади. Демак, ўқувчининг умумий тараққий қилишда она тили алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири, болалар тафаккурини ўстириш, уларда китоб устида ишлаш малакаларини такомиллаштиришдан иборат.

Грамматик қонун – қоидалар устида ўтказиладиган машқлар жамоавий характерга эга бўлиб, ўқитувчи фақат доскага чиқарилган ўқувчи билан ишлайди. Синф жамоаси эса ўрғоғининг доскадаги ишидан нусха олади. Кўпчилик мактабларда таълимнинг асосий нуқсонларидан бири, ўқувчиларга маълум миқдорда билимлар берилса ҳам аммо уларнинг ақлий тараққиётида етарли эътибор бермасликда, болаларга мустақил ишлаш малакаларини сингдирмасликдадир. Бу аҳволни одилонга танқид қилиб, Президент И.А.Каримов шундай ёзган эди: “Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам бойлиқдир”.(Баркамол авлод орзуси. Т., 1999. 16-б.)

Дарслик материаллари устида ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш икки босқичда амалга оширилади: ўқувчиларда ташкилий – техник малакаларни ҳосил қилиш, ўқувчиларга дарсликдаги грамматик қоидалар ва машқлар устида ишлаш йўллариини ўргатиш.

Ўқувчиларни китоб устида мустақил ишлашга ўргатишнинг дастлабки босқичи болаларни дарслик билан таништиришдир. Ўқитувчи китоб билан таништираётганда, фақат китоб муқоваси, расмларнигина кўрсатиб кўя қолмай, балки ҳар бир грамматик элементни китобнинг номи, муаллифининг фамилияси қаерга ёзилиши, бетлари, мундарижасини ҳам тушунтириб бериши зарур. Бунинг учун кириш суҳбати ўтказилади. Суҳбатда, аввало, ўқувчилар диққати дарслик муқовасига тортилади, ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида китоб муаллифларини, китоб она тилини ўрганиш учун яратилганлигини, унинг қайси нашриётдан чиққанлигини билиб оладилар. Сўнгра ўқувчилар диққати дарслик материалларига тортилади. Суҳбат давомида ўқувчилар ҳар бир параграфнинг грамматик қоида ва амалий машқлардан иборат эканлигини тушунадилар. Кейин дарслик мундарижасидан фойдаланиш амалий тушунтирилади. Ўқитувчи суҳбатни якунлар экан, болаларга куйидаги сўзлар билан мурожаат қилади:

- Болалар, китоб – билимнинг асосий манбаи. Уни кишилар меҳнат қилиб яратган. Китобни ўқиганда, уни ким ёзганлигини, қачон ёзганлигини, нима учун ва ким учун ёзганлигини билиш ниҳоятда зарур. Китобдан фойдаланганда уни охиригача варақлаб турмасдан, олдин мундарижасига қараб, керакли параграфни топиб олишга ўрганинг. Ўқувчиларда дарслик устида ишлашнинг ташкилий – техник малакалари ҳосил қилиши билан бирга, уларга дарслик материаллари устида ишлаш йўллари ҳам ўргатилади.

1. **Грамматик қоидалар устида ишлаш.** Грамматик қоидалар устида мустақил ишлашнинг куйидаги йўллари ўқувчиларга ўргатилади.

А. Дарсликдаги қоидани ўқиш ва уни мисоллар орқали тушунтириш. Масалан, “Сифат – сўз туркуми” мавзуси юзасидан ўқувчиларга шундай вазифа бериш мумкин: - Қоидани ўқинг, нарсанинг ранги, мазаси, шаклини билдирган сўзларга мисоллар ўйлаб топинг. Бу сўзлар қандай сўроқни олади.

Ўқувчилар **оқ, қора, ширин, нордир, катта, баланд, узун, думалоқ** каби сифатларни ўйлаб топадилар, шу сўзларнинг сўроқларини аниқлайдилар. Болалар дарсликдаги қоидадан мисолга қараб боради. Шу йўл билан болалар дедукцияни ўрганадилар.

Б. Мисоллардан хулосалар чиқариш ва уни дарсликдаги қоидаларга таққослаш. Ўқувчилар аввал мисолларни кузатадилар, таҳлил қиладилар, сўнгра хулоса чиқарадилар. Ўзлари чиқарган

қоидани дарсликдаги қоидага таққослайди. Болалар индуктив йўл билан қоидани ўрганади, мустаҳкамлайди.

В. Грамматик қоидаларни сайлаб ўқиш. Агар ўқувчи маълум қоидани, грамматик таърифларни унутган бўлса, сайлаб ўқиш усулидан фойдаланилади. Масалан, ўқувчилар охири “к” ундоши билан тугаган сўзларга жўналиш келишиги кўшимчаси кўшилганда юз берадиган фонетик ўзгаришларни унутиб хатога йўл кўйса, дарсликнинг тегишли бетидаги қоидани ўқийди, дарсликдаги мисолларга ўхшаш мисоллар ўйлаб топади. **Қармоқ, терак, юрак, кулоқ, курак, бошоқ, ўтлоқ** каби сўзларга жўналиш келишиги кўшимчасини кўшади, гаплар тузади.

Г. Грамматик қоидаларни қисмларга ажратиш. Дарсликда берилган қоидаларни мантиқий қисмларга ажратишни ҳам болаларга ўргатиш зарур.

Д. Урганилган қоидаларга оид мисолларни ўқувчилар ўқитувчи топширигига кўра дарслик, ўқиш китоби, газета ва журналлардан излайдилар. Булар ўқувчиларга изланиш, ўрганиш ҳавасини уйғотади, уларни ижодкорликка ўргатади.

И. Дарслик машқлари устида ишлаш. Грамматикадан бериладиган билимлар дарслик машқлари ёрдамида мустаҳкамланади. Шунга кўра, машқларга бўлган талаб жуда ҳам катта. Грамматик машқлар устида мустақил ишларни ўқувчиларга ўргатиш учун қуйидаги иш усулларида фойдаланилади.

А. Машқларни вариантларга бўлиб ишлаш. Бу усул ёрдамида иш қилинганда ўқувчилар гуруҳларга бўлинади. Бажариладиган машқ юзасидан ўқувчиларга икки вариантда топшириқ берилади. Ўқувчилар топшириқни бажариб бўлганларидан кейин, биринчи вариант ўқувчилари иккинчи вариант ўқувчиларининг, иккинчи вариант ўқувчилари эса биринчи вариант ўқувчиларининг ишлари ўзаро дафтарларни алмаштириб текширилади. Вариантлар бўйича ишлаш ўқувчиларнинг фаоллигини, қизиқишини, мустақиллигини оширади.

Б. Машқлар асосида жадваллар тузиш. Бундай ишлар ўқувчиларга умумий тушунчаларни ўргатиш учун жуда фойдали бўлади. Болалар жадвални тўлдиришда анор, нок, олхўри, гилос, беҳи каби сўзларни бир умумий ном билан “мевалар” деб айтишни, сабзи, пиёз, қарам қабиларни “сабзавот” тушунчаси доирасида умумлаштиришни билиб оладилар. Бу ишлар ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ўстиради.

8-синфда «Қутадғу билиг»ни ўрганиш

Б.Абдурахмонова. Қўқон ДПИ

8-синфда «Қутадғу билиг»ни ўрганишга уч соат вақт ажратилган. Асар умумий ўрта таълим мактабларининг Х синфида ҳам ўрганилади. Бу ерда асарни ўрганиш учун 3 соат берилган.

8-синфдаги соатларни тахминан шундай режалаштириш мумкин:

1-соат. Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг «Қутадғу билиг» асари ҳақида маълумот. Матнни ифодали ва изоҳли ўқиш.

2-соат. Матн устида ишлаш.

3-соат. Асар образлари ва дoston бадийяти ҳақида суҳбат, хулосалаш.

Адиб ва унинг асари ҳақидаги дастлабки маълумотлар дарсликнинг ўзида берилган. Уларни синфда ўқиш ёки дарсга келгунча ўқувчиларга ўқиш учун топшириш ҳам мумкин бўлади. Ўқитувчиларимизга эса биз Қ. Каримовнинг «Илк бадий дoston», Б. Тўхлиевнинг «Билим - эзулик йўли», «Фирдавсий ва Юсуф Хос Ҳожиб», «Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий қофия тараққиёти», «Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и ва айрим жанрлар тақомили (маснавий, тўртлик, қасида)», «Қутадғу билиг»нинг поэтикаси масалалари» каби мақола ва китобларини ўқишни тавсия этган бўлар эдик.

Умуман, асарни ўрганишга бағишланган машғулотларни ниҳоятда хилма-хил шаклларда ташкил этиш мумкин. Биз бу ерда улардан айрим намуналарни тавсия этамиз. Дастлабки соатда адиб ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларнинг дарсликдаги матнни уйда ўқиб келганликларидан фойдаланиб савол-жавоблар асосида ўрганиш мумкин бўлади.

Бунда адиб туғилган ва яшаган, унинг асари ёзилган ерларга ва йилларга эътибор бериш муҳим бўлади. Шу асосда Қашқардан то Каспий бўйларигача бўлган ҳудудларда яшайдиган туркий халқлар ҳақида ҳам саволлар бериш жоиздир. Адиб айтган туркий тилнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабатини ойдинлаштириш асосида уларнинг ўзаро ворисийлик алоқалари ҳақида қисқагина маълумот бериш имконияти ҳам мавжуд.

Муҳими, асарнинг туркий тилда яратилгани, адибнинг бу борадаги жасорати болалар кўз олдида жонланиши керак. Уларнинг бу борадаги би-лимларини янада мустаҳкамлаш учун дарсда

географик харитадан фойдаланиш имкони бор. Дарсни куйдаги режа асосида ташкил этиш мумкин:

1. Адиб ҳақида қисқача маълумот.
2. Асар яратилиш тарихи ва унинг кўлёзма нусхалари.
3. Асарнинг тузилиши, композицияси.
4. Асардаги етакчи қаҳрамонлар.
5. «Қутадғу билиг» асарининг тили ҳақида.
6. Асарнинг тарбиявий жиҳатлари.

Матн устида ишланганда эса асарнинг тилига, унинг бадииятини таъминлаган омилларга алоҳида эътибор бериш керак бўлади, чунки, «Қутадғу билиг» 1069 йилда, яъни XI асрда яратилган асардир. Унинг тили жуда қадимий, кўпгина сўзларнинг эскирганлиги, айримларининг ҳозир умуман ишлатилмаслиги, айримларининг эса баъзи товуш ўзгаришлари билан кўлланиши мисоллар ёрдамида изоҳланса ўринли бўларди. Асосий эътибор бек - мамлакат ҳукмдоридagi сифат ва фазилатлар тасвирига қаратилмоғи керак. Бунда адибнинг қандай сўзлардан, қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Биз асар матни устида ишлашнинг намунасини алоҳида тавсия этамиз.

«Қутадғу билиг» дostonи мактаб дастури ва дарслиги нуктаи назаридан қараладиган бўлса жуда катта матн. Унинг устида ишлаш ўқитувчи ва ўқувчилардан алоҳида масъулият талаб этади. Асар ўқувчиларга 2-3 ҳафта аввал мустақил ўқиш учун тавсия қилинади. Дарс мобайнида берилган саволларда, турли адабий-дидактик ўйинларда ўқувчиларнинг ўқиганлик даражаси аниқланади. Ўқувчилар, авваламбор, асар матнини ифодали, шарҳли ўқиб беришлари зарур. Рус мактабларидаги адабиёт дарслари ҳақида гапириб, Ёкутистон мактаблари тажрибаси мисолида ўқитувчи Н.А.Орехова шундай деган эди: «...агар менинг болаларим «билимдонликнинг донишмандона кифоаси билан» «муҳим баҳсларда сукут сақлаб ўтиришса» ёки бундан ҳам ёмонроғи бир сатр ҳам ўқимасдан туриб қаҳрамонлар ҳақида оқилона мулоҳаза юритса, бундан нима наф? ...Дастлаб билиб олиш, ундан кейингина мулоҳаза юритиш мумкин. Худди шунинг учун ҳам бошқа йўлдан кетдим. Уни шундай тасаввур қилиш мумкин: овоз чиқариб ўқиш – билиш – тушуниш – биргаликда ҳис этиш»¹. Ана шу ўқиш

¹ Орехова Н.А. Как воспитать читателя? Из опыта работы // Литература в школе, 2006. № 8 С. 38.

жараёнида уларнинг ўқиш даражалари ҳам муайянлашади. Бунақа ўқувчиларнинг фикри жамланиб, хаёли асарнинг асосий нуқталарига қаратилади, асар бадииятидаги асосий нуқталар уларнинг диққат марказида бўлади.

Билиглиг керак бек, уқушлуғ, удуғ,
Ангар тегмаса бир мафача йудуғ.
Бек бўлсин билимли, уқувли, зийрак,
Унга тегмасин ногаҳоний бало.

Ёки

Қайу бег тўру берса кўни,
Эллин этти, кўдти, йарутти кунни.
Қайси бек элда тўғри сиёсат юритса,
У элни яшнатиб кўяди, ёруғликка чиқаради. -

каби мисралар шарҳланмас экан, ўқувчилар асарнинг туш моҳиятини тушуниб етолмайди.

Асарни янада чуқур ўзлаштириш, тушунтириш мақсадида турли хил жадваллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, ўқувчиларни асарни қанчалик ўқиганлик даражасини аниқлаш мақсадида алоҳида жадвалдан фойдаланиш жонлиқ. Ўқувчилар уларни куйидагича тўлдиришлари мумкин.

Тарихий шахслар: Тавғач Буғраҳон, Лукмон, Алп Эр Тўнга...

Афсонавий шахслар: Заҳҳок, Фаридун, Қорун...

Асар қаҳрамонлари: Ойтўлди, Кунтуғди, Ўгдулмиш, Ўзгурмиш...

Бунда ҳар бир шахс номининг асарда учраши, қайд этилишигина эмас, балки уларнинг нима мақсадда қўлланганлиги, бунда адиб кўзда тутган ғоявий-бадийий ниятнинг ўрни ва аҳамиятига эътибор тортиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Заҳҳок ва Фаридунларнинг номи ҳақида гап кетганида адиб уларни эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги фикрларига асос сифатида келтиради. Алп Эр Тўнга эса мардлик ва жасоратнинг тимсоли сифатида тилга олинади. Булардан бошқача жадваллар устида ҳам ишлаш имконлари бор.

Жадваллар асосида ўқувчилар эътиборини асардаги яна бир ўзига хосликка жалб этиш мумкин бўлади. Бу миллий-маънавий қадриятлар билан алоқадор. Шуларнинг орасида инсоний фазилатларнинг ўзи ҳам алоҳида мавқега эга. Асар саҳифаларида

Бундай фазилатларнинг улуғланиши, айти пайтда инсоннинг кўнглини ерга урадиган, инсонлик шаънига доғ туширадиган ҳусуниятларнинг қораланишини кўплаб учратамиз. Ўқувчилар улар ҳақида атрофлича маълумот олиш билан бирга, улар ҳақида ўзларининг мустақил нуқтаи назарларига эга бўлишлари учун шарда бой материал мавжуд. Магн устида ишлашнинг самарали усулларидан яна бири тарқатмалардир. Бунда дарс мавзусига мувофиқ равишда ўқувчиларнинг ёшига мослаб тузилган карточкалар тарқатилади. Ўқувчилар мисраларда қандай фикр ишлаганини таҳлил қилиб, шарҳлаб берадилар. Масалан, 1-карточка.

Олам тутти Тавғач улуғ Буғраҳон,
Ато бўлсин унга бу икки жаҳон.
Э дунё жамоли, шарафга чирой,
Э бахтга таянч ҳам қора тунга ой.

Ўқувчи буни ўқиб, қораҳонийлар сулоласининг вакили Тавғач Буғраҳон мадҳ қилинаётганини айтиши мумкин. Муҳими, «дунё жамоли», «шарафга чирой», «бахтга таянч», «қора тунга ой» ифодалари англатаётган маънолар, уларнинг шу ўринда бажараётган ғоявий-бадий ҳамда эстетик вазифалари тўлиқ тасаввур этилса, яъни уларнинг Тавғач улуғ Буғраҳоннинг шахс сифатидаги фазилатлари таъкидланиши билан бирга, унинг жамият, мамлакат, давлат билан яхлитликда идрок этилаётганлиги, унинг қиёфасида мамлакат бошқарувчисининг халқ тасаввуридаги қиёфаси намоён бўлаётганлиги, бунда оддий тасвир ва тавсифдан ташқари, идеал ҳолатларга мос бўлган муболағанинг ҳам мавжудлигини ҳис этиш муҳимдир.

2-карточка: Бириси эваклиг, бириси саран,

Учунчи бушилиқ, серин, ўз йиран.

Бири – шошқалоқлик, бири – очкўзлик,

Учинчи жаҳолат, ундан бўл йироқ.

Ўқувчи буни ўқиб, бек лавозимдаги кишида, шу лавозим эгасида қайси хислатларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ кўрилгани ҳақида мулоҳаза юритади. Муҳими, «эваклиг», «саран», «бушилиқ» ифодалари англатаётган маънолар, уларнинг шу ўринда бажараётган ғоявий-бадий ҳамда эстетик вазифалари тўлиқ тасаввур этилса, уларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши ҳам шунчалик қулайлашади.

Бадий асар тилини таҳлил қилишнинг айрим шакл ва усуллари ҳақида

Қ.Ядгаров, катта ўқит.Жиззах ДПИ

Она тили дарсларида бадий асар тилини таҳлил қилишнинг кўплаб шакл ва усулларидан фойдаланиш мумкин. Таъкидлаш керакки, бадий асар тилини ўргатишдаги иш мазмуни ниҳоятда хилма-хил, усуллар ранг-барангдир. Уни қисқа тарзда биз қуйидагича шакллантирдик:

1. Матндаги асосий фикрни аниқлаш. Бунинг учун ўқувчилар матнни синчиклаб, ифодали ўқиб чиқишади, ундаги таянч сўзларни кўчириб ёзишади ҳамда алоҳида сўз бирикмаларини танлаб, улар асосида гаплар тузишади.

2. Қаҳрамоннинг тавсифини тузиш. Бунинг учун қаҳрамонга тегишли бўлган портрет белгилари, ёзувчининг муносабати, тегишли тасвир воситалари (ўхшатиш, сифатлаш, муболаға в.б.) аниқланади, уларнинг қаҳрамон тавсифидаги вазифалари белгиланади.

3. Матндаги воқеа ва қаҳрамонларга оид сабаб-оқибат муносабатларини муайянлаштириш. Бунда ҳар бир воқеанинг ривожланиш ҳолати, қаҳрамонларнинг асарга «кириб келиш» вазиятлари, сабаблари изоҳланади. Бунга имкони борича асар матнидаги тасвирга, унинг тил имкониятларига таянилади.

4. Матндаги фонетик, лексик, синтактик ҳодисалар моҳиятини белгилаш, уларнинг услубий вазифаларини муайянлаштириш. Ёзувчининг ҳар бир тасвир воситасини қўллашдаги мақсад ва вазифалари, уларнинг бадий хусусиятлари аниқланади. Айрим тил ҳодисалари бадий асардаги эмоционал-экспрессив ҳамда услубий хусусиятларига кўра таҳлил этилади.

5. Матнни «тахрир қилиш». Уни тўлдириш. Матнга ижодий муносабатни шакллантириш мақсадида атайлаб унга айрим тузатиш ва тўлдиришлар киритилади, бошқа бир вариантлар тавсия этилади айрим эпизодлар тушириб қолдирилган ҳолда матнни тасаввур этишга ҳаракат қилинади. Мана шулар орқали ҳар бир тасвир, ҳар бир қаҳрамон, алоҳида олинган эпизод ва айрим гап (ҳатто айрим олинган сўзлар)нинг бадий матндаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги аниқ тасаввурлар шакллантирилади. Бадий матндаги энг муҳим сўзлар, сўз бирикмалари, синтактик бутунликларни, тасвир восита-

ларини белгилаш орқали уларнинг бадий-эстетик вазифалари ҳам ёрқинроқ тасаввур этиб борилади.

Матннинг услубий хусусиятларини алоҳида эътиборга олиш. Бунда ёзувчининг тасвир усули ҳам, қаҳрамонларнинг нутқи ҳам эътиборда бўлади. Қайси сўзнинг нима учун қўлланганини ўрганишга таҳлил қилиш жараёнида асосий урғу берилади. Бу иш турларини амалга ошириш учун ўқитувчининг узоқ муддатли ва изчил фаолияти талаб қилинади. Матндаги асосий фикрни аниқлаш бир қарашда унчалик қийин иш бўлиб кўринмаса-да, амалда у анча мураккаб жараёндир. Биз намуна тарихида академик лицейларнинг иккинчи босқичи учун яратилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигидаги матнлардан бирини кузатамиз. У 9-машқ ичида келтирилган.

«Ёши элликдан ошибди. Қанчадан-қанча нарсаларни кўрибди. Қизиқ. Нималарни кўрди? Ўйлаб қараса, ҳеч нимани кўрмаганга ўхшайди. Рўпарасида зулмат, ортига ўгирилиб қараса, қоронғу – бўшлиқ. Фақат уқубат учун тузилган одам ҳам у каби уқубат чекмаса керак. Қоқ суяк топган ит ҳам ўзини бахтли ҳис қилар, балки. Шунча бойлиги бўла туриб нима учун Асадбек бахтсиз?..

Ҳар бир одамнинг бахт дарахти ўзига алоҳида бўлади. Бу бахт дарахтини бойлик булоғи суви билан сугориб мева олмоқчи бўлганлар янглишадилар.

Асадбек ана шу адашувчилардан бири эди.

Фақат иймон булогидан сув ичган бахт дарахтигина ширин мева беришини ҳамма ҳам англаб етавермайди.

Асадбек ана шу англамаганлардан бири эди.

Зулм булогидан сув ичган бахт дарахти қиёматда заққум дарахтига айланажасидан барча хабардорми?»¹

Дастлаб, ишни матндаги асосий, етакчи фикрни аниқлашдан бошладик. Бунинг учун матн ўқувчилар томонидан ўқиб чиқилди. Матннинг тўла ўқилишини таъминлаш мақсадида бир ўқувчи уни ифодали ўқиб берди. Шундан кейин ўқувчиларга шундай савол берилди: *Матндаги асосий фикр нима ёки ким ҳақида? Унда инсоннинг қандай ҳолати ҳақида гап борапти? Матнга қандай сарлавҳа қўйган бўлар эдингиз? «Асадбек ана шу...лардан бири эди»*

¹ Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Т.: Шарх, 2002. - 352 б.

тарзидаги такрорлар нима учун қўлланаётганини изоҳлаб бера оласизми?

Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асаридан олинган бу парчанинг афзаллик томони шундаки, ўқувчиларнинг кўпи асарнинг тўлиқ матни билан ҳам танишишган. Шунинг учун ҳам ушбу матн устида ишлашнинг енгилликлари ҳам сезилди. Ўқувчиларнинг асосий қисми матннинг Асадбек ҳақида эканлигини, мазкур парча унинг ўз умри мазмунини ўйлаган ҳолати билан алоқадорлигини тўғри белгилашди.

Шундан кейин матндаги абзацларнинг тузилишига эътибор қаратилди. Бунинг учун қуйидаги саволлардан фойдаланилди:

1. Матнда нечта абзац бор?

2. Абзацлар орасида қандай алоқадорлик мавжуд?

3. Уларнинг алоқадорлигини, боғланишини кўрсатадиган қандай белгилар мавжуд.

Ўқувчилар биринчи саволга тўлиқ жавоб беришди. Улар абзацларни ҳеч қийналмай топишди. Бунинг асосий сабаби бу ўринда абзацларнинг очиқ ифодаланиши, яъни уларнинг янги катордан бошлангани ёзма тарзда акс этиши эди. Бошқа бир тажриба синфида биз ўзгачароқ йўл тутдик. Матндаги абзацларнинг барчасини бирлаштирдик. Бунда биринчи гапдан бошлаб то охири гапгача – барчаси яхлит ҳолда битта абзац тарзида тавсия этилди. Ўқувчиларга вазифа сифатида эса матнни мантикий алоқадорлигига кўра тегишли абзацларга ажратиш тавсия этилди. Синфдаги 28 ўқувчининг кўрсатган асосий натижалари:

1. 2 та ўқувчи абзацлар миқдорини ва кўринишини асл матндаги ҳолатнинг ўзидай (6та) ажратган.

2. 17 та ўқувчи матнда 4 та абзацни ажратган.

3. 4 та ўқувчи 3 та абзацни белгиллаган.

4. 5 та ўқувчи матнни икки қисмга ажратган.

Матннинг ички қисмлари орасидаги ўзаро алоқадорликни белгилаш, бу белгиларни топиш ва изоҳлаш ўқувчилар учун нисбатан қийинроқ вазифалар саналади. Бунинг учун ўқувчиларнинг матн мазмунидаги асосий нуқталарни белгилай олиш малакаларини кучайтириш керак бўлади. Таянч сўзлар устидаги ишлар, мазмунни рўёбга чиқараётган асосий сўз, сўз бирикмаси ва гапларни топиш сингари машқлар шу вазифага бўйсундирилади. Матннинг сарлавҳасиз эканлиги кўриниб турибди. Унга мустақил равишда сарлавҳа топиш ўқувчиларнинг онгли

фаолиятини талаб этади. Демак, матн мазмуни яна бир марта мушоҳада қилинади. Биз бу ўринда иккита вариантни тавсия этдик:

1. Ўқувчиларнинг ўз сўзлари билан ифодаланган сарлавҳа.

2. Бевосита матннинг ўзидан топилиши мумкин бўлган сарлавҳа.

Биринчи вариантга кўра «Асадбек», «Бахт», «Бахт дарахти», «Фожиа», «Одамнинг умри», «Умр мазмуни» сингари анча муваффақиятли сарлавҳаларни кўрсатиш мумкин. Биз ўқувчиларимиздан ушбу сарлавҳанинг нима учун танланганини изоҳлаб беришни ҳам талаб қилдик. Асосий ҳолатларда уларнинг мантиқли ва асосли жавоблари бевосита матн мазмунига таянишдан келиб чиқаётганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Иккинчи вариантда эса қуйидаги жавоблар олинди: «Шунча бойлиги бўла туриб нима учун Асадбек бахтсиз?...», «Ҳар бир одамнинг бахт дарахти ўзига алоҳида бўлади», «Фақат укубат учун тугилган одам».

Бадий асар тили устидаги ишлар орасида асар қаҳрамонларига қисқа ва муфассал тавсифлар тузиш алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра мазкур матндан ҳам шу мақсадда фойдаланиш имконияти бор. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун яна саволлардан фойдаланиш мумкин, Бу саволлар дўпсломқдвн олиними ёки ўқитувчи томонидан мустақил равишда тузилиши мумкин.

Шундан кейин матндаги мантиқий қисмларнинг ўзаро боғланишини кузатиш имконияти пайдо бўлади. Бунинг учун унинг бошланиш ва охириги қисмларини яна бир марта кузатиш тавсия қилинди. Матннинг бошланишидаги оҳанг билан унинг якунидаги оҳанг бир хилми? Бу фарқ нимада деб ўйлайсиз?

Матн ўқиб чиқилганидан кейин ўқувчиларда муайян кайфият пайдо бўлиши аниқ. Ана шу кайфиятнинг юзага келиши учун омил бўлган мазмун яна бир марта кўриб чиқилиши керак. Биргина шу матннинг ўзи синфдаги ўқувчиларнинг хилма-хил баҳоларига сабаб бўлади. Бунда бир ўқувчининг бошқа бир ўқувчи томонидан баён этилган мулоҳазаларга муносабат билдириши ҳам муҳимдир.

Энг муҳими, улар воситаси бадий асар тили билан боғлиқ бўлган унсурларнинг мазмуни ойдинлашади, ўқувчиларнинг бу борадаги бадий дидлари ривожланади.

Таржимада миллийликнинг ўрни

С. Иботов, катта ўқит. ТВДШИ

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари туркий халқлар адабиёти тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган йирик ёзма обидадир. У туркий тилнинг ўз давридаги мухташам ёдгорлиги сифатида ҳам эътиборли. Асар ўн биринчи асрдаги адабий тилнинг ўзига хос қомусидир. Эндиликда асарнинг жаҳондаги кўплаб тилларга таржима этилгани яхши маълум. У туркий тилларнинг деярли барчасига табдил қилинган. Биз унинг турк, озарбайжон, ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйғур тилларидаги намуналарини яхши биламиз.

Асарнинг бошқа жаҳонг тилларига таржималарининг бошланганига ҳам анча бўлди. Айниқса, унинг немис ва инглиз тилларига бир неча таржималари амалга оширилганки, улар Юсуф Хос Ҳожибнинг жаҳон туркийшуносларига танилишига катта имкон яратиб берган.

«Кутадғу билиг» рус тилига ҳам бир неча марта ўғирилган. Дастлаб унинг айрим намуналари В.Радлов, А.Самойлович, А.Н.Кононов, А.Валитова, И.В.Стеблевалар томонидан таржима қилинган бўлса, кейинчалик у Н.Гребнев, С.Н.Ивановлар томонидан таржима қилинган эди. Биз фикримизни асосан, охириги иккита таржимага таяниб баён этишга ҳаракат қиламиз.

«Кутадғу билиг»нинг тили жуда ўзига хосдир. У ўз давридаги тарихий воқелик, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, адабий ҳаётнинг маҳсулидир. Асарнинг тил хусусиятларини ўрганиш орқали ўша давр кишиларининг дунёқараши, яшаш тарзлари, урф-одатлари, миллий-маънавий қадриятлари, олам ҳодисаларига қарашларидаги ўзига хосликлар ҳақида ҳукм чиқариш мумкин бўлади. Биз мақоламизда асардаги айрим фразеологик ибораларнинг таржимаси устидаги мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз. Шулардан бири асарнинг муқаддимасидаги «Китаб ати тузугин, авучғалиқини айур» («Китобга ном берилиши ва ўз қарилгини айтади») бобида учрайди:

Кимунг яши алтмиш тугатса сақин,

Татиг барди андин, яйи бўлди қиш.

Кимнинг ёши олтмиш ҳисобини тугатса,

Ундан ҳаловат кетди, ёзи қишга бадал бўлди. (361)

«Ёзи қиш бўлди», «ёзи қишга айланди», «ёзи қишга алмашди» сингари иборалар туркий халқларнинг яшаш тарзи, урф-одатлари билан бевосита боғланиб кетган ифодадир. Унда туркий халқларнинг чорвачилик билан боғлиқ бўлган ҳаёт тажрибалари ва шу тажриба туфайли тўпланган хулосалари мужассамлашган. Ёз туркий халқларда фаровонлик ва серобгарчиликнинг, тўқчилик ва қулайликнинг тимсолидир. Аксинча, қиш торчилик, имконларнинг чегараланиши, қийинчилик ва азоблар билан алоқалантирилади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғот ит-турк» асарида сақланиб қолган «Ёз билан қиш» мунозарасининг мавжудлигиёқ бу ҳақда айрим мулоҳазалар юритиш имконини беради. Халқимизнинг тилида сақланиб қолган кўплаб мақоллар ҳам туркий халқлар дунёқарашида қиш билан ёз ҳақида муайян эътиқодлар мавжудлигини таъкидлаб туради. Биз фақат «Маҳмуд Қошғарий асаридаги айрим мақолларни келтириш билан чегараланамиз:

Қиш қўнуки ўт – қишнинг зиёфати оловдир¹.

Язин қатиғланса, қишин севнур – ёзда тиришган киши қишга севинади².

Буздан сув тамар – Муздан, албатта, сув томади³.

Бу мақолларда туркий халқларнинг ёзга нисбатан илиқ бир муносабатини ҳам, қишга нисбатан эҳтиёткорона қарашларини ҳам илғай олади. Биз юқоридаги фразеологик ибораларнинг рус тилида берилишини кузатишдан олдин унинг асардаги яна бир иштирокини кўриб чиқайлик.

Ойтўлдининг умри охирига яқинлашиб бормоқда. Буни унинг ўзи ҳам сезиб, ҳис қилиб туради. Мана шу ҳолатнинг асардаги тасвири қуйидагича келтирилади:

Бу Айтўлди булди тилакин тугал,
Тугатти тириглик, туру қалди мал.
Яна эрлу кирди бу тўлмиш айи,
Қадир қишқа янди ярумиш яйи.
Ойтўлди барча тилақларини тугал топди,
(Лекин) тириглигини тугатди, мол-дунё қолиб кетди.
Тўлган ойи яна қайта емирилиб сўнди,
Ёриган ёзи яна қодир қишга эваз бўлди. (1037-1038)

¹ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғот ит-турк, уч жилдлик, 1 жилд, 320-бет

² Маҳмуд Қошғарий. Девону луғот ит-турк, уч жилдлик, 3 жилд, 174-бет

³ Ўша китоб, 134-бет

Энди уларни русча таржималари билан қиёслаймиз. Дастлабки байт С.Н.Иванов таржимасида шундай берилади:

Когда шестьдесят уже минуло мужу,
Сменил летний зной он на зимнюю стужу¹.

Дастлаб кўзга ташланадиган ҳолат шуки, аслиятда табиий ҳолда рўй берадиган ҳолат («яйи бўлди киш») таржимада шахснинг ташаббуси билан амалга ошадиган ҳаракатга айланган (он сменил). Иккинчи муҳим хусусият шуки, аслиятда бутун бошли бир фасл ҳақида гап кетаётган эди. Таржимада эса шу фаслнинг бир хислатигина (летний зной) эътиборга олинган. Худди шунингдек, аслиятда қиш фасли яхлитлигича муҳим деб қаралган бўлса, таржимада қишдаги совуқликкина (зимняя стужа) эътиборга олинган. Қолаверса, рус тилида айни шу тушунча билан боғлиқ бўлган фразеологиянинг мавжуд эмаслиги муаллифга мазкур усулни танлашни мажбур қилган.

Н. Гребневда Ушбу мисралар қуйидагича таржима қилинган:

Знак подаёт шестой десяток лет –
Бессилие мое, остаток лет.

Кейинги байтлар таржимасида ҳам шунга яқин ҳодиса кузатилади:

И вот – Айтолды: все обрел он умело,
Все есть у него, только жизнь – пролетела.
И вот уж луна – перед убылью света,
И стужей сменяется знойное лето!²

Таржимон шеърӣ мисраларда аслиятдаги маънони, айниқса, фразеологик ибора мазмунини поэтик тарзда мукамал қилиб беришнинг иложи йўқлигидан бу байтларга алоҳида изоҳ беришни маъкул кўрган. Буларнинг барчаси шуни кўрсатадики, адабиёт ижтимоий-бадиий онг кўринишларидан бири сифатида миллатнинг руҳини, унинг ўзига хосликларини акс эттиради. Таржимада акс эттирилиши қийин бўлган ҳолатлар эса таржимоннинг маҳорати билангина эмас, балки асл матн бадииятидаги ўзига хосликлар билан ҳам изоҳланади.

¹ Юсуф Баласағунский. Благодатное знание. Издание подготовил С.Иванов. М.: Наука, 1983. с.56.

² Юсуф Баласағунский. Наука быть счастливым. Пер.Н.Гребнева, Ташкент, 1963. стр. 35.

Таълим босқичларида ёрдамчи сўзларни ўрганишда нутқ ўстиришнинг илмий-педагогик асослари.

Г.Тилавова, катта ўқит. Навоий ДПИ

Мактабда она тили курси ўқувчи унга таниш бўлган доимий равишда нутқий фаолиятда қўлланиладиган сўзлар оламига эмас, балки улар нутқда кам қўлланиладиган ёки деярли қўлланилмайдиган сўзлар хазинасига олиб кириши, нутқни бойитишга хизмат қилувчи воситаларни мукаммал эгаллашга қаратилиши лозим. Тилимиздаги сўзларнинг муайян қисмини ёрдамчи сўзлар ташкил этади, маълумки, мактаб ўқувчиси, ҳатто мактабга келганга қадар тилимизда мавжуд бўлган ва, ҳам, ҳамда, билан, бироқ, шунинг учун, **-чи**, **-ку**, **-да** каби сўз ва қўшимчалардан бемалол фойдаланади. У гарчанд **ва** ни қўллашда боғловчи, билан **нинг** ҳам боғловчи ҳам кўмакчи, **-ку** нинг ёки **-да** нинг юклама эканлигини билмасда бу сўз ва қўшимчаларни нутқда қўллашда қийналмайди.

Мактабнинг асосий вазифаси ўқувчи тилида мавжуд бўлган бу сўзларни қайтадан унга ўргатиш эмас, балки, бу сўз ва қўшимчалардан қайси ҳолатда қандай фойдаланишга ўргатишдан иборат бўлмоғи лозим. Ҳеч вақт она тилининг қонун қоидаларидан мутлақо беҳабар бола ҳам «мен қишлоқдан опам билан бирга келдим» гапи ўрнида «мен қишлоқдан опам бирга келдим» демайди, чунки бу ўринда гапнинг мазмуни боладан билан сўзини қўллашни талаб этади. Бу сўз эса ўқувчи онгида мавжуд бўлганлиги учун уни бемалол қўллайверади.

Мадомики, шундай экан она тили машғулоти олдидан турган асосий талаб, болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, раво фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам нутқ тўғрилиги ва раволигига эришиш мактабда она тили таълими концепциясида бош мақсад сифатида белгиланади.

Мактабда ёрдамчи сўзларни ўрганишдан кўзланадиган мақсад ҳам аввало ана шу она тили ўқитилишининг бош мақсадидан келиб чиқмоғи лозим. Ёрдамчи сўзларнинг бой ва ранг-баранг имкониятларидан нутқий фаолиятда фойдаланиш, ўқувчи нутқини гўзал, жозибали, таъсирчан нутққа айлантириш бу сўзларни ўрганишдан кўзланадиган бош мақсадга айланмоғи керак. Ана шу асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда ёрдамчи

сўзларни ўрганишда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш керак бўлади:

1. Ёрдамчи сўзлар юзасидан ўқувчиларни зарурий билим, кўникма ва малакалар силсиласи билан таништириш. Бу ўринда аввало «фойдали зарурий билим» тушунчасининг моҳиятини очишга тўғри келади. Педагогик адабиётларда «фойдали зарурий билим» тушунчаси, айниқса, кейинги йилларда тез-тез кўзга ташланмоқда. Йирик олимлар Ҳ. Неъматов ва А. Ғуломовлар фойдали зарурий билим деганда ўқувчининг амалий фаолияти учун, она тили таълими шароитида нутқий фаолият учун ўта зарур бўлган билимларни тушунишади. Биз бу фикрга қўшилаемиз. Чунки, ўқувчининг амалий нутқий фаолияти учун ўқувчини оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш учун хизмат қилмайдиган билим силсиласи ўқувчи миёсидаги ортиқча юқдир. Бу билимлар «ўлик билим»лар бўлиб ўқувчининг амалий фаолиятига ҳеч қандай ижобий таъсир кўрсата олмайди. Ёрдамчи сўзлар юзасидан зарурий фойдали билим ва кўникмалар, малакалар деганда биз аввало ўқувчининг нутқий фаолияти учун зарур бўлган билимларнигина тушунамиз. Ёрдамчи сўзлар юзасидан зарурий фойдали билимлар ҳамда бу билимларга мувофиқ бўлган кўникма ва малакалар силсиласи нималарни ўз ичига қамраб олади?

Кўмакчилар юзасидан: *билан, учун, орқали, сари, бўйи* ва ҳоказо кўмакчиларни келишиқ кўшимчалари билан алмаштира олиш (қалам билан ёздим - қаламда ёздим, сиз учун сўрадим -сизга сўрадим, телефон орқали гаплашдим-телефонда гаплашдим...), кўмакчиларни мустақил сўзлар билан тўғри бириктира олиш, кўмакчиларнинг маъносини фарқлай олиш ва зарур ўринда ундан тўғри фойдаланиш, маълум бир кўмакчини шу маънони ифодаловчи бошқа кўмакчи билан алмаштира олиш. Масалан, Шарпага қараб борди - шарпа томон борди. Пахтазор сари жўнади-пахтазор томон жўнади. Буларни пухта ўзлаштириш нутқда кўмакчилардан унумли фойдалана олишга олиб келади.

Боғловчилар юзасидан: берилган содда гапларни боғловчилардан фойдаланган ҳолда битта гапга айлантира олиш. Масалан, Куз анча барвақт келди-терим эрта бошланди. Куз анча барвақт келди, шунинг учун терим эрта бошланди, маълум бир боғловчи воситасини бошқа бир боғловчи воситаси билан алмаштира олиш. Масалан, на ҳаво очилиб кетди, на ёмғир ёғди. Ҳаво очилиб ҳам кетмади, ёмғир ҳам ёғмади ва ҳоказо. Боғловчи воситаларни

Ўзгартириш натижасида маънода бўладиган ўзгаришларни шарҳлай олиш, эргаштирувчи боғловчили гапларда вергулни тўғри қўллай олиш, нутқда боғловчиларни тўғри ва ўринли ишлата билиш.

Юкламалар юзасидан: гапларнинг ўзаро қиёслаб, маънодаги фикрни изоҳлай олиш. Масалан, Опам келдилар-ку. Фақат Рахим математика фанидан паст баҳо олди в. х. Сўроқ, айирув, таъкид, кучайтирув юкламаларининг имлоси, талаффузи ва қўлланишини нутқта ўзлаштириш, сўзсимон ва қўшимчасимон юкламалардан нутқда тўғри ва ўринли фойдалана олиш.

«Ёрдамчи сўзларни ўқувчиларни тушунча, таъриф ва қоидалар йиғин-диси билан ҳам қуроллантириш керакми?» деган ҳақли саволнинг туғилиши табиий ҳол, албатта. Биз бу борада ёрдамчи сўзларга оид барча назарий маълумотлардан воз кечиш, амалиётни назариясиз қуруқ амалиётга айланттириш тарафдори эмасмиз. Аммо дарс жараёнини кўмакчи, боғловчи, юкламаларнинг таърифи, уларнинг шарҳи каби назарий маълумотлар йиғиндисига айланттиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Ўқувчиларни ўта зарурий, нутқ учун хизмат қиладиган тушунчалар, таъриф қоидалар билан қуроллантириш керак, албатта. Бу тушунча таъриф ва қоидалар мактаб дарсларида ўқувчилар ўрганилаётган зарурий тил кодисаларини кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш орқали умумлаштиришга таъриф ва хулосалар чиқаришга қараб йўл тутсинлар. Ҳар қандай зарурий таъриф ва қоида «қиссадан-ҳисса» тарзида бўлиши керак. Ўқувчи мустақил равишда ақлий фаолият кўрсатиш орқали умумий таъриф ва хулосага келади. Бу усул таълимнинг индуктив усули бўлиб, айниқса кейинги йилларда қилинаётган илмий тадқиқот ишларида бу усулга жиддий эътибор берилмоқда. Биз ёрдамчи сўзларни ўрганиш жараёнида ҳам худди шу усулга таяниб иш кўришни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

2. Ўқувчилар луғатида мавжуд бўлмаган ёрдамчи сўзларни уларнинг шахсий луғатига олиб кириш. Юқорида қайд қилинганидек, ёрдамчи сўзларнинг талайгина қисмини ўқувчи тайёр ҳолда жамиятдан олган ва, ҳам, билан, чунки, шунинг учун, аммо, лекин каби юзлаб ёрдамчи сўзлар борки, уларнинг маъноси ҳам, қўлланиши ҳам ўқувчига маълум. Айни вақтда шундай ёрдамчи сўзлар борки, (мас: ё;... гоҳ ... гоҳ; дам... дам...; баъзан-баъзан, гоҳ-гоҳ, балки) -ку, -да,-а,-я в. х. улар ёки ўқувчини нутқий фаолиятида кам қўлланилади ёки деярли қўлланилмайди. Ёрдамчи сўзларни ўрганишда ўқитувчи олдида турган асосий вазифа

Ўқувчиларни шундай сўзлар оламига олиб киришдир. Ўқувчи нутқида кам қўлланиладиган ёки учрамайдиган ёрдамчи сўзларни уларнинг «шахсий мулки»га айлантириш тил ходисаларининг ўрганишда кўзланадиган асосий натижадир.

3. Ўқувчиларни ёрдамчи сўзларнинг вазифалари билан таништириш. Маълумки, ёрдамчи сўзлар муайян лексик маънони англатмайди, улар мустақил сўзларга ўхшаб маълум бир сўроққа жавоб бўла олмайди ва гапда муайян гап бўлаги бўлиб кели олмайди. Бу сўзлар сўз, сўз бирикмалари ва гапларни ўзаро боғлаш, фикрни тўғри баён қилиш учун қўмаклашади, гапга сўроқ, таъкид, айирув, кучайтирув маъноларини бериш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳар бир ёрдамчи сўз туркуми алоҳида ўрганилар экан, сўзнинг маъносига эътиборни кучайтиришга тўғри келади. Масалан, қўмакчилар ҳақида маълумот берилаётган *билан* қўмакчисининг биргалик, ҳаракатнинг бажарилиш вақти, ҳаракатнинг бажариллиш ҳолатини, сабаб маъносини ифодалаб кела олади, *учун* қўмакчиси атал-ганликни, мақсадни, сабабни, хосликни ифодалаб келиши мумкин. Бу маънолар тилшунослар томонидан аллақачон илмий изоҳлаб берилган. Ўқувчилар ҳар бир ёрдамчи сўзнинг хизмат вазифаси ҳамда ишлатиш ўринларини билсагина у нутқий фаолиятда бу сўзлардан бемалол фойдалана олади.

4. Ўқувчилар нутқини маънодош (синоним) ёрдамчи сўз билан бойитиш. Ёрдамчи сўзларнинг ҳар бири гарчанд муайян вазифани бажарса-да, аммо тилимизда улар синонимик муносабатда ҳам бўла олади.

Ўқувчилар қўмакчилардан *қадар* сўзини *довур* сўзи билан, *каби* сўзини *сингари*, илгари сўзини *олдин*, *бери* сўзининг *буён*; боғловчилардан *лекин* сўзини *аммо*, *ва* билан боғланган сўз ва гапларнинг оҳанг билан боғланган сўз ва гаплар билан ёки юкламалардан *-чи* сўроқ юкламасининг *-а,-я* сўроқ юкламалари билан маънодош эканлигини билсаларгина, нутқий фаолиятда улардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Хуллас, ёрдамчи сўзлар ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга, шундай сўзлардан нутқда тўғри фойдаланиш малакаларини шакллантиришга, нутқни бой, гўзал, жозибали ва таъсирчан қилишга хизмат қилмоғи лозим.

Тасаввуф ва Абдулла Орипов ижоди

Г.Ашурова, катта ўқит. ТДПУ

Абдулла Ориповни соф мутасаввуф ижодкорларга яқинлаштиришга уриниш ёки унинг шеъриятидан сўфиёна маъно ва туйгуларни ахтариш тўғри бўлмайди. Лекин унинг шеъриятини тасаввуфдан бутунлай ажратиб ўрганиш ҳам мумкин эмас. *Зеро, бошқа шоир ва ёзувчиларнинг тажрибаларини ҳисобга олмаганда ҳам Абдулла Ориповнинг Навоий анъаналарига чуқур боғланганлигининг ўзиёқ шоир шеъриятининг қайсидир бир жиҳатлардан тасаввуфга яқинлигини ёритишга асос бўлади.

Буни Улуғбек Ҳамдам шундай ифодалайди:

«80-йиллар шеъриятида ҳам деярли шу ҳол ҳукм сурган. Бунинг устига мамлакатда рўй берган либерал кайфият туфайли шеърларда илонғочлик, бадииятсиз панд-насихат, курук чақириқлар, ёзгиришлар кучайган. Бир сўз билан айтганда, шеърятни публицистика деярли маҳв этаёзган. Айни чоғда, таъкидлаб айтиш жоизки, бу ўн йиллик ижтимоий-сиёсий жиҳатдан турли бурилишларга—кўтарилиб туришларга бой бўлгандек, адабиётда ҳам хилма-хил руҳ-кайфият ҳукм сурди. Хусусан, тасаввуф оҳангларининг кириб келиши ва умуман, бир ёнда оташин чақириқларга тўла шеърят, иккинчи ёнда эса дунёнинг ўткинчи хою ҳавасидан гўёки қўлини ювиб қўлтиғига урган ҳамда урфоний маърифатга интилган шеърят пайдо бўлди»³.

Абдулла Орипов шеъриятида бир қанча диний-тасаввуфий тушунча ва ҳақиқатлар мавжуддирки, шоир уларни ҳам янгича поэтик усул ва образлар орқали талқин қилиб беришга эришган. Шулардан бири Узлатдир. Тасаввуф луғатларида шарҳланишича, «Узлат-фикр одамини оломоннинг фикрсизлик ғавғолари, жаҳолат ва аҳмоқлик ғалваларидан муҳофаза этадиган дахлсиз бир ибодатгоҳ»дир⁴.

Абдулла Ориповнинг «Узлат» шеъри худди ана шундай рухий заруриятдан туғилган. Шу боис ҳам шеър:

Менга узлат керакдир,
Издихомдан тўйганман,
Тўда-тўда жойларга
Энди бормай қўйганман.

³ Улуғбек Ҳамдам. Янгилаштирилган эҳтиёжи. «Фан» Т.: 2007 й. 82-5

⁴ Чоря И. Тасаввуф луғати. "Тафаккур" жур., 1997, 1-сон.

Изтиробли турмушнинг
Савдоси зўр бағоят,
Инжа, нозик руҳни у
Енгиб олди ниҳоят.-

деган изтиробли фикрлар билан бошлаган. Шеърда «узлат истаги» ва «ёлғизлик дарди»нинг ижтимоий, ахлоқий сабаблари ҳаққоний кўрсатилган. Лирик қаҳрамоннинг, «хаттоки, жонзотлардан безган бир дарвешсифат»га қиёсланиши ҳам ишонарли. Бироқ, биз бунда ҳам узлатнинг тасаввуфий мазмунидан тубдан фарқланадиган оригинал талқинига дуч келамиз. Яъни шоир сўфийларга ўхшаб, ёлғизлик гўшасидан эмас, балки халқ юрагидан нажот ва паноҳ излайди. У дунёда «неки бор бевафо, кўрган-кечирганларининг бариси бебақо» эканлигини тушунгани ҳолда, «Мен узлатни элимнинг юрагидан ахтаргум, Ўксукларнинг энг пинҳон тилагидан ахтаргум» дейди. Бу фикр-хулосани биз узлат ҳақида ёзган ўтмишдаги ҳеч бир шоир ижодиётида учратмадик. Демак, бунда тасаввуфий тушунча шоир ғоявий-эстетик мақсадини ифодалаш учун бир восита вазифасини бажарган.

Тавба куфрдан қайтиш, шариат таъқиқлаган ишлардан кечиш, ҳақдан ташқаридаги нарсалардан воз кечиш билан бир қаторда, "ўз нуқсонларини кўра билиш, ўзининг аҳволини англаш, қабих ишлар, қабих феъл ва қабих фикрдан қайтиш, дунёнинг маънисизлиги, арзимаслигини англаб, зулму адолатсизликдан қайтишни ҳам билдиради"⁵. Тавба-қилинган хато ва нуқсонли ишлардан туғилладиган пушаймонликдир. Афсус чекиш тавбанинг натижаси ҳисобланади. Абдулла Ориповнинг «Йиллар армони» шеърисида тавба руҳи ҳоким. Инсон тавба эшигига етганда у, албатта, ноқислик, қусуркорлик, «Кимгадир айтилмай қолган бир раҳмат», «Кимдандир сўралмай қолган узрлар»ни ўйлаб ўзича армонга берилади.

Тасаввуфда тавбанинг босқичлари учта деб белгиланган экан. Биринчиси «дил-дилдан пушаймонлик, иккинчиси тилдаги узр ва кейингиси ёмонликлардан халос бўлиб, ёмонлар ва мунофиқлардан алоқани узмоқ»⁶. Абдулла Орипов «Йиллар армони» шеърисида тавбани инсон юрагидаги аламларни енгиллатувчи бир маънавий қувват сифатида талқин қилади:

⁵ Комилов. Н Тасаввуф. 1-китоб, 126-бет.

⁶ Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. Т., 1998, 111-бет.

Инсонга тобемас замон инчунун,
Инсон юрагида аламлар қат-қат.
Фақат бир таскин бор барчаси учун,
Афсус чека билсак шу ҳам бир давлат.

Умуман, тасаввуф руҳи билан яшайдиган, шу руҳдан баҳраманд бўлган бошқа шоирларга ўхшаб Абдулла Ориповда ҳам тавба қиссиёти кучли. Шунга кўра ҳам унинг «Маломат тошлари», «Умр қисқа эди», «Инсон манзараси», «Кўрикхона» каби ўнлаб шеърлари тавба, истиффорга даъват мазмунида яратилган. Шоир ижодида тавба масаласига бағишланган шеърнинг мавжудлиги ҳам тасодифий эмас. Бу шеър куйидаги сўзлар билан бошланади:

Сен гуноҳ қилдингми, бечора банда,
Сен шайтон макрига учдингми ногоҳ.
Тинчинг қолмадими руҳ ила танда,
Энди надоматлар бўлдимми ҳамроҳ.

Тавба бир маънода афсус, ўкинч ва надоматларнинг инсонга ҳамроҳ бўлишидир. Бундай ҳолда инсон ўзича чора излаб, нажот ахтаради. Лекин, унда баъзан шоир таъкидлаганидек, «Қопқалар ёпилган, остоналар берк»жа ўхшаб туюлмоғи мумкин. Фақат ҳақиқий тавбагина одамни иккиланиш ва ожизликлардан халос қила олади. Тавба инсоннинг том маънодаги пасткашликни, нодонлокни, жаҳолатни тўла англаб етиши, унинг маънавий баркамоллик сари йўл тута бошлаганининг белгисидир. У инсоннинг маънавий юксали-шидаги ўзига хос босқичдир. Шоир шунинг учун ҳам ўқувчини ишонч билан тавбага ундайди:

Йўк, ҳали оламда мавжуддир шафқат,
Йўк, ҳали тебранур меҳр бешиги.
Тавба қил, тавба қил, тавба қил фақат,
Сенга очиқ фақат тавба эшиги.

Бизнинг фикримизча, Абдулла Ориповнинг дунёқараши ва шеърлятига тасаввуф кўрсатган таъсир ва ундан туғилган натижалар борасида фикр юритганда кўпроқ Руҳ ва руҳоният муаммосига алоҳида эътибор қилмоқ зарурга ўхшайди.

Анвар Обиджон шеърларини ўрганишда фольклор анъаналарини эътиборга олиш тажрибасидан

М. Ҳамидова, ўқит. Ўш ДУ

Ҳозирги адабий жараёнга оид асарлар таҳлилида кўплаб жиҳатларни назарга олишга тўғри келади. Бу ижодкорнинг шахсий ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ҳамда адабий муҳит, ижодкор таъсирланган манбалар, классик адабиётимиз, йирик устозлар, шунингдек, жаҳон адабиёти тажрибалари ва бошқалар шулар жумласига киради. Назаримизда, ҳозирги адабий жараёнда фольклор анъаналари ҳам устивор мавқелардан бирини тутати. Бу жараёнга мансуб асарларни талабаларга, ўқувчиларга тавсия этаётганда, уларни таҳлил этиш жараёнида шу нуқтаи назардан ёндашиш алоҳида аҳамият касб этади. Биз фикрларимизни Анвар Обиджоннинг айрим шеърлари мисолида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Анвар Обиджон бугунги ўзбек шеърлятида ўз сўзига, ўз овозига эга бўлган шоирларимиздан биридир. Унинг кўплаб шеърлари китобхонларнинг дил мулкига айланган. Бунинг бош сабабларидан бири, бизнингча, улардаги халқоналик, миллийлик билан белгиланади. Анвар Обиджон уларга қандай қилиб эришди? деган савол бу жиҳатдан ўринли бўлар эди.

Бу биринчи галда, ижодкорга фольклор асарлари орқали ўтган «дард» билан изоҳланса керак. Унинг бир қатор шеърларида фольклордаги машҳур образларнинг номи ёки уларнинг акс-садолари учрайди. «Али бобо ҳақида кўшиқ», «Чўкиб кетди, дўстлар, бир пари», «Бир зум мени тинч кўй, паризод», «Душмантопар»... ва бошқалар шу сирага киради.

Шоир бевосита фольклор асарларининг таъсиридан илҳом олади. Бунда оғзаки ижоддаги айрим мисра ва бандлар шоир шеърларига кўчиб ўтиши ҳам мумкин:

Сирдарёнинг ул юзида уйларингиз,

Оқариб кўринади бўйларингиз.

Кўйлагингиз этаклари қилпилласа,

Елпингани келар кўзи-кўйларингиз¹.

Анвар Обиджон шеърларидаги халқона руҳни, назаримизда, у танлаган вазнлар ҳам таъминлайди. Гап шундаки, шоир ўз шеърларида фақат фольклор мотивларини, халқона ифода ва ибораларни,

¹ Анвар Обиджон. Танланган шеърлар. Тошкент, Шарқ, 2006. 316-бет. Барча мисоллар шу китобдан олинган.

фольклор асарларидаги образлар тизимига яқтинликнигина эмас, балки айнан шеър оҳангини ҳам «қайтадан яратади». Мана бир мисол:

Хуш кўраман азалдан

Тўп пахтада ётишни.

Ўқиб қизиқ ғазалдан

Қизларга гап сотишни.

Бу ерда «хуш кўраман», «тўп пахта», «гап сотиш» сингари ифодаларнинг бевосита оғзаки нутққа алоқадорлиги жуда очиқ кўриниб турибди. Уларнинг ёнида вазннинг ўйноқчилиги ҳам ҳалқонадир. У бармоқнинг етилик кўринишида битилган. Мисраларнинг ички туроқларга ажралишидаги яқдиллик унинг фольклор асарларига ҳамоҳанглигини таъминлаган. Эътибор қилинг:

$$4 + 3 = 7$$

Хуш кўраман азалдан

Тўп пахтада ётишни.

Ўқиб қизиқ ғазалдан

Қизларга гап сотишни.

Сўзлардаги маъно товланишларини илғаш ва ифодалаш ҳам фольклор анъаналари билан боғлиқдек туюлади. Буни шоирнинг кўплаб шеърларида кузатиш мумкин. «Касал бола» шеъри куйидаги банд билан бошланади: *Ойижоним, йиғламанг, Ҳали ёшман, ўлмайман. Аста туриб олсам бас, Бошқа касал бўлмайман, Ойижоним, йиғламанг.*

Шеърда дарз кетган оилада яшаётган мурғак кўнгил изҳори жуда реал ва таъсирчан тарзда акс этган. Бола касал. Касал бола онасига, ойижонига илтижолар қилади. Илтижолар орасида раҳм-шафқат ҳам, меҳр кўрсатишга тайёрлик ҳам, меҳрга ташналик ва интиқлик ҳам жуда такрорланмас ҳолатда ифодаланган. Айни пайтда шу мурғак кўнгилнинг ўзи «мададга зор»: *Йў, йў... кўрқманг, ўлмайман, Кўп дейсиз-ку, ҳавасим...Их-х! Тугмамни еворинг... Қисияпти нафасим... Ой-й... жони-и-м...*

«Ой-й... жони-и-м...» мисраси шеърдаги асосий тиргаклардан бири бўлиб келган. У шеърнинг мазмун-моҳиятини ялт этиб очиб юбо-ришда ҳам, ундаги трагик ҳолатни кучайтириб ифодалашда ҳам фавқулудда аҳамият касб этади. Бу мисра бола руҳиятидаги изтиробларни, реал оғриқ ва дарднинг кучини кўрсатиш учун хизмат қиляпти. Айни пайтда унда оғриқнинг шиддати ва кучи туфайли ифодаланмай қолган яна бир товуш саҳталиги ҳам атайин бўрттириб берилмоқда. «Ой-й...» сўзида «й» икки марта такрорланган. Аммо

ундан кейин талаффуз этилиши кутилган яна бир товуш - «и» акс этмаган. акс эттирилмаган. Атайлаб акс эттирилмаган, бу онгли равишда тутилган йўлдир. Ҳозирги ҳолатда боланинг «ой, жоним» дейиши биланок «ойижоним» ҳам англашилади. Агар ёзувда «ойижоним» тарзидаги ифода бўлганида эди, ундан «ой, жоним» ифодасидаги маъно нозиклигига путур етган бўлар эди.

Оғзаки нутқдаги айрим сўз ва ифодаларни шеърга олиб кириш ҳам Анвар Обиджон қўллаган усуллар орасида муносиб ўрин тутди. «Ўчкор» деган сўз фақат ва фақат Анвар Обиджонникидир. Бу кашфиёт фақат унга тегишлидир: *Бу итларни, Бегойим, Фажийдиган шаштим бор, Олапарга ўчорман, Қоплондаям қасдим бор.*

Ўзбек тилида «кекчи», «гиначи» деган сўзлар халқ тилида кўп қўлланади. Аммо «ўчкор» деган сўз агар айрим шеваларда бўлмаса, адабий тилда, жумладан, оғзаки нутқда ҳам деярли учрамайди. Бундай топилдиқлар эса Анвар Обиджон шеърларида анча-мунча учрайди.

Қизларни «санам», «хур»ларга ўхшатишда бир янгилик йўқлигини биламиз. Айниқса, мутоз адабиётимизда бундай ўхшатишларни истаганча топиш мумкин. «Пари» ҳақида ҳам худди шу фикрни такрорлаш мумкин. Аммо «парижон» оҳорлилиги, кўнгилга яқинлиги билан эрка бир оҳангларни юзага келтиради:

Нигоҳингиз тонг мисол

Осудадир, парижон.

Сочларингиз тўзгин-у,

Хаёлингиз паришон.

Шеърдаги табиийлик ва самимийлик бошқа барча унсурлар қаторида «парижон» сўзининг қўлланиши билан ҳам алоқадордир. Айниқса, унинг қофияда келиши, «паришон» сўзи билан тўла уйғунликни ташкил этиши бу сўзнинг мавқеини жуда ошириб юборган, кучайтирган.

Умуман, Анвар Обиджонда «қалбим эриб гўё мой», «ширин хис», «кип яланғоч бўлиб (ой)», «чўмилди» сингари кўпроқ оғзаки нутққа алоқадор бўлган сўзлардан, ифода ва иборалардан фойдаланишга мойиллик сезилади. Назаримизда, бу мойилликнинг остида ҳам оғзаки ижод аъёнларига бўлган рағбат ва ҳавас ётади.

Буларнинг барчаси оғзаки ижод аъёнларининг ҳозирги шеърятимизга кўрсатаётган баракали таъсиридан ёрқин далолатдир. Таълим жараёнидан улардан ўринли фойдаланиш эса унинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Шеърлий асар ҳамда лексик ва грамматик тайёргарлик Г.Эшчонова, ўқит. ТВДШИ

Таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг шеърлий асарни биринчи эшитишда ёки ўқишдаёқ ундан таъсирланишлари, хузурланишлари керак. Бунинг учун эса мазмунини тўғри ва тўлиқ тушунишлари шарт. Ана шу нарса, яъни шеър мазмунини англаб етиш уларни аниқ ва чуқур бадиий идрок эта олишларининг муҳим омили бўлиб майдонга чиқади. Бошқача айтганда, шеърдан эстетик завқланиш ана шу тушуниш замирида юзага келади. Бунинг учун илк бор танишув давридаёқ сўзлар, иборалар, синтактик қурилмалар, тасвирий воситалар, шеър орқали ифодаланаётган тағ маъно, ғоявий мазмун ва бошқа жиҳатлар бир қадар тўғри англаниши лозим. Шу муносабат билан ўқувчиларни шеърлий асарни бадиий идрок этишга тайёрлаш муаммоси алоҳида долзарблик касб этади.

Ўзбек тили дарсларида турли хил матнлар, шу жумладан, шеърлий асарлар мазмунини тушунишга, бадиий идрок этишга тайёрлаш муаммолари методист олимлар Р.Йўлдошев, Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметоваларнинг диққатини ўзига жалб этган. Ушбу муаммо рус адабиётини ўрганиш билан боғлиқ равишда Е.В.Лужановская, В.С.Баевский ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланиш натижаларида ҳам ўз аксини топган. Ушбу манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўқувчиларни шеърлий асарларни ўқиш ёки эшитишга тайёрлашга хос қуйидаги йўналишлардаги иш турларини ажратиш мумкин бўлди:

1. Янги ва маъноси унутилган сўзлар устидаги ишлар.
2. Тасвирий ифодалар, миллий маънавият, ўлкашунослик билан боғлиқ сўзлар, номларни изоҳлаш.
3. Айрим мисраларнинг синтактик қурилиши устидаги ишлар.
4. Шоир шеърларининг ғоявий йўналиши ҳақида кириш сўз.

“Ўқув текстлари, уларда сўзларнинг ишлатилиши” деган мақолада бир мавзуда ўрганилган муайян сўзларнинг кейинги мавзулардаги матнларда учрамаслигининг салбий оқибатлари ҳақида гапиради¹. Бу ўқув материали мазмунини тушунмасликка ёки унинг нотўғри англанишига олиб келиши мумкин гапиради. Олим бошқа бир мақоласида ҳам муаммонинг муҳим қирралари

¹ Йўлдошев Р. Ўқув текстлари, уларда сўзларнинг ишлатилиши // Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари (тўплам). Т.: ЎзПФИТИ, 1985. Б. 40-47.

устида фикр юритади². Юқоридаги таҳлиллар асосида Р.Йўлдошев 1985 йили “Ўзбек тили дарсларида IV-VIII синфларда синтетик ўқишга ўргатиш методикасини такомиллаштириш” номли мақоласида методикага “маъноси унутилган сўзлар” тушунчасини олиб киради³. Муаллиф ўз мақолаларида Ушбу ҳодисанинг келиб чиқиш сабабларига, таълим жараёнида ҳисобга олиш йўллариغا ҳам атрофлича тўхталади.

Бугун амалдаги “Ўзбек тили” дарсликларида биз ўтказган кузатишлар, шеърый асарларга доир таҳлилларга қараганда сўз ишлатилишининг яна бир жиҳатини ажратиш мақсадга мувофиқдир: шеърларда янги, маъноси унутилган сўзлардан ташқари, янги сўзлар сифатида ажратилмаган, янгилigi эътиборсиз қолдирилган, шеърга доир луғатда акс эттирилмаган луғавий бирликлар ҳам бор. Масалан: 5-синф “O‘zbek tili” дарслигида Муҳаммад Юсуфнинг “Оддий муаллим” шеъри берилган⁴. Луғатда 4 та сўз ўз аксини топган (беҳашам, хокисор, улуғвор, қайсар). Лекин қадр, зот, безовта, жон, ҳатто, пир, жаҳонгир сўзлари ҳам нотаниш сўзлардир.

Шеърый асарнинг мазмунини тушуниш учун биринчи навбатда ундаги барча нотаниш (янги, маъноси унутилган, англаштириш эътибордан четда қолган) сўзларни ўқувчилар олдиндан ўзлаштириб олган бўлишлари керак.

Методист олимлар (Р.Йўлдошев, Г.Ахророва ва б.) лексик материаллар нима учун хизмат қилишига қараб уларни фаол ёки пассив даражада ўрганиш зарур деган фикрни илгари сурадилар. Шундай экан, матндаги (шу жумладан, шеърдаги) сўзларнинг маъносини эшитиб ёки ўқиб маъноси ангалаш даражаси билан кифояланиладиган сўзлар пассив ўрганиладиган сўзлар саналади. Нутқда қўлланадиган сўзлар фаол ўзлаштирилади. Юқоридаги иккала ёндашувнинг табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, шеърни эшитиб ёки ўқиб мазмунини тушуниш учун сўзларни пассив эгаллашнинг ўзи кифоя қилади, деб айта оламиз. Бундай ёндашувнинг методик аҳамияти катта: русийзабон ўқувчи иккинчи тил методикасида аксиомага айланган миқдор 5 ± 7 та янги сўзни

² Йўлдошев Р. Ўзбек тилидан лексик минимум тузиш масалалари // “Мақтабда ўзбек тили ва адабиёти ўзатиши такомиллаштириш масалалари” методик тавсияларида. Тошкент: ЎзПФТИ, 1984. – Б. 34-39.

³ Йўлдошев Р. IV-VIII синф ўзбек тили дарсларида синтетик ўқишга ўргатиш методларини такомиллаштириш // “Ўзбек тили ва адабиёт ўқитиш методикасини такомиллаштириш” тўпламида. Тошкент: ЎзПФТИ, 1983. – 55-бет.

⁴ Tolipova R., Yo‘ldosheva H., Qosimxo‘jayeva D. Ta‘lim qozoq tilida olib boriladigan unumta‘lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. To‘ld. 3-nashri. - T.: “Sharq”, 2005. – 24-b.

фаол даражада ўзлаштириш учун яхлит бир дарс вақти сарфланади. Лекин у ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш тартибида 15-20 сўзни оз куч ва вақт сарфлаб пассив билиб ола олади. Буни амалиёт ҳам тасдиқлайди.

Р.Ниёзметова бадий асарга доир янги сўзларни тушунтириш ишлари шу асар ўрганилишидан бир-икки дарс олдин бошланиши керак деган фикрни илгари суради. "...бадий асардан олинган парчани эстетик идрок этишнинг биринчи шarti ундаги барча сўзларни ўқиб тушуна оладиган даражадаги тайёргарлик амалга оширилган бўлиши керак. Кузатишлардан маълумки, ўқувчи бир матндан баъзан 20-30, баъзида эса 30-40 сўзнинг маъносини тушуна олмайди. Шунга кўра ҳам дастлаб бу сўзларни ўқиб тушуниш мумкин бўлган (пассив) даражада ўзлаштиришга эришиш лозим. Бунга бир неча дарс олдин оз-оздан луғат ишини ташкил этиш орқали эришиш мумкин"⁵.

Хуллас, методик адабиётлар таҳлилидан маълум бўлишича, имкон қадар кўпроқ сўзларни шеър ўқилгунга қадар билиб олиш учун пассив даражани таъминловчи иш турлари ўқувчиларнинг асар мазмунини тушунишларига эришиш нуктаи назаридан қаноатлантира олади. Шунга кўра ҳам уларга янги, нотаниш ва маъноси унутилган сўзлардан иборат луғат олдиндан тақдим этилиши керак. Биз ҳам, Р.Ниёзметованинг фикрларига қўшилган ҳолда, шеърга доир луғат устидаги ишларни 1-2, баъзан 3 дарс олдин бошлаш шарт деб ҳисоблаймиз.

Ўқувчилар луғатдаги сўзларнинг маъносини тез англай олишлари даркор⁶. Бунинг учун уларни таниш сўзлар қуршовида англашга ўргатувчи, ўзбек тилидан рус тилига таржима қила билиш малакасини ҳосил қилувчи машқлар турли кўринишларда амалга оширилмоғи зарур бўлади. (Ўзбек тили дарсларида бажариладиган бундай машқларни ишлаб чиқиш бизнинг тадқиқотимиз олдида турган вазифалар сирасига кирмайди.)

Табийки, сўзлар анланмаса, шеър мазмуни ва ғояси тушунилмаса, шоир ва китобхон ўртасида мулоқот содир бўлмайди. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, янги, нотаниш сўзларнинг русча таржималарини – маъноларини эслаб қолиш шеъринг асарни бадий идрок этиш йўлидаги дастлабки қадам саналади. Е.В.Лужа-

⁵ Р.Х.Ниёзметова. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси (рус гуруҳларида). – Т.: "Фан", 2007. – 115 б.

⁶ Йулдошев Р. Сўзни тез эслай олиш малакаси // Boshlang'ich ta'lim, 2000. - 3-сон. – Б. 20-21.

новскаянинг таъкидлашича, “Шеърдаги сўз тўйинган, семантик мураккаблашган, “прессланган” бўлади”⁷. Ушбу сўзлар идрок учун қийинлашган бўлади, чунки шеърда ўзига хос равишда поэтик ва тил омиллари ўзаро таъсирга киради.

Шеърый асарларнинг мазмунини тўлиқ тушунишга, уларни бадий идрок этишга монелик кўрсатадиган тил ҳодисалари сифатида грамматик материалларга ҳам эътиборни қаратган бўлардик. Айниқса, лирикада меъерий грамматикадан четланишлар кўпроқ кузатилади. Масалан, -ни, -нинг қўшимчалари –н шаклида, бойламоқ боғламоқ ўрнида, тилло тилла ўрнида, шул шу ўрнида ишлатилади.

Бундан ташқари, шеърдаги объектив қийинчиликларни қуйидагилар ташкил этади: 1) семантик архаизмлар; 2) услубий бўялган сўзлар (услубий архаизмлар, эмоционал-экспрессив бўялган лексика, функционал-услубий лексика); 3) сўз ва гапнинг тенг келиб қолиш ҳолатлари; 4) ҳозирги ўзбек тили меъёрларидан фонетик ва грамматик жиҳатдан четланиш ҳолатлари⁸.

Баъзи сўзлар, сўз шакллари, сўз бирикмалари, номлар, тасвирий воситалар изоҳлашни талаб этади. Уларни шеърни ўқишга қадар дарсга ҳозирлик кўриш чоғида белгилаб чиқиш керак бўлади. Чунки ўқиш пайтида ўқитувчи айрим тушунчаларнинг изоҳини айтишда қийналиб қолиши ва шу туфайли ноқулай вазиятга тушиши мумкин. Идрок этувчилар нуктаи назаридан (русийзабонлар) (шеърни ўқишдан олдин ёки кейин) шарҳлаш учун қуйидагилар ажратилиши даркор: 1) турғун сўз бирикмалари ва иборалар; 2) миллий қадриятлар ва маънавиятга доир билимларни талаб этадиган сўз ва сўз бирикмалари; 3) ўзбек ва рус тилларида мос келмайдиган услубий бўёқли сўз ва сўз бирикмалари; 4) семантик майдони ўзбек ва рус тилларида мос келмайдиган сўз ва сўз бирикмалари.

Хуллас, таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида шеърый асарларни ўрганиш муваффақияти ўқувчиларнинг ўқишга қадар бажариладиган лексик ва грамматик тайёргарлигига бевосита боғлиқдир.

⁷ Лужановская Е.В. Изучение лирики в курсе “Лингвистический анализ художественного текста” в национальной (литовской) аудитории: Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. – М., 1979. – 25 с.

⁸ Е.В. Лужановская. Номи кўрсатилган автореферат, 16-17-бетлар.

Сайид Қосимий ҳикоялари таснифига доир

С.Одилова ўқит. ТДПУ

Сайид Қосимий XV аср ўрталарида яшаб ўтган туркигўй ижодкордир. Ўзининг ахлоқий-таълимий мазмундаги маснавийлари билан ўзбек дидактик адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган бу шоирнинг ҳаёти ва ижодий мероси хусусида маълумотлар деярли йўқ. Лекин асарларини синчиклаб кўздан кечирилса, унинг илмми, имон-эътиқодли, юксак инсоний фазилатларга эга шахс бўлганини тасаввур қилиш мумкин.

Сайид Қосимийнинг асарлари олим Б.Қосимхонов томонидан ўрганилган ва нашрга тайёрланиб 1992 йилда «Фан» нашриётида «Маснавийлар мажмуаси» номи билан чоп этилган. Китоб Сайид Қосимийдан бизгача етиб келган 4 дoston (маснавий)дан иборат адабий меросни ўз ичига олган. Қосимий адабий меросининг умумий ҳажми 4468 мисрадан иборат бўлиб, дostonлар куйидагича номланган:

1. «Мажма ул-ахбор» («Хабарлар тўплами»)
2. «Гулшани роз» («Сирлар гулшани»)
3. «Ҳақиқатнома»
4. «Илоҳийнома»

Шоир қаламига мансуб «Гулшани роз» асари таркибида ғазаллар, «Мажма ул-ахбор» ҳамда «Ҳақиқатнома» таркибида ҳикоялар берилган бўлса, «Илоҳийнома» яхлит сюжетга эга бўлган мустақил асардир. «Мажма ул-ахбор»да жами 19 ҳикоят мавжуд. Буларнинг 18 таси асарнинг асосий матнида, биттаси эса кириш қисмида «Фи тамсил» номи билан берилган.

«Ҳақиқатнома» таркибида 2 ҳикоят мавжуд. Демак, Сайид Қосимий маснавийлари таркибида жами 31 ҳикоят бор.

Юқорида таъкидланганидек, ахлоқий-таълимий характердаги бу асарларда, хусусан, ҳикоятларда тарбиявий масалалар етакчилик қилади. Ҳикоятлар мавзу доираси ва ғоявий йўналиши жиҳатидан ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, уларни бир неча йўналишда тасниф қилиш мумкин:

- 1) мавзуси ва ғоявий йўналишига кўра;
- 2) сюжети ва композицион хусусиятларига кўра;
- 3) образларига кўра;
- 4) номланишига кўра.

Ҳикоятлар мавзуси ва ғоявий йўналишига кўра ахлоқий-таълимий, фалсафий, ижтимоий, сўфиёна; сюжети ва композицион хусусиятларига қараганда мустақил сюжетли ҳикоятлар, сайёр сюжетли ҳикоятлар ва ҳеч қандай сюжетга ва композицион қурилишга эга бўлмаган ҳикоятлар, мустақил сюжетга эга ҳикоятлар; образларига нисбатан эволюцион образли, тарихий шахслар, шайхлар, ислом оламининг машҳур кишилари, образлари, тўқима образлар, мажозий образлар мавжуд бўлган ҳикоятлар; номланишига кўра қаҳрамонлар шахсияти билан боғлиқ ҳикоятлар, қаҳрамонларнинг характери ёки касб-коридан келиб чиқиб номланган ҳикоятлар, сарлавҳасиз ҳикоятлар сингари гуруҳларга ажратиш мумкин. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, барча ҳикоятлар ўша давр анъанасига кўра изофали бирикма тарзида форсий тилда номланган.

Масалан, «Ҳикояти шайхки зоҳираш ва ботин рост набуд» ҳикояси «Ҳақиқатнома»даги 10-ҳикоятдир. Бу ҳикоят мавзуси ва ғоявий йўналишига кўра сўфиёна-фалсафий, сюжети ва композицион хусусиятларига кўра мустақил сюжетга ва композицион қурилишга эга, қаҳрамонлари шайх ва унинг муридларидан иборат бўлган, номланишига кўра бош қаҳрамон феълидаги хусусиятларга асосланиб, форсий тилда изофали бирикма тарзида номланган ҳикоядир.

Ёки «Ҳикояти подшоҳи Яман» ҳикоясини олайлик. Бу «Мажма ул-ахбор»даги 14-ҳикоя. Мазкур ҳикоя мавзуси ва ғоявий йўналишига эътиборан ахлоқий-таълимий характерда, таснифдаги бошқа жиҳатларига кўра эса мустақил сюжет ва композицион қурилишга эга, бош қаҳрамон мавқеига мувофиқ сарлавҳа қўйилган, қаҳрамонлари тўқима ва эволюцион образлардан иборат ҳикоятдир.

Сайид Қосимий ҳикоялари учун юқорида келтирилган тасниф ҳам, мисолга келтирганимиз икки ҳикоянинг тавсифи ҳам нисбий бўлиб, ҳикояларда тавсифда келтирилган хусусиятларнинг аксарият ҳолларда қоришиқ тарзда қўлланганини кузатиш мумкин. Бундай тасниф ва тавсифлар муаллиф ҳикояларини гуруҳлаб ўрганишни қулайлаштириш мақсадида амалга оширилган.

Аслида, юқорида таъкидланганидек, ҳикоятларнинг барчаси учун ахлоқий-таълимий хусусият - дидактика етакчилик қилади ва муаллиф бу борадаги ижодий ниятига эришмоқ учун баъзи ҳикоятларга тасаввуф таълимотини асос қилиб олади.

Ўзбек тилини ўрганиш жараёнида ўлкашунослик материаллари устида ишлаш

Ў. Мисирова, ўқит. ТДПУ

Ҳар қандай илмий билиш жараёни кузатишдан бошланади. Ўзбек тили дарсларида бирор тарихий воқеа, ўзбек халқининг бирор урф-одати, удуми, анъанаси, миллий қадриятлари билан боғлиқ нутқий вазият акс этган кичик-кичик парчалар, адабий асардан олинган лавҳалар ўқиш ва кузатиш, мушоҳада кучи билан хулоса чиқариш учун ҳавола қилинади. Бу метод мустақиллик йилларида она тили таълимига индуктив метод сифатида кенг жорий этилди¹. Умуман, таълимда индуктив йўлдан бориладими ёки дедуктив метод қўлланиладими, ўрганиш ишлари мисолларни кузатишдан бошланади.

Б.А.Черновнинг фикрича, ўқувчи буюмларни шунчаки кўрибгина қолмай, фаолиятимиз натижасида у қандай ҳолатга тушишини ҳам олдиндан кўра билишимиз керак². Аён бўладики, ўқувчининг ўлкашунослик материални ўқиши, ундан ўзи учун керакли хулоса чиқариши у нима учун мутолаа қилинаётганини англашни ҳам ўз ичига олади.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, кузатиш учун истаган ўлкашунослик материални ҳавола этиб бўлмайди. Масалан, матнда бирор халқ қаҳрамони, аллома, олим, ёзувчи, шоир, санъаткор номи тилга олинган бўлса, ушбу номнинг ўзи кузатиш объекти бўла олмайди. Бирор шахс ҳақида маълумот берилган бўлсагина, ушбу матнни ўқитиш ва ўлкашунослик материални кузатириш мумкин. Масалан:

“Алишер Навоий Самарқандда Мовароуннаҳрнинг географик тузилишини ўргана бошлайди. Сайхун (Сирдарё), Жайхун (Амударё) ва Куҳак (Зарафшон) дарёларининг хўжалик ривожини учун катта аҳамиятга эга эканини тушунади, дарёлардан деҳқончилик ишлари учун кенг фойдаланиш зарурияти устида фикр юритиб, мамлакатни сув билан таъмин қилишни орзу этади. Бу жумлалардан маълумки, Алишер Навоий географияга доир китоб ва адабиётлар билан яхши таниш бўлган”.

¹ /уломов А.Ш. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. -Тошкент: Ўшитувчи, 1992. - 58-бет; /уломов А.Ш., Незматов +. Она тили таълими мазмуни. Ўшитувчилар учун методик шўллама. - Тошкент: Ўшитувчи, 1995. - 27-бет.

² Чернов Б.А. Роль краеведческого принципа в повышении эффективности обучения экономической географии СССР. Автореферат дисс. ... канд.пед.наук. - Москва, 1983. - С. 6.

Ана шу географик аниқ тушунча натижасида Мовароуннаҳр унинг байтларида мана бу тарзда тасвирланган:

Латофат аро равзадин баҳр анго
Валек исм ўлуб Мовароуннаҳр анго.
Нединким ики наҳр ароси келиб
Яқин юз ёғочка фазоси келиб.
Оқиб ҳадди шарқида Сайхун суви,
Бориб ҳадди ғарбида Жайхун суви.

Ўқувчи матнни ўқийди ва ўқитувчининг саволларига жавоб кайтаради, сўнгра кузатилаётган объектнинг моҳияти хусусида хулоса чиқаради. Бу борада Д.П.Кинчевнинг куйидаги тавсияси эътиборга лойиқ: “Ўлкашунослик материални аввало қонуниятларни ўзлаштириш йўлида тушунчаларни очиб шакллантириш учун восита сифатида фойдаланиш лозим”³.

Кузатишнинг моҳияти шундаки, иккинчи тилни ўрганаётган одам ўлкашунослик материални – фарқли муомалани дарҳол сезади, ўз тилида қандай, бу тилда қандай эканлигини таҳлил қила бошлайди, булар бошқача гапиришар экан, деган хулоса чиқаради.

Умуман, кузатиш, таққослаш, хулоса чиқариш тушунчаларни онгли ўзлаштириш, қизиқишни ошириш, ақлий фаолиятни фаоллаштириш, мустақил фикрлашни фаоллаштириш, мустақил фикрлашга одатлантиришга ёрдам беради. Ўқувчилар ўз мисолларини келтира оладиган бўладилар. Тушунчаларни, объектларни ўзаро боғланишда ўрганиш амалга ошади.

“Ўзбек тили” ўқув қўлланмасида келтирилган матнларда, машқ материалларида ўлкашунослик нуқтаи назаридан изоҳга муҳтож ўринлар кўп. Изоҳгалаб ўринлар куйидагилардан иборат:

1. Ўқувчилар учун кам таниш ёки умуман нотаниш тарихий шахсларнинг номлари.

2. Ўзбекларгагина (ёки туркий халқларга) хос ижтимоий-тарихий билимлар. Масалан, “Улар Фотима-Зухра”, “Улар Ҳасан-Ҳусан” деганда, эгизак маъноси; Лайли-Мажнун деганда, севишганлар маъноси англашилади.

Изоҳ (шарҳ) ҳақида гапириб, Е.М.Верешчагин, В.Г.Костомаровлар куйидаги изчилликдаги икки хил изоҳни тавсия этадилар. “Аввало фактларни илгарилаган ҳолда изоҳлаш ва тушунишга тайёрлаш зарур. Бунда ўқувчилар ўқув-билув фаолликка даъват этиладилар. Изоҳда

³ Кинчев Д.П. Применение краеведческого принципа при изучении курса экономической географии Болгарии. – М., 1976. – С. 10.

нинг умумий ахборотлар камраб олинади. Ўлкашунослик материалининг чуқурлиги ўқувчиларнинг ҳозирлик даражасига боғлиқ⁴. Муаллифларнинг фикрича, изоҳнинг иккинчи тури— учайтирилган изоҳ (мазмун нуқтаи назаридан). Кучайтирилган изоҳ банд, мисра, ҳатто айрим сўзларга нисбатан ҳам бўлиши мумкин. Изоҳларни тайёрлашда ўқитувчи комуслардан, маълумотнома адабиётлардан фойдаланиши мумкин.

Изоҳнинг тўлиқ ёки қисқалиги матндаги ўтмиш буюмлари, тушунчаларининг ўзбек халқи тарихи учун нечоғлиқ муҳим ёки муҳим эмаслигига боғлиқ. Муҳим бўлмаган буюм тилга олинган матн мазмунини тушунтириш учунгина ўрганилиши керак.

Изоҳ саҳифадаги иқтибосда, матнга доир луғатда, матн ичида ёки матнга киришда берилиши мумкин.

Масалан: to'tiyo aylab — чтья (как святыню), mezon — мизон (название седьмого месяца солнечного года, соответствующего периоду 22 сентября – 21 октября). Бу ерда қавс ичидагиси изоҳ саналади.

Ёки: mirshab — полицейский, начальник ночного дозора эмирской полиции. Бу ерда таржиманинг ўзида изоҳ келтирилган.

Воқеликни ўзлаштириш воситаси, шу жумладан, хусусан, ўлкашунослик мақсадлари билан бадиий адабиётга доимий равишда муурожаат этиш керак. Зеро, бадиий асарлар ўзбек халқининг ўтмиши, турмуш тарзи, давлатнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа муаммолари, маънавий ҳаёти акс этади. Матнлардаги ўлкашунослик материали ўрганилгандан кейин ўқувчиларнинг бадиий идрокда муайян ижобий ўзгаришлар юз беради.

Адабий ўлкашунослик кенг тушунча бўлиб, унга қуйидагилар киради:

1. Адабий қадамжолар: шоир- ёзувчилар яшаган, ижод қилган, таълим олган ўринлар; саёхат қилган жойлар; ҳаётига алоқадор бўлган айрим масканлар ва уларнинг бугунги кундаги қиёфаси; улар номи билан аталган ёдгорликлар; анжуманлар ҳамда айрим воқеа-ҳодисалар тавсилоти.

2. Кишилар: адибнинг замондошлари, қариндошлари, издошлари; асар қаҳрамонлари ҳамда айрим асарларнинг проитплари, маълумот берувчи кишиларнинг ўзлари, ўрганилаётган ўлканинг ижодкорлари,

⁴ Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. К вопросу о лингвострановедческом аспекте прочтения произведений русской и советской классической литературы // Лингвострановедение и текст: Сб.ст. / Сост. В.Г.Костомаров, Е.М.Верещагин. – М.: Русский язык, 1987. – С. 22.

санъкорлари, машхур кишилар ҳаётининг маълум қирралари тўғрисидаги маълумотлар.

3. Предметлар: адиблар фойдаланган ёки уларга алоқадор бўлган ашёлар, дастхатлар, фотосуратлар, расм ва портретлар, овозли ва тасмали ёзув тасмалари; матбуот нашрлари, қўлланмалар, музей экспонатлари ёки улардан олинган нусхалар⁵.

Дарсга қўшимча материаллар олиб кириш ишлари ўқитувчи олдида турган муҳим ва масъулиятли вазифалардан биридир. Бунда у эшитиш машқи, таълимий диктант тури, таълимий баёнда ўлкашунослик материалдан фойдалангани, дарслиқдаги айрим матнларни ўлкашунослик материали билан алмаштириш йўлидан боргани маъқул.

Ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятини нутқ ўстириш жараёни билан боғлаб ўргатиш учун ўқув матнида ўлкашунослик материали оз ҳам, кўп ҳам бўлмаслиги зарур. “Ўзбек тили” ўқув қўлланмаларида ўлкашунослик материаллари оз бўлгани учун ҳам дарсга қўшимча материаллар олиб кириш алоҳида аҳамият касб этади. Ўқитувчи қўшимча танланадиган матнларни синчиклаб саралайди, улар асосида тақвимий режалаштиришни тўлдиради. Масалан, Ўзбекистон тарихидан нималарни ўрганиш мумкинлигини мушоҳада қилади, зарурий маълумотларни ажратади, таълим мазмунига мувофиқлаштиради.

Хуллас, таълим рус тилида олиб бориладиган касб-хунар коллежларининг ўзбек тили машғулотида ўлкашунослик материалларидан узлуксизлик ва узвийлик принципларига амал қилган ҳолда фойдаланиш ўқувчи(талаба)ларнинг дунёқарашини кенгайтиради, давлат тилидаги нутқини ўстиришга ёрдам беради, мустақил фикрлаш, тил ўрганишда мустақиллик намоён этиш сари ундайди. Натижада бу ишлар ёрдамида ёшларнинг Ватанга муҳаббат туйғулари камол топади. Бўлажак кадрларнинг мустақил фикрли ва ўз дунёқарашига эга бўлган, ўзи яшаб турган ҳудуд тарихини яхши биладиган ватанпарвар этиб шакллантириш учун самарали хизмат қилади.

⁵ Хамралиев К.У. Адабиёт ўқитиш жараёнида адабий ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш: Пед.фан.номз. ... дисс. - Т, 1993. - 32-бет.

Қасидада қахрамон руҳияти

Р.Мирсамиқова, ўқит ТДПУ.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарида бир нечта қасидалар ҳам мавжуд.

Уларнинг жанр хусусиятлари ҳақида илмий адабиётларда айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шунга қарамай қасидадаги лирик қахрамоннинг руҳий ҳолати ифодаси билан боғлиқ кузатишлар мавжуд эмас. Ваҳоланки, қасидаларни бу нуқтаи назардан кузатиш адабиёт тарихи учун кўпгина жиддий хулосалар чиқаришга имкон беради.

Қасидаларнинг дастлабкиси «Йигитликка ачиниб, авучғалиқни айур» («йигитликка ачиниб қарилик ҳақида айтади») деб номланган. Энг аввало, сарлавҳанинг ўзидаёқ инсон-лирик қахрамон кайфиятига алоқадор бўлган сўзнинг мавжудлигини айтиш жоиз кўрилади. «Ачинмоқ» феъли шу вазифани адо этган. Изоҳли лугатни кузатиб, бу сўзнинг шарҳи билан танишсак қуйидагиларни ўқиймиз:

«Ачинмоқ» 1.Ичи, юраги ачимоқ, раҳми келмоқ, куйинмоқ...

2.Афсус аралаш ранжимоқ, хафа бўлмоқ, ўкинмоқ”.

Дарҳақиқат, айти шу изоҳнинг кейинги қисми бевосита бизнинг мавзумиз билан боғланиб кетади. Бу ерда асарнинг лирик қахрамони-шу ўринда у муаллиф билан тенглашиб кетиши ҳам мумкин-ўтган йигитликка қаттиқ ўкинади, унинг қўлдан кетганига ачинади.

Қариликнинг етиб келиши ёшлиқдаги ўй-орзуларнинг, кўплаб имконларнинг кетиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам қасиданинг дастлабки мисралари йигитликнинг қўлдан кетганлигини қайд этиш, шу ҳақиқатни тан олиш, унга кўникиш жуда қийин, ниҳоятда азобли. Худди шунинг учун ҳам ўхшатиш учун тортилган сўз-объектлар ҳам мана шу тасаввур ва тушунчалар сирасига киради.

«Туби» - бўрон, кучли довул ва қаттиқ шамолнинг ифодаси, ел, унга синоним тарзида қўлланилган сўз. Шамолнинг вазифаси йўлдаги бор нарсани супуриб, совуриб кетишдан иборат. Бу ердаги шамол умр йўлида пайдо бўлганлиги учун ҳам инсон умри давомида топган, эришган нарсаларни совуриш билан алоқалантирмоқда. “Ел” эса номуқимликнинг, ўткинчиликнинг ифодаси сифатида келмоқда.

«Тирикликнинг тугаши» мана шу жараёни қонуний оқибати бўлиб майдонга чиқаётгани бежиз эмас. Кейинги мисраларда ушбу

ачиниш ва ўқинчнинг жуда очик ва аниқ ифодаланганини кўришимиз мумкин:

Эсизим йигитлик, эсизим йигитлик,

Тута билмадим, мен сени тарк қачиттим,

«Эсиз» сўзи қайғу ва кулфатнинг даражасини жуда тиник кўрсатиши билан характерланади. Унинг икки марта қўлланилиши-такрорланиши эса бу даражани янада ошириб, кучайтириб беради.

Афсус ва надоматнинг сабаби иккинчи мисрада акс этган – «тута билмадим» сўзи шу ҳолатни асослайди. Гапнинг кейинги қисми эса мазкур эмоционал ҳолатни янада кучайтиради-йигитликнинг тез қочганлиги шу кайфиятни таъминлайди.

Қасиданинг бошидан охиригача давом этадиган руҳий кайфият-йигитликка ачиниш, етиб келган қариллик олдида эса азият чекиш, ташвишга тушишдан иборат.

Мана шу кайфиятни, шу эмоционал ҳолатни ифодалаш учун танланган сўзлар, мисраларни тутиб турувчи ифодалар мутлақо тасодифий эмас, уларда ҳам айна шу фожиавий-қайғули руҳ ҳукмронлигини кузатиш қийин эмас.

Биргина «эсиз» сўзининг кейинги байтлардан яна иккитасида учраши, афсус ва надомат маъноларини англаувчи «эсиркаб» (афсус чекиб), ҳаракатнинг натижасизлигини англаувчи «тилаб бўлмадим» (излаб топа олмадим), «йитурдим» (йўқотдим), «қачиттим» (қочирдим), муайян иш-ҳаракатнинг охираганини англаувчи «йиратгим» (йироқлаштирдим), «тариттим» («таркатдим, сепдим, экдим»), «қуритгим» (қуритдим, охиригача тугатдим) каби сўзларнинг қўлланиши шу руҳий ҳолат ифодасини янада аниқроқ ва таъсирлироқ бўлишига замин ҳозирлаган.

44 байтлик бу қасидада эса инсон руҳиятининг акс этишини кузатиш асосида унинг композициясини бир неча ўзаро мантиқан алоқадор бўлган қисмларга ажратишимиз мумкин бўлади. Булар:

Қасида эмоционал кириш билан бошланади. Унда қаҳрамон характерини ёритишда руҳиятга оид белгиларнинг ифодаланишини кузатамиз.

Тамам арғувантег қизил мэнгзим эрди

Бу кун заъфаран урғин энгда тариттим

Ёшлик жўшқинлик, шўхлик, шижоат даври. Ёшлиқда томирда оқаётган қоннинг тириклиги, жўшқинлиги юзнинг қизиллигида акс эттирилган.

Арғувондек қизил юзимга заъфарон уруғини сепдим.
«Арғувонтег қизил юзимга» бу ерда юзнинг ёшликдаги қизиллиги,
арғувондек ёшлигига урғу берган. Қизил юз Шарқда соғлом ва ба-
куватлик, гўзаллик, кенгрок қараладиган бўлса, тириклик ҳаётнинг
рамзи эканлигини кўрсатади.

Профессор Б.Тўхлиев кўрсатиб ўтганидай, Шарқда қизиллик
бу гўзаллик критерийларидан бири бўлгани бежиз эмас. Шунга кўра
«Кутадғу билиг»да гўзалликнинг «энг», яъни «юз» сўзига эпитет
бўлиши табиийдир.

Юсуф Хос Ҳожиб қариликдаги ташки қиёфадаги ўзгаришларга
этиборни тортади. Бу белгилар, табиийки, дастлаб, юзда намоён
бўлади. «Заъфарон урғин энгда тариттим» - «Заъфарон уруғини
юзимга сепдим». Заъфаронлик бу сариқ ранг белгиси. Изтироб ва
аламларнинг, машаққат ва қийинчиликларнинг ифодаси айна мана
шу тасвирда мужассамлашган. Демак, ёшликдаги қизил ўрнини
«заъфаронлик» эгаллайди. Кексалик кўп ҳолларда оқ соқол, юздаги
ажин билан тасвирланади.

Қасиданинг кейинги 4 байтида ҳам руҳий тушқунлик юз
ифодаларида аниқ акс эттирилган:

Йипарсиғ қара башқа кафур эшудум

Толунтэг талу йуз қайуқа элаттим

Қора соч оқаради, демак қарилик аломатлари кўзга таш-
ланаяпти. Байтда юз тўлган ойга ва айна кулчага, яъни ноннинг
кичигига, ёшлигига қиёсланган. Тўлин ой, ўн беш кунлик ой, кулча
юз, қирмизи юз каби иборалар ёшликка қиёсланади. Яна бир
этиборли томони, айна нон эмас, балки кулча. Юсуф Хос Ҳожиб
кулчани ёшликка ўхшатади.

Йарук йазтэг эрдим туман ту чэчаклик

Хазанму тушуттум қамуғни қуриттим

Фасллар ичида энг гўзали баҳор. Гул инсон дилини яйратади,
яшашга чорлайди. Юсуф Хос Ҳожиб «ёруғ» сўзини қўллайди.
Кексалик сўниб бораётган шамга ўхшайди. Демак, ёруғлик – ёшлик.
Баҳордаги гуллар тўкилиб, ўрнини хазон тўлдиради. Хурсандчилик,
кўтаринки кайфият, жўшқинлик ўрнини куз эгаллайди.

Куз–хазон–заъфаронлик–булар орасидаги боғлиқликни қаранг.
Баҳорда дарахтларнинг, ер юзининг гуллаши, ёзда мева, кузда ха-
зонрезгилик – бутун бир умр.

Қайинтэг бодум эрди оқтэг кўни туз

Йатэг эгри болди эгилдим тўнгиттим

Қайиндек бўйим ўкдек тўғри, рост эди,
(Энди) ёйдек эгри бўлди, эгилдим, мункайдим.

Бир қарашда ушбу мисраларда руҳий ҳолат ифодаси мавжуд эмасдек туюлиши мумкин. Дарҳақиқат, юзаки қаралганида бу ерда айрим ходисалар санаб ўтилаётгандек тасаввур қолдиради, холос. Аслида эса буларнинг барчаси “эсизим йигитлик, эсизим йигитлик” мисралари замирида пайдо бўлган алам ва ўкинчларнинг, қалб изтиробларининг алоҳида-алоҳида қисмларга бўлиб тасвирлашдан бошқа нарса эмас. Ушбу мисралардан кейин аке этмаган биргина “эсизим” сўзини тасаввур этиш эса қийин эмас.

Ёшликдаги қайиндек, ўкдек тўғри бўй қариганда эгилди, мункайди. Мағрурлик, гердайиш ўткинчи, қайиндек дарахт ҳам эгилади. Бу сўзлар дилларни жунбушга келтиради. Ҳодисанинг юз берганлигининг ўзи аянчли. Чунки мазкур ҳодиса моҳият нуқтаи назари билан инсон тақдиридаги жиддий салбий бурилишни англатади.

Ҳар бир инсон кечган умри, ўтган ёшлиги учун афсусланмаслиги керак.

Демак, қариллик бизга умримизни сарҳисоб қилиш учун берилар экан. Эмоционал киришда инсон руҳияти унинг ташқи қиёфасидаги белгилар билан ифодаланган. Ўкинч, афсус ва надомат, тушкунликка тушиш инсон руҳиятининг салбий ички кечинмаси, ҳиссиётини ифодалайди.

Асосий қисмда қахрамон руҳиятидаги феълларнинг салбий маъно оттенкаларига бойлигини кузатамиз:

А. Хурсандчилик билан бўлиб ёшликнинг беҳуда ўтказилишидан афсусланмоқ, ўкинмоқ, беҳуда кўз ёшлари;

Йава қилдим эсиз тириглик авинчин

Ўқунч бирла кўздан қанин ақиттим

Б. Севинч ва хурсандчилик ўткинчи, йигитликка ўкинч:

Кичиглик кэчурдум, йигитлик йитурдум

Кунум чалпаладим, ўзимни чўкиттим

В. Урушмоқ, сўкинмоқ, зулмининг аччиқ ўкинчи, афсус ва надомат:

Сера сўктум эмди неча йанлукуғ мэн

Йазуқсузқа йарлиғ алиғ тил узаттим

Г. Бехуда гердаймок, мағрурланмок, ғўдаймок, яъни кеккайиш ва мақтаниш ҳолатида бўлмок:

Кокуз кэрдим анча йағи санчмиш эр-тэг

Кувез –тэг кодериб қайа –тэг қадиттим.

Душманни енгган мадрдек кўп кўксимни кердим (яъни гердайдим),

Ўзимни мағрурона тутиб, коядек ғўдайдим(яъни қотиб қолдим).

Д. Гафлатда қолмок, уялмок, тавба қилмок:

Ичиб йатмиш эртэг удиб удлу кэлдим

Ўзум йўлдан азмиш байатқа уйадтим

Менга раббум айса нелуг қилдин андаг

Неку тилдағим бар ўвутқа тушиқтим.

Ўқинч, афсус, надомат, тушкунликка тушиш инсон руҳиятининг салбий ички кечинмаси, ҳиссиётини ифодалайди.

Вақтида англанган хато, қўйилган нотўғри қадам. Барча афсуслар кечирим, тавба ва тазарруда ўнгланади.

Юсуф Хос Ҳожиб қасида хулосасида ортга назар ташлайди.

Юқорида «қора соч ўрнини оқ эгаллади» ни кўрган эдик. Ок сўзи бу ифорлик, тозалик, кексаликнинг гўзал бир белгиси.

Хулосада тушкунлик ҳолатидан бироз чиқилади:

Узун тунле йатма идика тапун сэн

Удун йиқла тинма йазуққа баситтим...

Сенўк- сэн йазуқ йарлиқағли идим бир

Суйурқа мэни сен йазуқум униттим.

Юсуф Хос Ҳожибнинг бу хулосага келиши учун ранг-баранг тасвир воситаларидан фойдаланиб инсон руҳиятидаги, асар қаҳрамони руҳиятидаги барча кечинмаларнинг нозик қирраларини чизиб беради.

Буларнинг барчаси қадимги туркий адабиётда инсон руҳи-ятининг тасвири билан боғлиқ анча қадимги ва барқарор анъана-ларнинг мавжудлигидан далолат беради. Юсуф Хос Ҳожиб бу анъанани янги тарихий шароитда ижодий давом эттирди. Шунинг учун ҳам унинг тасвирида мутлақо янгича оҳанглар, оҳорли ифода-лар пайдо бўлди. Бу, албатта, адибнинг шахсий тажрибаси, юксак позитик маҳоратининг юксак даражасидан ҳам далолат бериб туради.

Рабғузий ҳикояларининг тилини ўрганиш

Д. Ходжаева, ўқит. ТДПУ

Бу мавзу умумтаълим ўрта мактабларининг 9-синфларида ўрганилади.

Дарс аввалида ташкилий қисм тугаганидан кейин олдинги дарсда ўтилган мавзу бироз такрорланади. Бунинг учун ўқитувчи куйидаги саволлардан фойдаланиши мумкин: -Рабғузий ўзининг «Қиссаси Рабғузий» асарини ёзишда қандай манбалардан фойдаланган? -қандай эктиёж ҳикояларни ёзишга ундаган? - асар қандай жанрда ёзилган? - асар характери ҳақида намалар дея оласиз?

Янги мавзу баёни: «Қиссаси Рабғузий» асарининг тили қадимги аждодларимиз бўлган туркийларнинг ўзига хос адабий тили ҳисобланади. Эски ўзбек тилининг шаклланишида ҳиссаси катта бўлган бу асар кенг оммага тушунарли тилда ёзилгани сабабли ўз вақтида бахши ва оқинлар томонидан севиб куйланган. Асар тилининг ҳозирги замон ўзбек тилига муносабати тўғрисида гапирганда орадан салкам етти асрлик вақт ўтган, сўзларнинг айримлари бугунги китобхон учун тушунарсиз бўлиб қолган, истеъмолдан чиққан ёки фонетик ўзгаришга учраган. Лекин шунга қарамай асар мавзу ва ғоя жиҳатидан мукамаллиги билан бугунги кунда қам ўз мавқеини йўқотмаган. Ҳикоя диалог тарзида ёзилган.

Сулаймоннинг чумолилар подшоси билан суҳбати тасвирланган ҳикоя катта маърифий ва ахлоқий-таълимий аҳамиятга эга. Унда кишилик жамиятига хос бўлган айрим иллат ва камчиликлар устида сўз боради. Ҳикояда Сулаймон катта мавқега эга бўлган, кибрли, шуҳратпараст ҳукмдор сифатида гаудаланади. Аксинча, қаринча - чумолилар подшоси доно, тadbиркор, халқ ғамини ейдиган ҳукмдор, маърифатпарвар, олим, ориф сифатида кўзга ташланади.¹

Дарсда «Сулаймон қаринча билан сўзлашгани» ҳикоясини ўқитувчи ўзи ўқиб бергани маъқул. Ўқилган ҳикоя тилини ўрганиш учун ҳикоядаги сўзларни уч қисмга бўлиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларнинг дафтарига куйидаги жадвал чиздирилиб, уни тўлдириш топширилади, яъни матн устида ишланади.

Ҳозир ўзгаришсиз сўзлар	ҳам қўллана-диган	ҳеч қўлланадиган сўзлар	Бироз ўзгариш билан қўлланадиган сўзлар	Истеъмолдан чиқиб кетган сўзлар
-------------------------------	----------------------	-------------------------------	--	---------------------------------------

¹ Б.Тўхлиев 9 –синф Ўзбек адабиёти. Тошкент «Ўқитувчи» 2000.

Тахт, кун, эзгу, халок	Ел, оксоқ, хушнуд	Черики (қўшини), эвлар (инлар), мархаб (улов)
------------------------	-------------------	---

Матн маъмунини тўла ва аниқ тасаввур этишлари учун бир катор тушунча ва номларни изоқлаб, уларни гуруҳлаштиришни ўқувчиларга топшириш мумкин:

Бу усул ўқувчиларни матнга яқинлаштиради, асар маъмунини чуқур англашларига ёрдам беради, асардаги сўзларни гуруҳлаш эса асар тилини ўрганишларига имкон яратади.

Бу вазифалар бажариб бўлингач, янги мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида яна саволлар бериш мумкин

Ўқитувчи: Қани, ким айтади, ҳикояда асосий қаҳрамон ким?

1-ўқувчи: Подшоҳ Сулаймон.

Ўқитувчи: Жавобингизни изоҳлаб беринг, нима учун Сулаймон пайғамбар бош қаҳрамон?

1- ўқувчи: Чунки у шоҳ, унинг қўл остида жамики мавжудот - шамол, дев, парилар, қушлар бор.

Ўқитувчи: Қани кимда яна қандай фикр бор?

2 - ўқувчи: Ҳикоядаги яна бир бош қаҳрамон - қаринчқа. У ҳам шоҳ бўлиб, ақлли ва донолиги билан ажралиб туради.

Ўқитувчи: Сулаймон пайғамбарда қандай илоҳий хусусиятлар бор, уларга қандай эришган экан?

1- ўқувчи: Сулаймон пайғамбар, Оллоҳдан ҳеч кимда йўқ мол-мулкни, шамолнинг бўйсунушини, тахт, қушлар, дев, парилар устидан ҳукмронликни сўраб олган.

Ўқитувчи: Қаринчқа бу гапларни эшитганда Сулаймонга нима деди?

3-ўқувчи: Сенинг сўзларингдан ҳасад иси келади. «Менга бўлсин, ўзгаларга бўлмасин». Бу ҳасаддир.

2- ўқувчи: Сен елни миниб машриқдан мағрибгача бир кунда бориб келгандан кўра маърифат остига минганингда кўз очиб юмгунча аршга етардинг.

1- ўқувчи: Сабр қилганингда фаришталар сенинг хизматингда булар эди.

3- ўқувчи: Сухбат охирида қаринчқа Мухаммад пайғамбардан дарак беради. Хулоса қилиб айтганда, Сулаймон подшоҳ бойлик деб ҳисоблаган нарсаларни қаринчқа рад этади. Бу нарсалардан кўра сабрни, ҳасад қилмасликни, саҳийлик, маърифатни устун қўяди. Қаринчқа донишманд, Сулаймонни ҳам ўйлашга даъват этадиган оқил кишининг мажозий образидир. У.

Мурожаат бирликларининг вазифалари

Н. Аҳмедова, ўқит. ТДПУ

Мурожаат бирликлари кундалик ҳаётимизда, нутқ фаолияти-нутқ жараёнида кенг қўлланиладиган, ўзаро алоқа-аралашувга хизмат қиладиган, сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатини ифодалайдиган, ўзида турлича коннотатив маъноларни – семантик “оҳангларни” ташийдиган ўткир, таъсирчан воситадир.

А.Омонтурдиев мурожаат воситалари ҳақида шундай фикр билдиради: “Мурожаат воситалари инсон муносабатининг “Бисмил-лоси”, нутқининг фаол компоненти бўлганлиги учун, кишиларнинг фалсафий, этик-эстетик қарашларини ўзида акс эттиради, ҳар бир даврнинг нутқий талабига, руҳиятига мослашиб боради. Натижада ҳар бир жамият, миллат, ижтимоий синф аъзолари ёки камбағал, диндор, уламо, шайх кабилар нутқига хос мурожаат воситалари шаклланган. Мурожаат воситалари тил эгаларининг дунёқараши, маънавият даражаси, ахлоқ-одоби, заковати, хусусан, воқеликка муносабати, нутқий маданиятига бевосита боғлиқ”(1).

Тилшунос С.Мўминов мурожаат бирликларига шундай таъриф беради: “Вазият тақозосига кўра мулоқот баъзан саломлашишдан олдин, баъзан саломлашишдан кейин адресатга қарата қилинган даъват, чақириқ билан бошланади ва бу мурожаат деб аталади”(2).

Мулоқот жараёнида тез-тез ишлатилиб, доимийлик белгисига (семасига) эга бўлган мурожаат бирликлари нутқда қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Апеллятив вазифа – бу хитоб, мурожаат қилиш вазифаси бўлиб, барча вазиятларда сўзловчи тингловчининг диққатини тортиш учун мурожаат бирлигидан фойдаланади. Демак, мурожаат бирлиги апеллятив вазифани бажаришга хизмат қилади. Кўпинча бу вазифага кўшимча тарзда мурожаат бирликлари орқали коннотив ва эмотив вазифалар ҳам қўшилади. Бинобарин, мурожаат бирликларининг апеллятив вазифаси орқали тилнинг коммуникатив вазифаси намоён бўлади, мулоқотни бошлаш ва уни зарур даражада саклаб қолишга хизмат қилади: Дўстлар, байрамимизга хуш келибсиз!(Газ.) Бу гапдаги дўстлар мурожаат бирлиги апеллятив – хитоб, мурожаат

¹ А.Омонтурдиев. Тилда мурожаат воситалари// “Мулоқот” журн. 2003, №1, 33-6;

А.Омонтурдиев. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. Тошкент, 2000, 43-б.

² С.М.Мўминов. Ўзбек мулоқот худжидининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. ДД. Тошкент, 2000, 67-б.

қилиш орқали ўзаро алоқа-аралашувни бошлаш вазифасини бажармоқда.

2. Коннотив вазифа – мурожаат бирликлари нафақат мурожаат қилиш, ундаш, хитоб каби вазифаларни балки, сўзловчининг тингловчига бўлган шахсий – субъектив муносабатини – хурмат-эътибор, яқинлик, эркалаш, ғазаб, нафрат, дўқ-пўписа, ҳақорат каби салбий ва ижобий муносабатларини ҳам ифодалайди. Бу эса мурожаат воситаларининг коннотив вазифаси ҳисобланади. Мисоллар:

Раззоқ сўфи Қурвонбибига бақриб деди: -Бўлди, дейман, итвачча! Бадбахт фитна! Мени беватан деб билдингми? (Ҷўлпон). - Хўш, доно йигит, қаерга борганингизни биласизми, ўзи? (Т.Малик). - Ҳой, олифта, машинангни тирик олдидан қўйма, бу ер гаражмас сенга (Ў.Ҳошимов). - Сен ахир қайлардан келдинг? Кўнлардан тушдингми, масъум фариштам? (И.Мирзо)

Қайд этилган биринчи мисолда (итвачча, бадбахт фитна) мурожаат бирлиги орқали сўзловчининг тингловчига бўлган ҳақорат, дўқ-пўписаси, иккинчи ва учинчи гапларда (доно йигит, олифта) менсимаслик, камситиш, ҳақорат, охирги гапда (масъум фариштам) эса эркалаш, суйиш каби шахсий муносабати ҳам ўз ифодасини топган. Демак, бу мурожаат бирликларида мурожаатдан ташқари муайян коннотация ҳам ифодаланмоқда.

3. Эмотив вазифа – сўзловчи ўз хис-туйғулари (хурсандлик, кўркув, тушкунлик каби), ҳис-ҳаяжони каби эмоционал ҳолатларини мурожаат бирлиги орқали баён қилади. Демак, бунда мурожаат бирлиги эмотив вазифани бажаради:

- Ойижон, ойи, мен ўқшига кирдим....(Сўзлашувдан). - Шунқорим, мард лочиним! Бу ёққа қара-чи, кўзларингга тўйиб боқай (С.Аҳмад). - Қизим, жон қизим, ... сен кўп ўртанма (Ойбек).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида мурожаат бирлиги орқали сўзловчининг хурсандлиги, иккинчи гапда хайрлашиш вақтидаги рухий ҳолати, учинчи гапда ачиниш маъноси ўз ифодасини топган. Айни вақтда шуни ҳам айтиш лозимки, мурожаат бирликлари жуда катта психологик вазифани ҳам бажаради. Аниқроғи: 1.Мулоқотнинг тўғри ва аниқ амалга ошиши учун замин яратади. 2.Тингловчида (адресатда) сўзловчи (адресант) га нисбатан ижобий ёки салбий фикр уйғотади. Демак, мурожаат бирликларининг услубий-функционал қиммати шундаки, улар нутқ мундарижасини – денотат воқеликни: 1) образлилик; 2) экспрессивлик, эмоционаллик каби коннотатив маънолар билан бойитади, таъсир кучини оширади.

Ўзбек тили дарсларида насрий асарларни ўрганиш

Д. Акбарова, аспирант. ТДПУ

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили дарсларида тўлиқ ҳажмда берилган эртақ, ривоят ва ҳикоятлар қатори, йирик насрий асарлардан олинган парчалар ҳам ўрганилади. Бундай адабий материалларнинг русийзабон ўқувчиларнинг ахлоқий, эстетик, айниқса, миллий маънавият тарбиясида аҳамияти бениҳоя катта. Лекин айни ушбу парчалар мазмунини тушунишда қийинчиликлар беҳад кўп. *Ана шундай қийинчиликлардан бири матннинг баъзан муаммоли бўлиши билан боғлиқдир.*

Олима Е.В.Бодрованинг аниқлашича, "...адабий матн мазмунини тушунишнинг тўлиқ эмаслиги болада керакли билимларнинг йўқлиги натижаси эмас, балки матн мазмунининг ўзидаги зиддиятлар билан белгиланади. Бундай матнлар шартли равишда "муаммоли" деб аталади. Уларнинг мазмунини англаш учун ўтмиш тажрибасида мавжуд бўлган айрим тайёр маъно-мазмунларни долзарблаштириш етарли эмас (репродуктив тушуниш), балки ўтмиш тажрибасига кўпинча мос келмайдиган ёки ҳатто уни ўзгартирадиган янги маъно-мазмунни ифодалаш талаб этилади (маҳсулдор тушуниш)"¹. Асарни ўқиш пайтида туғиладиган бундай зиддиятларни ҳал этиш вазиятларида ўқувчи мустақил фикрлай бошлайди. Лекин амалиётда бола зиддиятнинг ечимини топа олмаган пайтларда бадиий парча ёқмаганлигини ифода этадиган ҳолатлар кўп кузатилади.

"Муаммоли матнларни тушунишнинг мураккаблиги, - деб изоҳлайди Е.В.Бодрова, - уларнинг *тўлиқ бўлмаган* ёки бир-бирига қарама-қарши алоқаларни ўзида акс эттирган мантиқий структуралари хусусиятлари билан белгиланади. Бу нарса асарнинг композициясида, шунингдек, унинг тушуниш учун кўпгина муҳим ўринлари тақдим этилган кенг тағ маъносида ўз ифодасини топади"².

Кичик насрий асарларда тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар қисқа бир киришдан, мавжуд вазиятни (экспозицияни) англатишдан бошланади. Қаҳрамонларнинг хислатлари, хатти-ҳаракатлари қафтда тургандек аён бўлади. Масалан, "Ота васияти" ривоятида мўътабар

¹ Бодрова Е.В. Психологические основы понимания литературного текста старшими дошкольниками. Автореферат дисс. ...канд. психол. наук. - М., 1984. 8-с.

² □□□ □□□□. 8-□□□.

бир отанинг уч ўғли борлиги, икки катта ўғли ёмонларга қўшилиб, бемаъни йўлга юрганлиги, кичик ўғли уни иззат-хурмат қиладиган ахлокли, тарбияли бўлганлиги ҳақидаги сўзлардан бошланади. Ривоятнинг охирига қадар мерос тақсимлаш муносабати билан ана шу хислатлар очила боради. Бу ерда ҳамма нарса аниқ ва равшан.

Йирик асардан олинган парчада “тўлиқ бўлмаган” алоқалар акс этади. Бундай алоқалар парчада тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари асарнинг бош қисмларида қолиб кетганлиги, қаҳрамонлар ўртасида шаклланган муносабатлар ҳам аввалроқ ёритилганлиги ва бошқа шу кабилар туфайли ўқувчи учун мутлақо ноаниқ бўлиб туради ва баъзан парчанинг муайян ерига борганда бирор тафсил орқали ойдинлашади. Масалан, “Besh bolali yigitcha” асаридан олинган парчанинг ўртасига келганда невараларнинг ўз боболари ва бувиларини бунчалик қаттиқ соғинганликларининг сабаби маълум бўлади:

- Roziq tog'am ham kelmadi, - dedi-yu, Sultonning ovozi g'alati qaltirab ketdi, ko'zlaridan miltillab yosh tomchilardi.

- Yig'lama bo'tam, yig'lama, - yupata boshladi bobojonim, - Roziq tog'ang uch oy oldin frontga, jang qilayotgan yigitlarga kiyim-bosh, meva-cheva olib ketgan edi, haliyam qaytгани yo'q...

Ёки “Qutlug' qon” романидан олинган парчада Йўлчи билан Мирзакаримбойнинг кимлиги, уларнинг бир-бирига ғазабли кўзлар билан тикилганининг сабаби баённинг давомида очилади: Yo'lchidagi bu keskin o'zgarish uning avvalgi fikrini ta'kidladi: u Yo'lchining qishloqdan qaytib, birdan g'oyib bo'lishi bilan o'zining Gulnorga uylanishi o'rtasidagi bir bog'lanish borligiga qanoat hosil etgan edi. Chunki Yo'lchining Gulnorni sevishini bilar edi. Lekin u bunga ahamiyat bermay “arazi ko'pga cho'zilmas, yana qaytib xizmatimni bajarar” deb o'ylagan edi. Ammo hozir ish o'ylagancha chiqmadi. Yo'lchining qarori qat'iy ko'rindi.

7-синф “Ўзбек тили” дарслигида “Нон – имон” матни икки қисмда тақдим этилган. Биринчисига “Ишониш қийин бўлган воқеа” деб сарлавҳа қўйилган. Умумий сарлавҳа (“Нон – имон”) матнда асосан нон ҳақида гап боришига ишора қилса, кичик сарлавҳа бирор хунук воқеадан дарак беради. Лекин ўқувчи биринчи абзац орқали воқеанинг қаерда содир бўлганидан хабар топса, иккинчи абзац диққатни болалар талаётган “копток” ка қаратади. Ўз кўзларига ишонмай турган одамнинг олдига келиб, “Нима гап?” деб сўраган кишига берилган жавобдан тепилаётган “копток” ярим буханка нон

эканлиги маълум бўлади. Демак, матннинг ана шу ергача бўлган қисми муаммоли (аниқроғи, муаммоли бошлов, экспозиция) саналади. Ушбу муаммолилиқ ўқувчини билишга ундайди.

7-синф “Ўзбек тили” дарслигида Худойберди Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” романидан келтирилган парчада (“Қаердасан, мактабим?”) неча ёшдаги бола театрга ишга киргани, кўп ўтмай кўчага ҳайдаб юборилгани, агроном бўлиб ишлагани, тезда қувилгани, ўз бошидан кечганларни ҳикоя қилувчи “Нега?” деган саволни ўртага ташлагани, жавобни биргина қалпоқчадан олгани ҳикоя қилинади³. Бу ерда ноаниқликлар кўп. Ҳикоячининг саёҳатчи бўлиш истаги туғилгани, лекин уни саёҳатга олишмагани айтилгандан кейин сафарга чиққанидан буён бўлиб ўтган воқеалар китобхон идрокида икки тушунча ўртасида (саёҳат ва сафар) зиддият келтириб чиқаради. Натижада муаммолилиқ яна ҳам ортади. Романни бошидан ўқиган тақдирдагина вазият билан оз-оздан танишиб бориш орқали муаммолар барҳам топади. Адабий материал сифатида келтирилган парчанинг ҳикояга қараганда мураккаб, “муаммоли” томонларидан бири шунда намоён бўлади. Бундай пайтларда ўқитувчи парча устидаги ишларни ўқувчиларни парчадаги воқеа ичига олиб кириш имконини берадиган изоҳдан бошлайди, матнни ўқиш жараёнида ҳам қисқа, лекин етарли тушунтиришлар бериб боради.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили дарсларида йирик насрий асарлардан келтирилган парчаларни ўқиб ўрганишда улардаги муаммоли жиҳатларнинг сабабларини аниқлаш, асардан узиб олинганлик туфайли юзага келган кемтик ўринларни бартараф этишга қарагилган тадбирлар амалга оширилган тақдирдагина матн мазмунини тушунишда ана шу муаммоли томонлар билан боғлиқ қийинчиликларни олдиндан бартараф этиш мумкин.

Ҳикоя мазмунидаги асосий элемент – персонаж ва у тутган мавқе. Асар қаҳрамонларининг бир-бирига нисбатан тутган мавқеи ўзаро муносабатларида билинади, ўйларида, туйғуларида акс этади, сўзларида ошқор бўлади. Е.Д.Бодрованинг тушунтиришича, “Сюжетга мувофиқ бир персонаж бошқа персонажларнинг мавқелари билан бавосита муносабатга қирадиган бир нечта мавқени эгаллаши мумкин. Сабаб-натижа алоқалари аспектида қаралаётган бу муноса-

³ Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M., O'zbek tili. Ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 7-sinfi uchun darslik. - T.: "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005. 69- b.

батлар сюжетли асарнинг мантикий структурасини ифода этади”⁴. Ҳар хил персонажлар мавқеи ўзаро кетма-кет боғланиб, бир таг маъно учун хизмат қилса, бундай матн идрок этиш учун бир қадар енгил саналади. Муаммоли матнларга эса, аксинча, улардаги мавқеларо сабаб-натига алоқалари бир хил маънода бўлмаган мантикий структура хосдир. Ҳикояни адаптация қилиш унинг мазмунини тўлдирадиган маълумотлар кўшишдан иборат бўлади. Асарда қисқа баён этилган ўринларда, ҳикоянинг таг маъносини англаш қийин бўлганда, изоҳлашга зарурият сезилади. Матнни адаптация қилганда ана шу изоҳлар киритилади, лекин бунда асарнинг асосий таг маъноси ўзгар-тирилмайди, фақат ундаги муаммолилик бартараф этилади, холос. Масалан, асар қаҳрамонининг асарни яхлит бир бутунликда тушуниш учун зарур бўлган фазилатлари ҳақидаги маълумотлар берилади, персонажлар эгаллаган мавқелар ўртасидаги алоқалар тушунтирилади. Е.Д.Бодрова ўтказган тажрибалар шуни кўрсатганки, болалар адаптация қилинган асарни тўғри тушунганлар, оригинални эса яхши англамаганлар. Демак, оригинал асар муаммоли бўлган. Ўқувчилар муаммоли асардаги воқеаларни, айрим ҳатти-ҳаракатларни узук-юлуқ англайдилар.

Х.М.Толипова ҳозирги даврда яратилаётган бадиий асарларга инсбатан “услубан мураккаб”⁵, “мураккаб асарлар” тушунчасини⁶ ишлатади. Ушбу мураккаблик, бир томондан, уларда ишлатилаётган бой лексика ҳисобига амалга ошаётган бўлса, иккинчи томондан, жанр хусусиятлари билан боғланади. Бу нарса русийзабон ўқувчиларнинг билим савиясини назарда тутган ҳолда адабий материал танлаш ишини бирмунча қийинлаштиради.

Шундай қилиб, муаммоли мазмунга эга бўлган сюжетли матнни идрок этиш учун персонажларнинг матнда акс эттирилган барча мавқеларини ўзаро таққослаш, улар орасидаги таг маънога мос келадиган алоқаларни аниқлаш лозим. Русийзабон ўқувчи(талаба)лар учун муължаллаб насрий асарлар танлаш ёки улардан парчалар олишда муаммоли ва мураккаб жиҳат-ларга эътибор бериш, мумкин қадар бу жиҳатларни адаптация давридаёқ қисман бартараф этиш, асарни ўқиш жараёнида эса булар ўқитувчи диққат марказида туриши, қўшимча таълимий чора-тадбирлар қўллашга даъват этиши даркор.

⁴ Бодрова Е.В. Психологические основы понимания литературного текста старшими дошкольниками. Автореферат дисс. ... канд. психол. наук. – М., 1984. 9– с.

⁵ Толипова Х.М. Услубан мураккаб асарлар таржимасининг хусусиятлари (М.А.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романи таржимаси мисолида). Филол.ф.номз. ... дисс.автореферати. – Т., 1994. –3-4- бет.

⁶ Ушбу асар, 6-бет.

Дарс жараёнида предметлараро алоқаларни йўлга қўйиш

К. Досанов, аспирант. ТДПУ

Ўқувчиларга муайян ўқув предмети бўйича билим беришнинг, уларда мазкур соҳага оид бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг ташкилий шакли дарсдир. Ташкилий шакл таълим жараёнининг доимий белгиларидан бири эканлигини мутахассислар кўп марта таъкидлашган. Худди мана шу жараёнда ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган кўплаб кўникма ва малакалар устида ишлаш имконияти бўлади. Шулардан бири сифатида биз предметлараро алоқаларни эслатишимиз мумкин. Дарс ўз иштирокчиларининг таркибига кўра фронтал, гуруҳли ёки индивидуал бўлиши мумкин.

Шунингдек, дарс жараёнида ҳар бир иштирокчининг бажарадиган вазифасига кўра баҳс-мунозара дарслари, конференция дарслари, адабий экскурсия дарслари, семинар дарслари, маслаҳат дарслари бўлиши мумкин.

Дарсда машғулотларни ташкил этишнинг асосий мақсадларидан бири ўқувчиларнинг кенг дунёқарабини шакллантиришдан иборатдир. Предметлараро алоқаларни йўлга қўйиш айти шу мақсадга хизмат қилади.

Республикамиздаги академик лицейлар шароитида тил бўлимларининг, унинг тушунча ва ҳодисаларининг жиддий тарзда ўрганилиши катта назарий ва амалий аҳамият касб этади. Бу бир томондан, она тили имкониятларини онгли ва тизимли тарзда билиш, ўзлаштириш, унинг имкониятларидан ўз ўрнида фойдаланиш сари йўл очса, иккинчи томондан, бадий асар тилига хос бўлган хусусиятларнинг асосий қирралари билан танишиш учун муҳим омил вазифасини ҳам адо этади. Адабиётнинг сўз санъати эканлиги, адабиётнинг энг ўзагини сўз ташкил этиши худди шундай хулосага асос бўла олади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, академик лицейлар мисолида тил ҳодисаларини ўрганиш методикаси масалалари ҳалигача кун тартибига қўйилганича йўқ. Худди шу йўналишда она тили ва адабиёт предметлари ўртасидаги алоқадорликнинг ўзига хосликлари, худди шу фанлар орасидаги предметлараро алоқаларни таъминлашда қўлланадиган иш турлари, оғзаки ва ёзма ишларнинг шакллари, лексик материаллар билан ишлашда айнан предмет-

лараро алоқаларни назарда тутадиган махсус дастур ишлаб чиқилган эмас.

Назаримизда, мазкур муаммони ҳал этишга қаратилган тадқиқотнинг асосий фаразлари қуйидагича бўлиши мумкин:

Агар она тили бўлимларидаги назарий маълумотлар билан адабиёт дарслари орасидаги алоқалар мақсадга мувофиқ тарзда йўлга қўйилса ҳамда бу соҳада ишлашнинг ўзига хос усулларидан фойдаланилса, бундай иш усули натижасида ўқувчиларнинг тилни ҳис этиш имкониятлари кенгайди, уларнинг луғат бойликларининг ортишига имконият яратилади, энг муҳими эса улар бадиий асар тилини ҳам онгли равишда ўзлаштириш даражасига кўтариладилар. Бугина эмас, улар тилнинг ифода имкониятларидан бевосита ўзларининг оғзаки ва ёзма нутқларида амалий жиҳатдан фойдаланишга оид кўникма ва малакаларни ҳам эгаллашади. Бу эса ҳаммасидан кўра ҳам муҳимроқдир. Зеро, битта балиқ берсанг, қорни оч одам бир марта тўяди, агар унга балиқ тутиш йўлини ўргатиб қўядиган бўлса-чи, у умрининг охиригача тўк бўлади.

Фақат бир нарсани эсдан чиқармаслик керакки, предметлараро алоқалар фақат истак билангина ўз-ўзича амалга ошадиган жараён эмас. Бунинг учун жуда катта тайёргарлик ишлари олиб борилиши, улкан материаллар орасидан айнан шу муаммога хизмат қиладиганларини ажратиб олиш керак бўлади.

Тил илмининг алоҳида бўлимлари билан адабиёт дарсларининг қайси мавзулари, айти мавзунинг қайси босқичларида тегишли алоқалар ўрнатилиши олдиндан режалаштирилган бўлиши керак. Бу ҳолат, тасодифийликни, қутилмаганликни бартараф қилади, ҳар бир қаракатнинг муайян педагогик-методик мақсадга тўла хизмат қилишини таъминлайди.

Таълимнинг турли босқичларида сўз ва унинг маънолари устида ишлаш вазифалари хилма-хил бўлиши мумкин. Бошланғич синфларда сўзларнинг луғавий маъноларини аниқлаш муҳим бўладиган бўлса, V-IX синфларда уларнинг ўз ва кўчма маъноларда қўлланишини кузатиш алоҳида аҳамият касб этади.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида эса ўқувчилар учун сўзнинг бадиий адабиётдаги қўлланиши эътиборлироқ бўла бошлайди. Бу ерда услуб турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўқувчилар учун қизиқарлироқдир. Худди шунинг учун бўлса керак, дастур ва дарсликларда ҳам услуб муаммоларига махсус эътибор берилган.

Жумладан, академик лицейлар учун тузилган дарсликда «Услужбият» деган махсус бўлим берилган¹.

Бўлимдаги мисолларнинг асосий қисмининг бадиий адабиётдан олинганлиги ишимизни енгиллаштиради. Унда Фаридиддин Аттор, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Навоий, Шерали Лойиқ, Мукаррама Муродова, Мақсуд Шайхзода ва бошқа ижодкорларининг асарларига мурожаат этилган.

Биз учун 130-машқда берилган иккита мисол жуда ўринли кўринади. Унда наъматак ҳақида гап боради. Гап шундаки, матнларнинг бири илмий услубга, иккинчиси бадиий услубга тегишли. Иккита матннинг ёнма-ён келтирилиши, хусусан, иккинчисининг машҳур адибимиз Ойбек қаламига мансублиги ўқувчиларда ўз-ўзидан қиёслашга ундаб туради. Натижада, предметлараро алоқалар туфайли тилшуносликдаги муҳим тушунчалардан бири – услубшунослик ҳақида яхлит ва мукамал тасаввур уйғотади. Иккита матннинг иккита фан оламига алоқадорлиги эса уларда илмий ва бадиий матнларни ўзаро қиёслаб ўрганиш малакасининг шаклланишига омил бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб иборалари

О.Аметова, аспирант. ТДПУ

Юксак маҳоратли адибларнинг ўзига хосликлари биринчи навбатда уларнинг она тили имкониятларидан нечоғлик усталик билан фойдалана олганларида намоён бўлади. Ҳақиқий қалам эгалари сўзни бадиият майдонида ўйната оладилар. Бундай адибларни ижобий маънодаги сўзбоз деса бўлади. Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзида «сўзчи» деган атама мавжуд. Эҳтимолки, бу маънода адибнинг шу сўзи ўринлидир.

Ҳақиқий маҳорат эгалари тилдаги мавжуд имкониятлардан ўринли фойдаланибгина қолмасдан, бу имкониятларни ўзлари ҳам яратадилар. Бу жиҳатдан Юсуф Хос Ҳожибнинг маҳоратига тан бермасдан илож йўқ. Биргина ибораларни олайлик. Адиб ўз асарида туркий тилнинг ўша даврдаги имкониятларидан жуда унумли фойдаланади. Унинг «йиқти арқа йўлак», «йаши тугади», «тириглик тугатти», «ойи тўлди», «йайи қиш бўлди», «Аши бўлди йиг», «ерга чалди», «қан тутмиш», ибораларни ўз асарида бир неча марта қўлагани фикримизнинг далили бўла олади.

¹ G. Abdurahmonov, D. Xo'jayeva. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Toshkent, "O'qituvchi", 2005, 134 -178-betlar.

Адиб уларни кўллаган пайтда бир неча мақсадларни кўзда тутади. Уларнинг орасида энг дастлабкиси фикрни аниқ ифодалашдан иборатдир:

Ўқиди бу ўглин ўзингга йақин,
Тутуб кучти, кўзда ақитти ақин. (1146)
Бу ўглини ўзига яқинроқ чақирди,
Ушлаб уни кучоғига олди, кўздан ёш оқизди.

Ойтўлди ҳаётнинг баланд-пастини анча-мунча кўрган одам. У қариб қолган. Бунинг устига ўлимнинг яқинлигини ҳам ички бир сезим билан ҳис этиб турибди. Бунинг устига унинг орқасида қолаётган фарзанд – Ўзгурмиш отанинг назарида ҳали анчагина ёш. Борди-ю Ойтўлди вафот этадиган бўлса, ўғилнинг тақдири қандай кечади? Ана шу пайтдаги руҳий ҳолатларнинг ифодаси сифатида юқоридаги мисралар битилган. Айтиш мумкинки, байтда қўлланган фразеологик ибора - «кўзда ақитти ақин» мазкур руҳий ҳолатни аниқ кўрсатиб бера оладиган кучли восита бўла олган.

Шу ерда яна битта байт мавжуд. У фарзанд тарбиясининг қийинлиги билан боғлиқ ҳолда келтирилади:

Ўғул-қиз сақинчи бу тубсуз тенгиз,
Ўғул-қиз сариғ қилди қирғу менгиз. (1150)
Ўғил-қиз ғами – бу тубсиз денгиздир,
Қизил юзни ўғил қиз (ғами) сарғайтиради.

«Сариғ қилди қирғу менгиз» фразеологик ибора бўлиб, бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтган предметни ифодалаш билан характерланади. Ҳолатини ўзгартирган предмет шу мисолда «юз»дир. Туркий адабиётда қизил юз хотиржамликнинг белгиси ҳисобланади. Унинг фаровонлик, соғломлик, гўзаллик билан боғланиб кетадиган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Аксинча, сариқ юз бетобликнинг, изтиробнинг, қийналиш, азоб-уқубатларнинг ташқи кўрсаткичи сифатида эътироф этилади. Юсуф Хос Ҳожиб туркий халқлар бадий тафаккуридаги мана шу фойдаланган ҳолда мазкур иборани кўллаган.

Биттагина фарзандни тарбиялашнинг ўзи оғир. Агар улар кўп бўлса-чи? Байтда қўлланган «ўғил-қиз» жуфт сўзи айтилган мана шу кўпликнинг ифодаси-дир. Демак, бир неча фарзандни тарбиялаб вояга етказиш машаққати кўлами-га кўра анча кенг ва каттадир. Шоир худди шунинг учун ҳам юқоридаги иборадан фойдаланган. Бунинг натижасида эса ўзи айтмоқчи бўлган фикрни жуда аниқ

ифодалашга эришган. Мазкур иборалардан фойдаланиш аниқлик учунгина эмас қисқалик ва таъсирчанлик учун ҳам хизмат қилаётганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Ахир, фарзандни тарбиялаш иши бир кунлик иш эмас. У инсондан жуда узоқ муддатни, катта кучни, бутун бошли умрни талаб қилади. «Қизил юзим сариқ бўлди» иборасида эса мазкур жараёни қамраб олишдек имкон бор, бунинг устига фразеологик иборанинг феъл орқали ифодаланиши мазкур ҳолатда бутун бошли бир жараёни тўлалигича акс эттириш имкониятини ҳам юзага келтирган.

Мазкур асар бу йўналишда жуда катта материаллар беради. Уларни атрофлича ўрганиш эса келажакнинг иши бўлиб турибди.

Ёр-Ёр жанри ҳақида айрим мулоҳазалар

Ҳ.Алиқулова, аспирант. ТДПУ

«Ёр-ёр» - ўзбек маросим фольклоридаги энг фаол жанрлардан бири ҳисобланади. У тўй (никоҳ) маросимининг таркибий қисмларидан биридир. Ёр-ёрлар, одатда, қиз узатиш даври билан боғлиқ. Улар ижро ўрни, усуллари, иштирокчи ва ижрочиларнинг таркибига кўра хилма-хил бўлади, Республикамизнинг турли вилоятларида ҳам уларнинг ўзига хос тарздаги ижролари мавжуд. Бу ҳолат уларнинг тилида ҳам ўз аксини топади:

Биздан бурун пайғамбарлар

Ўтибдикан, ёр-ёр.

Умнатларга йўл солиб,

Кетибдикан, ёр-ёр.

Кўриниб турибдики, «ўтибдикан», «кетибдикан» сўзлари адабий тилдаги қўлланишидан фарқланади. Унинг шевага хослиги кўриниб турибди.

Опанинг эри адабий тилда «почча» деб юритилади. Келиннинг сингиси эса «қайин сингил» бўлади. Самарқанд, Қашқадарё воҳасида уларнинг ўзига хос атамалари мавжуд:

Синглим тушган дарёга

Сой бўлайин, ёр-ёр.

Язнам тушган кемага

Ёй бўлайин ёр-ёр.

Язнам мени таниса,

Болдизиман, ёр-ёр.

Белбоғчага қистирган

Қундузиман ёр-ёр.

Ушбу «ёр-ёр»лардаги «язна», «болдиз» атамалари айнан шева хусусиятларини кўрсатиши билан эътиборлидир. Гарчи бу ерда «язна» сўзи ўрнида «почча»ни қўллаш мумкиндек туюлса-да, кейинги мисолда қўлланган «болдиз» туфайли бу имкониятнинг йўли тўсилади. Чунки, «болдиз»ни «язна»сиз қўллаш мумкин бўлмай қолади. Биринчи банддаги маъно ва мазмунни кўзда тутадиган вариантлар бошқа регионларда ҳам учрайди. Аммо кейинги ҳолат ушбу типдаги «ёр-ёр» ларнинг муайян ҳудудлар билангина алоқадорлигини кўрсатиб туради. Зеро, «қундуз» сўзига «қай-нисингил» ҳеч қачон қофия бўлмайди. Шунга кўра «болдизиман : қундузиман» қофияси ҳам мазкур региондаги «ёр-ёр»лар учун ўзига хос «ўлчов бирлиги» бўлиб келади.

Илдайдаги йигитлар,

Йўлни бошланг, ёр-ёр.

Кекса-кекса хотинлар,

Тўйни бошланг, ёр-ёр.

Бу «ёр-ёр»нинг дастлабки мисрасидаги «илдайдаги» сўзи бошқа регионлар учун тушунарли бўлмаслиги мумкин. Бу табиий ҳамдир. Зеро, у соф шева сўзи бўлиб, буни фақат Бухоро тип шеваларидагина учратамиз, холос.

Қуйидаги шеър ҳам шу шевага алоқадор:

Қўшиш қилинг, совчилар,

Тўй ортилсин, ёр-ёр.

Оғагинам бахтлари

Тез очилсин, ёр-ёр.

Бу ерда «қўшиш» сўзи тожик тилидан кирган ўзлашмадир. Унинг асл ҳолати «қўшиш»дир. «Фарҳанги забони тожики»да бу сўз «жаҳд, саъй, ғайрат»¹ деб изоҳланган.

Тожиклар билан ёнма-ён яшаб келаётган ўзбек шеваларида шутил унсурларининг бевосита халқ кўшиқларига кўчиши ҳам тасодифий эмас. Изофали қулланишлар, тожикча сўзларнинг иштироки бу-нинг очиқ белгилари бўла олади.

Бир химчаи камардай

Бели бордир, ёр-ёр.

Тол химчаи ларзондай

Бўйи бордир, ёр-ёр.

Ўн тўрт кунлик ойдаин

¹ Фарҳанги забони тожики.- М.: 1969, жилди 1. сах. 584.

Рўйи бордир ёр-ёр.

Бу шеърдаги «химчай камар», «ларзон», «рўй», «химчай ларзон» каби сўз ва ифодалар фикримизнинг далили бўла олади.

Шевага оид белгилар баъзан айрим жой номлари билан ҳам ифодаланади. Бироқ жой номларини ҳар доим ҳам фақат мазкур жойнинг ўзигагина алоқадор деб қабул қилиш ўринли бўлмайди. «Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун, ёр-ёр» типдаги жанр намуналари бутун Фарғона водийсида, ҳатто бутун Республикамизда ижро этилиши ҳеч кимга сир эмас.

«Ёр-Ёр» жанри одатда алоҳида олинган терма тўртликлардан иборат бўлади, деб тасаввур қилинади. Ҳақиқатда ҳам, ушбу жанрга мансуб бўлган намуналарнинг аксарият катта қисмида шу хусусият мавжуд. Шунга кўра, уларнинг ижро пайтидаги ўрни анчайин эркин бўлади.

Оқ кўйлагим енгини,

Сўқдим она, ёр-ёр.

Оқ сутинга рози бўл,

Кетдим она, ёр-ёр.

Ёки

Ёмон келин баҳорни

Қиш қилади ёр-ёр,

Яхши келин айттирмай

Иш қилади, ёр-ёр.

сингари бандлар нисбатан эркинроқ жойлашади. Кузатишларимизнинг кўрсатишича, айрим бандлар бир-бири билан мантиқан боғланиб кетган бўлади. Бундай ҳолларда уларнинг муайян изчилликда келиши албатта шарт бўлиб қолади:

Қора-қора кўзилар,

Кўйни бошланг, ёр-ёр.

Қалам қошли янгалар

Ўлан бошланг ёр-ёр.

Қизиқтириб айтсангиз

Бизнинг билан ёр-ёр.

Йиғилишиб кудалар

Танга ташлар, ёр-ёр.

Кўриниб турганидек, бу ерда «ўлан айтмоқ» мантиқий маркази ҳар икки бандни ўзаро бирлаштириб туради. Муҳими, мазкур изчиллик, Ушбу кетма-кетлик мантиқий эҳтиёж тақозоси билан юзага келганлиги очик сезилиб туради.

Бандларнинг ички мантикий алоқадорлиги тасвирдаги объект хусусиятларига ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шунга кўра бундай ҳолатда ўзаро алоқадор бўлган бандлар сираси икки-уч банддан етти-саккиз, ҳатто ўн-ўн икки бандгача давом этиши мумкин.

«Ёр-ёр»ларнинг анъанавий тарздаги кўринишларидан бири бевосита худога бағишловлардан бошланади. Худди шу ерда иерархияли тарзда мантикий занжир тузила боришини кузатиш мумкин бўлади. Бу занжирнинг асосий халқаларини «худо – бисмилло - Куръон», «худо – пайғамбар - уммат» тарзида давом этади. Иккинчи туркум «ёр-ёр»ларда бир композицион усулга бирлашиш тамойили устунлик қилади. Уларга хос бўлган асосий белги, биринчи мисрада олға сурилган бадийий ниятнинг кейинги байтларда мантиқан давом эттирилиши билан алоқадор:

Ёр-ёр айтиб келаман,
Биласизми ёр-ёр,
Ёр-ёримнинг қадрига
Ётасизми, ёр-ёр.

Кейинги бандларнинг барчаси шу туркумга алоқадорликнинг белгиса сифатида биринчи мисранинг такроридан бошланади.

Тавсиф типидagi ҳолатларда ҳам мана шундай ривожланиш кўзга ташланади. Унда келин ёки куёвдаги муайян ижобий сифатлар (баъзан юмористик тасвирлар ҳам) узлуксизлик билан тилга олинади:

Бир химчам камардай
Бели бордир, ёр-ёр.
Тол химчам ларзондай
Бўйи бордир, ёр-ёр.
Ўн тўрт кунлик ойдаин
Рўйи бордир, ёр-ёр.

Бундай тип ёр-ёрларда мантикий алоқадорлик кофия воситасида композицион жиҳатдан ҳам яна бир марта мустаҳкамлаб борилади. Бунинг натижасида бандлар орасидаги мантикий изчиллик жуда кучли товуш таъминотига эга бўлади.

Буларнинг барчаси «ёр-ёр»ларнинг композицион жиҳатдан ҳам бир неча турлари мавжудлигини, уларни илмий тадқиқ этиш эса фольклоршунослигимиз учун бой материаллар беришига шубҳа йўқ.

MUAMMOLI DARSLARNI TASHKIL ETISHGA DOIR

(Fitratning «Yurt qayg`usi» asari asosida)

M. Mirzarahimova

Toshkent shahar, Mirzo Ulug`bek tumani, 112-
o`rta maktabning oliy toifali ona tili va adabiyot
o`qituvchisi

Darsning maqsadi: O`quvchilar o`rtasida muammoli vaziyatni keltirib chiqarish. Muammoni hal etishda ularnu mustaqil fikriga tayanish. G`oyalar ishlab chiqish. O`quvchilar qalbiga istiqloq, Vatan tushunchalarini singdirish, ularni ko`z qorachig`idek asrash, e`zozlash, Vatan oldidagi burchlarini ado etishga shaylantirish kabi fazilatlarini o`stirishdir.

Darsning jihozi: Mustaqillik aks etgan fotosuratlar, Amir Temur sag`anasining suratlari, Fitrat, Amir Temur, Cho`lpon, Abdulla Qodiriy, Usmon Nosirlarning rasmlari, «Yurt qayg`usi» mavzusiga ishlangan buklet. Fitratning «Tanlangan asarlar» kitobi. Tarqatma materiallar.

Texnik vositalar: Magnitafon va videoappaturalar

Darsning shiori: «Vatan -- u mening jon-u tanim, sajdagohimdir, u mening to`lin oyim, tinch omonligim, izzatim, sharafim, ka`bam, qiblam hamda gulistonimdir Dunyoning butun balolari boshimga to`kilsa, zulm cho`lining temir tikonlari ko`zlarimga kirsya yana seni qutqaraman. Men sening uchun tirildim Sening uchun yasharman, sening uchun o`lurman» (Fitrat).

Darsning uslubi: Muammoli dars.

Dars muammolari - Qayg`u nima?

- Yurt qayg`usi....
- Vatan qayerdan boshlanadi?
- Fitratning orzusi ...
- Nega «Vatan» deb yig`ladi Furqat?
- Mustaqillik ne`mati..
- Tinchlik so`zining qadri...

O`quvchilar Fitratning «Yurt qayg`usi» asarini o`rganishda uning hayoti va ijodini mustaqil mutoala qilib, darsga tayyorgarlik ko`rishlari kerak. Darsga kirishish uchun birinchi topshiriq «Zakovat» o`yini bo`lib, «Savol bizdan – javob sizdan» bo`ladi. Har bir to`g`ri javob uchun rag`batga erishasiz. O`quvchilar guruhlariga bo`linib, o`z guruhlari bilan hamkorlikda ishlashi kerak. Yozuvtaxtadagi «Goyalar yig`indisi» ko`rgazmasida guruhingiz uchun ajratilgan bo`lakka o`z fikrlarini yozib

borishadi. Guruhlarning nomi: Fitratlar, Cho'lponlar, Usmon Nosirlar, Qodiriylar bo'lib, magnit lentasidan darsning shiori o'qib eshittiriladi. Shiorlar sharhlangach, quyidagi savollar beriladi:

1. Fitratning asl ismi? (Abdurauf Abdurahmon o'g'li)
2. U nechanchi yilda va qayerda tug'ilgan? (1886 yilda, Buxoroda)
3. Fitrat qayerda tahsil olgan? (Turkiyada)
4. «Fitrat» so'zining ma'nosi nima? (Yangilanish, poklanish, qayta tug'lish)
5. Fitratning qanday drammatik asarlarini bilasiz? («Abulfayzxon», «Chin sevish» «Hind istilochilari»)
6. Fitratning qanday she'riy to'plamlari mavjud? («Sayxa», «Hind sayyohi», «Munozara»)
7. Vatanga muhabbat tuyg'usi, erkin va obod ko'rish istagi bilan yo'g'rilgan asari qaysi? («Yurt qayg'usi»)
8. Atoqli adib Fitrat qaysi yili qamoqqa olindi? (1937)

«Yurt qayg'usi» adabiyotshunoslikda «sochma she'r» deb ataladi. U qofiyalarga solinmagan. Fikrlar she'riy shaklda ifodalangan-u, ichki tartib, shiddatli musiqiylik bor. Shuning uchun ham u she'r. Shunday ekan asardan oliingan har bir parcha o'ta jarangdor ohang bilan o'qilishi shart.

«Turkiyadan dunyoqarashi jiddiy o'sib qaytgan Fitrat Buxoroda jadidchilik harakatining shakllanishi va kengayishida faol qatnashadi.. Bu harakatning asosiy maqsadi Turkistonni mustamlaka kishanlaridan ozod etish, buning uchun xalqda ozodlikka tashna ruh paydo qilish, ma'rifati ko'zini ochish, ijtimoiy ongini o'stirish edi».

1. Vatan haqida shunday bitik bitgan odamning, qalbida yurtiga buncha katta muhabbati bor o'g'lonning o'zi qanday bo'lgan ekan?

2. She'rdagi: «Bag'rim yoniq, yuzim qora, ko'nglim siniq, bo'ynim bukik» singari alamli iqrorlar sababi nimada deb o'ylaysiz?

(Kodoskopdan Samarqanddagi «Go'ri amir» maqbarasi, u yerdagi Amir Temurning sag'anasi, uni ziyorat qiluvchilar, ularning o'ychan nigohlari bir-bir namoyish etiladi. O'quvchilar ko'z oldiga xuddi shu sag'ana yonida Fitratning tizzalari bukilgan, cho'kka tushib o'tirgan, ko'ziari to'la yosh bilan buyuk Temurga qilayotgan murojaati gavdalanishi kerak)

- G'urur nima?

- Men qo'limga topshirdig'ing qilichni tashlab, cholg'uni olmasa edim, Turonim talanmas edi!... - iqrori to'g'risida nima deya olasiz?

- Yurt uchun kurashish o'rniga cholg'u bilan ko'ngil ochish oqibat xayrli bo'ladimi? Ushbu savol sizga og'irlik qilsa, uyingizdagi kattalar bilan maslahatlashib, keyingi darsda javob berishingiz mumkin. O'tgan darslarning birida xuddi shunga o'xshash voqeani kuzatganmisiz?

O'quvchi: Kuzatganmiz. Aynan shunday bo'lmasa ham, To'marisning o'g'li dushmanning xiylasi bilan sharob ichib, kurashni boy beradi. Shunday ekan, ostonada turgan dushmanga bee'tibor bo'lmasdan, juda ma'suliyatli bo'lish kerak.

Fitratlar: Kayxisrav Sparangizni ustidan kulib, uni asirlikdan ozod qilishini aytdi. Sparangiz shunda: - Qo'shinimizning uchdan birini men nobud qildim, Safdoshlarimning qirilib ketishiga men sababchi bo'ldim. Agar endi bo'shatib yuborsalar ham o'z elatimga qaytib ketmayman. Onamning oldiga qaysi yuz bilan boraman,- dedi. Qo'li yechilgandan so'ng qo'ynidan pichoqni chiqarib o'zining ko'ksiga urdi va jon taslim qildi.

Usmon Nosirlar: To'maris elchining gapini tinglab shunday deydi: - Agar elchi bo'lmaganingizda, shul gapni aytgan og'zingizni qum bilan to'ldirar edim. Boshimizdan zar sochganlaringda ham biz erkinlikni qullikka alishtirmaymiz.

Qodiriylar: Shiroq Rustakning huzuriga kirganida shunday degan edi: - Agar mening bola-chaqamni unutmang, o'z shirin jonimdan voz kechib, yurt boshiga kelgan baloni daf etardim. Men el-yurt uchun o'limning shirin sharbatini ichmoqqa qaror qildim, - deya Eron sarkardasining sahro quduqlarini ko'rsatishini so'rab, yalinib - yolvorishlariga ham quloq solmaydi. -«O'z elimning dushmanlariga yordam uchun cho'zadigan qo'limni kesib tashlaganim ma'qul,- deb mardlarcha o'linga yuz tutgan.

Cho'lponlar: Chingiz Aytmatovning «Oltovlon va yettinchi» hikoyasida ham Guram Jo'xadze: - Biz o'zimiz bilan tariqcha narsa olganimiz yo'q. Vatanni olib ketib bo'lmaydi. Faqat sog'inch va armonlarimizni olib ketamiz. Agar vatanni xurjun kabi olib yurish va tashib ketish mumkin bo'lganida, u sariq chaqaga ham arzimadi, - deydi. Ular shu qadar jo'shib, alam bilan kuylashadiki, eshitgan kishi ularni Vatan bilan vidolashayotganini his qiladi.

O'qituvchi: Keltirilgan parchalar va Fitratning «Yurt qayg'usi» she'rida o'xshashlik bormi? Siz qanday kishilarni kashf etdingiz?

- «Men yolg'iz yozuqlarimni iqror etarga emas, Turonga berdigim zararlarni to'lamoq uchun keldim, xoqonim. Mendan nafrat etma! - degan o'tinchi sizga qanday ta'sir qildi? - Nega?

- Vatanga yetkazilgan zararni to'lash mumkinmi?
- Bir kishining joni, qoni vatan uchun, ona zamin uchun kerakmi?
- She'r qahramonining qat'iy qarori ifodasiga e'tibor qiling: «Sening dunyoga sig'magan g'ayratingga ont ichamanki, Turonning eski sharaf va ulug'ligini qaytarmasdan burun oyoqdan turmasman».
- «Dunyolarga sig'magan g'ayrat» egasi kim?
- «Turonning eski sharaf va ulug'ligi» deganda qaysi davrni nazarda tutyapti?

(Magnit tasmadan Nilufar Usmonovanning «Bolam» qo'shig'i eshittiriladi. Qo'shiq davomida guruhlar o'zlari uchun ajratilgan ko'rgazmaga o'z munosabatlari, fikr, g'oyalarini yozib yopishtirdilar. Ular o'qib sharhlangach, «eng yaxshi fikr» deb tan olingan g'oyalar daftarga ko'chirilishi mumkin. Ular quyidagicha bo'lishi mumkin):

1. Fitrat juda qattiq iztirobda, O'z yurtini dushmanlar qo'lida ko'rgan shoir chuqur qayg'uda, shuning uchun ushbu she'r ichidan otilib chiqqan dil izhoridir.

2. Fitrat Amir Temur sag'anasi oldida ming bor ezilib, to'lg'anib uzr so'ramoqda. Chunki, Amir Temur Chingizxon zulmidan vatanni ozod etib, o'zligimizni tanitgan edi.

3. Xalq bo'lib birlasha oladigan, xalq tinchligi, ozodligi deb kurasha oladigan azamat o'lkaning vaqti kelib dushman qo'lida qiynalayotganini ko'rgan Fitrat o'zini kechira olmayapti.

4. Yurt himoyasi uchun bir kishining qoni, joni hech narsa bo'lmaydi. Lekin uning harakatlari, vatanparvarligi, jonkuyarligi boshqalarni ham chorlashi mumkin. Adolat yo'lida kurashga da'vat qilishi mumkin.

5. Buyuk Bobur ham o'zga yurtda shoh bo'lishiga qaramay, o'z vataniga qalandar libosida qaytishga tayyor ekanligidan ko'rinib turibdiki, hech qanday boyluk, mansab ayriliqning o'rmini bosolmaydi.

6. Har bir insonning qalbi yurt qayg'usi bilan yashasin!! Fitrat kabi jonkuyar bo'lsin! Ajdodlarimiz sag'anasi yonida yorug' yuz bilan turaylik!

So'nggi sahifa: «Yashasak bu dunyoda Vatan uchun yashaylik, O'zbekiston Vatandir, chaman uchun yashaylik!», deb nomlanadi. Unda berilgan maqollar davom ettiriladi

1. Vatan gadosi -
2. Ona yurtning omon bo'lsa - kabi ...

Fitratning «Yurt qayg'usi» she'rini yod olish, «Mening Vatanim» sarlavhasi ostida matn yaratish uyga vazifa qilib beriladi.

«Бобурнома» - ҳаққоният йўлида яратилган буюк асар

Ў. Абдураимова, ўқит. ТДПУ

Бугунги кунда мутахассис бўлмаганлар ҳам яхши тасаввур қиладиларки, «Бобурнома» - Бобурнинг ҳаёт дафтари бўлиб, унда Бобурнинг орзу-армонлари, ҳаёт машаққатлари-ю, шодон кунлари ўз аксини топган.

Бобурнинг ахлоқий нуқтаи назари, маънавий таҳлили ғоят бе-шафқат, аёвсиз бўлиб, у ўзгаларнинг фаолияти, ҳатти-ҳаракатларини қандоқ талаблар асосида баҳоласа, бу талабларни энг аввало ўзига қўйиб кўради, яъни пичоқни ўзига уради, сабаби қадим дунёнинг ориф инсонлари оқ қоғоз бетига ёлғон ёзишни гуноҳ деб билганлар, чунки улар ҳамиша сўзни тангри таолонинг номи билан бошлаганлар. Табиийки, Бобур ҳам ана ўшандай муҳитда тарбия топганлиги ва ушбу удумга ўз асарларида қатъий амал қилганлигининг гувоҳи бўламыз.

Бобурдан олдин бадиий адабиётда ҳам бир шоҳ ва шоир ўз кўрган кечирганларини, ютуқ ва камчиликларини шу даражада ҳаққоний ва дадиллик билан очиб берган эмас, ҳинд олимлари «Бобурнома»ни улуг француз адиби Жан Жак Руссонинг «Икром»ига қиёс қиладилар, фақат бу ишни у Руссодан 200 йил олдин қилганлигини ҳам эътироф этадилар.

Ўз замонасининг ёки ундан илгари ўтган давлат арбобларининг сиёсий-ахлоқий ҳатти-ҳаракатларига баҳо берар экан, Заҳириддин Бобур фақат ҳақиқатга таянади ва бўлиб ўтган воқеа – ҳодисаларни фактлар билан исботлайди.

1500-1501 йилларда Кешга келган Заҳириддин Муҳаммад Бобурга Султон Али Мирзо Самарқандни Шайбонийхонга берганлиги ҳақидаги хабар келади. Бу воқеа шундай юз берганди, Султон Али Мирзонинг онаси Зухрабеги оға беақлликдан бир киши орқали махфий равишда Шайбонийхонга хат жўнатади, шу мазмундаким, агар Шайбонийхон уни хотинликка олса, у ҳолда ўғли Шайбонийхонга Самарқандни топширишлиги, қачонки хон отасининг вилоятини олганидан сўнг Султон Али Мирзога Самарқандни қайтариб беришлиги айтилган эди. Шайбонийхон Зухрабегимнинг ваъдаси билан Боғи Майдонга келиб ўрнашади. Туш вақтида Султон Али Мирзо ҳеч кимга хабар қилмай, ҳеч ким билан кенгашмай, Чорраха дарвозасидан бир неча катта-кичик аёнлари билан Боғи

Майдонга Шайбонийхон хузурига боради. Шайбонийхон уни яхши карши олмайди, хаттоки кўришганидан сўнг ўзининг ўтказади.

Султон Али Мирзонинг Шайбонийхон хузурига кетганлигини шитган Хожа Яхё каттиқ изтиробга тушади, ҳеч чора топа олмай, уни ҳам Шайбонийхон хузурига боради. Хожа Яхёни унча хушламай, хаттоки ўрнидан ҳам турмай кутиб олган Шайбонийхон, унга бир неча аччиқ кинояли сўзларни ҳам айтади. Хожа Яхё ўрнидан туриб, кетишга жазм қилгач, Шайбонийхон ўрнидан туриб, Хожа Яхёга таъзим қилади.

Зухрабегим ўзининг эрга тегиш ҳаваси билан ўглининг хонумонини барбод қилади, Султон Али Мирзонинг ўлимига сабаб бўлади, Шайбонийхон унга парво ҳам қилмайди, ақалли чўри ёки канизак ўрнида ҳам кўрмайди, Султон Али Мирзо қатл қилинган, Шайбонийхон Хожа Яхёнинг халқ орасидаги обрўсидан хавфсираганлиги учун, очиқ майдонда қатл қилдиришдан чўчиб, унга икки ўгли Хожа Муҳаммад Зикриё ва Хожи Боқи билан Хуросонга кетишига ижозат беради. Изма-из уларнинг кетидан бир неча ўзбекни юбориб, ҳазрати Хожани икки йигит ўгли билан Хожа Кардзон агрофларида ўлдиртириб юборади.

Хожа Яхёни махфий равишда йўқотишга ҳаракат қилган Шайбонийхон шум нияти ошкор бўлгач, шундай деган эди: «Хожа билан қилинган бу иш менинг амрим билан эмас, балки Қанбарбий ва Қулакбийлар томонидан амалга оширилган», - дея ишни қўл остидаги беклари гарданига юклаб, айбни ўзидан соқит қилмоқчи бўлади. «Бу айтилган сўзлар қилган ишларидан ҳам баттар эди, зеро халқда бир мақол бор «Узраш бата роз гуноҳ», яъни «узри гуноҳидан ёмонроқ», эканлиги «Агар бундай ишларни беклар ўзларича амалга оширсалар, хонлиғ ва подшолигга не ҳожат?»- деган эди Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз эсдаликларида.

Ҳақиқатни куйламокни ўзига шиор қилиб олган, фавқулодда подир истеъдод соҳиби бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур миллатимиз ва халқимиз ифтихори бўлиб қолажак.

Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар фаоллигини ошириш

М. Р. Сатторова ўқит. Навоий ДПИ.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да кўзда тутилган асосий мақсад ўқувчилар онгини

замонавий ғоялар билан ривожлантиришга қаратилган. Айниқса, ёшлар ўз имкониятларидан тўғри фойдаланиши ўз фикрини эркин ва аниқ баён этиши ҳақида жуда кўп фикрлар илгари сурилган. Ёшларимиз ҳар бир дарс жараёнида ўз мустақил фикрларини тўлиқ намоён этишлари бугунги кунда муҳимроқ бўлиб қолди. Бу борада ўқувчилар фаоллигини ошириш таълим ходимларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб бормоқда. Ўқувчи ёки ўқувчиларни дарс жараёнида фаоллиги унинг билимини, иқтидори ҳамда куч-қуввати қай даражада эканлигидан далолат беради. шу билан бирга, унинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун замин яратади.

Таълим жараёнида ўқувчининг ўқув-билув фаолиятини фаоллаштириш жамиятнинг таълим олдига қўйган муҳим талаблардан биридир.

Комил инсон шахсини тарбиялашда муҳим алоқа воситаси саналган тил асосий рол ўйнайди. Ўзбек тили дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларни лингвистик қонун- қоидалар йиғиндиси билан қуроллантириш, уларда тўғри ёзиш малакаларини шакллантириш, эркин ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш мустақил фикрлашга ўргатишдан иборат.

Ўқувчилар билим фаолиятини активлаштириш масаласига бағишланган талайгина адабиётлар мавжуд. Масалан, ўзбек тилшунос олимлари, профессорлар, фан номзодлари, методист олимлар: А.Ғуломов, М.Асқарова, Ҳ.Неъматов, Й.Абдуллаев каби олимларимиз ўзларининг илмий қарашлари орқали жуда кўп монография ва турли адабиётлар яратганлар.

Рус ва бошқа миллат олимларидан Ю.К.Бабанский, М.А.Данилов, Э.Г.Мингазов, Т.И.Шамова каби олимлар бир неча асарлар яратганлар. Шулардан Э.Г.Мингазов куйидаги фикрни илгари суради: “Билим фаоллиги ҳақиқатни исботлаш, турли манбалардан билим олишга иштиёқ, ақлий топшириқларни бажаришга интилиш, ўқув машғулотларига нисбатан фаолият кўрсатиш, билимга қизиқишларда намоён бўлади”- дейди.

Шунга кўра ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ошириш уларнинг мустақил фикрлаши билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини активлаштириш, ёш авлодга фан асосларидан чуқур ва мустақкам билим бериш, шу билимларни амалда қўллаш кўникмалари ҳосил қилиш, ўз дунёқарашини шакллантиришга ёрдам беради. Ҳар қандай дарс жараёнида ўқувчи фаоллиги ошиб боравермайди. У биринчи навбатда ижодий

фикрлаш натижасида юзага келади. Ўқувчи ижодий фикр юритсагина унинг ақлий фаолият ва билим имкониятлари кенгайди.

Модомики фаоллик мустақил ақлий фаолият кўрсатиш, ижодий ивланиш натижасида юзага келар экан, у ўзбек тили дарсларининг мазмуни, ўқитишнинг восита ва усуллари, таълимнинг шарт-шароитларини унга мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбек тили дарсларида ўқувчи фаоллигини ошириш кўп жиҳатдан сўзнинг маъноси ва формаси, грамматик категориялар ва уларнинг нутқда ифодаланишида боғлиқ бўлади.

Масалан, “Морфология”ни ўрганишда ўқувчи фаоллигини ошириш имкониятларидан бири уларни морфологик статистик малакалар билан куроллантиришдир. Ўқувчилар бу бўлимни ўрганиш натижасида нафақат морфологик тушунчалар билан куроллантирилиши, турли грамматик коидаларни эркин фарқлаш ва таҳлилда бемалол топа олишлари, балки морфологиянинг кенг имкониятларидан оғзаки ва ёзма нутқда тўғри ва ўринли фойдаланиш малакаларига ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ўқувчиларни сўз туркумларининг стилистик имкониятларидан нутқда унумли фойдаланишига ўргатиш ўзбек тили ўқитишнинг амалий йўналишини кучайтиради.

Мустақил сўз туркумларидан бири отдир.

Бу сўз туркумининг хусусиятлари аввало улардаги кўплик, эгалик, келишик қўшимчалари ва сўзловчининг ўз нутқиға муносабатини билдирувчи формаларида намоён бўлади. Отлардаги мана шу кўплик қўшимчасининг стилистик хусусиятлари билан таништириш катта амалиётға эға.

Отдаги мавжуд хусусиятларни чуқур ўрганиш, от ясовчи қўшимчаларнинг маъно нозикликлари билан таништириш, ўзбек тилида келишик қўшимчаларининг синонимларини билишға ўргатиш ўқувчилар фаолиятини оширишнинг асосий белгилари ҳисобланади.

Мавжуд дарсликларда отлардаги-лар қўшимчасининг грамматик белгилари асосий ўринни эғаллайди. Ўқувчилар эътибори асосан –лар қўшимчасининг кўплик кўрсатувчи асосий белги эканлиғига қаратилган. Бу қўшимчаниннг нутқ гўзаллигини таъминловчи бошқа маънолари эға эътибордан четда қолади.

-лар қўшимчаси предметнинг бирдан ортиқлигини кўрсатишдан ташқари яна қуйидаги маъноларни анғлатади:

- хурмат маъносини: Бу куйлакни онамларнинг ўзлари тикканлар.

- ноаниклик, кучайтириш, такрорлаш, таъкид каби маъноларни ўтган йилнинг май ойларида сеvimли ёзувчимиз Ў.Ҳошимов билан учрашув ўтказдик. Ватан номи мангу яшар юракларимизда, биз уй-рўзгор ишларида қандай мойлардан фойдаланамиз?

-жамликни: Байрамга Каримлар ҳам таклиф қилинганми?

-лар кўшимчасининг бу меъёрларини билиш ўқувчи фаоллигини янада оширади ва нутқнинг образли бўлишига ёрдам беради.

“От сўз туркми”га оид маълумотларни сўзловчининг ўз нутқига муносабатини маълумотлар билан тўлдириш ҳам ўқувчилар фаолиятининг биридир.

Маълумки, ўзбек тилида **-га, -гина, -чоқ, -чақ, -лок, -лок, -жон, -бону, -гул** сингари кўшимчалар ва сўзлар борки, улар отга қўшилиб, сўзловчининг борлиққа, ўз нутқига ижобий ёки салбий муносабатини англатади. Ўқувчиларни бу кўшимча ва сўзлар билан куроллантириш биринчидан, тил материалларига нисбатан кучли қизиқиш уйғотса, иккинчидан, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан нутқда фойдаланишга ҳамда образли нутқ малакаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Шундай қилиб ўзбек тили ўқитиш жараёнида ўқувчи фаоллигини ошириш учун дарснинг ривожлантирувчи йўналишини кучайтириш лозим бўлади. Шу билан бирга компьютер орқали ишлаш ўқувчиларда тил материалларига нисбатан кучли қизиқиш уйғотади, уларнинг фикрлаш фаолиятларини ўстиради.

Шу билан биргаликда компьютердан фойдаланиш қатор афзалликларга эга. У биринчидан ўқувчиларга тил материалларини ўзлаштиришга нисбатан кучли қизиқиш уйғотса, иккинчидан, билимларни ўзлаштириш жараёнини анча тезлаштиради. Ўқувчи қисқа муддат ичида кўпгина логик - лингвистик масалаларни бажариш имкониятига эга бўлади.

Шу сабабли ўзбек тили дарсларида ҳам компьютердан фойдаланишни илмий чуқур ўрганиш, тилнинг ҳар бир бўлими юзасидан ЭҲМлар учун мўлжалланган махсус ўқув топшириқларини тузиб чиқиш, республикамиздаги илғор ўқитувчиларининг бу борада тўплаётган яхши тадбирларини оммалаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Кубровийлик тариқатида ранглар талқини

У.Аметова, магистрант, ЎзМУ

Дунёнинг ранг-баранг кўриниши исломда муҳим роль ўйнайди. Олим Анри Корбэн ўзининг ранглар бўйича олиб борган тадқиқотларида унинг Эрон ислом қурилиши билан боғлиқлигини айтиб ўтади. Корбэн фикрича, эронликлар учун оқ ранг асосий феномендир. Улар оқ рангга безалган иморатлар бошқаларидан афзалроқ эканлигини таъкид-лашади. Эронда, одатда, масжидлар оқ рангга беа-лади. Улуғ масжидларнинг оқ рангга безалиши, умуман, оқ ранг киши қаршисида Оллоҳнинг пайдо бўлиши таассу-ротидек арқираб кўринади. Оқ рангнинг аслияти “Қуръон”да ҳам баён қилинган. “Оли Имрон” сурасининг 106-107-оятларида имон келтирган, покдил кишилар юз-лари қиёматда оқ қилиниши айтилади: “Ул қуни анда баъ-зи юзлар оқарур ва баъзи юзлар қораюр... Ва аммо одамларики, юзлари оқарур, алар Оллоҳ раҳматига бўлур-лар ва ул раҳматда ҳамиша қолурлар”.¹ “Қуръон”да оқ ранг поклик рамзи сифатида келтирилган экан.

Ислом дунёсида, айниқса, Эронда ранглар кенг маъ-нони акс эттиради: ранг ёруғликдан ташқари асосий энер-гетикани, яъни “Оллоҳнинг намоён бўлиш” кучини ифода-лайди. Бундай ҳолат масжиддаги ҳақиқий мусулмон киши хотирасига “Ан-Нур” сурасидаги: “Оллоҳ ерда ва осмонда ҳам бор” оятини келтиради.²

Тасаввуф назариётчилари ҳам рангга катта эътибор берганлар. Чунки ранг тасаввуфнинг мураккаб рамзлари моҳиятини англашда ёрдам беради. Сўфийлар ранглар орқали руҳий куч-қувватни, руҳоний ҳолатларни кўра билганлар. Ҳамма рангларнинг асли-рангсизлик. Ранг-сизлик оқ ранг билан ифодаланади. Оқ ранг солиқнинг илоҳий даражага қўшилганлигини кўрсатади. Биз буни аза маросимларида марҳумга оқ кафан кийдирилиши билан ҳам изоҳлашимиз мумкин. Оқ кафан марҳумнинг Аллоҳ олдида пок боришини кўрсатишдан ташқари, унинг илоҳий даражага қўшилиши ва Аллоҳга етишганлигини ифодалаб туради. Ёки Каъбатуллоҳ устига ёпиладиган “қисво” ва Каъба зиёратига борган ҳожилар ёпинадиган яктақлар ҳам оқ рангга танланиши ана шу нарсаларга ишора қилади.

¹ Ал-Қуръон Ал-Карим. -Т.:Фан , 2002. - Б. 158.

² <http://www.gavsulazam.de/turk/tasavvuf/hu.htm>

Машхур физик олим Ньютон ҳам рангларнинг асосийси сифатида оқ рангни кўрсатади. Рангларнинг аслияти-ёруғлик манбаи. Ундан таралаётган нур оқ рангли бўлганлиги учун кўзга ташланмайди, лекин нур, яъни оқ ранг ашёга текканда синади ва ранглар (камалакнинг пай-до бўлишини эсланг) юзага келади. Қандай ранг юзага ке-лаётганлиги эса ашёнинг рангига боғлиқ.¹

Тасаввуфда ёруғлик манбаи – Оллоҳ. Оллоҳ нури қалбга тушганда руҳ қайси босқичда бўладиган бўлса, ўша босқичнинг ранги зуҳур этади.

Сўфийларда ҳам оқ ранг асосий ранглардан бири бў-либ, солиқнинг поклигини англатади. Кубровийлик тариқатида ҳам солиқнинг тавба қилиб, тариқатга қадам қўйиши, яъни поклана бориши оқ ранг билан берилади.

XV асрда Ҳиротда яшаган Ҳусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний” асарида аҳли фақир устига киядиган хирқа ва бошига киядиган кулоҳ боғичларининг ранги ҳам муайян маънога ишора қилишини айтиб ўтади. Унинг фикрича ҳам оқ ранг поклик рамзидир: “Агар оқ ранг қайси тоифаники деб сўрасалар жавоб бергилки, оқ ранг кундузнинг рангидир ва дили равшан жамоаникидир ва уларнинг кўкси кудурат, кина ва ғубордан покдир. Агар оқ ранг нимага ишора этади деб сўрасалар айтгил: сут рангига ишорадир. Чунки, сут гўдакларнинг овқати бўлиб, гўдаклар тарбияси ўшанга вобастадир. Бас, оқ кулоҳ кийган киши сут каби покиза бўлсин, гўдак мисоли шаҳвоний хирсу ҳаваслардан пок бўлсин”.²

Ислолда ҳолатларнинг ҳар хил рангда эврилиши тасаввуфнинг барча тариқатларида мавжуд бўлган, лекин кубровийлик тариқатидан бошлаб тизимли тасвирлана бошлаган ва руҳий тараққиётнинг ўзига хос лаҳзаси сифа-тида изоҳланган. Руҳнинг бир рангдан бошқа бир рангга тадрижий равишда ўтиши унинг такомилини англатади. Шайх Нажмиддин Кубро бу ҳақда шундай дейди: “Агар кўз олдинда чексиз бир фазо, бепоён бир кенглик, ундан юксакда мусаффо ҳаво ва охирда бир қанча яшил, қирми-зи, сарик, мовий сингари ранглар гавдаланса, билки, сен ушбу ҳаводан мана шу рангларга етишурсан. Аслида ранглар ҳолларнинг рангларидир”.³

¹ Г. С. Ландсберг. Оптика. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – Б. 10 - 11

² Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавономардлик тариқати. –Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. -Б.44.

³ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Тошкент. Мовароуннаҳр, 2004. -Б. 114.

Шайх Нажмиддин Кубро “Фавойиҳ ул-жамол” рисо-ласида ранглар орқали солиқнинг рухий ҳолатини изоҳ-лайди, Оллоҳ томон сафаридаги даража босқичларини кўрсатиб беради. У солиқ эътиқоди ва иймонини белгилашда асосан етти хил рангга эътибор беради: оқ, сариқ, яшил, зангори, мовий, қизил ва қора. Рангларнинг қилма-қиллиги шуурий кечинмаларнинг давом этаётганини ифодалайди.

Шайх Кубро тариқатининг ўзига хос жиҳати руҳоний кечинмалар, нозик ҳолатларнинг пухта ўргатилишидир. Айтиладики, сўфий Оллоҳ томон сафаридида дастлаб қорон-ғилиқда бўлади, сўнг у ёруғликка чиқиши мумкин. Бу жараёнда у гўзалликни ва аниқликни кўради. Тезда рухий кечинмалар бошланиб, сўфий “латиф” марказларни ўткир-лаштириб бориши ва илғаб олиши керак. Кубро тасав-вуфга асосланган кечинма руҳнинг ўзгариб боришига са-баб бўлишини кўп марта таъкидлаб ўтган. Руҳнинг ўзга-риши эса ҳар қил рангда шарҳланади.

Тасаввуфда ошиқлик, яъни Оллоҳга бўлган кучли му-ҳаббат сариқ ранг билан ифодаланади. Нажмиддин Кубро-да сариқ ранг заифликнинг тимсоли сифатида кўрсатилади. “Заифнинг кучлига қарашга кучи етмас...” дейилади “Фавойиҳ ул-жамол”да. Заиф бу ўринда солиқ, кучли эса Оллоҳ. Солиқ-Оллоҳ жамолига етишиш учун ҳаракатлана-ётган ошиқ. Ошиқликни мажозий маънода кўрадиган бўл-сак, севган киши одатда кучсиз, заиф, севилган киши кучли, яъни олис бир юлдуз сингари бўлади. Шунга кўра Нажмиддин Кубро ҳам сариқ ранг орқали ошиқликни ифодалаган дейишимиз мумкин.

Лекин барча солиқларда ишқ бу рангда берилмайди. Нажмиддин Кубронинг шогирдларидан Мажиддин Бағдодий ошиқлик ҳолатини, яъни ишқни қизил рангда ҳис қилади. Бир гал унинг хонақоҳидаги самоъ мажлисида кўшиқчи қуйидаги байтни ўқийди:

Хуш бофтаанд дар азал жомаи ишқ,

Гар як хатти сабз дар канораш буди.

Маъноси: Азалда ишқ либосини жуда гўзал қилиб тикканлар, қани эди, унинг барида яшил хошияси ҳам бўлса!

Шунда Мажиддин соқолини чангаллаб, фарёд чекади ва кейинги мисрани қуйидаги шаклда қўллайди:

Гар як хатти сурх дар канораш буди.

Маъноси: Қани эди, унинг барида қизил хошия бўлса!

Шундан кейин у қўлини қилич каби бўғзига қадайдиди-да қуйидаги рубойни ўқийди:

Ул баҳри муҳитга кирмак истар кўнглим,

Ё чўксаму, ё инжуга тўлса қўйним.

Этсайдим адо-ишинг хатарли гарчи,

Ишқ рангига эврилса юзим ё бўйним.¹

Кубро қизил ранг орқали кашф ва илҳом билан ҳосил бўладиган, маънавий ва ички тажриба орқали эришила-диган завқий илмни, нафснинг хоҳиш ва истакларига қар-ши туриш ҳолатини, ҳиммат, яъни қудратни ифодалаган. Қудрат Сайёرنинг шайтон ва нафс билан қилган мужоҳа-даси натижасида эришган ютуғидир.

Кубровийликда яшил ранг қалбни яқранглик ҳолига келтиради ва қалб ҳаёти, унинг жонлилиги рамзи ҳисоб-ланади ва Кубро ихтиёрий ўлимни босқичларга ажратар экан, улардан бири мавти аҳдар-яшил ўлим деб кўрса-гади. Яшил ўлим-арзон мато парчаларидан ямоқли кийим кийиш орқали дунё билан боғлиқ орзуларни ўлдиришдир. Хусайн Воиз Кошифий ҳам “Футувватномаи султоний”да яшил рангли хирқани олий ҳимматлилар ва кўнгли хамиша тирик одамлар кийишини айтиб ўтади.

Нафснинг покланган ҳолати рамзини “Фавойих ул-жамол”да мовий рангга кўрамиз. Мовий ранг осмон ранги бўлиб, сулукда тараққий этган, ҳолати баркамол одамлар киядиган хирқанинг ранги бўлган.

Шайх Кубро қора рангни хайрат белгиси ҳисоблаб, руҳнинг фанога фарқ ҳолати рамзи сифатида кўрсатади. Бу рангнинг зухурланиши ҳақида “Фавойих ул-жамол”да шундай дейилади:

“Ақли кабирнинг ранги устида ақиқ тош янглиғ қир-мизи нуқталари бор қора бир лавҳа каби пешонада намоён бўлади. Парданинг йиртилиши нисбати ила каттайиб кичраяди. Бу парда пардаларнинг энг қалини, йиртилиши жуда қийиндир. Бу ранг ғайбат ҳолида кўрилган сайёрни паришон айлар, парчалар, қамраб олар ва силкитар. Бунинг сабаби эса шундай: заифнинг кучлига қарашга кучи етмас. Аммо бу ҳол илк замонларда эмас, тасав-вуфий ҳаётнинг интиҳосида воқеъ бўлади”.²

Руҳнинг рангдан рангга кўчиши охир-оқибатда ранг-сизлик ҳолатига олиб келади. Бунда солиқ ранг-баранг-ликдан қутулиб

¹ Э. Счилов. Муборак сарчашмалар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 74-75

² Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннахр. 2004. – Б.128

вақдат оламига қўшилган бўлади ва у рангсизлик, яъни талвинга кириб келади.

Шайх зикр ҳаётини ранглар билан берар экан, охирда қоладиган ранг сифатида яшил рангни кўрсатади. Завқ табдилида эса тасаввуфий ҳаётнинг интиҳосида қоладиган ранг сифатида қора рангни кўрсатади.

Нажмиддин Кубро руҳиятнинг билимдони сифатида “Фавойих ул-жамоил” рисоласида инсондаги кўз илғамас латиф чегараларни, руҳнинг ҳислар босқичидаги тараққиётини мана шундай ранглар билан ҳам моҳирона кўрсата билган ва талқин қилган.

Ўзбек тили дарсларида талабалар ёзма нутқини шакллантириш

У.Ибрагимова, ўқит. ТДПУ

Талабалар нутқини замон талаблари даражасига кўтариш педагогика олий таълим муассасаларида ўзбек тили машғулотларининг асосий вазифаларидан биридир. Аудиторияда машғулот вақтида тавсия этиладиган хилма-хил топшириқ ва машқлар талабани ўзи мустақил равишда бажариш кўзда тутилган вазифалар билан боғлиқ ҳолда давлат тилидаги нутқни ўстиришга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Ўзбек тили фани талабаларда ёзма нутқни ҳам, оғзаки нутқни ҳам баб-баравар ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ҳар иккала нутқ шаклининг ўзига хос мураккаблик томонлари бор. Ёзма нутқ ҳарф ва сўзларнинг маълум қонуният асосида ўзаро бирикуви, тиниш белгилари, ҳар хил ажратишлар (параграфлар, абзацлар) ва гапларни грамматик жиҳатдан аниқ ҳамда тушунарли баён этиш орқали юзага чиқади. Ёзма нутқ талабадан грамматик ва мазмун жиҳатдан тўғри жумла қуришни, ҳар бир сўзни ўрнида қўллашни, фикрни ихчам, изчил ҳамда услуб жиҳатдан содда ва раван ифодалашни, баён қилинган фикрлар асосида хулосалар чиқаришни талаб этади. Айни вақтда ёзма нутқнинг ўзига хос қулайликлари ҳам бор. Бу уни текшириш, тузатиш ва такомиллаштириш имкониятининг мавжудлигидир.

Талаба нутқидаги хато ва камчиликлар устида ишлайди, уларни тузатади, ёзганларни қайта ўқиб уни тўлдиради. Ёзма ишнинг бу тури ҳам қайта хотирлаш, ҳам қисман ижодий характерга эга бўлган иш бўлиб, талабадан муайян изланувчанликни талаб этади.

Талабаларни ёзма иш турларидан бири тавсифнома ёзишга ўргатишдир.

Тавсифнома маълум бир шахснинг меҳнат ва ижтимоий фаоллиги, шунингдек унинг ўзига хос ҳислати ва фазилатларини аниқ элтирувчи расмий ҳужжат.

Бу расмий ҳужжатнинг асосий зарурий қисмлари куйидагилардан иборат:

1. Тавсифланаётган шахс ҳақида асосий маълумотлар.

а) исми, отасининг исми ва фамилияси;

б) туғилган йили;

в) миллати;

д) маълумоти;

е) лавозими;

ё) илмий даражаси.

2. Ҳужжат номи (тавсифнома).

3. Матн.

4. Имзолар.

5. Сана.

6. Мухр.

Тавсифнома матнини ўзаро мантиқан боғланган уч тартибий қисмга ажратиб кўрсатиш мумкин.


Биринчи қисмда шахснинг меҳнат фаолияти, яъни мутахассислиги, айнан шу корхона, ташкилот ва бошқа жойларда қайси муддатдан буён ишлаётганлиги ёки ўша жараёндаги хизмат вазифасидаги ўзгаришлар ва бошқалар ҳақида маълумот берилади.

Иккинчи қисмда шахснинг шахсий тавсифи, яъни ишга, ўқишга муносабати, маҳорати, сиёсий савияси, оилавий аҳволи, хулқ-атвори, ҳатто баъзида сийрати, жамоа аъзоларига муносабати, қандай мукофотларга сазовор бўлганлиги ва бошқа асосий раҳбатлантиришлари қайд этилади. Холис бўлиш учун камчилиги ҳам кўрсатилиб, истак билдирилади.

Учинчи қисмда эса юқорида баён қилинганлардан хулоса чиқарилади ва тавсифнома қандай мақсадда ёки нима учун берилганлиги кўрсатилади.

Тавсифнома матни учинчи шахс тилидан баён қилинади, шахсни тавсифлашда «ҳалол», «топшириқларни вақтида бажарадиган», «меҳнатсевар», «талабчан», «ташаббускор», «тезкор», «принципиал», «интизомли» каби сифатлардан фойдаланилади. Қоидага кўра тавсифномага икки шахс: муассаса (ёки бўлинма)

бошлиги ва касаба уюшмаси ташкилотининг раиси имзо чекади ва улар имзоси юмалоқ муҳр билан тасдиқланади. Тавсифномаларнинг «нишлаб чиқариш», «тавсифномаси», «тавсифий тавсиянома», «Хизмат тавсияномаси» каби турлари мавжуд бўлиб, улар айрим хусусиятлари жиҳатидан ўзаро фарқланади. Барча юқоридаги маълумотлар билан талабаларни таништириб бўлингач, доскага тавсифнома шакли қуйидагича тавсия этилади.



Тавсия этилган тавсифнома шакли билан бирга «Менинг оилам», «менинг дўстим», «Мен севган касб», «Тошкент» каби суратни плакатларни ҳам доскага осиб қўйиш талабаларни мустақил фикрлашга суратлар ёрдамида содда гаплар тузишга имкони яратилади. Шундай имкониятдан фойдаланиб талабаларга (луғат ёзишни тавсия этилади).

миллат	муҳр
маълумот	мукофот
лавозим	ташаббускор
илмий даража	тезкор
унвон	талабчан
ҳужжат	ҳалол
тавсифнома	ингизомли
матн	
имзо	
сана	

каби сўзлардан иборат бўлган луғат тузилиб бу сўзлар ёзма рус тилига таржима қилдирилади. Бу топшириқ тўғри бажарилганига ишонч ҳосил қилинган, навбатдаги топшириқ берилади.

Иккинчи топшириқ. Қуйидаги маълумотномани тўлдириг.

1. Исмингиз, фамилиянгиз;
2. Ота-онангизнинг исми-фамилияси;
3. Туғилган жойингиз;
4. Турар жойингиз;
5. Миллатингиз;
6. Маълумотингиз.

Учинчи топшириқ. Қуйидаги матнни ўзбек тилига таржима қилинг.

Я буду учителем.

Я учусь в педагогическом университете. Я очень люблю детей. Мне нравится работать с детьми. Я хочу видеть их рост. Я буду учителем и постараюсь дать хорошие знания своим ученикам, воспитать их патриотами.

Тўртинчи топшириқ. Таржима қилинган матндаги барча сўзларни бўғинларга ажратиб ёзинг:

педагогика, университет, ўқитувчи, болалар, яхши кўраман, билим, ўқийман ва ҳоказолар.

Бешинчи топшириқ: Таржимаи ҳолингизни ёзинг.

Берилган топшириқларни тўғри бажарилганлигини ва ёзилганлигини аниқлаш учун оғзаки савол-жавоб ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу усул ёрдамида талабалар ёзма нутқидаги хато ва камчиликлар устида ишлайди, уларни тузатади, ёзганларини қайта ўқиб уни тўлдиради.

Олтинчи топшириқ. Тавсифнома шакли асосида тавсифнома ёзиб келиш.

Талабалар ёзма нутқини шакллантиришда буйруқ, қарор, қонун матнлари тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун аввало улар тилга олинган бу расмий ҳужжатларнинг тил хусусиятлари билан таниш бўлишлари, уларнинг ҳар бирини ёзишга қуйиладиган талабларини билишлари лозим.

Юсуф Хос Ҳожибнинг изоҳлаш санъати

Р. Тўданбоев, аспирант, ТДПУ

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари ўн биринчи асрнинг мухташам ёдгорлигигина эмас, балки сўз санъатининг ажойиб дурдонаси ҳамдир. Унда Юсуф Хос Ҳожибнинг поэтик даҳоси ўзига хос тарзда намоён бўлган. Адибнинг тасвирлаш усуллари ниҳоятда ўзига хос, такрорланмас, шу билан бирга жозибалидир. Биргина ишонтириш санъатини кўздан кечириб оқ бу фикрларга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Адиб ўз фикр-мулоҳазаларини ифода этар экан, уларнинг тингловчи (ўқувчи) томонидан истисносиз тарзда юксак ишонч билан қабул қилинишини истади. Бунга реал шароитларни яратишга ҳам ҳаракат қилади. Бунинг биринчи йўли, табиийки, ҳаётий мантиқдир.

Доноларнинг нодон ва жоҳил одамларга ўз фикр-мулоҳазаларини айтишлари, уларни тўғри йўлга солишлари жоиз. Бу ҳаётнинг ўз мантиқи билан ҳам тақазо этиладиган ҳолат. Аммо шоир унинг таъсир кучини, ишончлилиқ даражасини ошириш учун бошқа бир далилни ҳам келтиради. Агар, дейди у, ғаввос денгизнинг тубидан дуру жавоҳирларни олиб чиқмаса, уларнинг оддий сой тошидан нима фарқи қолади. Худи шунга ўхшаш, донолар ҳам ўз кўнгил тубларидаги билим ва заковатларини нодон ва жоҳилларга етказмас экан, бундан жамиятга ҳеч бир наф келтирилмайди.

Далиллашнинг бошқа бир кўриниши муайян изоҳлар билан алоқадор. Адиб тадбирли кишини далолат беришга чорлайди:

Неку тер, эшитгил, сақинук киши,

Сақинук киши ул кишилар баши. (1049)

Тадбирли киши нима дейди, эшитгин,

Тадбирли киши - барча кишиларнинг боши.

Дастлабки мисрада «сақинук» – тадбирли киши ҳақида эслатилляпти. Кейинги мисрада эса бунинг сабаби очилмоқда. Нима учун айнан тадбирли кишининг гапига – фикрига кулоқ солиш керак? Чунки, у бошқаларга бош (ақл) бўла олади.

Изоҳнинг бошқа бир шакли биринчи мисрадаги асосий ургу тушган персонажнинг муайян эзгу фазилатини ёритишга қаратилади:

Неку тер, эшитгил, қари кўкламиш,

Синамиш уқуб ҳам билиб сўзламиш.

Улғайған қари (киши) нима дейди, эшитгин,
Синаган, уққан ҳамда билиб сўзлаган киши.

Бу ерда фикр эгасининг ёши улуғ («қари кўкламиш»). Аммо бунинг ўзи ҳали камлик қилади. Шунга кўра, унинг «Синаган, уққан ҳамда билиб сўзлаган киши» эканлиги алоҳиджа уқтирилади.

Мазкур усул куйидаги байт учун ҳам хосдир:

Неку тер, эшитгил, етилмиш йаши,

Тиригликда кўркук, бутун, чин киши.

Ёши етилган (киши) нима дейди, эшитгин,

Ҳаётида жуда эҳтиёткор, етук, чин киши.

Бу ерда ҳам, дастлаб, ёши улуғ кишининг фикрига эътибор тортиляпти. Шоир уни кам ҳисоблаб, сўзловчининг шахси-га янада аниқлик киритилишини зарур деб билмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги мисрада унинг «Тиригликда кўркук, бутун, чин киши» эканлигини ҳам махсус уқтиришни ўринли деб топмоқда.

Изоҳнинг яна бир тури сабаб ва оқибат муносабатларини кўзда тутеди. Шоир муайян фикр эгасига эътиборни тортар экан, бунинг сабабини ҳам кўрсатиб ўтишга зарурат сезади:

Неку тер, эшит бу авучқа сўзи,

Авучға сўзи тутса, ачлур кўзи. (4049)

Қария сўзини эшитгин, (у) нима дейди,

Ким қария сўзига амал қилса, кўзи очилади.

Кўриниб турибдики, шоир бу ерда ҳам йши улуғ кишининг мулоҳазасига эътиборни тортган. Аммо унинг ёнида яна бир тўлдиришнинг, кўшимчанинг зарурлигини ҳам ортиқча билмаган. Натижада, бу сўзларга амал қилишнинг ҳаётий манфаати ҳақидаги мисра келиб чикқан.

Буларнинг барчаси шунини кўрсатдики, қадимги туркий адабиётда бадий тасвирнинг ранг-баранг шакл ва усуллари мавжуд бўлган. Улар бадий асарнинг сеҳр ва мўъжизасини яратишда ўзига хо сбир омил вазифасини адо этган. Натижада уларнинг таъсирчанлиги, киши кўнглига ўтиришилиги юзага келган. Бугунгача ҳам қалбларни ҳайратга солиб келаётган мазкур бадий жозибанинг бир қирраси ушбу изоҳлар билан боғлиқ эканлиги эса уларни махсус илмий тадқиқ этишга эҳтиёж борлигини кўрсатиб турибди.

МУНДАРИЖА:

Бегимкулов У. Ардоқли методист олима ҳақида сўз.	3
Тўхлиев Б. Навойнинг эпик асарларини таҳлил қилиш	7
Ҳомидов Ҳ. Хоразмшоҳлар малик уш-шуароси	17
Йўлдошев Қ. Мукамал ўқув режалари-таълим самарадорлиги гарови	20
Ёрматов И. «Гўзал» ни хунук тушунмайлик	29
Мирқосимова М. Касб-ҳунар коллежлари адабий таълимида қаҳрамон образини ўрганиш.	33
Йўлдошев И. Терминологияда дублетлик ва уни бартараф этиш	36
Абдулахатова Р. Янги педагогик технология ва унинг тамойиллари.	39
Иноғомова Р. Она тилидан махсус фанларни ўқитишда мавзулараро алоқадорликни таъминлаш	42
Ниязметова Т. Истиклол даври адабиётини ўрганиш.	44
Ниязметова Р. Адабий материални ўқиш ва таҳлил қилиш ..	50
Турсунпўлатов М., Файзуллаев Б. Ўқувчилар нутқида учрайдиган сўзлашув нутқи ва шевага хос нуқсонлар. ...	47
Хамрақулова Х. Бадий адабиётда ҳаёт ва мамот тасвири. .	55
Зиёдова Т. МЯБТ-4 универсал модули асосида матн яратиш. .	59
Абдувалитов Е. Аҳмет Байтурсынов–Ўдебиеттанушы алым. .	65
Исаева Ш. Маҳораг мактаби.	68
Юсупова Т. Мавзу билан боғламаган ҳолда такрорлаш.	71
Жумашов Д. Она тили дарсларида мустақил ишлар.	73
Абдурахмонова Б. 8-синфда «Кутадғу билиг»ни ўрганиш. ...	80
Ядгаров Қ. Бадий асар тилини таҳлил қилишнинг айрим шакл ва усуллари ҳақида.	84
Иботов С. Таржимада миллийликнинг ўрни.	88
Тилавова Г. Ёрдамчи сўзларни ўрганиш хусусиятлари.	91
Ашурова Г. Тасаввуф ва Абдулла Орипов ижоди	95
Ҳамидова М. Анвар Обиддон шеърларини ўрганишда фольклор анъаналарини эътиборга олиш	98
Эшчонова Г. Шеърый асар ҳамда лексик ва грамматик тайёргарлик	101
Одилова С. Сайид Қосимий ҳикоялари таснифига доир ...	105
Мисирова Ў. Ўзбек тилини ўрганиш жараёнида	

ўлкашунослик материаллари устида ишлаш	107
Мирсамиқова Р. Қасидада қаҳрамон руҳияти	111
Ходжаева Д. Рабғузий ҳикояларининг тилини ўрганиш	116
Ахмедова Н. Мурожаат бирликларининг вазифалари	118
Акбарова Д. Ўзбек тили дарсларида насрий асарларни ўрганиш	120
Досанов К. Дарс жараёнида предметлараро алоқалар	124
Аметова О. Юсуф Хос Ҳожиб иборалари	126
Алиқулова Ҳ. Ёр-Ёр жанри ҳақида айрим мулоҳазалар	128
Mirzarahimova M. Muammoli darslarni tashkil etishga doir (Fitratning «Yurt qayg`usi» asari asosida)	132
Абдураимова Ў. «Бобурнома»да ҳаққоният ифодаси	136
Сатторова М. Ўзбек тили дарсларини ўқитишда ўқувчилар фаоллигини ошириш дидактикаси	137
Аметова У. Кубровийликда ранглар талқини	141
Ибрагимова У. Ўзбек тили дарсларида талабалар ёзма нутқини шакллантириш	145
Тўланбоев Р. Юсуф Хос Ҳожибнинг изоҳлаш санъати	149

45 — буюртма. 300 нусха. Ҳажми 9,8 б.т.
2007 йил 8 июнда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида
нашр қилинди.

1196 =

011339 / 29



Туйғуной Ниязметова

- 10.06.1937 - Бухоро вилояти, Кармана туманида туғилган.
- 1960-1961 - Тошкент шаҳар 51-мактаб ўзбек тили ўқитувчиси
- 1961-1967 Тошкент шаҳар Панфилов номли мактаб-интернатида тарбиячи.
- 1967 – С.Раҳимов туман 111-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси (ўриндош).
- 1965-1967 К.Д.Ушинский (Ҳозирги Абдулла Авлоний) номли халқ таълим ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтида методист.
- 1994 Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.
- 1997-2002 Республика таълим маркази «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси», «Умумий ўрта таълим» бўлим бошлиғи.
- 2002 ҳ.в Низомий номидаги ТДПУ «Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси» кафедрасида доцент лавозимида ишлаб келмоқда.